

Мундарижа

Солиқ юки		
Шавкат ТУРАЕВ. Иқтисодиётда солиқ юкини баҳолаш йўналишлари	3	
Олий таълим		
Хайрилла РЕЖАПОВ. Таълим хизматлари маркетинги орқали олий таълим ва меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш йўналишлари	6	
Таълим		
Жасурбек МАХМУДОВ, Зухра МАДИЕВА, Муқаддас ЭЛБАЕВА, Манзура КАМАЛОВА. Кўчмас мулк объектларини бошқариш бўйича хорижий электрон платформалар шарҳи	10	
Бандлик		
Бердинуро БОЗОРОВ, Асилбек РАШИДОВ. Хушхаллик ёшлар бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни камайтириш	13	
Кўчмас мулк		
Диалора МИРДЖАЛИЛОВА, Наргиза ЮСУПДЖАНОВА, Нилуфар АХМЕДОВА, Фотима УМИДОВА. Кўчмас мулк объектларини бошқариш бўйича миллий электрон платформалар шарҳи	16	
Давлат бюджети		
Мансур МАНСУРОВ. Давлат бюджети даромадларини газна ижроси	19	
Хизматлар соҳаси		
Юлдаз УРУНБАЕВА. Хизматлар соҳасини ривожлантириш – муҳим стратегик вазифаларни ҳал этишнинг асосий омил	23	
Давлат-хусусий шерикчилик		
Гулнорахан УТЕМУРАТОВА. Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклиги механизмининг ривожлантириш асосида инвестициялар самарадорлигини ошириш	27	
Хориж тажрибаси		
Мансур МАНСУРОВ. Бюджетни ижро этишда газначилик тизимининг жаҳон тажрибаси	30	
Рақаман иқтисодиёт		
Зухра ОТАҚУЗИЕВА. Рақаман иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишининг концептуал модели	34	
Таълим хизматлари		
Жавлон ТОХИРОВ. Таълим хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари	39	
Туризм		
Мохитнур НУРФАЙЗИЕВА. Туризмга инвестицияларни жалб қилишнинг истиқболли йўналишлари	43	
Нигоҳ		
Нилуфар ШАНАЗАРОВА. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланишида автомобиль транспорти ва йўлларнинг муҳим кўрсаткичи сифатида	46	
Услубиёт		
Қуралбай БЕКБОСЫНОВ, Жулдыз ПИРНАЗАРОВА. Акциядорлик жамиятларида маҳсулот таннархи калькуляциясининг ўзига хос хусусиятлари	50	
Саноат		
Жавлонбек ХАЛИМОВ. Саноатни рақамлаштиришда давлат минтақавий сиёсати	54	
Истиқбола		
Мохира ЗАРИПОВА. Хоразм вилоятида туризмнинг истиқболли турларини ривожлантириш йўналишлари	59	
Инсон капитали		
Малоҳат САРИМСАКОВА. Рақаман иқтисодиётни ривожлантиришда меҳнат ресурсларининг ўрни	63	
Кун мавзуси		
Диалод ХУДАЙБЕРГАНОВ. Товарлар ва хизматлар бозорини ривожлантиришнинг хориж тажрибалари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари	67	
Кичик бизнес		
Равшан МАВРУЛОВ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий фойалигини баҳолаш самарадорлигини ошириш методологияси	73	
Қишлоқ хўжалиги		
Сулганияз БАЛТАШОВ. Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланишини баҳолаш	77	
Инвестиция		
Гулчехра НАСРИТДИНОВА. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг имлий-назарий жиҳатлари	81	
Иновация		
Шерзод КУЛДАШЕВ. Олий таълим муассасаларининг инновацион ривожланиш механизмининг такомиллаштириш	86	
Транспорт хизматлари		
Элбек ХОДЖАНИЯЗОВ. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантиришда транспорт хизматларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари	90	
Капитал бозори		
Жаҳонгир ЙЎЛДОШЕВ. Қимматли қозғалар бозорини ривожлантириш йўллари	95	
Бошқарув		
Даврон БОЙДАДАЕВ. Олий таълим муассасасининг бошқарув тизимига хос бўлган диагностика моделлар классификацияси	98	
Моделаштириш		
Фаррух ҚОДИРОВ. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг моделаштириш тизимли имитация қилиш	102	
Назария		
Бекзод ИСКАНДАРОВ. Қурилиш материаллари саноати акциядорлик корхоналарини бошқаришнинг имлий-назарий жиҳатлари	106	
Долзарб мавзу		
Нилуфар КАХАРОВА. Саноат корхоналарида аутсорсинг тўғрисида қарор қабул қилиш кўрсаткичлари	110	
Озиқ-овқат хавфсизлиги		
Сирожидадин ЯНГИБОЕВ. Аграр соҳага инвестиция киритиш – мамакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш омил	114	
Рақобатбардошлик		
Нафосат ИБРОҲИМОВА. Кичик корхоналар инвестицион жозибадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш	117	
Тадбиркорлик		
Мухаммад ЖУМАЕВА. Тадбиркорликда аёлларни иш билан бандлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари	120	
Тараққиёт		
Маъсуда РАХМАТОВА. Газни қайта ишлаш саноатини дастурий таъминотлар асосида такомиллаштириш йўллари	123	
Йўл хўжалиги		
Абдинаби ХИММАТОВ. Йўл хўжалиги тизимини ривожлантириш истиқболлари: транспорт тизимидаги мавжуд муаммолар	126	
Банк иши		
Маъсуда МҶМИНОВА. Германия банк тизимини ривожланиш омиллари	129	

Содержание

Цифровизация бизнеса		
Фатима КАСИМОВА. Особенности цифрового маркетинга в малом бизнесе и предпринимательстве	132	
Рынок труда		
Нодирахон ХОДЖАЕВА. Проблемы развития рынка труда и возможности их решения на основе перехода к "зеленой" экономике	135	
Цифровой маркетинг		
Фатима КАСИМОВА. Модель стимулирования развития цифрового маркетинга в малом бизнесе и предпринимательстве	139	
«Зеленая» экономика		
Фарид САГИДУЛЛИН. Влияние «зеленой» экономики на объем занятости в Узбекистане	143	

ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

Gerhard FELDMEYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)

доктор экономических наук, профессор (Германия)

Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)

доктор экономических наук, профессор (Япония)

Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)

доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

Нагмет АИМБЕТОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

Юрий ОДЕГОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

доктор экономических наук, профессор (Россия)

Фармонкул ЭГАМБЕРДИЕВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Игорь БУТИКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Мухиддин КАЛОНОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Абдурашид ҚОДИРОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Адхам БЕКМУРОДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Мухиддин ПЎЛАТОВ

иқтисодиёт фанлари доктори

доктор экономических наук

Дурбек АХМЕДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Бахтиёр ИСЛОМОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Баҳодир УМУРЗАКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

УЎТ: 336.225.613

Иқтисодиётда солиқ юкини баҳолаш йўналишлари Направления оценки налоговой нагрузки в экономике Areas of assessment of the tax burden in the economy

Шавкат ТЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири,
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент.

Аннотация

Мақолада иқтисодиётда солиқ юки ва уни баҳолаш муаммолари, солиқ юкини макродарада, мезодаражада, микродаражада баҳолаш ва ҳисоблаш каби муаммолар кўриб чиқилган. Шунингдек, иқтисодиётда солиқ юкини баҳолаш ва ҳисоблаш усуллари келтирилган.

В данной статье рассматриваются такие проблемы, как налоговая нагрузка в экономике, проблемы оценки налоговой нагрузки, оценка и расчет налоговой нагрузки на макро-, мезодермальном, микроуровне. Существуют также методы оценки и расчета налоговой нагрузки в экономике.

This article discusses problems such as tax burden in the economy, tax burden assessment problems, assessment and calculation of tax burden at macro, mesoderm, micro level. There are also methods for estimating and calculating the tax burden in the economy.

Солиқ юки ва сиёсатининг макроиқтисодиётга таъсири катта. Мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўзгариши ҳам солиқ сиёсатининг самарасига бевосита боғлиқ. Солиқ юкининг макроиқтисодиётга таъсирини ялпи талаб ва таклифга, инвестицион муҳитга, истеъмолга, барқарорликка таъсири каби масалалар билан баҳолаш мумкин.

Солиқ ва солиққа тортиш муносабатларининг кўрсаткичи ҳисобланган солиқ юки моҳият жиҳатидан, энг аввало, аҳоли ва хусусий сектордаги молиявий ресурсларнинг маълум қисмини давлат фойдасига ундириб олинishi билан тавсифланади. Шу боис солиқ юкининг миқдор кўрсаткичлари ёрдамида ифодалашга оид илмий мунозаралар доим долзарб бўлиб келган.

Солиқ юки кўрсаткичи асосида давлат ўзининг ижтимоий сиёсатини ишлаб чиқади. Мудофаа,

қўриқлаш хизматлари, маориф, тиббиёт, фан ва таълим харажатларини режалаштиради. Яъни, давлат аҳолига турли хил хизматлар кўрсатади. Шу сабабли аҳоли ва юридик шахслардан солиқ ундирилади. Бу ерда солиқ миқдорини оптимал даражасини белгилаш муаммо саналади. Чунки, солиқ тўловчи давлатга тўлаган солиқлари миқдорида ижтимоий хизматлар олишни хоҳлайди. Шу аснода давлат солиқ юкини белгилайди ва солиқ тўловчиларга турли хизматлар кўрсатиш орқали маблағларни қайтаради.

Солиқ юки кўрсаткичларидан хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолияти натижадорлигини белгилашда фойдаланилади. Ишлаб чиқаришга капитал қўйилмаларнинг устувор йўналишларини белгилаб беради. Қолаверса, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва пасайтириш, иқтисодиётни тар-

Калит сўзлар: солиқ юки, оптимал солиқ юки, солиқ юкини баҳолаш, иқтисодиёт даражаларида солиқ юкини баҳолаш ва ҳисоблаш.

тибга солиш, янги иш ўринларини яратиш, хўжалик субъектларини истеъмол ва жамғармасини меъёрлаштириш, инвестицияларни йўналтириш каби масалаларни ҳал этишда солиқ юки кўрсаткичи катта ёрдам беради.

Илмий изланишларга кўра, солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ юкини ошириш (солиқ ставкаларини ошириш, солиқ имтиёзларини бекор қилиш) натижасида дастлаб солиқ тушумлари ортади, лекин энг юқори чўққига етгач, яна пасайишга мойиллик сезади. Оқибатда бюджетга тушумлар камайиб, солиқ тўловчиларнинг муайян қисми таназзулга юз тутаяди ёки ишлаб чиқариш миқдори пасаяди. Солиқ тўловчиларнинг бир қисми солиқ тўлашдан ўзини олиб қочади. Оқибатда яширин иқтисодиётга йўл очилади.

Солиқ юки макроиқтисодий даражада давлат бюджети даромадларининг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатан аниқланади. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бу амалиёт кенг қўлланилади ва амалдаги солиқ юки даражасини баҳолаш учун асос бўлади.

Мамлакатда макродаражадаги солиқ юкини баҳолашнинг қуйидаги усули иқтисодиётдаги ҳақиқий ҳолатини ифодалаб беради:

$$C_{\text{ю}} = (\text{Дбпк} * \text{Сйд}) / \text{ЯИМ}$$

Бу ерда:

С_ю – макродаражадаги солиқ юки;

Дбпк – давлат бюджети прогноз кўрсаткичлари;

Сйд – солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси;

ЯИМ – ялпи ички маҳсулот.

Келтирилган мазкур усулнинг аҳамияти шундаки, давлат бюджетининг прогноз кўрсаткичлари ҳар доим ҳам тўлиқ бажарилмайди. Солиқ тўловчиларга берилган имтиёзлар ва давлат бюджетига келиб тушмаган, лекин ҳисобланган солиқлар бўйича қарздорлик суммалари ҳам ҳисобга олинмайди. Шу мақсадда макродаражадаги солиқ юкини ҳисоблашда давлат бюджетининг прогноз кўрсаткичлари ва солиқларнинг йиғилувчанлик даражасидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Солиқ сиёсатини амалга оширишда ҳудудларнинг солиқ салоҳияти ва солиқ юки ўзаро алоқадор. Солиқ юкини ҳудудлар бўйича тақсимотини ўрганиш – ҳудудларни ривожлантиришда, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда, инвестицияларни йўналтиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Фикримизча, ҳудудларда солиқ юкини баҳолашда ҳудудлардан ундирилаётган солиқ ва тўлов-

лар суммасини ўша ернинг ялпи маҳсулотига нисбатан аниқлаш ўринли:

$$X_{\text{сю}} = X_{\text{ст}} / \text{ЯХМ}$$

Бу ерда:

X_{сю} – ҳудуднинг солиқ юки кўрсаткичи;

X_{ст} – ҳудуддан ундирилаётган солиқ ва тўловлар;

ЯХМ – ялпи ҳудудий маҳсулот.

Мазкур усулдан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда кенг фойдаланиш мумкин.

Солиқ тизимини самарали ташкил этиш ва унинг рағбатлантирувчилик родини кучайтириш корхоналар фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Шу боис тизимнинг содда ва аниқлиги солиқ тўловчиларнинг мажбуриятини вақтида ва тўлиқ амалга оширишга хизмат қилади.

Юридик шахсларда солиқ юкини баҳолаш масаласи хорижий адабиётларда ва айрим маҳаллий илмий ишларда ёритилган. Лекин юридик шахслар зиммасидаги солиқ юкини баҳолаш ва аниқлаш бо-расида ягона ёндашув мавжуд эмас.

Фикримизча, юридик шахсларнинг солиқ юкини баҳолашда уларнинг барча тўлайдиган солиқ ва тўловларининг йиғиндисини янгидан яратилган қийматга нисбатан аниқлаш лозим. Шунингдек, соф ва умумий солиқ юкини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Бу ерда соф солиқ юки юридик шахсларнинг тўлайдиган барча солиқлари, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга қиладиган ажратмаларини юкини ифодалаб берса, умумий солиқ юки эса юридик шахсларнинг солиқ, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга қиладиган ажратмаларини ҳамда ишчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқлар ва ажратмалар юкини ифодалаб беради. Хусусан:

а) юридик шахсларнинг соф солиқ юки:

$$C_{\text{сю}} = X_{\text{тбс}} / K_{\text{к}}$$

Бу ерда:

C_{сю} – юридик шахсларнинг соф солиқ юки;

X_{тбс} – юридик шахс тўлайдиган барча солиқлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар;

K_к – юридик шахсларнинг янгидан яратган қиймати ёки қўшилган қиймат.

б) юридик шахсларнинг умумий солиқ юки:

$$U_{\text{сю}} = (X_{\text{тбс}} + \text{Исб}) / K_{\text{к}}$$

Бу ерда:

Усю – юридик шахснинг умумий солиқ юки;
Хтбс – юридик шахс тўлайдиган барча солиқлар, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар;

Исб – ишчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқ ва ажратмалар;

Кк – юридик шахснинг янгидан яратган қиймати ёки қўшилган қиймат.

Иқтисодиётда солиқ юкини баҳолашда яна бир йўналиш – жисмоний шахсларнинг солиқ юки кўрсаткичидир. Жисмоний шахсларда солиқ юки улар томонидан тўланадиган солиқларнинг олган даромадларига нисбатан аниқланиши лозим. Жисмоний шахсларда солиқ юкини ҳисоблаш мураккаблиги улар томонидан тўланган солиқ ва йиғимларни аниқлаш қийин кечади. Шу нуқтаи назардан ушбу масалани ечишда эгри солиқларни ҳам ҳисобга олиб ёндашиш лозим.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– солиқ муносабатларининг хусусияти солиқ тўловчилар зиммасига юкланган тўлов мажбуриятларини бажариши шарт бўлиб, давлат томонидан уларга бажарилган мажбуриятнинг қийматига тенг, унга эквивалент бўладиган ҳеч қандай моддий ёки номоддий нарса қайтарилмайди.

– солиқ юкини оптималлаштиришда нафақат солиқ ставкасини, балки солиқ базасини, солиқдан

имтиёзларни, солиқни тўлаш муддатларини ва давлатнинг ижтимоий эҳтиёжларини оптимал даражалари асосида шаклландирган кўрсаткични тушуниш лозим.

– юридик шахсларнинг солиқ юкини давлат бюджетига тўланган барча солиқлар, тўловлар ва ажратмаларнинг қўшилган қийматга нисбатан аниқлаш мақсадга мувофиқ. Шунда солиқ юкининг реал даражасини аниқлаш имконияти туғилади;

– солиқ юкини иқтисодиёт даражалари кесимида, хусусан, ҳудудларда ундирилаётган солиқлар ва тўловлар суммасини ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан ҳисоблашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ;

– юридик шахсларнинг солиқ юкини ҳисоблашда соф ва умумий солиқ юкини ҳисоблаш лозим. Бунда соф солиқ юки юридик шахснинг тўлайдиган барча солиқлари, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга қиладиган ажратмаларини ифодаласа, умумий солиқ юки юқоридагилар билан бирга ишчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқлар ва ажратмалар юкини ифодалайди;

– солиқ юкини аниқлаш жараёнини енгиллаштириш учун юридик шахслар томонидан мажбурий равишда топшириладиган статистик ҳисоботлар таркибига қўшилган қиймат кўрсаткичини кириштиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 29 декабрь, 271-272 (7229-7230)-сон.
3. Тўраев Ш.Ш. Оптимал солиқ юкининг назарий асослари ва уни такомиллаштириш масалалари // Мамлакат солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш – иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2008. – Б.41-44.
4. Ниязметов И.М. Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари. Монография. – Тошкент: “Молия”, 2017. – 195-б.
5. EU Taxation trends in the European Union, data for EU States 2017.
6. Лыкова Л.Н., Букина И.С. Налоговые системы зарубежных стран. Учебник для бакалавриата и магистратуры / Л. Н. Лыкова, И. С. Букина. — Москва : Издательство Юрайт, 2016. 428-с.
7. <http://www.soliq.uz>

Таълим хизматлари маркетинги орқали олий таълим ва меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш йўналишлари Направления совершенствования регулирования рынка труда и высшего образования путем маркетинга образовательных услуг Directions for improving the regulation of the labor market and higher education through marketing of educational services

Хайрилло РЕЖАПОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Макроиктисодиёт кафедраси доц.в.б., PhD

Аннотация

Мақолада таълим хизматлари маркетинги орқали олий таълим ва меҳнат бозорини тартибга солишнинг аҳамияти, таълим хизматлари маркетинги дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида ҳисобга олинган талаблар ўрганилган. Шунингдек, Ўзбекистонда меҳнат ресурслари компетенциялари таркибининг ўзгариш динамикаси таҳлил этилган. Малакали мутахассисларга бўлган талабга таъсир этувчи ички ва ташқи муҳит омиллари таҳли қилинган.

В статье рассматривается важность регулирования высшего образования и рынка труда через маркетинг образовательных услуг, требования, которые необходимо учитывать при разработке маркетинговых программ образовательных услуг. Также проанализирована динамика изменения состава трудовых компетенций в Узбекистане. Проанализированы внутренние и внешние факторы внешней среды, влияющие на спрос на квалифицированных специалистов.

The article discusses the importance of regulating higher education and the labor market through the marketing of educational services, the requirements that must be taken into account when developing marketing programs for educational services. The dynamics of changes in the composition of labor competencies in Uzbekistan is also analyzed. The internal and external factors of the external environment that affect the demand for qualified specialists are analyzed.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бир нутқида “иқтисодиёт шиддат билан ривожланаётган бир пайтда олий таълим тизими тараққиётнинг локомотиви бўлиш ўрнига, замон билан ҳамқадам бўлмаётгани ачинарлидир. Меҳнат бозоридаги таркибий ўзгаришларга жавоб берадиган, ёшларимизга касб-хунар ўргатадиган,

уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантирадиган тизим йўқ десак, бу ҳам аччиқ ҳақиқат”¹, деб таъкидлаб ўтган эди.

Замонавий иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлган меҳнат бозори таълим хизматлари билан бирга иш қидирувчи мутахассислар, шу жумладан, олий маълумотли кадрларнинг касб ва малакасини

Калит сўзлар: таълим, таълим хизматлари, олий таълим, меҳнат бозори, маркетинг дастури.

¹ Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 24 октябрь куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиши”. [http:// uza.uz/oz/politics/zhadalrivozhlanayetgan-i-tisodiyet-uchun-zamonaviyady-kadrlar-](http://uza.uz/oz/politics/zhadalrivozhlanayetgan-i-tisodiyet-uchun-zamonaviyady-kadrlar)

эътиборга олган ҳолда тақсимотни амалга оширишни тақозо этади. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатнинг ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб, фойда ва даромад олишнинг муҳим омили сифатида инсон томонидан фан ва техникада қилган янгиликларидан инновацион маҳсулот ўрнида фойдаланиши лозим. Шунда кўрсатилаётган таълим хизматларининг зарурати янада ортади.


Таълим хизматлари ва меҳнат бозори механизми қийматга асосланган. Уларнинг моддий манфаатдорлиги меҳнат муносабатларининг муддатига боғлиқ. Таълим хизматларига талабнинг ошиши уч-етти йиллардан сўнг меҳнат бозорида тақлифнинг ўсишга олиб келади. Тақлиф эса ўз навбатида талабнинг ўсиб боришини таъминлайди. Оқибатда ишчи меҳнатига ҳақ тўлаш пасаяди ва ходимлар ишдан бўшаб кетади. Шу сабабли мазкур ҳолатни тартибга солиб туриш зарур. Таълим хизматлари маркетинги дастурларини ишлаб чиқишда айнан мазкур ҳолатни инобатга олиниши тизимининг самарали фаолиятини таъминлайди.

Бозор шароитида олий таълим хизматлари ва меҳнат бозорларини бошқариш ташкилий иқтисодий механизмга асосланади. Уларнинг ҳар бирида моддий манфаатдорликдан келиб чиққан ҳолда муносабатлар шаклланади. Шу сабабли таълим хизматлари маркетинги дастурлари меҳнат бозоридаги

субъектларнинг иқтисодий манфаатдорлигига асослангани ҳам маъқул. Одатда меҳнат бозорида ходимнинг манфаати иш берувчиниқидан фарқ қилади.

Давлат ва нодавлат ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланиши учун меҳнат қилувчининг манфаати ва ижтимоий манфаатдорликни бирга олиб бориш таълим хизматлари маркетинги олдидаги энг долзарб муаммо ҳисобланади. Фикримизча, меҳнат ва таълим бозорида моддий рағбатлантиришни ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда олиб боришга мос келадиган механизмни шакллантириш лозим. Мутахассисларнинг башоратига кўра, 2035 йилда мамлакатимиз меҳнат бозорида муҳандисларга бўлган талаб меҳнат ресурсларининг ҳажмига нисбатан 40 фоизга, иқтисодиёт ва бизнес йўналиши бўйича кадр ва мутахассисларнинг улуши 33 фоизга тенг бўлади (1-чизма). Таълим хизматлари маркетинги дастурлари бу каби илмий асосланган башоратларга асосланиш мақсадга мувофиқ.

Таълим хизматлари маркетинги экспертларининг фикрига кўра, ишчининг меҳнатига тўланадиган иш ҳақи иқтисодий механизмнинг асосий қуроли бўлиб, тадбиркорлик субъекти ва ходимлар ўртасида рақобатни юзага келтиради ва малакали мутахассисларнинг жалб қилиниши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширади.



1-чизма. Ўзбекистонда меҳнат ресурслари компетенциялари таркибининг ўзгариш динамикаси².

² Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси. <http://uzbekistan2035.uz/uz>

Таълим хизматлари ва меҳнат бозорлари ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш икки йўналиш асосида амалга оширилади: биринчи йўналиш – ўрта махсус касб таълими ва олий малакали ихтисослик муносабатларини турли даражадаги иқтисодий минтақалар хусусиятидан келиб чиқиб тартибга солиш. Иккинчи йўналиш – таълим хизматлари ва меҳнат бозорларидаги реал шарт-шароитларни ўрганиб, унга мослашиш.

Ўрта маълумотли ва олий малакали мутахассисларга бўлган талаблардан келиб чиққан ҳолда таълим хизматлари маркетинги дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Мутахассисларга бўлган талабни эса тармоқ соҳалари бўйича меҳнат бозори билан узвий равишда амалга оширган маъқул. Бу борада қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- ўрта маълумотли кадрлар ва олий малакали мутахассисларга эҳтиёжнинг ишлаб чиқариш корхоналари тармоқ таркибининг ўзгариши ҳисобига пасайиши талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга боғлиқлигига;
- ёшлар ўртасида касб танлаш бўйича тушунтириш ишларини олиб боришга;
- тармоқлар бўйича зарур бўлган мутахассисларни тайёрлашни истиқболлаштириш, ёш мутахассисларни иш жойи билан таъминлаш самарадорлигини оширишга;
- таълим тизими ва хизматлар бозори фаолияти-

ни мунтазам равишда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш учун тегишли қарорларни қабул қилиш орқали маркетинг дастурларини такомиллаштириб бориш;

– таълим хизматлари маркетингини ишлаб чиқишда муассасаларда ахборот таҳлил қилиш бўлимларини ташкил этиш орқали малакали мутахассисларни тайёрлаш рейтинг тўғрисидаги маълумотларни оммага етказиб туриш ва назорат қилиш механизмини такомиллаштириб бориши зарур.

Бугун таълим хизматларининг қамровини ошириш олий ўқув тизимида кузатилаётганда. Олий маълумотли мутахассислар миллий иқтисодиётнинг ўзгариб бораётган талабларига мос равишда ишлаб чиқилган ўқув режалари асосида тайёрланмоқда. Бу мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий стратегияси ва иқтисодиётнинг инновацион ривожланишга хизмат қилмоқда.

Республикада олий таълим тизимини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва малакали мутахассисларни тайёрлашда интерфаол усуллар, замонавий янгиликлардан фойдаланиш муассасаларда инновацион ривожланиш ва маданиятнинг шаклланишини таъминлайди. Чунки, олий маълумотли мутахассислар инновацион янгиликларни жамғарувчи ва уни тарқатишни ҳаракатлантирувчи етакчи куч ҳисобланади.



2-чизма. Ташқи ва ички муҳитнинг олий таълим хизматлари бозорига таъсири³.

³ Муаллиф томонидан тузилаган.

Олий таълим хизматлари маркетинги дастурларини ишлаб чиқишда иқтисодийёт тармоқларида мутахассисларга бўлган талабни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. 2-чизмада мутахассисларга бўлган талабга таъсир этувчи ички ва ташқи муҳит олий таълим хизматлари бозори орқали кадрлар тайёрлаш бўйича маркетинг стратегиясининг устувор йўналишлар бўйича ишлаб чиқаришни таъминлаши акс этган. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ва нодавлат ташкилотлари олий маълумотли мутахассислар бандлигини таъминлаш билан бирга тизимда тайёрланаётган кадрларни иш билан таъминлаш муаммоларини маҳаллий, туман, вилоят ҳокимиятлари орқали амалга ошириши зарур.

Олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрлар халқаро ва миллий меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашда қатор муаммоларга, жумладан, ўқув дастурлари ЮНЕСКО ташкилотининг “Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи” (МСКО) даражалари билан уйғунлашмагани, ўқитиш жараёнига Ўзбекистоннинг миллий малака тизими тўлиқ жорий этилмагани туфайли меҳнатга лаёқатли шахсларнинг малакаси ва иш лавозими билан боғлиқ

турли номувофиқликларга дуч келмоқда. Оқибатда мамлакатда иш ўринларига эга бўлган эркаларнинг бор-йўғи 50,9 фоизи, аёлларнинг 50,1 фоизи ўз соҳаларига оид юқори позицияларда ишлайди. 60 фоиз ишчилар эса ўз малакасидан пастроқ лавозимда хизмат қилмоқда⁴.

Олий таълимда миллий малака тизимининг жорий этилиши республика, ҳудуд, тармоқ ва ташкилотларда иш ўрнига талабни олдиндан башорат қилиш имкониятини беради. Талабларни вазирликлар эмас, бевосита таълим хизматлар тизими белгилайди. Янги касблар яратилади. Масалан, ҳар йили АҚШда 700-750 та янги касб пайдо бўлади. Ўзбекистонда эса 2014 йилда касблар рўйхати шакллантирилиб, ўтган даврда бирорта янги касб тасдиқланмаган. Касбларга талаб тўғрисида таҳли, статистикалар йўқ. Ҳукумат томонидан тасдиқланган 18,5 мингта лавозим ва иш жойи мавжуд бўлиб, уларнинг ҳеч бирини паспорти шакллантирилмаган. Миллий малака тизимининг яратилиши, ушбу йўналишда тегишли таҳлиллар олиб боришга шарт-шароит яратиб беради⁵.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 24 октябрь куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиши”. <http://uzbekistan2035.uz/uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясининг концепцияси. <http://uzbekistan2035.uz/uz>
3. Пинали Э. “Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари: муаммо ва ечимлар” // <https://kun.uz/news/2020/01/28/uzbekistonda-60-foiz-ishchi-oz-malakasidan-quyi-lavozimda-ishlaydi-otbvakili>
4. Умурзаков Б. “Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари: муаммо ва ечимлар” // <https://kun.uz/40838894>

⁴ Пинали Э. “Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари: муаммо ва ечимлар” // <https://kun.uz/news/2020/01/28/uzbekistonda-60-foiz-ishchi-oz-malakasidan-quyi-lavozimda-ishlaydi-otbvakili>

⁵ Умурзаков Б. “Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари: муаммо ва ечимлар” // <https://kun.uz/40838894>

Кўчмас мулк объектларини бошқариш бўйича хорижий
электрон платформалар шарҳи
Обзор зарубежных электронных платформ по управлению
объектами недвижимости
Review of foreign electronic platforms for real estate management

Мухлиса МАХМУДОВА,
PhD, доцент,
Зухра МАДИЕВА,
докторант.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Муқаддас ЭЛБАЕВА,
катта илмий ходим.
Манзура КАМАЛОВА,
кичик илмий ходим.
Тошкент архитектура-қурилиш институти

Аннотация

Мақолада электрон платформалар ва мобил иловалар кўринишида хизмат кўрсатиш элементларига эга бўлган замонавий хорижий ташиқлотларнинг таҳмили келтирилган. Сервейинг хизматларини рақамлаштиришни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида хулосалар берилган.

В статье представлен анализ современных зарубежных организаций, имеющих элементы сервейинговых услуг в виде электронных платформ и мобильных приложений. Даны выводы о перспективности развития цифровизации сервейинговых услуг.

The article presents an analysis of modern foreign organizations that have elements of surveying services in the form of electronic platforms and mobile applications. Conclusions are given about the prospects for the development of digitalization of surveying services.

Иқтисодий ва технологик тараққиётнинг янги босқичига айланаётган рақамли инқилоб одамлар ҳаётини тубдан ўзгартирди, кенг имкониятлар яратди, халқаро майдонда рақобатни кучайтирди.

Сервейинг бу – кўчмас мулкни ривожлантириш ва бошқаришга тизимли ёндашувдир. У кўчмас мулкнинг ишлашини режалаштиришнинг барча турларини (умумий, стратегик ва операцион),

шунингдек, кўчмас мулк объектларини техник-иқтисодий экспертизадан ўтказиш, максимал ижтимоий самарани таъминлаш билан боғлиқ фаолиятни ўз ичига олади¹.

Экспертлар томонидан сервейинг хизматлари элементларига эга бўлган хорижий электрон платформалар рейтингини тузиб чиқилган. Унга кўра Astral Construction & Real Estate ERP, Alpha-

Калит сўзлар: сервейинг, мулкни бошқариш, Astral Construction & Real Estate ERP, Alphaletz, Re-Leased, Rent Manager, Buildium, AppFolio, PlanRadar.

¹ Мирджалилова Д.Ш. Тенденции и текущее состояние рынка услуг по управлению объектами недвижимости в Узбекистане // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №6. С. 312-317. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/43/41>

letz, Re-Leased, Rent Manager, Buildium, AppFolio, PlanRadar²лар ушбу рўйхатдан ўрин олган.

Мазкур рейтингни тузишда экспертлар электрон платформаларнинг асосий функционалиги қанчалик кенг ва кўп қиррали эканига, рақамли ҳаракатларни яратиш ва бошқариш қобилиятига, автоматик билдиришномаларга, мижоз билан ўзаро алоқа қилиш муҳитининг соддалигига, статистика ва таҳлилий маълумотларни юритишига, бошқа тизимлар билан интеграция қилишига, шахсий ҳисобнинг соддалиги ва турли иштирокчиларга кириш ҳуқуқини бериш имкониятига, интерфейс ва навигациянинг соддалигига, иловаларнинг мавжудлиги ва қулай нархларга, шунингдек, тест режимининг мавжудлиги каби элиментларга эътибор қаратган. Келинг, ҳар бир электрон платформани ўрганиб чиқамиз.

1. Astral Construction & Real Estate ERP (Хиндистон)³ – қурувчилар/ишлаб чиқувчилар учун ҳинд платформаси бўлиб, уларга барча ташкилий маълумотларни бир платформада бошқаришга ёрдам беради. Дастур лойиҳани режалаштириш, харидлар, тўловлар, инвентар ва буюртмаларни рўйхатга олишни бошқариш каби модулларни таклиф этади.

2. Alphaletz (Буюк Британия)⁴. Бир нечта кўчмас мулк объектига эга бўлган ижарага берувчи ва мулкдорлар учун ақлли дастур ҳисобланади. Молиявий ҳисобларни соддалаштиришга ва ижара бизнесини ташкил этишга ёрдам берадиган мобиль ва иш столи иловаси мавжуд. Биринчи ҳисоб бепул тақдим этилади. Дастурий таъминот маҳсулоти ёрдамида ижарачиларни, етказиб берувчиларни кузатиш, ҳужжатларни юритиш ва мулк бўйича ҳисоботларни яратиш мумкин.

3. Re-Leased (Янги Зеландия)⁵. Саноат, офис, чакана ва аралаш активлар учун замонавий кўчмас мулкни бошқариш дастури. Дастур яратувчилари чуқур таҳлилий ва информацион ҳисоботларни таклиф қилади. Ишлаб чиқарувчига реал вақт режимида тегишли маълумотлар асосида яратилган 60 тагача турли хил ҳисоботларни (жумладан, график ва диаграммалар кўринишида) ваъда қилади. Улар

жамоа ва ижара бўйича, вазифалар турлари, ишлаш, фойда ва зарар ҳисоботлари ва бошқалар бўлиши мумкин.

4. Rent Manager (АҚШ)⁶. Кўчмас мулк бизнесини юритиш учун зарур бўлган барча хусусиятларни (кўчмас мулк агентлиги дастурий таъминоти) ягона интеграциялашган ечимда бирлаштирган дастур. Дастурий таъминот бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ресурсларининг тўлиқ тўпламини, интуитив маркетинг, мобиль воситалар ва иш жараёнини бошқаришнинг кенг имкониятларини таклиф этади.

5. Buildium (АҚШ)⁷. Мазкур дастур ёрдамида қаерда бўлишдан қатъи назар ижарани келишиш, хизмат кўрсатиш масалаларини ҳал қилиш, тўловларни қайта ишлаш ва молиявий ҳисоботларни янгилаш мумкин. Бунда худди шу рўйхатдаги бошқа дастурларда бўлгани каби тижорат ёки турар-жой кўчмас мулкни бошқаришни осонлаштирадиган тўлиқ функционал воситалар тўплами мавжуд. Айниқса, гап бир нечта объектлар ҳақида борганда.

6. AppFolio (АҚШ)⁸. Асосий хусусиятлари: ақлли ҳисоб-китоб, онлайн хизмат сўровлар, иш тартибини ва коммунал хизматларни бошқариш, ички техник хизмат кўрсатиш, мобиль текширувлар. Алоқа ва хизмат кўрсатиш — мижозларнинг ўзаро таъсири ва хизматларини ягона платформада оптималлаштириш, уй эгалари ва ижарачилар ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа.

7. PlanRadar (Россия)⁹. PlanRadar қурилиш саноати учун яратилган, аммо, унинг ақлли функционалиги бизнеснинг фарқи турларига, хусусан, тижорат кўчмас мулкни бошқаришга муваффақиятли қўлланилиши мумкин. Шу сабабли PlanRadar рақамли ҳужжатлар, қурилиш лойиҳаларини бошқариш ва кўчмас мулкни профессионал бошқаришда дастак бўла олади.

Кёлндаги йирик ишлаб чиқарувчи ва бир қанча мулк эгаси Art-Invest Real Estate компанияси ҳамда Five Guys ресторанлар тармоғининг техник хизмат кўрсатиш гуруҳининг фикр-мулоҳазасига кўра, мулкни бошқариш учун PlanRadar дастуридан фойдаланиш ҳафтасига 6 иш соатигача тежайди ва бир

² <https://www.planradar.com>

³ <https://www.astraltechnologies.com/>

⁴ <https://alphaletz.com/>

⁵ <https://www.re-leased.com/>

⁶ <https://www.rentmanager.com/>

⁷ <https://www.buildium.com/>

⁸ <https://www.appfolio.com/>

⁹ <https://www.planradar.com>

вақтнинг ўзида бир нечта объектларни бошқариш жараёнини сезиларли даражада осонлаштиради.

Кўчмас мулкни бошқариш бўйича барча электрон платформалар бошқарув ва мижозлар билан ўзаро муносабатларда самарадорликни таъминлайди. Ҳисобот юритишни бошқариш ва ўзгартиришлар киритиш осон бўлган рақамли ҳужжатларга айлантиради. Ушбу ёндашув бошқарув ва

техник хизмат кўрсатиш вақтини сезиларли даражада қисқартиради.

Ҳозирги вақтда сервейинг ташкилотларини ривожлантириш ва фаолиятини тартибга солиш учун етарли шарт-шароит мавжуд эмас. Шу сабабли улар кўрсатаётган хизматлар доираси амалда белгиланмаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирджалилова Д.Ш. Тенденции и текущее состояние рынка услуг по управлению объектами недвижимости в Узбекистане // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №6. С. 312-317. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/43/41>
2. Бизнес атамалар луғати. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/business/20150>
3. Dildora Shukhratovna Mirdjalilova, Muzafar Kutlukovich Ziyayev. Ways to improve real estate management based on surveying services. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2020 Issue: 01 Volume: 81
4. <https://www.planradar.com>
5. <https://www.astraltechnologies.com/>
6. <https://alphaletz.com/>
7. <https://www.re-leased.com/>
8. <https://www.rentmanager.com/>
9. <https://www.buildium.com/>
10. <https://www.appfolio.com/>

УЎТ: 316.338.45

Худудларда ёшлар бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни камайтириш

Пути снижения бедности за счет обеспечения занятости молодежи в регионах

Ways to reduce poverty by providing youth employment in the regions

Бердимурод БОЗОРОВ,
Ш.Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети и.ф.н., доценти.
Асилбек РАШИДОВ,
СамДУ 2-курс талабаси.

Аннотация

Мақолада ёшлар бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни камайтириш ҳолатлари ўрганиб чиқилган ва таҳлил қилинган.

В статье рассматриваются и освещаются случаи сокращения бедности за счет занятости молодежи.

The article explores and highlights cases of poverty reduction through youth employment.

Юртимизда инсон қадр қиммати, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш, таълим ва тиббий хизмат сифатини ошириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2022 йилнинг 28 январидан “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”¹ги фармон имзоланди. Мазкур Тараққиёт стратегиясидаги 7 та устувор йўналиш бўйича “Инсон қадри учун – 100 та мақсад” белгилаб олинди. Ушбу мақсадларга эришиш учун 2022 йилнинг ўзида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбирни амалга ошириш кўзда тутилган.

Иқтисодий тараққий этиши учун аҳолининг иш билан бандлиги муҳим омил. Чунки, одамлар турмуш

даражаси, иқтисодийнинг соҳа ва тармоқларига кадрлар танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасин ошириш, ишга жойлаштириш, ишсизларга моддий ва психологик ёрдам кўрсатишга кетадиган сарф-харажат аҳолининг иш билан таъминланишига боғлиқ. Шу сабаб мазкур масалани ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий томондан ўрганиб чиқиш бугун ижтимоий-иқтисодий муаммо сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Меҳнат масалалари билан боғлиқ муаммолар, тақлиф ва талабларни қондирилиши ҳисобига аҳолини иш билан таъминлаш инсон ижтимоий ривожланиши учун муҳим жиҳат ҳисобланади. Кишиларнинг қаерда ишлашдан қатъи назар фойдали меҳнат қилиши ўзаро ижтимоий-иқтисодий муносабатдир. Иш билан банд, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг эса қанчаси ва қай даражада фойдали меҳнат қилиши ижти-

Калит сўзлар: демография, ёшлар бандлиги, меҳнат ресурслари, тадбиркорлик, рағбатлантириш.

¹Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамыз. “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 7 ноябрь, №238 (8018).

мой-иқтисодий кўрсаткични белгилайди.


Аҳолини иш билан бандлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятига хос хусусиятлар, шу жумладан, иш билан бандлик турлари, касб-малака гуруҳлари бўйича тақсимлашдаги қонуниятлар кишиларнинг ёши ва жинси бўйича фарқланиши билан ифодаланди.

Демографик ўзгаришлар сабабли Ўзбекистонда меҳнат ресурслари сони йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, 2019-2020 йиллар оралиғида республикада меҳнат ресурслари 193,3 минг кишига кўпайган бўлса, шу вақт оралиғида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 189,6 минг кишига камайиб, жами меҳнат ресурсларида банд аҳоли сони пасайган. Меҳнат ре-

ташкил этган. Бу рақамлар 2010 йилга нисбатан шаҳар аҳолиси 19,9 фоизга кўпайганини кўрсатади [5].

Бу даврлар оралиғида республикада иш билан банд кишилар сони 17,9 фоизга ошиб, ишсизлик 9,1 фоизни ташкил этган. Мустақил иш излаётганлар сони эса 2,5 мартаба кўпайган [3]. Меҳнат бозори эгилувчанлигини таъминлаш ҳисобига ностандарт иш билан бандлик турлари кенгайиб бораётганини бунга асосий сабаб сифатида келтириб ўтиш мумкин (1-чизма).

Аҳолининг ижтимоий-фойдали фаолиятда қатнашиши бўйича жинс-ёш гуруҳлари ижтимоий-демографик гуруҳлари, деб қабул қилинган. Жинс ва ёши



1-чизма. Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси (минг киши).

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

сурсларининг аҳоли сонига нисбатан улуши эса 56,4 фоиздан 55,9 фоизга тушган [3]. Бу республикада демографик вазият мураккаблигидан далолат беради. Чунки, меҳнат бозорида демографик “босим”нинг ортиши ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини кучайишига сабаб бўлади.

Мамлакатимизда аҳоли сони сўнгги йилларда 21,5 фоизга ўсган. Бу борада шаҳарликлар мунтазам кўпайиб бораётганини алоҳида айтиб ўтиш керак. Масалан, 2020 йилда шаҳар аҳолиси 17183,7 минг кишини

бўйича иш билан бандликни ҳисобга олиш мақсадида қуйидаги ижтимоий-демографик гуруҳларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ: эркаклар, аёллар, ёшлар (16-29 ёшгача) ўрта ёшлилар (30-49 ёшгача), пенсияга чиқиш арафасидагилар (50 ёшдан ошган), пенсия ёшидаги кишилар ва бошқалар [2].

2020 йил 8 июнь куни Ўзбекистон Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини-ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни содда-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қа-

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари ва иш билан банд аҳоли сони динамикаси (минг киши)

Кўрсаткичлар	йиллар		2020 йилни 2019 йилга нисбати (+,-)
	2019 йил	2020 йил	
Доимий аҳоли сони	33905,2	34558,9	653,7
Меҳнат ресурслари	18949,0	19142,3	193,3
Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли	18857,6	19047,2	189,6
Иқтисодиётда тенг, меҳнатга лаёқатли ёшдаги катта ва кичик шахслар	91,4	95,1	3,7
Меҳнат ресурсларининг аҳоли сонига тутган улуши (фоиз)	56,4	55,9	-0,5
Жами меҳнат ресурслари	13541,1	13239,6	-301,5
Меҳнат органларида руйхатга олинган ишсизлар	57,9	37,1	-20,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

бул қилинди. Мазкур ҳужжатга кўра, 2020 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиш бўйича фаолият турлари 67 тагача кенгайтирилди. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ишлаган вақтидан қатъи назар базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизини тўлайди. Мазкур тушум тўлиқ ҳолда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади. Шунга кўра яқка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ)лар учун ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади [4].

Кейинги йилларда ишсизлик муаммосини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш орқали қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, ишсиз ёшларни иш билан таъминлашга қаратилган ислохотлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси юртбошимиз топшириғига асосан ҳокимликлар, сектор раҳбарлари ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида 2020 йилнинг II-чорагида республикада бўйлаб жами 25 минг гектардан зиёд ер майдонлари ёшларга

ажратилди. Шундан 1277 гектар сабзавот, 1787 гектар полиз маҳсулотлари, 10296 гектар дуккакли экинлар, 7727 гектар бошоқли дон экинлари, 391 гектара картошка экиш ва 3 866 гектар ер боғ яратиш учун ажрати берилди [6].

Республикада вақтинча ишсизликнинг сабаби – ишчига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги номуносибликка боғлиқ. Иш билан банд бўлмаган аҳолининг катта қисми малакасиз ходимлар ва меҳнат бозорига биринчи марта чиқётган ёшларни ташкил этмоқда. Шунинг баробарида иқтисодиёт тармоқларида юқори малака ва иш тажрибасига эга бўлган кадрларга талаб ортиб бормоқда. 2020 йил 11 август куни Президентимиз томонидан имзоланган “Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-ҳунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор ҳам аҳолимизни тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслиги) ИТ.; “Меҳнат”, 2009 й. 238-б.
2. Economic progress Report.- London. : 1981
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумоти 2020 йил.
4. Soliq.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси расмий веб-саҳифаси.
5. “Халқ сўзи” газетаси веб-саҳифаси.

Кўчмас мулк объектларини бошқариш бўйича миллий электрон
платформалар шарҳи
Обзор национальных электронных платформ по управлению
объектами недвижимости
Review of national electronic real estate management platforms

Дилдора МИРДЖАЛИЛОВА,
PhD, доцент

Наргиза ЮСУПДЖАНОВА,
доцент

Нилуфар АХМЕДОВА,
катта илмий ходим.

Тошкент архитектура-қурилиш институти
Фотима УМИДОВА,

кичик илмий ходим

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация

Мақолада кўчмас мулкни бошқариш бўйича етакчи миллий электрон платформалар фаолиятининг қийсий таҳлили келтирилган. Ўзбекистон Республикасида сервейинг хизматларини рақамлаштиришни ривожлантириши истиқболлари тўғрисида хулосалар берилган.

В статье представлен сравнительный анализ деятельности ведущих национальных электронных платформ по управлению объектами недвижимости. Даны выводы о перспективности развития цифровизации сервейинговых услуг в Республике Узбекистан.

The article presents a comparative analysis of the activities of the leading national electronic platforms for real estate management is also presented. Conclusions are given about the prospects for the development of digitalization of surveying services in the Republic of Uzbekistan.

Республикамизда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ 2020-2022 йилларга мўлжалланган ҳудудлар ва тармоқларни рақамли ўзгартириш дастурлари амалга оширилмоқда.

“Сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар ҳақиқатдан ҳам ўз самарасини берди, хизмат кўрсатиш янада қулай ва одамларга яқин бўлди.

Аммо рақамли технологиялар ҳар куни ўзгариб бормоқда, янги имкониятлар очилмоқда. Шунинг учун ҳар бир вазирлик, давлат органи ва ҳудудда янги дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқиш зарур”¹.

Бугунги кунда Ўзбекистонда сервейинг хизматлари етарли даражада тизимлашмаган. Бу хизматларнинг элементлари кўчмас мулк бошқаруви таш-

Калит сўзлар: кўчмас мулкни бошқариш, сервейинг хизматлари, OLX, Slondo, Nadoinfo, Selexy, Uybor, E-kommunal.

¹ Рақамли технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида тақдимот. 13.07.2021. <https://president.uz/ru/lists/view/4475>

килотлари шаклида ҳам, турли электрон платформа ва мобиль иловалар кўринишида ҳам мавжуд².

Серверлар фаолияти кўчмас мулкнинг ҳаёт айланишининг барча босқичлари ва намоён бўлиш шакллари қамраб олади, барча амалий масалаларни ўзаро боғлиқ ҳолда ҳал қилишни таъминлайди³.

Ўзбекистон кўчмас мулк бозорида бир қатор электрон платформалар мавжуд. Уларда бошқариш бўйича сервернинг хизматларининг алоҳида элементлари юқори даражада ташкил этилган. Ҳар қандай соҳанинг ривожланиши, жумладан, мулкни бошқариш ҳам замон билан ҳамнафас бўлиши кераклигини ҳисобга олсак, дастурий таъминот риэлторлик агенти иши бўладими, риэлторлик компаниясининг эгаси ёки менежери бўладими, йўқми, бизнес жараёнларини соддалаштиришнинг энг яхши усули ҳисобланади.

Қуйида Ўзбекистоннинг сервернинг хизматлари элементларини ўз ичига олган электрон платформалар ҳақида умумий маълумот тақдим этамиз.

1. Olx.uz⁴. 2015 йилнинг 31 мартдан бошлаб Ўзбекистондаги энг йирик эълонлар тахтасининг Torg.com номи Olx.uz деб ўзгартирилди. Дунёга машҳур халқаро сайтлар тармоғи бўлган Olx бепул онлайн эълонлар хизматини тақдим этади. Ушбу тармоқ бугунги кунда 40 дан ортиқ мамлакатларни ўз ичига олиб, сайтларнинг ҳар бири фақат ўзи фаолият юритаётган давлат учун хизмат кўрсатади.

Дунё бўйлаб бир кунда Olx сайтларига 200 миллиондан ортиқ кишилар ташриф буюради. Португалия, Ҳиндистон, Бразилия, Полша, Украина, Болгария, Руминия ва бошқа кўплаб мамлакатлар бозорларида етакчи бепул эълонлар сайти ҳисобланади.

Olx веб-сайтнинг “Кўчмас мулк” бўлимида квартиралар, уйлар, ер участкалари, дала ҳовлиларини сотиб олиш, сотиш, ижарага бериш ва айирбошлаш бўйича эълонлар мавжуд. “Иш ўринлари” бўлимида кўчмас мулк агентликларида ходимларни ёллаш бўйича эълонларни топиш мумкин.

2. Slondo.uz⁵. Slondo эълонлар ва ким ошди савдоси сайти бўлиб, унда ҳар ким янги ва ишлатилган буюмларни сотиб олиши ёки сотиши мумкин.

Сайтда кўчмас мулк, автомобиллар ва электроникадан тортиб уй ҳайвонларигача тоифалар мавжуд. Бу ерда сантехник, электрик, пардозлаш ва бошқа кўп турдаги хизматларни топиш мумкин. Барча интернет фойдаланувчилари рекламаларни кўриши мумкин. Агар кимдир ким ошди савдосида қатнашмоқчи ёки рекламасини яратмоқчи бўлса, рўйхатдан ўтишнинг ўзи кифоя.

Slondo компаниясининг асосий вазифаси – ишталган ўзбекистонлик тез фурсатлар ичида товарларни сотиб олиши ёки сотиши мумкин бўлган портал яратиш. Оддий реклама яратишдан ташқари, “хавфсиз харид” ва “аукцион” функциялари ҳам мавжуд. Slondoда ҳам “Кўчмас мулк”, “Иш”, “Хизматлар” тоифаларига эга.

3. Nadoinfo.uz⁶. Nadoinfo.uz товар ва хизматларни сотиш учун юқори сифатли платформадир. Ресурсдан фойдаланиш қулайлигига, аниқ интерфейсга, ресурс базаси кечаю кундуз ишлашига, кенг география ва юқори ахборотга эга.

Материаллар мажбурий модерациядан ўтади. Қонунга тўғри келмайдиган ва сайт қоидаларига зид бўлган эълонлар кўрикдан ўтказилади ва эълон қилишга рухсат этилмайди. Рўйхатга олиш тартиби минимал даражада соддалаштирилган, кўп вақт олмайд.

Мазкур платформада ҳам сотиб олиш, сотиш, ижарага бериш ва алмаштириш, қурилиш, архитектура, таъмирлаш ва тозалаш хизматлари учун эълонлар бор.

4. Salexy.uz⁷. Ўзбекистонда бепул эълонлар тахтаси форматидаги электрон платформа.

Ўзбекистонда мазкур платформанинг эълонлар тахтаси нима учун қулай?

- товар ва хизматларнинг кенг таклифи. Товарлар, хизматлар, кўчмас мулк, иш, автомобиллар, ҳатто севимли машғулотлар ва дам олиш. Ҳар қандай дид учун реклама мавжуд;

- катта аудитория. Сайтга ҳар куни минглаб мижоз ташриф буюради;

- фойдаланиш қулайлиги. Бўлимлар тузилиши ва реклама қидируви таклифларни тез топишга ёрдам беради;

² Мирджалилова Д.Ш. Сервейнинг хизматлари асосида кўчмас мулк объекталарини бошқариш масаласининг инновацион ечими // DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR. – 2021. – С. 283.

³ Мирджалилова Д.Ш. Тенденции и текущее состояние рынка услуг по управлению объектами недвижимости в Узбекистане // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №6. С. 312-317. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/43/41>

⁴ <https://www.olx.uz/>

⁵ <https://www.slondo.uz/>

⁶ <https://nado.info/uz>

⁷ <https://salexy.uz/>

– қўшимча функциялар. Агар мижоз эълонини Ўзбекистонда кўпроқ киши кўришини истаса, қўшимча арзон хизматлар таклиф қилинади. Масалан, реклама ранг билан ажратилиб, саҳифанинг энг кўзга кўринадиган жойида жойлаштириш мумкин.

Шунингдек, мазкур платформанинг ўзига хос хусусияти шуки, сайт “Коммунал хизматлар” бўлимига эга.

5. Uybor.uz⁸. Ўзбекистонда кўчмас мулкни сотиб олиш, сотиш ва ижарага бериш платформи. Бу платформа Ўзбекистоннинг етакчи риэлторлик агентликлари ва кенг доирадаги потенциал харидорлар учрашадиган жой.

Платформада реклама жойлаштириш тез ва қулай. Бир неча дақиқада эълон жойлаштириш, нарх, мулк майдони ҳақида маълумот бериш, шунингдек, фотосуратларни жойлаштириш ва харидорлар учун қулайликларни кўрсатиш мумкин. Ҳар ким шахсий профилини бошқариши ва Ўзбекистондаги харидорларнинг кенг доирасига қўшилиш имконияти мавжуд.

6. E-kommunal⁹. Коммунал хизматлар ва уй-жой фонди портали. Портал Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Тошкент шаҳар

ҳокимлиги, Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат кадастри ва Тошкент шаҳар баҳоловчилар уюшмалари кўмагида яратилган. Электрон платформа орқали Ўзбекистонда давлат хизматларини рақамлаштириш кўзда тутилган.

Дастур оддий ва интуитив интерфейсга эга. Платформанинг афзалликларидан бири шуки, унда коммунал тарифлар калкулятор мавжуд. Бу коммунал тўловларни осон ва тез ҳисоблаш имконини беради.

Сервейинг фаолияти Ўзбекистон учун муаммоли ва инновацион бўлса-да, мулкни самарали бошқаришда тизимли ёндашиш имконини беради. Кўчмас мулк эгасининг вақт ва харажат ресурсларини оптимал ташкил қилишга имконият яратади.

Ҳозир сервейинг хизматини ривожлантириш ва фаолиятини тартибга солиш учун етарли шарт-шароит мавжуд эмаслиги сабабли уларнинг хизмат доираси амалда белгиланмаган. Назарий жиҳатдан сервейинг хизматлари кўчмас мулкнинг ҳаёт айланиши ва турларининг барча босқичларини қамраб олса-да, ички хизматлар бозорида операцияларни исталган даража ва босқичда амалга ошириш имконини берадиган электрон платформа мавжуд эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рақамли технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида тақдимот. 13.07.2021. <https://president.uz/ru/lists/view/4475>
2. Мирджалилова Д.Ш. Сервейинг хизматлари асосида кўчмас мулк объектларини бошқариш масаласининг инновацион ечими // Development issues of innovative economy in the agricultural sector. – 2021. – С. 283.
3. Мирджалилова Д.Ш. Тенденции и текущее состояние рынка услуг по управлению объектами недвижимости в Узбекистане // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №6. С. 312-317. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/43/41>
4. <https://www.olx.uz/>
5. <https://www.slondo.uz/>
6. <https://nado.info/uz>
7. <https://salexy.uz/>
8. <https://uybor.uz/>
9. <http://yek.uz/ru/>

⁸ <https://uybor.uz/>

⁹ <http://ek.uz/ru/>

Давлат бюджети даромадларини ғазна ижроси Исполнение доходов государственного бюджета Execution of state budget revenues

Мансур МАНСУРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
кафедра мудири, PhD, доцент.

Аннотация

Мақолада давлат бюджети даромадларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва тартибга солишининг муҳим воситаси экани ўрганилган. Ўзбекистонда бюджет даромадларини шакллантириш манбалари ҳамда бюджет даромадларининг шакллантириш механизмлари келтирилган. Шунингдек, йиллар кесимида бюджет даромадларининг ижроси бўйича ўзгариш тенденциялари таҳлил қилиниб, даромадлар бўйича ижросини самарали таъкил қилишида таклифлар берилган.

В статье рассматривается роль доходов государственного бюджета в экономической деятельности страны как важный инструмент регулирования. В Узбекистане имеются средства и механизмы формирования доходов бюджета. Также анализируются тенденции изменения исполнения доходов бюджета по годам и даются рекомендации по эффективной организации исполнения бюджета по доходам.

The article discusses the role of state budget revenues in the economic activity of the country as an important instrument of regulation. In Uzbekistan, there are means and mechanisms for the formation of budget revenues. It also analyzes trends in the execution of budget revenues over the years and provides recommendations for the effective organization of budget execution in terms of revenues.

Давлат молия тизими иқтисодиётни тартибга солишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Унда давлат молиявий ресурсларининг катта қисми тўпланади ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қайта тақсимланади. Давлат бюджетининг даромадлари ҳар бир мамлакатни моддий таъминлайди ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда муҳим воситаси ҳисобланади.

Бюджет даромади – давлат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган марказлашган молиявий ресурсларнинг бир қисми саналади. Улар пул жамғармаларини шакллантиришда пайдо бўладиган иқтисодий муносабатларни акс эттиради ва хо-

кимият органлари ихтиёрига келиб тушади¹.

Давлат бюджети даромади Давлат бюджети фондини шакллантириш жараёнида юридик ва жисмоний шахслар билан давлат ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттирадиган давлат молиявий ресурсларининг бир қисмидир. У бюджет категорияси кўриниши сифатида юзага чиқади ва давлатнинг субъектлар билан ўзаро муносабатларининг аниқланган қисмини ифода этади.

Давлатнинг бошқарув тизими фаолиятини, шунингдек, ижтимоий ва бошқа соҳаларни қўллаб-қувватлаш, сақлаш ва ривожлантиришда бюд-

Калит сўзлар: бюджет, бюджет даромадлари, бюджетлараро трансфертлар, маҳаллий бюджет барқарорлиги, нақд пул, ғазна ижроси, солиқ тушумлари.

жет даромадлари, жумладан, солиқлар муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодчи олимлар давлат бюджети даромадларининг газна ижросини турли нуқтаи назардан таҳлил қилиб ўрганган. Жумладан, француз олими Морис Алленинг фикрига кўра, “давлат тақдим этадиган хизматлар ва йиғиладиган солиқларда узвий боғлиқлик мавжуд. Бу давлат ва бизнес ўртасидаги қулай муносабатларни, шунингдек, давлатнинг қайта тақсимлаш фаолиятини қатъий қонунчилик доираларини ярагишни назарда тутати”². Рус олими Д.О. Лебедев эса “бюджет даромадлари – давлат даромадларига қараганда тор тушунча бўлиб, улар бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг бюджет тизими бюджетларининг даромадларини ҳам ўз ичига олади”³.

Тернополь давлат иқтисодиёт университети доценти В.И. Стоян ўз мақоласида “газначилик органлари бюджетнинг даромадлар қисмини касса ижроси жараёнида иштирок этиши, маъмурий-хуудий кесимда бюджетлар ресурсларни ҳам умумий, ҳам даромадларнинг алоҳида турлари бўйича миқдорини имкон қадар тўғри аниқлашни мақсад қилади. Тегишли бюджетлар бўйича ресурс базаси ҳажми тўғрисидаги маълумотлар, бюджет маблағларининг ҳаракати ва уларни ҳисобга олиш тафсилотларининг мавжудлиги давлат ижро ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига ресурсларни

стратегик ва оператив бошқариш имконини беради,”⁴ деб таъкидлайди.

Россиялик олима В.М. Родионова “давлат бюджети бу – жамият ва унинг ҳудудлари талабини қондириш мақсадида давлат қўлида йиғилган миллий даромадни қайта тақсимлашнинг иқтисодий формасидир”, деган фикрни илгари суради.

Бюджет ижроси бюджет бўйича кўзда тутилган барча даромадларни тўлиқ ва ўз вақтида тушириш, давлат органлари фаолияти ҳамда мақсадларни ўз вақтида молиялаштиришга ва тадбирларни амалга оширишга хизмат қилади.

Бюджет тизимининг даромадлари тўғрисидаги бирламчи тезкор тўлов турлари, республика, вилоят, туман, шаҳар солиқ тўловчилар кесимидаги маълумотлар, ҳисоботлар Тўловлар контингентини ҳисобга олиш китобида жамланадиган маълумотлар асосида ДМБАТда шакллантирилади.

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган солиқлар давлат бюджетидаги даромадларни шакллантириш ва газнанинг муҳим ҳамда ажралмас қисми сифатида таҳлил қилинади. Таҳлил Ўзбекистон Молия вазирлигининг 2013-2020 йиллар давлат бюджети даромадлари (мақсадли жамғармаларсиз) ижроси маълумотлари асосида қилинган.

2020 йилда Давлат бюджети даромадлари ижроси 132 938,0 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилда-

1-жадвал.

2013-2020 йилларда Давлат бюджети даромадларининг ЯИМга нисбатан ўсиш тенденцияси ва ҳажми

Кўрсаткичлар	Ижро қилиш, млрд. сўм					ЯИМ ҳажмига нисбатан фоизда				
	2013	2015	2017	2019	2020	2013	2015	2017	2019	2020
Япи ички маҳсулот	118986,9	171369,0	249136,4	511800,0	580200,0	100	100	100	100	100
Даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз) жами	26223,2	36493,3	49684,8	112165,4	132938,0	22,0	21,3	20,0	21,9	22,9
Бевосита солиқлар	6353,7	8 798,4	11538,9	31676,8	45206,9	5,3	5,2	4,6	6,2	7,8
Билвосита солиқлар	13398,6	19193,8	26133,6	46427,3	46428,4	11,4	11,2	10,5	9,1	8,0
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	3888,2	4816,1	6867,4	19680,7	21257,0	3,3	2,8	2,8	3,8	3,7
Бошқа даромадлар	2582,7	3685,0	5144,8	14380,7	20045,8	2,2	2,1	2,1	2,8	3,5

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

¹ Сазонов А.С. Совершенствование кассового обслуживания исполнения бюджетов органами федерального казначейства. Автореферат на соискание к.э.н. 2010

² Алле М. За реформу налоговой системы. М.: 2001, С. 18.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари ресурс тўловлари ва мулк солиғи ҳамда бошқа даромадлар динамикаси (2013-2020 йиллар кўрсаткичлари фоизда)

№	Кўрсаткичлар	Йиллар (фоизда)				
		2013	2015	2017	2019	2020
	Даромадлар (Мақсадли жамғармаларсиз) жами	100	100	100	100	100
	Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	13,2	13,2	13,8	17,5	16,0
1.	Мулк солиғи	2,2	3,8	4,3	2,1	1,5
2.	Ер солиғи	2,2	2,1	2,2	2,1	1,8
3.	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	8,4	6,9	7,0	13,0	12,3
4.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,4	0,4	0,3	0,3	0,4

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

гига кўра 118,5 фоизга ўсган. 2015 йилга қараганда уч (364,2 фоиз), 2013 йилда эса беш борабар (506,9 фоиз) ошганини кўришимиз мумкин. Даромадларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2013 йилга нисбатан ўсиши 104,0 фоизга, 2015 йилда 107,5 фоизга, 2019 йилда эса 104,5 фоизга ўсган. 1-жадвалда 2013-2020 йилларда Давлат бюджети даромадларининг ЯИМга нисбатан тенденцияси ва уларнинг ҳажми келтирилган.

Жадвалда кўриниб турибдики бевосита солиқларнинг ўсиши 2020 йилда 2015 йилга нисбатан беш борабар (513,8 фоиз), 2013 йилга нисбатан эса етти борабар (711,5 фоиз) ўсиши билан ЯИМдаги ҳажми 2015 йилда 150,0 фоизга ва 2013 йилда эса 147,2 фоизга ошган. Шу билан бир қаторда билвосита солиқлар 2020 йилда 2015 йилга нисбатан икки боробардан (241,8 фоиз) ортиқ, 2013 йилга нисбатан эса уч боробардан (346,5) ортиқ ўсган ва билвосита солиқларнинг ўсиши бевосита солиқларга нисбатан камайиш тенденциясига эга. Бу, ўз навбатида, солиқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва бюджет даромадларини газна ижроси тўлиқ қамраб олингани билан изоҳланади.

Ислохотлар натижасида айланма маблағдан олинadиган солиқлар бекор қилинди, жисмоний шахслар даромад солиғи ставкаси 22,5 фоиздан 12 фоизга туширилди, суғурта бадали ва давлат жамғармаларига мақсадли ажратмалар бекор қилинди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Шу билан бирга ресурс тўловлари ва мулк солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ тушумларининг салмоғи ҳам жами даромадларда 2-жадвалдан

кўриш мумкинки, 2019 йилда 2013 йилдаги 13,2 фоиздан 17,5 фоизга, 2020 йилда эса 16,0 фоизга ошиб 121,2 фоизга ўсган.

Давлат бюджети даромадлари газна ижросининг таҳлили шуни кўрсатдики, тушум ўсиш тенденциясига эга. ЯИМ таркибида 2013-2020 йилларда давлат бюджети даромадларининг улуши ҳам қониқарли. Бунини давлат солиқ тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг натижаси деб изоҳлаш мумкин.

Давлат бюджет даромадларида аксарият солиқ ва бошқа тўловлар улушининг сўнгги йилларда ўсиши солиқ соҳасида тизимли ислохотлар амалга оширилаётганлигидан далолат. Солиқлар меъёрида бўлса, солиқ тўловчилар томонидан доимий тўлаб борилади, ишлаб чиқариш ривожланиб, янги иш ўринлари яратилади. Охир-оқибат яна солиқ тушуми ошади.

Бизнингча, ишлаб чиқаришга ва жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ юки ва сонини янада камайтириш лозим. Йиллик бюджетдан ўрта бюджетни режалаштириш тизимига ўтиш солиқ тушумларни бир меъёрга тушишини таъминлайди. Шунингдек, маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқ манбаларини кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Фикримизча, бугун амал қилаётган умумдавлат солиқларнинг бюджет тизимлари ўртасида қайта тақсимланишида бюджетлараро ўзаро ҳисоб китобларда даромад режаларини узлуксиз ўзгартириш механизмидан воз кечиш ва даромадлар тушуми режасини ва солиқлар ставкасини камида уч йилга қатъийлаштириш мақсадга мувофиқ.

³ Лебедев Д.О. Федерал газначилик ва давлат молиявий назоратини амалга ошириш // Молия. 2002. №8. С. 31-33.

⁴ Стоян В.И. Казначейское обслуживание бюджетов по доходам в Украине // сборник материалов. 2012. С.145

⁵ Кильберг В. Ягона газна ҳисобварағи жорий этилган шароитда бюджет даромадларини маъмураш ва бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартиблаштириш масалари. Журнал. Молиячи маълумотномаси. 2013 й. №1. б.33.

Норматив ажратмаларни белгиламай туриб маҳаллий бюджетлар даромад механизмини амалда қўллаш маҳаллий бюджетлар даромад қисмини

шакллантириш ҳамда ижро этиш жараёнини содда-лаштириш имконини беради⁵.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эшназаров Т.Ш. Ўзбекистон Республикасида Ғазначилик тизими асослари. Тошкент. Иқтисод-молия. 2012.
2. Акперов И.Г., Коноплева И.А., Головач С.П. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. Учебное пособие. Кнорус. Москва. 2015. 10-ст.
3. Маликов Т.С. Давлат бюджети .Ўқув қўлланма. Тошкент 2007. (83-бет.)
4. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисида” ги қонуни. <https://lex.uz/docs/5186044>.
5. Гилёва А.А. Формирование и использование общего бюджета ЕС. Диссертация. Москва – 2011.
6. Чепель С.В. и др. “Макроэкономика”. – М.: 2007. С. 22-39.
7. <https://mineconomy.uz>. Экономическое обозрение №1 (251) 2021.
8. Нозимжон Ортиков, Ферузбек Давлетов. Бюджетный дефицит в оптимизации. Ж: Экономическое обозрение №1 (251) 2021.
9. Мансуров М.А. Основные факторы развития государственной финансовой системы. “Новый университет”. Россия:-07-08, 2014.
10. Sheraliyevich, Tulqin Eshnazarov, and Mansurov Mansur Alisherovich. “Banking and credit facilities for improving the treasury system”. American Journal of Economics and Business Management 1.3 (2018): 16-25.
11. Mansurov M.A. Functional Model of Improving the Treasury System in Budget Execution // Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 4. – С. 1-7.

УЎТ: 334.722

Хизматлар соҳасини ривожлантириш – муҳим стратегик вазифаларни ҳал этишнинг асосий омили

Развитие сферы услуг – ключевой фактор в решении важных стратегических задач

Development of the service sector is a key factor in solving important strategic tasks

Юлдуз УРУНБАЕВА,
СамИСИ и.ф.ф.док., доцент.

Аннотация

Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг мазмун-моҳияти ҳамда уни жадал ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилган.

В статье подчеркивается сущность сферы услуг и социально-экономическое значение ее стремительного развития.

The article emphasizes the essence of the service sector and the socio-economic importance of its rapid development.

Турмуш фаровонлигини ошириш ҳар қандай иқтисодий тизимнинг муаммолари марказида туради ва ижтимоий-иқтисодий соҳасидаги барча ислоҳотлар замирида мазкур масалани ечиш ётади. Шу боис турмуш даражасига оид муаммолар қадим замонлардан бери кўп иқтисодчиларнинг эътиборини жалб этиб келади. Ижтимоий фаровонлик ва аҳоли турмуш даражаси назариясини шаклланишида А.Смит, В.М. Жеребин, А.Н. Романов, Н.А. Горелов¹ каби иқтисодчи олимлар улкан ҳисса қўшган. Уларнинг назарий ёндашув ва қарашларисиз аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражаси тўғрисида замонавий илмий қарашлар тизимини яратиш қийин бўлар эди.

Соҳадаги назарий изланишлар натижасида аҳоли турмуш даражасини оширишга оид муаммоларни ечишда инсоният тараққиётнинг ҳозирги босқичида учта муҳим хусусиятни таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Биринчиси, глобаллашувнинг жадаллашиб бориши, миллий иқтисодиётлар интеграциясининг тобора кучайиши, жаҳон миқёсида товарлар, хизматлар ҳамда меҳнат бозорларининг ташкил топиши ҳар бир мамлакат аҳолиси турмуш даражаси ва сифатини шакллантиришда катта таъсир кўрсатмоқда.

Иккинчиси, экологик муаммоларнинг кескинлашиб боришидир. Иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожлантириш мақсадида ресурслардан фойдаланишда миллий ва халқаро экологик хавфсизликни таъминлаш, ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатлари тенглигини таъминлайдиган барқарор ривожланиш концепциясига риоя қилиш заруратини туғдирмоқда.

Учинчиси, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделининг шаклланиб бораётганлигидир. Тақсимотда социал адолат тамойилларининг кучайиб

Калит сўзлар: аҳоли турмуш даражаси, турмуш сифати, пандемия, талаб, истеъмол, аҳоли жамғармаси, иш ҳақи, аҳоли даромадлари.

¹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. / Пер.с.англ. Е.М.Майбурда.- М., 1993.

- С.572.; Жеребин В.М., Романов А.Н. Уровень жизни населения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2002.- С 224.; Горелов Н.А.и др. Политика доходов и качество жизни населения: Учеб. пособие. - СПб.: Питер, 2003.- С 653.

бораётгани, айнан оқилона ижтимоий сиёсат иқтисодий ривожланишнинг бош омилига айланаётганини эътиборга олиш лозим. Бу аҳолининг эҳтиёжман қатламлари ва ижтимоий заиф гуруҳларини (ногиронлар, ёшлар, аёллар) қўллаб-қувватлаш ва бозор стихиясидан ҳимоялашни тақозо этади. Ўз навбатида, турмуш даражасининг юксалиши аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаолиятини кучайтиради, ишлаб чиқаришда инсон омилнинг роли ва аҳамияти тобора кучайиб боради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини модернизациялаш ва янгидан жиҳозлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш асосида сифатни ошириш, ассортиментни кенгайтириш ва ҳажми кўпайтириш аҳоли эҳтиёжларини тўлиқроқ қондиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Америкалик олим А.Маслоу пирамидасида физиологик (моддий) эҳтиёжларга муҳимлиги нуқтаи назардан биринчи ўрин берилган². Шубҳасиз, бундай эҳтиёжлар ижтимоий тизим шакли ва ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти даражасидан қатъий назар ҳар қандай жамият учун хос. Инсонлар онгли ҳаракатланувчи тирик мавжудот сифатида, энг аввало, озиқ-овқат истеъмол қилиши, кийиниши, бошпанага эга бўлиши шарт. Сўнгра улар таълим, маданият, санъат, саёҳат ва ҳоказолар билан машғул бўлиши мумкин. А.Маслоунинг пирамидасида турли хил ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёжлар ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Лекин аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси ошиб борган сайин хизматларга бўлган эҳтиёжи моддий неъматларга нисбатан тез суръатлар билан ривожланади. Эҳтиёжларнинг ошиб бориши ва такомиллашуви аҳоли бандлигида хизматлар улушининг доимий тарзда ошиб боришида ўз ифодасини топади.

Иқтисодий фаол аҳоли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишчи кучи талабини қондирувчи аҳолининг маълум бир қисми ҳисобланади. Бу эса иқтисодий ўсиш суръатига иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишга алоҳида замин яратади. 2020 йилда иқтисодий фаол аҳоли 1 585,4 минг нафарни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 0,9 фоизга ўсган.

2018 йилда иқтисодиётда банд аҳолининг 50,6 фоизи, яъни, 740,5 минг нафар киши ишлаб чиқаришда, 49,4 фоизи, яъни, 722,9 минг нафари хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритган. 2020 йилда иқтисодиётда банд аҳолининг 51,2 фоизи, яъни, 722 минг нафар киши ишлаб чиқаришда, 48,8 фоизи, яъни, 688,9 минг нафар киши хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган.

Самарқанд вилоятида аҳолининг соҳа ва тармоқлар бўйича бандлигини ошириш имкониятлари ва истиқболларини баҳолаш мақсадида республика кўрсаткичлари билан таққослаб кўришни лозим топдик. Натижада вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлашда республикага нисбатан пастроқ даражаларини кўрсатди.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида банд аҳоли улуши мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичларга нисбатан 0,9 пунктга юқори. Бироқ қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, меҳнат унумдорлиги ошиб бориши тармоқда банд аҳоли сони қисқариб бораверишига замин яратади. Агар Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар улушини (27,8 фоиз) республика бўйича ўртача кўрсаткич даражасига етказсак (26,9 фоиз), ушбу тармоқларда 3,5 минг киши ишсиз қолади. Оқибатда улар хизмат кўрсатиш соҳасида ишга жойлашади.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида меҳнатга лаёқатли ва иқтисодий фаол аҳолини иш билан таъминлаш барча мамлакатлар учун энг долзарб, ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Меҳнат ресурсларига жуда бой ва улкан меҳнат салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон учун ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат қилиш истаги бор ҳар бир индивиднинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишига имконият туғдириб бериш анча мушкул.

Ўзбекистонда ишсизлик ва бандлик муаммоси мамлакатда юзага келган мураккаб демографик вазият билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Аҳолининг табиий ўсиши даражаси юқори бўлган Ўзбекистонда балоғатга етган йилгит ва қизлар ҳисобидан меҳнат ресурслари йилига 480-500 минг кишига кўпаймоқда³.

Ўзбекистонда меҳнат бозорига ишчи кучи таклифи билан талаб ўртасидаги номуносибликнинг асосий сабабларини аниқладик. Бизнинг назаримизда булар: биринчидан – илмий-техника тараққиёти натижасида ижтимоий меҳнат унумдорлигининг узлуксиз ошиб бориши; иккинчидан – ижтимоий ишлаб чиқаришда керагидан ортиқча яратилган иш ўринларининг барҳам топиши; учинчидан – мамлакатда юзага келган ва ҳозиргача маълум даражада сақланиб турган мураккаб демографик вазият.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик муаммосини ҳал этишдаги улкан имкониятлари мавжудлигини илмий жиҳатдан асослаш, истиқболларини аниқлаш лозим.

² <http://www.ctntrforum.ru/Macro/Stat2.5.htm>

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил маълумотлари.

Хизмат кўрсатиш аҳоли пул даромадларини кўпайтириш муаммосини ечишда ҳам фаол иштирок этувчи соҳа ҳисобланади. Яқин йилларгача хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар сони ва уларнинг даромадлари моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан анча паст, деган нуқтаи назар ҳукмрон эди. Кейинги йилларда соҳада банд бўлганлар сони ва даромадлари нисбатан тезроқ ошиб борди ва қарашлар ҳам кескин ўзгарди. Хизмат кўрсатишнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги, аҳоли даромадлари ва унинг турмуш даражаси кўрсаткичларини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятига тўғри баҳо бериш соҳага бўлган эътиборни кучайтиради, юзага келган муаммоларнинг ечимини излаб топиш зарурати ва жараёнларини тезлаштиради.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли даромадларини шакллантиришнинг таркибий қисмларига ва уларни ташкил этиш манбаларига аниқликлар киритилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳасининг ва унда банд бўлганларнинг даромадлари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бораётган барча хўжалик субъектлари ҳамда яқка тартибдаги тадбиркор (жисмоний шахс)ларнинг олаётган даромадларини;

- хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ёлланма ишчиларнинг шахсий меҳнати натижалари ва қобилиятига мувофиқ олган иш ҳақи миқдорини;

- хизмат кўрсатиш соҳасини бошқариш ва тартибга солишда банд бўлган давлат органлари ва тизимлари ходимларининг иш ҳақларини;

- хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган, лекин ижтимоий ҳимояга муҳтож ишчи-ходимларга нисбатан давлат томонидан кўрсатилган моддий ёрдамни;

- хизматлардан фойдаланиш натижасида аҳоли даромадларининг тежалиши ва харажатларнинг камайишини (аҳоли харажатларининг камайиши шунча миқдорда унинг даромадларининг кўпайганлигини англатади).

Аҳолига истеъмол учун таклиф этилаётган хизматлар ҳажмини жадал суръатлар билан ошириш, уларнинг сифатини ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, Ўзбекистонда устувор вазифалар сифатида қаралаётган баркамол авлодни тарбиялаш, аҳоли турмуш тарзини

такомиллаштириш, халқимизга фаровон яшаш учун муносиб шарт-шароитлар яратишдек⁴ долзарб вазифаларни бажаришда муҳим роль ўйнайди. Ҳар томонлама етук, маданиятли, маърифатли баркамол авлодни тарбиялаш гоёси аҳолининг моддий ва маънавий ноз-неъматларга ва хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш билан бир қаторда, унинг бўш вақтини кўпайтиришни ва ундан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Дарҳақиқат аҳолининг бўш вақтини кўпайтириш, улар томонидан амалга ошириладиган аммо, самара келтирмайдиган вақт сарфларини бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари томонидан қамраб олган ҳолда хизмат кўрсатиш аҳамиятлидир. Аммо, бундай вазифани ҳал этишда меҳнат билан банд аҳолининг иш ҳақини ошириш, меҳнат билан банд бўлмаганларга турли ижтимоий ресурслардан қилинадиган харажатлар миқдори ва уларни ўсиши билан боғлиқдир.

Фикримизча, савдо, умумий овқатланиш, алоқа, маиший хизмат, транспорт каби тармоқлар аҳолининг истеъмол харажатларини камайитириш, уй меҳнатидан озод қилиш, беҳуда ҳаракатларга барҳам бериш учун шарт-шароитлар яратиб берса ва шу тариқа аҳоли бўш вақтини кўпайтиришни таъминласа, спорт ва туризм, санаторий ва дам олиш масканлари, театр ва санъат саройлари бўш вақтни фойдали, мароқли ўтказиш, инсонни соғломлаштириш ва маънавий дунёсини бойитиш, малака ва билимларини такомиллаштириш учун хизмат қилади.

Баркамол авлодни тарбиялаш⁵ ва ишчи кучи сифатини ошириш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг ички ҳамда ташқи бозорлардаги рақобатбардошлиги биринчи галда ишчи кучи сифати билан белгиланади. Ишчи кучи сифатини оширишда таълим хизматларининг роли ошиб бораётгани кузатилмоқда. Кейинги пайтларда инсон капитали, ишчи кучи сифати муаммоларига ва уларнинг самарали ечимларини излаб топишга бутун дунё, айниқса, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар томонидан қатъи эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.

Ривожланган мамлакатларда таълим самарадорли-

⁴ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-усулбий рисола.- Тошкент: Маънавият, 2017. – 156 б.

⁵ Изох: Шахсни маънавий-ахлоқий шакллантириш, Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилувчи, интеллектуал салоҳиятли, эркин фикрловчи шахсларни тарбиялашга қаратилган тарбиявий жараёнлар мажмуасидир. Баркамол авлодни тарбиялашдан мақсад – Давлат ва жамиятга хизмат қилувчи интеллектуал кадрларни воёга етказиш.

ги, тараққиётнинг 16 фоизи – моддий-техника базага, 20 фоизи – ахборот ресурсларига, 64 фоизи – инсон омилига боғлиқ⁶. Иқтисодий адабиётларда ҳам бу масалалар эътироф этилмоқда. Глобаллашув жараёнлари ва жаҳон бозоридаги ўта кескин рақобат барча компания ва фирмаларда ишчи кучи сифатини оширишни, персоналнинг юқори малакага эга бўлишини талаб этмоқда. Ҳозирги пайтда АҚШда юқори малакага эга ишчилар жами ишчиларнинг 45 фоизини, Германияда эса 55 фоизини ташкил этади⁷. Шунга қарамадан компаниялар ва фирмалар ишчи кучи сифатини оширишга ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга бўлган эътиборини сусайтирмайди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари тизимининг аҳоли турмуш даражасига таъсирини ўрганиш мақсадида амалга оширган назарий тадқиқотларимиз бу соҳада бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб олиш имкониятини берди:

– хизмат кўрсатиш соҳаси, унинг айрим тармоқлари ва аҳоли турмуш даражаси ҳамда сифати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очишга доир чуқур ва кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиши лозим. Ушбу вазифани бажариш хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг айрим тармоқларига макроиқтисодий таъсир кўрсатиш йўли билан аҳоли турмушини кўтариш имкониятларини сезиларли даражада оширади;

– хизмат кўрсатиш ва моддий ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида мутаносибликни таъминлаш. Ушбу вазифа бажарилиши жараёнида хизматларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига ва аҳоли бандлигидаги улуши ривожланган мамлакатларга тобора яқинлашиб боради;

– кам таъминланган оилаларга хизматларни арзон-

лаштириш, бунда бозорни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш;

– бепул хизматлар сифати устидан қаттиқ назорат чора-тадбирларини такомиллаштириш йўллариини белгилаш;

– аҳолини бўш вақтидан самарали фойдаланишга қаратилган хизмат турларини кўпайтириш ва ривожлантириш;

– хизмат кўрсатиш соҳасининг айрим тармоқларида (маиший хизмат, туризм ва спорт ва бошқалар) жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган жиҳозлар ҳанузгача сақланиб қолган ва бу хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлиги ва хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли соҳа тармоқларида модернизация ва техник янгилашни кучайтириш;

– аҳолига хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун, аввало хизмат кўрсатилаётган ҳудуддаги аҳолининг молиявий-иқтисодий ҳолати, харид қилиш қуввати, сервис хизматларига бўлган талаби ва бир қатор бошқа омиллар ўрганилиши, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажми ва турларини ҳам шунга асосланиб белгилаш;

– аҳолининг хизматларга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда хизмат ҳажминини ва турларини белгилаш;

– аҳолининг хоҳиш истакларидан келиб чиқиб, хизмат турларини ўзгартириш ва уларнинг эҳтиёжига қараб зарур хизматларни таклиф этиш;

– давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун баҳо белгилашда аҳолининг имкониятларини ҳисобга олиш.

Соҳа олдида турган бу муаммоларнинг ечимларини топиш учун амалий тадқиқотлар ўтказиб, мавжуд ҳолатни баҳолаш, ютуқ ҳамда камчиликларни аниқлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон Стратегияси” -Т.: “O`zbekiston” нашриёти, 2021 й. 464-б.

2. Мухаммедов М.М., Урунбаева Ю.П. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари” - С.: Зарафшон 2017 й. 299-б.

3. Мухаммедов М.М., Ю.П.Урунбаева Аҳоли турмуш даражасини шакллантириш омиллари ва ошириш истиқболлари. Рисола. “Зарафшон”, 2010 й. 131-б.

4. Пардаев М.Қ., Урунбаева Ю.П. ва бошқалар Covid-19 Пандемиянинг хизмат кўрсатиш соҳасига таъсири ва уни бартараф қилиш йўллари. Могография. – Т.: “Фан ва технологиялар нашриёт-матбаа уйи”, 2022 й. 516-б.

5. Урунбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқболлари. Монография. Тошкент.: “ФАН”, 2013 й. 156-б.

⁶ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола.- Тошкент: Маънавият, 2017. -190-б.

⁷ Кушнир И.В. Мировая экономика // <http://www.be5.Biz/ekonomika/mo13/tech.htm>

УЎТ: 332.012.322

Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклиги
механизмини ривожлантириш асосида инвестициялар
самарадорлигини ошириш
Повышение эффективности инвестиций за счет развития
механизмов государственно-частного партнерства
в сфере услуг
Improving investment efficiency through the development of
public-private partnership mechanisms in the service sector

Гулнарахан УТЕМУРАТОВА,
Қорқалпоқ давлат университети доценти.

Аннотация

Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилиги ривожланишида инвестициялар самарадорлигини ошириш ҳамда инвестицион воситаларни фаоллаштириш механизмини такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ қилинган.

В данной статье рассматриваются направления повышения эффективности инвестиций в развитие государственно-частного партнерства в сфере услуг и совершенствования механизма активизации инвестиционных инструментов развития государственно-частного партнерства в сфере услуг.

In this article to increase the efficiency of investment in the development of public-private partnerships in the service sector and the activation of investment tools for the development of public-private partnerships in the industry

Қорқалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиши инвестициялар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш механизмларини шакллантириш, лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштиришга боғлиқ. Соҳада инвестицион сиёсатни амалга ошириш ишлаб чиқариш секторидаги корхоналарга ажратилган молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган бўлиши керак. Инвестицион механизмларнинг институционал асосларини ривожлантириш, бюджет ресурслари ҳамда жалб қилинган молиявий маблағлардан юқори даражада самарали фойдаланиш бўйича замонавий молиялаштириш техноло-

гияларини жорий этишга кўмаклашиш лозим.

Турли ҳудудий тузилмалар, тармоқ ва фаолият соҳаларида қабул қилинаётган чора-тадбирларни уч асосий йўналишга ажратиш мумкин: молиявий оқимларни назорат қилиш; нархларни бошқариш (тартибга солиш) орқали бозорни назорат қилиб бориш; турли дастурларни ишлаб чиқиш ва жамғармаларни ташкил этиш. Ушбу шарт-шароитларда давлат миқёсда олиб борилаётган инвестицион сиёсатни такомиллаштириш ҳудудий ривожлантириш ва алоҳида хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги ёндашувларда фарқларнинг мавжудлиги сабабли

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусий сектор, давлат-хусусий шериклиги, инвестиция, иқтисодий самара, инвестицион воситалар.

мураккаблашмоқда.¹

Хизмат кўрсатиш тармоқларида инвестиция сиёсати самарадорлигини ошириш қуйидагилардан иборат:

- хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
- соҳада инвестицион жозибadorликни ошириш орқали аҳоли бандлик даражасини ошириш ва ҳудудий инвестиция сиёсатини такомиллаштириш;
- ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини тузишда хизмат кўрсатишнинг замонавий тармоқларига инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий манбаларини шакллантириш;
- хизмат кўрсатиш соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва уларни суғурталаш тизимини ривожлантириш;
- хорижий инвестицияларни хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўйича тақсимлаш тизимини такомиллаштириш.

Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолиятни молиявий жиҳатдан таъминлаш шакллари

ва усуллари такомиллаштиришни давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос қонуниятларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Хизмат кўрсатиш жараёнларини тартибга солиш ва уларни молиялаштиришнинг янгича тизимини шакллантириш соҳада фаолият юритувчи хўжалик субъектлари ривожланишнинг стратегик мақсад ва вазифаларига эришиш имкониятини яратади.

Фикримизча, ҳам соҳа корхоналари, ҳам ҳудуд, туманларнинг бутун иқтисодиёти учун мавжуд инвестицион лойиҳалар кўлами бўйича шарт-шароитларни аниқлаш зарур. Ушбу шарт-шароитлар унинг ривожланишини инвестицион стратегияларини ишлаб чиқиш ва давлат-хусусий шериклик асосида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг инвестицион усуллари ва воситалари бўйича муаммоларни тадқиқ этишда ҳисобга олинади.

Ваҳоланки, инвестицион стратегия функционал тавсифга эга. Бунда хизмат кўрсатиш корхоналарининг инвестицион фаолиятини асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш керак. Шунингдек, уларнинг самарадорлиги ҳамда ушбу фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича ижобий ёки салбий синергетик самарага эришишини баҳолаш зарур.



1-чизма. Хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион маблағларнинг шаклланиши².

¹ Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш. Дисс. иқт. фанларидан PhD. – Самарқанд: СамИСИ, 2018. 30-31-б.

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Инвестицион маблағлар манбаи сифатида барча даражалардаги бюджет ресурслари, корхоналарнинг ўз маблағлари, инвесторлар жамоасининг активлар (инвестиция жамғармалари, суғурта компаниялари, нодавлат пенсия жамғармалари), хорижий инвестициялар, кредитлар, давлат-хусусий шериклик маблағлари бўлиши мумкин (1-чизма).

Шунингдек, инвестициялашнинг асосий усуллари сифатида бюджетдан ташқари молиялаштириш, давлат молиявий маблағлари, ўзини-ўзи молиялаштириш, инвестицион солиқ кредитлари, мол-мулк ижараси, банк кредитлари, лизинг кабилар ҳам бўлиши мумкин.

Инвестицион жараёнларни ишлаб чиқиш, реализация қилиш назарияси ва амалиётини ифодаловчи билимлар соҳасининг ривожланишини ўзида намён этувчи мувофиқ лойиҳалар билан бошланади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида инвестицион фаолиятни стратегик бошқариш жараёнида инвестицион портфелни шаклланиши келгусида аниқлик киритилишини назарда тутати. Инвестицион стратегиялардан фарқли инвестицион портфелнинг шаклланиши хўжалик субъектларининг стратегик қарорлари ва жорий молиявий имкониятлари доирасида амалга ошириладиган ўрта муддатли бошқарув жараёни ҳисобланади. Шу билан бирга, инвестицион фаолиятни тактик бошқариш алоҳида инвестицион дастурлар ва лойиҳаларни реализация қилишни оператив бошқаришда ўзининг баътафсил якуний босқичига эга бўлади.

Давлат инвестицион стратегияси доирасида хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларининг

тармоқ таркиби ҳамда уларнинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги назарда тутилади. Бундай стратегияни шакллантиришнинг асоси ҳудуднинг умумий ривожланиш стратегияси ҳисобланади. Бу субъектларнинг ривожланишига экзоген, эндоген ва институционал омиллар таъсир қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш стратегиясини яратиш ва жорий этиш давлат ҳоқимиятининг маҳаллий ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларини ички ва ташқи омилларига таъсир кўрсатишга мажбур қилади. Бу ҳолат соҳа корхоналари фаолиятини бошқариш сиёсати моделларини ишлаб чиқишга кўмаклашади.

Мамлакатнинг ривожланиш стратегияси бўйича сиёсатнинг икки асосий мақсади бўлиб, улар яхлит иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва субъектлар ўртасидаги номутаносиб ривожланишни бартараф этишдан иборат. Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудларнинг инвестицион жозибаторлигини ошириш тармоқ хусусиятларига мос иқтисодий ривожланишни таъминлаш ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида ижтимоий аҳамиятга эга стратегик лойиҳаларни бошқариш ва молиялаштириш бўйича хусусий секторнинг иштирокини таъминлаш алоҳида ўринга эга. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқариш механизми давлат сектори фаолияти самарадорлигини ошиши, жиддий сифат ўзгаришларга шарт-шароит яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие. – М.: ГУ-ВШЭ, 2010.
2. Стырин Е.М. Международный опыт использования ГЧП для реализации проектов электронного правительства. – М.: «Издательский дом ВШЭ», 2010.
3. Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш. Дисс. иқт. фанларидан PhD. – Самарқанд: СамИСИ, 2018. 30-31-б.
4. Arabov N.U., Bobobekov B.Q. Directions of development of regional information system in the labor market // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. Vol. 85, Issue 05, 2020, - P. 5.

Бюджетни ижро этишда газначилик тизимининг жаҳон тажрибаси

Мировой опыт казначейской системы исполнения бюджета

World experience of the treasury system in budget execution

Мансур МАНСУРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
кафедра мудири, PhD, доцент.

Аннотация

Мақолада иқтисодий ривожланган мамлакатлар давлат бюджет ижросининг газначилик тизими таҳлил қилинган. Давлат газначилик тизими орқали бошқарилнинг моделлари ўрганиб чиқилган. Швеция, Германия, АҚШ, Австралия, Бразилия ва бошқа мамлакатлар газначилик тизимининг функциялари таққосланган.

Хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш асосида муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасида газначилик тизими фаолиятининг янги механизмини жорий этиш бўйича қатор таклифлар киритилмоқда.

В статье анализируется казначейская система исполнения государственного бюджета в экономически развитых странах. Исследованы модели управления государственными финансами через казначейскую систему. Сравниваются функции казначейской системы Швеции, Германии, США, Австралии, Бразилии и других стран.

На основе анализа опыта зарубежных стран автор вносит ряд предложений по внедрению нового механизма казначейской системы в Республике Узбекистан.

The article analyzes the treasury system of state budget execution in economically developed countries. Models of public finance management through the treasury system have been explored. The functions of the treasury system of Sweden, Germany, USA, Australia, Brazil and other countries are compared.

Based on the analysis of the experience of foreign countries, the author makes a number of proposals for the introduction of a new mechanism of the treasury system in the Republic of Uzbekistan.

Давлатнинг жамият олдига асосий вазифаларини бажаришдаги ролини оширган ҳолда иқтисодийни модернизациялаш амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджет харажатлари ва молиявий оқимлар ҳаракатлари устидан самарали назоратни таъминлашга хизмат қиладиган замонавий молия тизимини шакллантиришни талаб қилади.

Ўзбекистон молия тизимини ислоҳ қилишнинг институционал-инструментал таъминотини хўжалик юритишнинг янги шароитларига мослашуви юз беради. Бу ҳол иқтисодийнинг эр-

кинлашувига қараб молиявий муносабатлар туб моҳиятининг ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун республикада амалга оширилаётган ислохотлар давлатга иқтисодий ва ижтимоий соҳани тартибга солиш имконини берувчи энг муҳим механизмлардан бири бўлган давлат молия тизимини ҳам четлаб ўтмайди.

Давлат молия тизимида муҳим ўринни амалдаги қонунчилик асосида қабул қилинадиган давлат бюджети эгаллайди. Давлат бюджети пул маблағларининг ягона фонди шаклида келиб ту-

Калит сўзлар: бюджет, кесишган ўзаро таъсир, бюджет даромадлари, бюджетлараро трансфертлар, маҳаллий бюджет барқарорлиги, нақд пул, газна.

шадиган даромадлар фақат харажатларни қоплашга йўналтирилишини ўзида акс эттиради. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, давлат бюджети пул маблағларининг умумдават фондиди шакллантириш ва тақсимлаш режаси муддати ҳамда ҳажмига кўра ўзаро боғланган даромад ва харажатларнинг бўлишини тақозо этади.

Кўпгина тадқиқотчилар давлат бюджети газна ижросини турли нуқтаи назардан ва ҳар хил муҳитда ўрганишган. Хусусан, И.Г. Акперов “замонавий шароитда бюджет – нафақат қонун сифатида тасдиқланадиган ягона режали ҳужжат, балки давлатнинг ягона сиёсати асосида молиявий режалаштириш ва прогнолаштириш, молия-хўжалик тизими ташкил қилинадиган асос ҳисобланади”, деб ҳисобласа [2], россиялик олима В.М. Родионова “давлат бюджети бу – жамият ва унинг ҳудудлари талабини қондириш мақсадида давлат қўлида йиғилган миллий даромадни қайта тақсимлашнинг иқтисодий формасидир”, деган фикрда. Европалик олимлар Питер Этрилл ва Эдди Маклейниларга кўра, “бюджет бу – келажак учун молиявий режа. Уни ишлаб чиқишда турли меъёрлардан фойдаланилади. Профессор Т.С. Маликов эса “давлат бюджети ялпи ички маҳсулотни тақсимлашда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар билан давлатнинг молиявий режасидан иборат” деб таъриф беради [6].

Давлат бюджети давлат қўлида тўпланадиган жамият маҳсулотлари қийматини қайта тақсимлаш босқичларини акс эттирувчи даромад ва харажатларнинг муҳим иқтисодий шакли сифатида фаолият юритади. Бу эса, ўз навбатида, бюджет ижросини самарали амалга оширишни тақозо этади.

Кўплаб иқтисодий ривожланган мамлакатлар, хусусан, Швеция, Германия, АҚШ, Австралия, Бразилия ва бошқа мамлакатларда бюджет ижросини газначилик тизими орқали амалга оширади. Бироқ ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бир хил – газначилик деб номланувчи органлар давлат молиясини бошқариш борасида турли функцияларни бажаради.

Бугун давлат молиясини газначилик тизими орқали бошқаришнинг ягона модели мавжуд эмас. Газначиликнинг муайян функциялари ҳар бир мамлакатда турлича. Вақт ўтиши билан улар ҳам ўзгариши мумкин.

Газначилик функциялари турли давлат тузил-

малари ўртасида қандай тақсимланишини Австралия, Бразилия, Франция, Испания, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари мамлакатлар мисолида таҳлил қилиб кўрамиз.

Францияда функциялар Иқтисодий ва молия вазирлигининг бош Газначилик дирекцияси билан бюджет, солиқ, божхона дирекциялари ўртасида бўлинган. Дирекциялар иккинчи даражали бўлинмалар ҳисобланади.

Франциянинг барча молиявий ресурслари газначиликнинг ягона ҳисобварағида жамланади. Давлатнинг ички ва ташқи қарзларини бошқариш ва қимматли қоғозлар чиқарилишини назорат қилиш, ягона газна ҳисобварағида маблағ етишмовчилиги ва ортиқча маблағларни депозитларга жойлаштириш масалаларини Франс Трезор агентлиги амалга оширади.

Германияда бюджет ижроси ҳам ўзига хос. У ерда бюджет тизими қуйидагилардан таркиб топган: федерал бюджет, Федерация субъектларининг бюджетлари, муниципалитетлар – обшиналар бюджетлари.¹ 1969 йилда амалга оширилган бюджет ислоҳоти Федерация ва ерлар учун ягона доираларнинг барпо этилиши билан боғлиқ эди. Конституциянинг бюджет шаклланишини назорат қилиш билан боғлиқ моддалари ўзгартирилди, сўнгра Асосий бюджет қонуни ва Федерал бюджет кодекси қабул қилинди. 1969 йилги ислоҳот бюджет касса ижросининг ташкилий тизимига ҳам тааллуқли бўлди. Давлат бошқаруви субъектларининг 58 та мустақил кассасидан таркиб топган ноаниқ тизим ўрнига икки пағонали кассали ташкилот жорий этилди.

ГФРда бюджетнинг ижроси бугунги кунда тўртта федерал кассадан иборат тизим зиммасига юклатилган. Улар бюджет ижроси доирасида ҳам нақд, ҳам нақд бўлмаган пул маблағларининг айланишини таъминлайди. Ушбу федерал кассалар молия вазирлигининг ҳам айрим функцияларини бажариши мумкин.

Америка Қўшма Штатларида газначилик бевосита Президентга бўйсунган бўлинма ҳисобланиб, кенг доирадаги иқтисодий ва молиявий функцияларни бажаради. Шунингдек, бюджет жараёнида уни тайёрлаш учун масъул бўлган Маъмурий-бюджет бошқармаси ҳамда бир қатор ҳисоб юритиш ва аудиторлик функциялари учун жавоб берувчи Бош бюджет-назорат бошқармаси ҳам иштирок

¹ <http://www.bundesfinanzministerium.de> (описание бюджетной системы ФРГ)

этади. Солиқ ва Божхона бошқармалари газначиликнинг қисми ҳисобланади.

Газначилик Федерал захира банкидаги ўзининг бош ҳисобварағи бўйича барча тушум ва тўловларни назорат қилади.

Ақсарият мамлакатларда бўлгани каби АҚШ газначилиги ҳам давлат қимматли қоғозларининг чиқарилиши ва ҳисобга олинисини назорат қилади. Кимосди савдоларига жойлаштириладиган қимматли қоғозлар ҳажми, муддати ва таркибини белгилаб беради.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, газначиликлар томонидан амалга ошириладиган тезкор бошқариш даромадлар ва харажатлар ҳақидаги тезкор ҳамда тўғри ахборотни олмасдан туриб мақбуллаштириб бўлмайди.

Бизнингча, барча мамлакатлардаги хилма-хиллик, бюджет газна ижроси тизимини самарали ташкил қуйидагиларга асосланади:

1. Ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида функцияларнинг аниқ тақсимланиши.


2. Самарали фаолият кўрсатувчи бошқарув органни умумлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи фаолияти.

Ривожланган мамлакатларда давлат назоратини ташкил этишда уч асосий тенденция кўзга ташланади (1-чизма).

Назаримизда, хориж амалиётидаги айрим ижобий ҳолатларни мамлакатимиз шароитига мослаштириш ва Ўзбекистон Республикасида жорий этиш мамлакатимиз бюджет жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган бўлар эди.

Давлат газначилиги тизимида бюджетнинг хавфсиз ижро этилишининг асосий тамойиллари – ягона касса аппарати, бухгалтерия ҳисоби, даромад ва харажатлар оқимини марказлаштириш, интизомнинг тўлиқлиги ва мувофиқлиги, қонунийлик ва холислик, башорат қилиш ва мослашувчанлик, шаффофлик, ишончликдир. Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, миллий газначилик тизимидаги турли даражадаги бюджетлар ижросини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

– республика ва маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харажатларини ижро этиш бўйича бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини амалиётга жорий этиш;



1-чизма. Ривожланган мамлакатларда давлат назоратини ривожлантиришни асосий тенденциялари².

3. Газначиликни ташкил этишда давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари манфаатдорлиги ҳамда тайёргарлиги.

Бюджет ижросининг газначилик тизими бўйича ишлаётган барча мамлакатларда давлат пул маблағлари самарадорлигини ошириш мақсадида ваколатли идоралар маҳаллий бюджет операцияларини ҳам марказий газначилик орқали амалга оширишга урғу беришган.

– нафақат республика ва маҳаллий бюджетлар тақчиллигини қоплаш учун молиявий манбаларни кенгайтириш, балки бюджет ташкилотларини ривожлантириш мумкин. Бунинг натижасида маҳаллий бюджетнинг даромад ва харажатларини баланслаштириш мумкин бўлади;

– бюджет жараёнининг даражалари ва босқичларида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

² Акперов И.Г., Коноплёва И.А., Головач С.П. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации – Москва: 2015. с.95-103

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эшназаров Т.Ш. Ўзбекистон Республикасида Ғазначилик тизими асослари. Тошкент. Иқтисод-молия. 2012.
2. Акперов И.Г., Коноплёва И.А., Головач С.П.. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. Учебное пособие. Кнорус. Москва. 2015. 10-ст.
3. Маликов Т.С. Давлат бюджети .Ўқув қўлланма. Тошкент 2007. (83-бет.)
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисида” ги қонуни. <https://lex.uz/docs/5186044>.
5. Гилёва А.А. Формирование и использование общего бюджета ЕС. Диссертация. Москва - 2011.
6. Чепель С.В. и др. Макроэкономика. – М.: 2007. С. 22-39.
7. <https://minesonopu.uz>. Экономическое обозрение №1 (251) 2021.
8. Нозимжон Ортиков, Ферузбек Давлетов. Бюджетный дефицит в оптимизации. Ж: Экономическое обозрение №1 (251) 2021.
9. Мансуров М.А. Основные факторы развития государственной финансовой системы. “Новый университет”. Россия:-07-08, 2014 .
10. Sheraliyevich, Tulqin Eshnazarov, and Mansurov Mansur Alisherovich. “Banking and credit facilities for improving the treasury system.” American Journal of Economics and Business Management 1.3 (2018): 16-25.
11. Mansurov M. A. Functional Model of Improving the Treasury System in Budget Execution //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 4. – С. 1-7.

Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишининг
концептуал модели
Концептуальная модель формирования и развития цифровой
экономики
Conceptual model for the formation and development of the digital
economy

Зухра ОТАҚЎЗИЕВА,
Мухаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари университети доценти, и.ф.н.

Аннотация

Мақолада рақамли иқтисодиётга доир турли илмий ёндашувлар, рақамли иқтисодиёт концептуал бир бутунлиги шаклланишида унинг уч асосий босқичи, рақамли иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмлари: электрон ҳукумат, электрон тижорат, электрон бандлик ҳақида фикрлар баён этилган.

В данной статье представлены различные научные подходы к цифровой экономике, три основных этапа в формировании концептуальной целостности цифровой экономики, системы отношений, институциональные компоненты цифровой экономики – электронное правительство, электронная коммерция и электронная занятость.

This article describes the different scientific approaches to the digital economy, its three main stages in the formation of the conceptual integrity of the digital economy, the main components of the digital economy: e-government, e-commerce, e-employment.

Бугун рақамли иқтисодиёт инсон ҳаётига оид катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш, улардан фойдаланиш ва таҳлил қилиш имкониятини яратган ҳолда шиддат билан ривожланмоқда. Бундай шароитда ҳар қандай мамлакат дунё бозорида ўз мавқеига эга бўлиш учун иқтисодиётини рақамлаштириш йўлидан боради. “McKinsey Global Institute” консалтинг компаниясининг ҳисоб-китобларига кўра, энг янги рақамли технологиялардан фойдаланиш 2025 йилгача ЯИМни жаҳон даражасида 3-6 трлн. АҚШ доллари миқдорида ўсишига олиб келади¹.

Ҳозир кўп мамлакатларда рақамли иқтисодиётни трансформация қилиш, уни шакллантириш ва ривожлантириш, турли соҳаларда рақамли технологияларни кенг қўламда жорий этиш, улардан корхоналар фаолиятида самарали фойдаланиш, турли бизнес моделлар ишлаб чиқишда АКТдан ташкил қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, 2030 йил-

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар, электрон ҳукумат, электрон тижорат, электрон бандлик, рақамли иқтисодиётнинг механизмлари.

¹ <https://www.mckinsey.com>

га бориб жон бошига ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляция даражасини 5 фоизгача пасайтириш, давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштиришни тезлаштириш, эркин рақобатга асосланган бозорни яратиш, эҳтиёжманда аҳолини манзили қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш, ижтимоий хизматларнинг сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш, инсон капитални ривожлантириш² ҳозирги кунда иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини ташкил этади.

Рақамли инфратузилма, электрон ҳукумат, рақамли sanoat, рақамли таълим ва рақамли иқтисодиёт борасидаги илмий изланишларни кучайтириш масалалари³, иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш каби устувор йўналишларни ривожлантириш⁴ бўйича долзарб вазифалар белгиланган. Замонавий иқтисодий илм-фанда ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш остонасида турибди. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда иқтисодий илм-фанда рақамли иқтисодиёт ҳақида умумэтироф этилган таъриф мавжуд эмас. Турли олим ва тадқиқотчилар таклиф этган назарияларидан рақамли иқтисодиётнинг белгиланган асосий хусусиятлари илгари сурилган.

Бугунги кунда ахборот ролининг ортиб бориши ва ишлаб чиқаришда коммуникация технологияларининг жорий этилиши ахборотлашган жамият шаклланишига олиб келди. Ахборотлашган жамиятнинг асосини эса анъанавий моддият эмас, балки интеллектуал ресурслар: ахборот, билим, фан ва инсон капитали ташкил этади.

Рақамли иқтисодиёт назарияларининг тўрт гуруҳи ва уларнинг муаллифларини шартли равишда қуйидагича ажратиш мумкин:

1) халқаро ахборотни алмашиш назарияси (М. Маклюэн (McLuhan), 1962 й.), З. Бжезинский (Brzezinski, 1970 й.), Э. Тоффлер (Toffler, 1980 й.),

И.Мелюхин (Мелюхин, 1997 й.) ва бошқалар;

2) тармоқ иқтисодиёт назарияси (М.Кастельс (M.Castells, 2000 й. – ҳ.в.);

3) билимлар иқтисодиёти назарияси (П.Дракер (Drucker, 1999 – ҳ.в.), ЮНЕСКО (UNESCO, 2005 – ҳ.в.);

4) рақамли иқтисодиёт назарияси (2000 й. – ҳ. в.) Д. Тапскотт (Tapscott D.), Н. Негропонте (Negroponte N.), Э. Бриньольфссон (E. Brynjolfsson), Б. Кахин (B. Kahin), Б. Йоханссон (Johansson B.), Ч. Карлссон (Carlsson Ch.), Р. Стоу (Stough R).

Тадқиқотчи М. Маклюэн “Электрон жамият” ғоясини илгари суради. Унинг фикрича, цивилизация ривожланиши босқичида электр катта роль ўйнади. Е. Тоффлер “Учинчи тўлқин” деб номланган ишида цивилизация тарихида уч тўлқинни ажратиб кўрсатади, бунда учинчи – пост – ёки супериндустриал (ўтган аср 50 йилларидан бошлаб) тўлқин ҳисобланади. Кастелс концепциясига кўра, сўнгги ўн йилликларда дунёда “информационал ва глобал” деб ном олган янги иқтисодиёт тури пайдо бўлди. Кастелснинг асосий хулосаси шуки, информационализм даврида иқтисодиётнинг мавжудлиги фақат иқтисодий агентларни боғловчи глобал тармоқ мавжуд бўлганда мумкин бўлади. П. Дракер билимлар жамиятининг асосий ижтимоий-иқтисодий ресурсга айланиши ва ҳар қандай илм эмас, балки биринчи навбатда, “билимлар ишчиси” кўтарилиши билан боғлиқ, деб таъкидлайди.

“Билимларга асосланган жамият” концепциясининг ишлаб чиқилишида ЮНЕСКО алоҳида ҳисса қўшди. ЮНЕСКОнинг “Билимлар жамияти сари” деб номланган ва 2005 йилда нашр этилган бутунжаҳон ҳисоботида: дунёда умумий кириш тармоғи сифатида янги технологиялар тарқалиши ва интернет пайдо бўлиши умумий макон ва билимларни кенгайтириш учун янги имкониятлар бермоқда, жамиятда билимлар ўрнини тубдан ўзгартирди, деб таъкидланган. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, рақамли иқтисодиёт бу – шундай шарт-шароитга асосланган иқтисодиётки, бунда ахборот нафақат ижтимоий ва иқтисодий кадр-қимматга эга бўлади, балки ахборот айирбошланиши мумкин бўлган

² Ўзбекистоннинг янги сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг инаугурация маросимидаги нутқи <https://www.gazeta.uz/ru/2021/11/05/inauguration/>

³ “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ЎР Президентининг Фармони (ПФ–6079-сон, 05.10.2020 й.).

⁴ “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ЎР Президентининг Қарори (ПҚ-4699-сон, 28.04.2020 й.).

Рақамли иқтисодиёт назарияси ривожланишининг уч асосий босқичи⁵

Т/р	Даврий босқич	Рақамли иқтисодиёт назарияси ривожланишининг йўналишлари	Ҳисса қўшган олимлар
1.	1960-1970 йиллар	Рақамли иқтисодиёт назариясининг туғилиши, энг аввало, тўпланган амалдаги материални тушуниш, ушбу жараёни ривожланишида қонуният ва тенденцияларни аниқлаш асосида шаклланган постиндустриал жамияти назарияларидир	Ф.Махлуп, Л. Кляйнрокк, М. Порат ва бошқалар
2.	1980-2000 йиллар	Рақамли иқтисодиёт назарияси асосий қоидаларини шакллантиришга ҳисса қўшган илғор мамлакатлар иқтисодиётининг жадал ахборотлаштирилиш даври	Х. Дордик, Дж. Ванг, Р. Катц, В. Масуда, Дж. Стиглер, Т. Стоуньер, К. Эрроу ва бошқалар
3.	2000 йилдан ҳ.в.	Рақамли иқтисодиёт назариясини билимлар иқтисодиёти билан боғлиқликда ва “Интернет буюмлар”(Internet of Things), электрон иштирок этиш ва краудсорсингнинг жадал суръатларда ривожланиши асосида янги бизнес моделларини шакллантириш амалиётини концептуал умумлаштириш йўналишида ривожлантириш	Д. Белл, М. Кастельс, М. Коннорз, У. Мартин, А. Норман, Д. Тапскотта, Н. Негропонте, Э. Бриньольфссон, Б. Кахин, Б. Йоханссон, Ч. Карлссон, Р. Стоу ва бошқ.

бозорни талаб қилади. Ҳар бир муайян мамлакатда рақамли иқтисодиёт индивидуал равишда шаклланиб, глобал шаклланиш характерига эга бўлади.

Рақамли иқтисодиёт концептуал бир бутунлиги шаклланиши унинг умумий назариясини уч асосий босқичини ажратиб кўрсатиш имконини беради (жадвал):

Рақамли иқтисодиёт шаклланишида бир қатор **механизмлар**ни ажратиб кўрсатиш мумкин: қонунлар, қонуности ҳужжатлар; давлат органлари, ташкилотлар, вазирлик ва идоралар; бозор механизми (ахборот, ахборот технологиялари бозори, нарх, рақобат); тадбиркорлик; сервис; инновация; блокчейн; коммуникациялар. Рақамли иқтисодиётнинг асосий **таркибий қисмлар (элементлар)**ига: электрон ҳукумат; электрон тижорат; электрон бандлик; технологик инфратузилма; рақамли бизнесни муваффақиятли олиб боришни таъминловчи жараёнларга электрон банклар, электрон тўловлар, интернет орқали реклама, электрон валютани киритиш мумкин. Ўз навбатида, рақамли иқтисодиётнинг

таркибий элементлари ва механизмларини ўзаро мутаносиб ҳолда боғлиқлигини рақамли иқтисодиёт тузилишининг концептуал модели орқали кўришимиз мумкин. Ушбу концептуал модел мазкур тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб, муаллиф томонидан рақамли иқтисодиёт соҳасида мутахассислар ва тадқиқотчиларга рақамли иқтисодиёт моделларини шакллантириш ва такомиллаштириш масалаларини ҳал этишда мантиқий негиз сифатида таклиф этиламоқда (1-чизма).

Рақамли иқтисодиёт шаклланишининг концептуал модели замонавий иқтисодий тузилмалар кесимида муайян даражада қўлланиладиган механизмларнинг ўрни, таъсир этувчи компонентлари, институтлар аҳамияти ва шу каби зарур воситаларини акс эттиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки:

а) кўриб чиқилган барча назариялар рақамли технологиялар маълум даражада рақамли иқтисодиётнинг асоси эканига ишора қилади. Рақамли иқтисодиёт тури назариялари алоҳида муаллифларнинг турли назарий ишланмаларига

⁵ Тадқиқотлар материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



1-чизма. Рақамли иқтисодиёт шаклланишининг концептуал модели⁶.

⁶Тадқиқотлар материаллари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

асосланган ва таҳлиллар натижаси шуни кўрсатдики, бугунги кунда рақамли иқтисодиёт етарли даражада тўлиқ ўрганилмаган, бу эса кенг қўламли тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади;

б) дунё мамлакатларида рақамли иқтисодиёт кўрсаткичлари ҳар хил ва ривожланиш йўллари турлича бўлса-да, унинг фаол инновациялар учун қулай шарт-шароитлар яратиши, рақамли технологиялар ва инфратузилмага инвестиция

харажатларини сезиларли даражада ошириши каби умумий хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин;

в) иқтисодиётнинг рақамли сектори маълум даражада рақамли иқтисодиётнинг устунлари бўлган компонентларга таянади ва рақамли иқтисодиёт, ўз навбатида, ўзининг механизмлари, таркибий элементлари орқали ўзаро боғланиб, шаклланишининг концептуал моделини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Otakuzieva Z.M. Development of information economy in Uzbekistan Global science. Development and novelty. Collection of scientific papers on materials of the IV international scientific-practical conference December 25, 2016 Ed. SPC "LJournal". 2016. – P. 13-16
2. Отакузиева З.М. Становление информационной экономики и перспективы её развития в Узбекистане. "Научный вестник" 2016. N1(7). Россия, Тамбов. Официальный сайт: nauchvestnik.ru E-mail: pub@ucom.ru – С. 107-113.
3. Machlup, F. The Production and Distribution of Knowledge in the United States [Текст] / F. Machlup. – New Jersey: Princeton University Press, 1962. – 283 p.
4. Porat M., Rubin M. The Information Economy: Development and Measurement. Wash., 1978.
5. Кастельс М., Химанен П. Информационное общество и государство благосостояния: финская модель. -М., 2009. С. 26.
8. Otakuzieva Z.M. World Experience of Digital Economy Development International Engineering Journal For Research & Development Vol.6 Issue 3 SJIF: 7.169 www.iejrd.com

УЎТ: 378.1

Таълим хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари
 Возможности использования современных информационно-коммуникационных технологий при оказании образовательных услуг
 Possibilities of using modern information and communication technologies in the provision of educational services

Жавлон ТОХИРОВ,
 Бухоро давлат университети
 “Сервис соҳаси иқтисодиёти” кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақола таълим хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларига бағишланган бўлиб, онлайн таълим хизматларини кўрсатишда 7 платформадан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларини умумлаштириб, платформалардан фойдаланиш бўйича умумий хулосаларга келинган.

Данная статья посвящена возможностям использования современных информационно-коммуникационных технологий при предоставлении образовательных услуг, анализируются возможности использования 7 платформ при предоставлении онлайн-образовательных услуг. Подводя итоги анализа, мы пришли к общим выводам об использовании платформ.

This article is devoted to the possibilities of using modern information and communication technologies in the provision of educational services, the possibilities of using 7 platforms in the provision of online educational services are analyzed. Summing up the results of the analysis, we came to general conclusions about the use of platforms.

Жаҳонда ўқувчилар (талабалар)нинг ўзлаштириш имкониятини инобатга олган ҳолда турли ўқитиш тамойилларидан фойдаланилади. Соҳа олимлари томонидан ўқитиш методларининг қуйидаги жиҳатлар тадқиқ қилинган. Масалан, С.А. Амбросе, М.В. Бридгесларнинг фикрича, кишилар туғма ўрганувчан туғилади ва атрофидаги кимса ва буюмларнинг ҳаракатлари ҳақида миллиардлаб

тафсилотларни ўзлаштиради, хотирасида сақлайди. Ҳаёт учун муҳим деб билганларини осон ўрганишади¹. Ж.Д. Брансфорд, Р.Р. Коскинг, А.Л. Бровнларга кўра, киши янги билимнинг маъноси ҳақида ўйлайди ва ўзи билган ҳамда ишонган нарсалар билан боғлиқларини такрорлаш орқали ўрганади². Ж.Е. Зулнинг таъкидлашича, янги билимлар олдингисига мос келса, инсон

Калит сўзлар: таълим, таълим хизматлари, онлайн таълим, Moodle, iSpring Learn, WebTutor, Teachbase, GetCourse, iSpring Market, Memberlux.

¹ Ambrose S.A., Bridges M.W. et al. How learning works: Seven research-based principles for smart teaching. CA: Jossey-Bass. San Francisco. 2010.
² Bransford J.D., Brown A.L., Cocking R.R. How people learn: Brain, mind, experience, and school. DC: National Academy Press. Washington. 1999.

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ

осон ўзлаштиради³. К.Костанинг эса талабалар диққатини ўқув материали ёки жараёнига қаратгандагина ўрганади⁴ деб ҳисоблайди. Л.Б. Нилсон кишилар билимларни биргаликда, бошқалар билан ўзаро муносабатда ўрганади, бироқ кўпчилик индивидуал ўрганишга ҳаракат қилади⁵, деб ўйлайди. Д.А. Блгхнинг фикрича, талабалар маърузани пассив тинглашдан кўра, фаол машғулот билан шуғуланганда яхшироқ ўрганади. Чунки, инсон мияси пассив ҳолатда бўлганида узок вақт давомида диққатини қарата олмайди⁶.

Бугун юртимиз таълим муассасаларида ходимларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини ошириш долзарб муаммоси ҳисобланади. Бу борада курслар ташкил қилиш ҳамда меҳнат лавозимларида компетентли ходимларнинг АКТ саводхонлигига 3 даражада қўйиладиган талабларни инобатга олган ҳолда ишларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир (1-чизма).

формулаларни таклиф қилиш мумкин:

Ҳозирги даврда онлайн таълим бозори жуда хилма-хил. Уларга очиқ онлайн курслар, жумладан, умумий таълим платформалари, ўрганиш учун мобиль иловалар ва компьютер ўйинлари, видеоконференция, ўқитувчилар билан виртуал дарслар ва бошқалар киритиш мумкин. Платформаларнинг имкониятларини тушуниш муҳим саналади. Энг яхши натижаларга эришиш учун форматлар ва воситаларни тўғри бирлаштириш кўникмаларига эга бўлиш керак. Бугун онлайн таълим хизматларини кўрсатишда бир нечта платформалар мавжуд (1 жадвал).

Тожли вирус пандемияси даврида дунёнинг етакчи университетлари аралаш курсларни жорий этиш режаларини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. Чунки, келажакда анъанавий дарслар ўрнини онлайн дарслар эгаллаши мумкин. Мазкур қарор нафақат пандемия давом этишига тайёргарлик кўриш зарурати, балки, объектив сабабларга кўра қабул қилинган. Хусусан, АҚШда ўтказилган сўров



1-чизма. Ташкилот ходимларининг АКТ саводхонлигига турли даражаларда қўйиладиган талаблар⁷.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида АКТ билан таъминланганлик даражасини аниқлаш ва моддий техник база ҳолатини билиш учун қуйидаги

натижаларига кўра, талабаларнинг 81 фоизи ёрдамчи рақамли қурилмалардан фойдаланиш таълим сифати ва ўқув фаолиятини сезиларли

³ Zull J.E. From brain to mind: Using Neuroscience to guide change in education. VA: Stylus. Sterling. 2011.

⁴ Costa C. Teaching and learning in context with a little help from a web. UK: Institute of Education. London. 2014. 117-134 p.

⁵ Nilson L.B. Creating self-regulated learners: Starateies for sterenghtening students' self-awareness and learning skills. VA: Stylus. Sterling. 2013.

⁶ Bligh D.A. What's the use of lectures? CA: Jossey-Bass. San Francisco. 2000.

⁷ Интернет маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

$AKT_{Td} = \frac{AKT_{B} * 100}{Xc} \quad (1)$	Бунда: AKT_{Td} — ахборот-коммуникация технология воситалари билан ўртача таъминланганлик даражаси; AKT_{B} — ахборот-коммуникация технология воситаларининг сони; Xc — ходимлар сони.
$AKT_{Bc} = \frac{KXx * 100}{AKT_{B}} \quad (2)$	Бунда: AKT_{Bc} — ахборот-коммуникация технология воситаларининг самарадорлиги; KXx — кўрсатилган хизматлар ҳажми (умумий тушум); AKT_{B} — ахборот-коммуникация технология воситаларининг ўртача қиймати.
$AKT_{Br} = \frac{C\phi * 100}{AKT_{B}} \quad (3)$	Бунда: AKT_{Br} — ахборот-коммуникация технология воситаларининг рентабеллиги; $C\phi$ — кўрсатилган хизматлардан соф фойда суммаси; AKT_{B} — ахборот-коммуникация технология воситаларининг ўртача қиймати.

даражада яхшилайти, деб ҳисоблайди.

Таълимнинг онлайн шакли қарийиб уч минг йиллик тарихга эга анъанавий таълим шаклидан яқин юз йилда ўтиб кетмаслиги аниқ. Онлайн таълим анъанавий таълимни тўлдирадиган ва унинг самарадорлигини оширадиган восита бўлиб хизмат қилиш эҳтимоли катта. Ҳаётимиз давомида биз доимо янги билим ва кўникмаларга эга бўлишимизни инобатга олсак, анъанавий

таълим учун қатъий белгиланган вақтда бунга эришиш мушкул. Шу боис биз иш ва ҳаёт учун қулай муҳит яратиш бўйича бошқа ҳаракатларимиз билан бир қаторда ўрганишни ҳам давом эттирамиз. Бу масалада бизга онлайн ўрганиш жуда муҳим воситага айланади. Масофавий таълим кўникмаларни ривожлантириш, янги иловалар ва рақамли воситалар билан танишиш учун жуда қулай воситадир.

I-жадвал.

Онлайн таълимда қўлланиладиган 7 та платформанинг умумий таснифи⁸

Т/р	Платформалар номи	Платформалар таснифи
1.	Moodle	Кенг хусусийлаштириш имкониятига эга бепул платформа. Серверга ўрнатиладиган бўлиб, функцияни кенгайтириш учун кўп плагинлар мавжуд.
2.	iSpring Learn	Корпоратив секторга қаратилган платформа. Рўйхатдан ўтиб фойдаланиш мумкин. Барча турдаги ўқув материалларини қўллаб-қувватлаш, веб-семинарлар, статистик маълумотларни жамлаш, офис ҳужжатлари ва видеолардан фойдаланиб тезкор курслар яратиш имконини берувчи курс муҳаррири.
3.	WebTutor	Модулли ХРМ платформаси нафақат кадрлар тайёрлаш, балки барча ХР жараёнларини қуриш имконини беради: баҳолаш, ходимларни танлашни автоматлаштириш. Кенг имкониятларга эга мураккаб тизим.
4.	Teachbase	Ўрнатилган курс муҳаррири мавжуд бўлиб, курсларни шакллантириш бирмунча осон. Курсларни сотиш имконияти мавжуд.
5.	GetCourse	Ахборот бизнесменлари орасида энг машҳур платформа. Веб-семинарлар ташкил қилиш, кўплаб тўлов тизимлари билан интеграцияга киришиш, курсларни ўғирлашдан ҳимоя қилиш мумкин.
6.	iSpring Market	Ўз онлайн курсини яратиш учун платформа. Хизмат онлайн курслар учун конструктор ва бозорни тақдим этади ҳамда сотишдан комиссия олинмайди.
7.	Memberlux	Оддий веб-сайтга асосланган ўқув порталини яратиш имконини берувчи WordPress учун плагин. Янги бошланувчи инфобизнесменлар учун мос бир марталик тўловни амалга ошириш имкониятига эга.

⁸ Тадқиқотлар натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Boettcher, J. V., & Conrad, R.-M. The online teaching survival guide: Simple and practical pedagogical tips. John Wiley & Sons. 2010.
2. Bowen, W. G., & Ithaka, S. Interactive learning online at public universities: Evidence from randomized trials. Ithaka S+R. Retrieved from <http://mitcet.mit.edu/wpcontent/uploads/2012/05/BowenReport-2012.pdf>. 2012.
3. Rakhimovich T. J. The effective use of state-private partnership in improving the quality of educational services //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 6-2 (84).
4. Tokhirov J. R. Concept of teaching technologies and techniques //Современные тенденции развития аграрного комплекса. – 2016. – С. 1743-1747.
5. Lack, K. A. Current status of research on online learning in postsecondary education. 2012.
6. Tokhirov J. R. The role of state-private partnerships in improving the quality of educational services. the case of Uzbekistan //Journal of Management Value & Ethics (Aquarterly Publication of GMA). – №. 04. – С. 59-64.
7. Тохиров Ж. Олий таълимда хизматларнинг мазмун-моҳияти ва сифатини ошириш йўллари //центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. №2.

УЎТ: 338.48

Туризмга инвестицияларни жалб қилишнинг истиқболли йўналишлари

Перспективные направления привлечения инвестиций в туризм

Promising areas for attracting investment in tourism

Мохинур НУРФАЙЗИЕВА,
Тошкент давлат иқтисодий университети катта ўқитувчиси.

Аннотация

Туризмда рақобатбардош ва барқарор иқтисодий ўсишни ривожлантиришида инвестициялар муҳим аҳамият эга. Мазкур мақолада мамлакатда туризмнинг глобал даражада такомиллаштириши орқали инвестицияларни жалб қилишнинг самарали йўллари таклиф этилган бўлиб, унда давлат ва хусусий капитал манбаларини аниқлаш, иш ўринларини яратиш ва барқарорликни оширадиган инвестицияларни жалб қилиш усуллари изоҳланган.

Инвестиции важны для развития конкурентоспособного и устойчивого экономического роста в сфере туризма. В этой статье предлагаются эффективные способы привлечения инвестиций через глобальное улучшение основных заинтересованных сторон туризма в стране, в которых объясняются методы выявления источников государственно-го и частного капитала, создания рабочих мест в туризме и привлечения инвестиций, повышающих стабильность.

Investments are important for the development of competitive and sustainable economic growth in the tourism sector. This article proposes effective ways to attract investment through the global improvement of the main tourism stakeholders in the country, explaining methods for identifying sources of public and private capital, creating tourism jobs and attracting investments that increase stability.

Туризмнинг кўп ўлчовли табиати инвестицияларни тушуниш ва ўлчаш учун мураккаб кўриниш тақдим этади. Истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракати ва умидларини ўзгартириш, технологияларнинг афзаллиги ва барқарорликка бўлган шошилиш эҳтиёж туризмнинг бутунги бизнес моделларига қарши чиқади ва соҳага қизиққан инвесторларга янги имкониятлар эшигини очади.

COVID-19 пандемияси туфайли жаҳон иқтисодиётининг барча тармоқларида ривожланиш қисман тўхтаб қолди. Айниқса, инвестиция ва туризм энг кўп жабр кўрган соҳалардан бири бўлди. Оқибатда 2020 йил жаҳон ЯИМда туризмнинг улуши 4,5 триллион

АҚШ долларига тушиб, 62 миллион иш жойи йўқотилди¹. Туризмга капитал қўйилмалар эса 2019 йилда 986 миллиард АҚШ долларидан 2020 йилда 693 миллиард АҚШ долларига тушди. Бу туризмдаги глобал инвестиция ҳажми 4,4 фоиздан 3,2 фоизга тушганини билдиради.

Халқаро туристлар ва капитал қўйилмалар ҳажмини тиклашга интилаётгани сабабли келгуси йилларда туризмда ўсишга эришиш учун асосий тенденциялар, устуворликлар ва имкониятларни белгилаб олиш жуда муҳим. Халқаро туризм ташкилотлари (UNWTO, WTTC, OECD ва бошқа) ҳисоботларида, туризмда барқарорликни таъминлаш янада бардошли бўлишга

Калит сўзлар: рақобатбардошлик, барқарор туризм, инвестицион жозибadorлик, туризм сиёсати.

¹ World Travel & Tourism Council: investing in travel & tourism 2021. Report. 6-8 p. www.wttc.org

қаратилган сиёсат соҳанинг марказида бўлиши кераклиги истиқболли йўналиш сифатида тақлиф этилган. Мазкур сиёсат орқали муваффақиятга эришишнинг дастлабки босқичида барча манфаатдор томонлар: туризм сиёсати, қонун ҳужжатлари, туристик хизматларни ишлаб чиқарувчилар, инвесторлар ва турли тоифадаги жамият гуруҳлари жалб этилади. Бунда инвестицияларни жалб қилиш, самарали муҳит яратиш, солиқ имтиёзлари, соҳанинг бизнес субъектларга қўмаклашиш, хизматлар диверсификацияси, инновация ва рақамли технологиялардан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш ва гигиена талабларининг интеграцияси, малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда таълим дастурларининг мавжудлиги кабилар асос қилиб олинади.

Солиқ имтиёзлари туризмда пандемия оқибатларини бартараф этишда, бизнес субъектлар фаолиятини барқарорлаштиришда катта ҳисса қўшади. Мамлакатдаги туризм йўналишлари ва субъектлар фаолиятининг ривожланишига имкон беради. Соҳада солиқлар ва бошқа тўловларни самарали бошқариш давлат даромадларининг ўсишини таъминлаб, туризм бозорида тенглик, адолатли даромад олишни бошқариш, самарадорлик кўрсаткичларини яхшилаш, соддалик ва ўсишни самарали рағбатлантириш каби асосий тамойилларга асосланиши лозим².

Бизнес субъектларга қўмаклашиш сиёсати туризмни ривожлантиришга таъсир кўрсатадиган энг муҳим ҳукумат ислохотларидан бири. Бунда бош туризм ташкилотлари томонидан иш ўринлари яратиш, иқтисодий ўсиш ва инвестицияларни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим роль ўйнайди. Масалан, туризмни ташкил қилишга давлат томонидан саёҳат чекловларини олиб ташлаш, халқаро бозорларга чиқиш шартларини соддалаштириш йўллари тақлиф қилиш, туристларнинг узлуксиз ва хавфсиз саёҳат дастурларини таъминлаш учун технологик ечимларни ишлаб чиқиш орқали бизнес субъектларига самарали қўмаклашиш мумкин.

Пандемиядан кейинги ривожланиш туризм субъектларидан ижодкорлик ва эпчилликни талаб қилмоқда. Чунки, мижозларда пандемиядан сўнг нормал ҳолатга қайтиш истагининг кучайиши эҳтиёжларнинг ошишига олиб келди. Бу даврда субъектлар янги ички ва хорижий инвестицияларни ҳамда саёҳатчиларни жалб қилиш имкониятидан унумли фойдаланиши мақ-

садга мувофиқ. Туризм маҳсулот тақлифларини диверсификация қилиш, муқобил даромад келтирадиган потенциал йўналишларини аниқлаш даркор.

Пандемиядан сўнг мижозлар биринчи навбатда соғлиқни сақлаш ва гигиена алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу талаблар мавжудлиги рақобатбардошлик омили бўлиб, саёҳатчининг туристик дестинацияни танлашда нарх ва географик жойлашув муҳим мезонга айланди.

Туризмда малакали кадрлар тайёрлашда таълимнинг мавжудлиги инвестициялар жалб қилишга таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири. Мамлакатда мутахассислар тайёрлаш дастурларининг мавжудлиги, ходим кўникмаларини ривожлантириш учун такомиллаштирилган таълим ташкил этилгани, малака оширишда махсус тренинг ишлаб чиқилгани инвеститцион жозибадорликни оширишга хизмат қилади. Масалан, рақамли саводхонликни ошириш, ёшларда туризмни соҳа танлови сифатида қабул қилиши, айниқса, ходим етишмаслиги муоммасага дуч келмаслик учун янги истеъодларни жалб қилишга эътибор қаратилиши мумкин³.

Ўзбекистонда қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, жойларда қулай тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини шакллантириш, кенг жалб қилиш орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида ҳам инвестицион истиқболли йўналишлар белгилаб берилган⁴.

Қисқаси, мамлакатда туризм сиёсатини олиб боришда қонун устуворлиги, сиёсий барқарорлик, қулай солиқ имтиёзлари, валютанинг эркин ҳаракатланиши, жиноятчилик, террор хуружлари ва табиий офатлар таҳдиди каби масалаларда хавфсизлик инвестицияларни жалб қилиш зарур. Давлат сиёсати инвесторларнинг қизиқишини жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, халқаро туризмнинг тикланишини тезлаштириш ва инвестицияларни жалб қилишнинг асосий механизми сифатида намоён бўлади.

² М. Нурфайзиёва. Туризм маркетинги. Ўқув қўлланма. ТДИУ 2019. 201-204 б

³ М. Нурфайзиёва. Анализ и пути решения проблем влияния пандемии COVID 19 на экономику туризма. Экономика и образование, 2021. 231-234 стр.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022 йилда туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 110-сон қарори, 10.03.2022 йил.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022 йилда туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 110-сон қарори, 10.03.2022 йил.
2. М. Нурфайзиёва. Туризм маркетинги. Ўқув қўлланма. ТДИУ 2019. 201-204 б.
3. М. Нурфайзиёва. Анализ и пути решения проблем влияния пандемии COVID 19 на экономику туризма. Экономика и образование, 2021. 231-234 стр.
4. М. Aliyeva Assessment of the development potential of the tourism industry in Uzbekistan. Journal of Management Value & Ethics Jan.-March 19, Vol.9 No.1, India ISSN-2249-9512.
5. World Travel & Tourism Council: investing in travel & tourism 2021. Report. 6-8 p.
6. lex.uz- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
7. Uzbektourism.uz - Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги веб-сайти.
8. www.unwto.org – Бутунжаҳон туризм ташкилоти.
9. www.wttc.org- Бутунжаҳон саёҳат ва туризм кенгаши.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланишида автомобиль транспорти ва йўлларининг муҳим кўрсаткичи сифатида Автомобильный транспорт и дороги как важный показатель развития экономики Узбекистана Automobile transport and roads as an important indicator of economic development of Uzbekistan

Нилуфар ШАНАЗАРОВА
ТДТУ катта ўқитувчиси.

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида автомобиль йўллари муҳим кўрсаткич ҳисобланади, ташиш жараёнини транспорт коммуникациялари билан таъминлайди, автомобиль транспорти ҳаракатланувчи таркибининг иш унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади, автомобиль йўлларидаги ҳаракат қатнови зичлигини ўзгартириши, геометрик омиларга ва уларни автомобиль транспорти томонидан тасарруф этилиши интенсивлигига боғлиқ равишда техник-тасарруф ҳолатларини таъминлаши баён этилган.

В данной статье говорится, что автомобильные дороги являются важным показателем социально-экономического развития страны, обеспечивают транспортный процесс транспортными коммуникациями, создают необходимые условия для повышения производительности дорожного подвижного состава, изменения плотности движения, геометрических факторов и их транспорта, в зависимости от интенсивности утилизации государством.

In this article, roads are an important indicator of the country's socio-economic development, provide the transport process with transport communications, create the necessary conditions for increasing the productivity of road rolling stock, changing traffic density, geometric factors and their transport, depending on the intensity of utilization by the state.

Транспорт – барча иқтисодиёт тармоқларини боғлочи вазифасини бажаради ва ўзига хос хусусиятга эга. Биринчидан, транспорт моддий маҳсулот ишлаб чиқармайди, иккинчидан транспорт маҳсулоти юк ва йўловчи ташиш ҳажми, учинчидан, бошқа иқтисодий тармоқлар каби маҳсулот захираси яратилмайди. Бундан кўриниб турибдики, транспорт мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишида асосий омилардан биридир. Транспортнинг самарали фаолиятида йўллар муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Транспорт логистикасини ривожлантиришида автомобиль

йўлларининг ўрни беқиёс, ундаги хизмат турларини замонавийлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинди. Ушбу стратегияда транспорт соҳасини ривожлантиришда бир қанча вазифалар белгиланган. Булар:

- миллий транспорт логистика компаниялари ўр-тасида рақобат даражасини ошириш;
- автомобиль паркларини кенгайтириш;
- йўл-транспорт инфратузилмасини янада

Калит сўзлар: транспорт маҳсулоти, техник-иқтисодий тизим, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, давлат-хусусий шериклик.

ривожлантириш;

– экспортга мўлжалланган миллий маҳсулотлар нархларини рақобатдош қилиш мақсадида юкларни бир транспортдан бошқасига қайта юклаш пунктлари сонини ошириш;

– автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш белгилаб ўтилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси дастурида Автомобиль саноатида кооперацияни янада ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга, экспорт ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш. Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқаришини ягона саноат кластери усулида ташкил этиш вазифаси белгилаб қўйилди. Бугунги кунда транспорт маҳсулоти харажатлари миллий иқтисодийётни ривожланишида муҳим масала ҳисобланади. Сўнгги йилларда логистика харажатларини ўрганиш ва аниқлаш муаммоси билан боғлиқ масалалар кўплаб тадқиқотларда кўриб чиқилган. 90-йилларда. XX аср логистика харажатларини ўрганиш ва аниқлаш муаммоси чет эл иқтисодчилари Д.Д. Шалек, М. Кристофер, Боверсох, К. Сковронек, Д.Р. Сток, Д.М. Ламберт томонидан, шунингдек, логистика харажатларининг назарий жиҳатларини ўрганиш бир қатор рус тадқиқотчилари (Вельможин, В.А. Гудков, Л.Б. Миротин, А.Л. Носов) томонидан амалга оширилган¹ бўлиб, улар логистика харажатларини меҳнат, моддий, молиявий ва ахборот ресурслари ва трансакция харажатлари деб ҳисоблашган.

М. Куфелнинг фикрига кўра, “логистика харажатлари – бу харажатларнинг шундай тоифасики, бунда материалларнинг барча шакллари вақт ва маконда ҳаракатланишни режалаштириш, амалга ошириш ва бошқариш (технологик жараёнлар бундан мустасно) натижасида юзага келадиган корхона мулкидан фойдаланишнинг пул ифодаси”² бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, барча иқтисодийёт тармоқларини ривожланишида логистика харажатлари, транспорт маҳсулоти, яъни, ишлаб чиқаришдаги хом ашё ёки улгуржи ва чакана савдо тармоғидаги тайёр маҳсулотлар таннархи билан боғлиқ харажатларни

ташкил этади.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги “2018–2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида – темир йўл, автомобиль ва авиация транспортини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, юк ташиш бўйича улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро логистика марказларини барпо этиш, халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари, йўл бўйидаги зарур инфратузилмани қуриш ва реконструкция қилиш белгилаб ўтилган.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни Ашхобод шаҳрида ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) 15-саммити ишида минтақадаги мавжуд транспорт йўлакларидан унумли фойдаланиш ва янгиларини яратиш тўғрисида фикр юритдилар. Давлат раҳбари минтақалараро транзит хабларини ташкил этиш, замонавий транспорт ва йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш ҳамда қўшимча чегирмаларни тақдим этиш, халқаро юк ва йўловчи ташиш шартларини энгиллаштириш, транспорт соҳасини рақамлаштириш масалаларига аниқ ечимлар топиш муҳим эканини таъкидлади. Бу режаларни рўёбга чиқариш учун мамлакатимизнинг транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш ва транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган минтақавий стратегияни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида гапириб ўтди.

Автомобиль йўл хўжалиги – техник-иқтисодий тизим бўлиб, у фаолият кўрсатиш мақсади, таркибий тузилиши, фойдаланиладиган ресурслар ва натижаларни баҳолаш нуқтаи назаридан қаралганда, у ташиш жараёнини транспорт коммуникациялари билан таъминлайди, автомобиль транспорти ҳаракатланувчи таркибининг иш унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади, автомобиль йўлларидаги ҳаракат қатнови зичлигини ўзгартириш, геометрик омиларга ва уларни автомобиль транспорти

¹ Миротин, Л.Б. Эффективная логистика / Л.Б. Миротин, Э. Тышбаев, О.Г. Порошина. – М.: Экзамен, 2002. – 160 с.

² Kufel, M. Koszty przepływu materiałów w przedsiębiorstwach przemysłowych. Problemy budżetowania, ewidencji i kontroli / M. Kufel. – Wrocław: AE. – 1990. – 230p.

томонидан тасарруф этилиши интенсивлигига боғлиқ равишда техник-тасарруф ҳолатларини таъминлайди.

Автомобиль транспорти бошқа транспорт турларидан бир қатор ўзига хос бўлган фарқларга эга, хусусан, унга доимо янги юк ҳажмларининг турларини ўзлаштириб боришга тўғри келади.

Автомобиль транспортда ҳудудий-тармоқ бошқарувининг тизимини ташкил этиш иқтисодийнинг бир қатор тармоқлари ва шохобчаларини ягона автомобиль - йўл мажмуига бирлаштиришни талаб қилади.

Мамлакатнинг автомобиль-йўл мажмуини режалаштириш ва бошқариш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ва барча шохобчаларнинг бирлигини ҳисобга олиб, пировард мақсадни кўзлаган ҳолда амалга ошириши керак.

Автомобиль йўл мажмуи барча элементларининг умумий мақсади корхоналар ва аҳолининг юклари ҳамда йўловчилар ташишга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Автомобиль – йўл мажмуи фаолияти ва ривожланишининг мезони сифатида транспортга бўлган талабларни қондириш учун сарфланадиган ижтимоий (жонли ва буюмлашган) меҳнат миқдори қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни йўл хўжалигини ривожлантириш ва ушбу соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш давомида “Мамлакатимизда жами юкларнинг 98 фоизи ва йўловчиларнинг 88 фоизи автомобиль йўллари орқали ташилади. Кейинги йилларда юртимиз экспортида тайёр маҳсулотлар улуши кўпайиб бораётганлигини ҳамда келгусида уни янада ошириш режалаштирилганлигини, товарларни манзилга тез ва сифатли етказиш учун эса ривожланган йўл инфратузилмаси кераклиги”ни таъкидлади.

Автомобиль йўллари қуриш ёки таъмирлаш ишларига халқаро ташкилотлар ва хусусий шерикларни фаол жалб қилиш зарурлиги, жумладан, халқаро ва давлат аҳамиятига эга 1 минг 600 километр узунликдаги йўлларга доир 18 та йирик лойиҳани шундай ҳамкорлик асосида амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди. Ички йўлларни таъмирлашда ҳудудларнинг иштироки сезилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Молия вазирлигига республика бюджетидан фақат умумий фойдаланишдаги йўлларга, ички йўлларга эса маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш тартибини жорий қилиш вазифаси қўйилди. Хорижий

давлатларда йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик яхши ривожлангани қайд этилди. Йўл бўйи инфратузилма объектларини бериш орқали лойиҳаларга инвесторларни жалб қилиш мумкинлиги таъкидланди. Мутасаддиларга давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳалар доирасида йўл бўйи объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5890-сон Фармони мувофиқ:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида чет давлатлар автотранспорт воситаларининг, шу жумладан, республикага кириб келаётган оғир вазни ёки йирик габаритли транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва унинг ҳудуди орқали транзит ўтиши учун йиғимлар ва тўловлар амалга оширилиши, шунингдек, ташувчилар томонидан транспорт воситаларининг рухсат этилган вазн ва габарит параметрларига риоя этилиши устидан назорат божхона органлари томонидан амалга оширилади. 2021 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет давлатлар автотранспорт воситаларининг кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит ўтиши учун йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

70 фоизи — Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига;

20 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

10 фоизи — Давлат чегараси орқали автомобиль ўтказиш пунктларида автотранспорт воситаларининг вазн ва габарит параметрларини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган ўлчаш воситалари билан жиҳозланган замонавий назоратни ташкил этиш ҳамда ушбу божхона постлари ҳудудидаги ички автомобиль йўллари тегишли ҳолатда сақлаш учун мақсадли йўналтирилган ҳолда божхона органларининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

Умуман, автомобиль йўллари соҳасини тубдан ислоҳ қилиш учун манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузиб, 2020-2030 йилларда Автомобиль йўллари ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Бу стратегияда, аввало, автомобиль йўллари

бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари белгиланди.

Умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларида ташқари, мамлакатда саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ташкилотларга хизмат кўрсатувчи корхона ва идораларга тегишли йўллар ҳам мавжуд. Бу йўлларнинг ҳам кўпчилик қисми қаттиқ қопламага эга. Идора ва ташкилотларга тегишли бўлган йўллар йўл хўжалиги таркибига кирмайди. Улар тегишли ташкилот ва корхоналарнинг мулки саналиб, улардан иншоот сифатида фойдаланилади. Бу йўлларни таъмирлаш ва яроқли ҳолда ушлаб туриш шу корхоналарнинг зиммасига юклатилган.

Автомобиль йўлларининг у ёки бу туридан фойдаланишда (умумий юк кўтариш қобилияти, ўқларга тўғри келадиган юкланиш, габарит ўлчамлар, ҳаракатланиш тезлиги), ёнилғи-мойлаш материаллари харажати, автомобилларнинг ва уларнинг қисмларини ейилиши, меҳнат унумдорлиги, ҳаракат хавфсизлиги ва ташиш таннархига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли автомобиль йўлларининг транспорт-тасарруф кўрсаткичларининг яхшиланиши ҳаракатланувчи қисмини тасарруф этишга бўладиган харажатларнинг камайишига ва аксинча, уларнинг камайишига автомобиль йўллари тизимини кенгайтиришга ҳамда уларни яроқли ҳолда ушлаб туришга маблағлар етишмаслиги, ҳаракатланувчи қисмининг ишлаш шароитини ёмонлашувига ва транспорт ҳамда бошқа турли харажатлар ва

йўқотишларнинг ортишига сабаб бўлади.

Ҳозирда Автомобиль йўллари қўмитасида ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи, ҳам эксплуатация қилиш функциялари тўпланиб қолгани оқибатида тизимдаги корхоналар халқаро лойиҳаларда иштирок эта олмаяпти. Шу боис қурилиш ташкилотларини қўмита таркибидан чиқариб, улар негизида “Ўзавтойўл” акциядорлик компанияси ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, хусусий шериклар иштирокида тезкор автобанлар қуришга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари йўллар сифатини оширишни лойиҳалаштиришдан бошлаш кераклигини таъкидлади. Бунинг учун лойиҳа ташкилотларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техника базасини ва кадрлар таркибини кучайтириш бўйича кўрсатма берилди.

Шундай қилиб, йўл хўжалигини самарали олиб бориш, бутун автомобиль – йўл мажмуининг ишлашини, ишлаб чиқариш ва моддий ресурслар тежамини таъминлаб, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг жадаллашувига, яъни, ҳудудларнинг (биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги) ўзлаштирилишига, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг ва саноат корхоналарининг ривожланишига имкон яратади.

Йўл хўжалигининг таркиби ва унинг ривожланиш қонуниятлари йўл хўжалиги барча умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари ҳамда бу йўлларни таъмирлаш ва яроқли ҳолда бўлишини таъминловчи корхона ва ташкилотларни ўз таркибига олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги РҒ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи. 8 февраль 2017 йил.
2. Kufel M. Koszty przepływu materiałów w przedsiębiorstwach przemysłowych. Problemy budżetowania, ewidencji i kontroli / M. Kufel. – Wrocław: АЕ. – 1990. – 229 р.
3. Миротин Л.Б. Эффективная логистика / Л.Б. Миротин, Э. Тышбаев, О.Г. Порошина. – М.: Экзамен, 2002. – 162 с.
4. www.roadvay.uz, www.uzavtoyul (“Ўзавтойўл” ДАК)
5. Шоназарова Н.Б. (2019). Перспективы развития логистических систем в сфере пассажирских перевозок. Достижения науки и образования, (7 (48)), 10-11.
6. Шоназарова Н.Б., & Кенжаева Б.О. (2020). Сущность логистических затрат и пути их оптимизации. Проблемы науки, (5 (53)), 32-33.

Акциядорлик жамиятларда маҳсулот таннархи калькуляциясининг ўзига хос хусусиятлари Особенности расчета себестоимости продукции в акционерных обществах Features of calculating the cost of production in joint – stock companies

Қуралбай БЕКБОСЫНОВ,
катта ўқитувчи.

Жулдыз ПИРНАЗАРОВА,
1-курс магистранти.

ҚҚДУ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси

Аннотация

Мақолада акциядорлик жамиятларда маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Шуниндек, “Халқабод пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш услублари таҳлил қилиниб, маҳсулот таннархини камайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

В данной научной статье рассматриваются особенности исчисления себестоимости продукции в акционерных обществах. Также были проанализированы методики расчета себестоимости продукции АО «Халқабод пахта тозалаш» и даны предложения и рекомендации по снижению себестоимости продукции.

This scientific article examines the specifics of calculating the cost of production in joint stock companies. Also, the methods of calculating the cost of products of JSC «Xalqabad pakhta tozalash» were analyzed, and suggestions and recommendations were made to reduce the cost of production.

Мамлакатимизда иқтисодийёт барқарор ривожланишини таъминлаш учун диверсификациялаш ва модернизациялаш билан бирга корхоналарда ҳисоб ислоҳотларини талаб даражасида ташкил этиш муҳим роль ўйнайди. Саноатда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини юритиш ва таннархни калькуляция қилишни такомиллаштириш йўллари излаб топиш лозим [1].

Бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш харажати маҳсулотнинг таннархини белгилайди. Чунки, барча турдаги маҳсулот бозорда товар сифатида сотилади. Шунинг учун ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқариш харажати миқдорини

алоҳида-алоҳида аниқлаш зарур. Ҳар қандай товар қиймати уч қисмдан иборат:

— истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати (Вқ);

— зарурий меҳнат сарфи натижасида яратилган меҳнат сарфи (Зм);

— жамият учун сарфланган меҳнат натижасида ҳосил бўлган маҳсулот ёки соф даромад.

Товар қийматининг дастлабки икки қисми маҳсулот таннархини (Мт) ташкил этади.

$$M_t = B_q + Z_m \quad (1)$$

Маҳсулот таннархи бу — ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг пулдаги ифодаси.

Калит сўзлар: акциядорлик жамият, маҳсулот таннархи, харажатлар, калькуляция.

Маҳсулот бирлиги таннархи (Мбт) — жами ишлаб чиқариш харажатлари (Их) ялпи маҳсулот (Ям) миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

$$Мбт = Их / Ям (2)$$

Маҳсулот бирлиги таннархи бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун қанча харажат сарфланганини билдиради. Корхоналарда таннарх ёрдамида фақат маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар кўламини аниқлаш, балки айрим иш турлари (трактор иши, тонна/км, озуқа бирлиги ва ҳоказо) таннархини ҳам аниқлашда фойдаланилади [2].

Харажатлар характери жиҳатидан **техно-**

лиқ ҳисобда акс эттириш;


– маҳсулот ишлаб чиқаришда пул ва меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланишни назоратга олиш;

– ҳажм, сифат, хилма-хиллик бўйича режанинг бажарилишини назорат қилиш;

– айрим маҳсулот турларининг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш;

– таннарх бўйича режа топшириги бажарилишини назорат қилиш;

– ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган имкониятларни аниқлаш, яроқсиз маҳсулот, нобудгарчилик, хўжасизликка ва унумсиз харажатларга қарши тизимли кураш олиб бориш;



1-чизма. Харажатлар характери жиҳатидан маҳсулот таннархи таснифи.

логик, ишлаб чиқариш, тижорат (тўла) таннархларига бўлинади (1-чизма).

Ҳозир маҳсулот таннархи фақат ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари (меҳнат қуроллари ва буюмлари, ишлаб чиқаришда қатнашувчилар оладиган иш ҳақи, рента, фойда, фоиз)дан ташкил топмоқда. Бошқа харажатлар — умумхўжалик, умумишлаб чиқариш, маҳсулотни реализация қилиш, солиқлар, банк фоизлари, турли қарзлар эса фойдадан қопланмоқда [3].

Маҳсулот таннархини камайтириш учун ишлаб чиқариш ресурсларини тўғри сарфлаш, белгиланган нормативларга риоя қилиш, тежаш тартибини амалда кенг қўллаш лозим. Шу боис бугунги кунда харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини тўғри калькуляция қилишга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада асосий вазибалари қуйидагилардан иборат:

– маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни ўз вақтида тў-

– ишлаб чиқариш – хўжалик ҳисоби натижаларини аниқлаш;

– таннархни таҳлил қилишдан асосий мақсад – ишлаб чиқаришдаги қўшимча захираларни топиш. Таннарх бу – маҳсулотни ишлаб чиқаришда техникалар ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, шунингдек, хомашё материалларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ равишда ҳосил бўлувчи кўрсаткичдир [4]. Таннарх мазкур барча кўрсаткичлар асосида шаклланади.

Маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг ўзига хос жиҳатларини “Қорақалпоқпахтасаноат” ХАБ таркибидаги “Халқабад пахта тозалаш” АЖ мисолида кўриб чиқамиз. Пахта тозалаш сановатида хомашёдан фойдаланиш даражаси корхонанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари учун ҳал қилувчи таъсирга эга. Пахта хомашёсининг асосий кўрсаткичи эса тола ҳисобланади. Тола миқдори, ўз навбатида, хомашёсининг сифатига, яъни, об-ҳаво ва қайта ишлаш давригача

“Халқабад пахта тозалаш” АЖдаги товар маҳсулотининг 1 сўм харажатларини иқтисодий унсурлар бўйича таҳлили

Кўрсаткичлар	2020	2021	Ўзгаришлар (+,-)
Сотилган маҳсулот таннархи (минг сўм)	20382795	23842129	3459334
Шу жумладан:			
Материал харажатлар	18262984	21362548	3099563
Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	203828	238421	34593
Асосий фондлар амортизацияси	285359	333790	48431
Бошқа харажатлар	1630624	1907370	276747
Сотишдан олинган соф тушум (минг сўм)	24152953	27426896	3273943
Маҳсулотнинг 1 сўмига харажатлар (1 қатор/6 қатор:100)	84,39	86,93	2,54
Материалнинг истеъмоли (2 қатор / 6 қатор :100)	75,61	77,89	2,28
Маҳсулотнинг иш ҳақи истеъмоли (3 қатор / 6 қатор :100)	0,84	0,87	0,03
Амортизация истеъмолиги (4 қатор / 6 қатор :100)	1,18	1,22	0,04
Бошқа харажатлар (5 қатор / 6 қатор :100)	6,75	6,95	0,20

қандай сақланишига боғлиқ. Қуйидаги жадвалда харажатларнинг энг салмоғлиси материал истеъмолини ташкил этиш экани кўриниб турибди. Ҳисобот йилида ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,28 сўмга ошган. Бу ижобий ҳол эмас, албатта.

Маҳсулотнинг 1 сўм харажатлар кўрсаткичини аниқлаш учун олдиндан унинг тўлиқ таннархини ҳисоблаб чиқиш керак. 1 сўм харажатлар даражаси ишлаб чиқариш билан бирга ассортимент ва сифатга ҳам таъсир этади. Чунки, ассортимент ва сифатнинг улгуржи нархларга таъсири катта. 1 сўм харажат маҳсулот ҳажми, ассортименти ва сифатининг умумий кўрсаткичи ҳисобланади. Шунинг учун таннархнинг 1 сўм харажатларига таъсирини алоҳида ўрганиш зарур. Бошқа омилларни ҳам. Шу мақсадда бу кўрсаткични таҳлил қилишда режани ҳақиқий

усули қўлланилади. Пахта тозалаш корхоналарида харажатларнинг ортиши маҳсулотнинг материал истеъмоли ва бошқа харажатлар ўсгани учун юз берган. Бу ҳолда фойда ўсишининг бош захираси – ресурсларни материал истеъмолидан фойдаланишни оширишдан иборат. Товар 1 сўмига харажатлари таҳлили натижаларини қайта кўриб чиқиш зарур. Чунки, ортиқча харажатларга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш орқали таннарх пасайтирилиб, қўшимча захиралар харажатига киритишни талаб этади. Натижада ўз-ўзидан товар маҳсулот 1 сўм харажатлари ҳам камаяди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таннархни пасайтиришда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига 10,07 фоиз ёки 433 млн. сўм, энергия ресурсларини тежаш ҳисобига 2,15 фоиз ёки 92 млн. сўм, хомашё ва материалларни

“Халқабад пахта тозалаш” АЖ да 2022 йилда ишлаб чиқариш таннархини қисқартириш комплекс дастури

Кўрсаткичлар	Харажатлар (млн. сўм)	Таннархга нисбатан
Ишлаб чиқариш харажатлари, жами	433	10,07
Энергия ресурсларини тежаш	92	2,15
Хомашё ва материалларни меъёрлаш ва қисқартириш	92	2,13
Маъмурий – бошқарув харажатларни қисқартириш	7	0,17
Фойдаланиш ва бошқа ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш	20	0,46
Устама харажатларини камайтириш	87	2,03
Технологик ва бошқа йўқотишларни камайтириш	57	1,33
Ходимлар сонини мақбуллаштириш	16	0,38
Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига сарф-харажатларни камайтириш	61	1,42

меъёрлаш ва қисқартириш ҳисобига 2,13 фоиз ёки 92 млн. сўмни, устама харажатларини камайтириш ҳисобига 2,03 фоиз ёки 87 млн. сўмни ташкил этган.

Таннарх калькуляцияси бўйича харажат таҳ-

лили шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришда хомашёнинг харид нархи 85-90 фоизни ташкил этади. Энергия ресурслари харажатлари 10 фоиздан кам. Бунинг нархлар ўсишида деярли таъсири сезилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Р.А. Исаев, Б.А. Хасанов, А.И. Алиқулов “Пахта тозалаш корхоналари фойда ва харажатлар таҳли-ли”. Т.: “Фан ва технология”, 2008 й. 217-б.
2. А.И. Ковалев, В.П. Привалов. Анализ финансового состояния предприятия. — М.: Центр эконо-мики и маркетинга, 2015 г.
3. Г.В. Савицкая. Методика комплексного анализа. — М.: ИНФРА, 2005.—485 с.
4. А.А. Хашимов, А.А. Мажидов “Пахта тозалаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби.” —Т.: “Шарқ”, 2014 й, 240-б.

Саноатни рақамлаштиришда давлат минтақавий сиёсати Государственная региональная политика в сфере цифровизации промышленности State regional policy in industrial digitalization

Жавлонбек ХАЛИМОВ,
Қарши давлат университети ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада минтақа саноатни рақамлаштириш, давлат минтақавий сиёсатини амалга оширишни муҳим унсури эътироф этилган. Минтақа саноатини рақамлаштириш учун давлат минтақавий сиёсатини амалга оширишдаги чора-тадбирлар муҳимлиги кўрсатиб берилган.

В статье признается важным элементом реализации государственной региональной политики цифровизация промышленности региона. Подчеркнута важность реализации государственной региональной политики по цифровизации региональной промышленности.

The article recognizes the digitalization of the region's industry as an important element in the implementation of the state regional policy. The importance of implementing the state regional policy for the digitalization of regional industry was emphasized.

Минтақа саноатини рақамлаштиришда макроиқтисодий мувозанат ва барқарорлашувни таъминлаш учун давлат сиёсатини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай мамлакат кўплаб кўрсаткичлар бўйича фарқ қилувчи ҳудудлар йиғиндисини ўзида намоён этади. Қуйидагилар шулар жумласига киради:

- табиий ресурслар (хомашё базаси ва фойдали қазилмалар)нинг мавжудлиги;
- аҳоли зичлиги, меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва сифати;
- ишлаб чиқариш таркиби;
- ижтимоий соҳанинг ҳолати;
- юқори даражада ривожланган саноат ва маданий марказларгача бўлган масофа.

Мазкур фарқлар ҳам объектив, ҳам субъектив хусусиятга эга. Объектив хусусиятларга табиий

ресурслар, инсон учун ҳаётий қулайликларнинг ҳудудий нотенглигини киритиш мумкин. Тарихан ҳар бир мамлакат миллат томонидан белгиланган ҳаётий кенгликнинг ўзлаштирилиши йўли билан шаклланган. Аҳолининг ҳудуд бўйлаб тақсимланиши кўп жиҳатдан табиий неъматлар (фойдали қазилмалар захиралари, унумдор ерлар, сув артериялари)нинг ҳар хил тарзда жойлашуви билан боғлиқ. Бунда субъектив омил ҳам муҳим роль ўнайди. Яъни, инсоннинг шўрланган ҳудудларни ўзлаштириши, давлатнинг эътибори, ёрдам кўрсатиши ва ҳ.к.

Минтақавий сиёсат қонунчилик-ҳуқуқий негизларга асосланиши ва жамиятнинг ижтимоий талабларига, шунингдек, иқтисодий хавфсизлик ва барқарорлик талабларига жавоб бериши лозим. Минтақалар муайян иқтисодий яхлитликка эга бўлиши ва маълум даражада ўзини ўзи таъминлаши

Калит сўзлар: маркетинг, инновацион маркетинг, рақамли маркетинг, интерактив технологиялар, коммуникация, алоқа ва ахборотлаштириш, корхона маркетинг фаолияти.

зарур.

Олимларимиздан Т.М. Ахмедов, Ф.Т. Эгамбердиев, Б. Рўзметов, Х.С. Муҳитдинов; ва бошқалар илмий ишларида рақамлаштириш шароитида давлат минтақавий сиёсатининг устувор йўналишлари кенг ёритиб берган.

Дунё тажрибаси, илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан ва имкониятларидан самарали фойдаланиш мамлакат саноатида иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бирига айланган.

Жаҳонда турли минтақаларнинг иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш механизмларида умумий ўхшаш томонлари мавжуд. Бироқ иқтисодий ривожланиш даражаси ва минтақавий алоҳида муаммоларининг борлиги билан изоҳланадиган миллий хусусиятлари ҳам бор. МДҲ мамлакатларида, хусусан, Россия ва Қозоғистонда ҳудудий ривожланиш концепцияларини қабул қилиш, минтақаларни тартибга солишнинг махсус жамғармаларини шакллантириш, махсус иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш каби чора-тадбирлар амалга оширилган.

Европа иттифоқи мамлакатларида ҳам минтақавий сиёсат муҳим роль ўйнамоқда. Тегишли қонуний-ҳуқуқий асоснинг мавжудлиги, узоқ муддатли ҳудудий ривожланиш стратегиясини амалга оширилиши, минтақавий ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва инфратузилмаларни мақсадли тартибга солиниши, алоҳида ҳудудларни рағбатлантиришнинг аниқ иқтисодий механизмларининг жорий этилиши ушбу сиёсатнинг асосий йўналишлари ҳисобланади [4].

Интеграция жараёнларининг натижасида Европа иқтисодий ҳамжамияти доирасида сўнгги йилларда минтақавий сиёсатнинг роли огишмай ошиб бормоқда. Бундан ўн йил илгари ЕИ фаолиятининг фақат стратегик муҳим соҳаларда тараққиётга эришиш учун зарур бўлган қўшимча йўналиши ҳисобланарди. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб жиддий мустақил аҳамият касб этди. Энди Европа иттифоқини тузиш тўғрисидаги Маастрихт шартномасининг кучга кириши муносабати билан нафақат ЕИ минтақавий сиёсатини амалга ошириш имконияти сезиларли даражада кенгайди, балки, интеграция жараёни доирасида аъзо мамлакатлар алоҳида минтақаларининг роли ортди. ЕИ доирасида минтақавий сиёсат қуйидаги тамойиллардан

келиб чиқиб амалга оширилади:

– маблағлар сочилишига йўл қўйилмаслиги устидан қатъий назорат ўтнатган ҳолда таркибий фонд ресурсларини ЕИнинг энг кам ривожланган ҳудудларида жамлаш. Ушбу фонддан амалга ошириладиган молиявий тўловларнинг 80 фоизи иқтисодий ривожланишда яққол ортда қолаётган минтақаларга берилиши керак;

– таркибий хусусиятга эга бўлган субсидиялар ўзаро тўлдирувчи хусусиятга эга, яъни, ЕИ институтлари фақат миллий дастурларни амалга ошириш чоғида ресурсларни қўшимча манба сифатида беришлари мумкин ва ўз ташаббусига кўра аралашув объектларини белгилашга ҳақли эмас;

– ЕИ минтақавий сиёсатини гуруҳга аъзо бўлган ҳар бир мамлакатнинг макроиқтисодий ва ижтимоий сиёсатини уйғунлаштириш. Минтақавий ривожланиш миллий дастурларини молиявий қўллаб-қувватлаган ҳолда ЕИ органлари интеграцион йўналишлар ушбу мамлакат иқтисодий сиёсатининг вазибаларига зид келмаслигини, ЕИ бюджетидан ажратилмайдиган маблағлар эса миллий ва маҳаллий ҳокимият органларининг беҳамжиҳат ҳаракатлари туфайли кўкка совирилмаслигини назорат қилишлари лозим;

– ЕИ давлатлари томонидан миллий минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши чоғида улар ўртасидаги бевосита ўзаро ҳамкорлик. Гап, хусусан, миллий дастурларни амалга ошириш мақсадлари ва усулларининг аниқлигини таъминлаш мақсадида тегишли ҳукуматлар ўртасида ахборот алмашуви ҳақида борапти [4].

Минтақавий дастурлаштириш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ялпи дастурларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш методикаси индикатив режалаштириш воситаларидан фойдаланишни талаб қилади. Бугунги кунга келиб минтақавий дастурлаштириш жаҳон амалиётида назарий тадқиқотлар борасида катта тажриба тўпланган.

Вақт ўтиши билан айрим ноишлаб чиқариш омилларининг иқтисодий ривожланишдаги роли ўзгариши муносабати билан ҳудудлар учун яратилган шарт-шароитлар доимий бўлиб қолмайди. Ҳудудий нотенглик мамлакат иқтисодиётининг ривожига катта таъсир кўрсатади. Бир томондан, ишлаб чиқариш ресурсларининг мамлакат ҳудуди бўйлаб жойлашувидаги нотенглиги билан, иккинчи томондан, алоҳида омилларнинг иқтисодий ривожланишдаги ролининг динамикаси билан боғлиқ.

Шунинг учун ҳар бир мамлакатда табиий ресурсларга бой, лекин аҳолиси кам; уларнинг иккаласи билан ҳам етарли даражада таъминланган; аллақачон ва яқинда ўзлаштирилган ёки ўзлаштирилаётган; аҳолисининг сони қаердадир ошиб, қаердадир камайиб бораётган; қаердадир катта ёшдаги аҳоли гуруҳи устунлик қиладиган, қаердадир уларнинг улуши камайиб бораётган минтақалар мавжуд бўлиши мумкин.

Минтақавий сиёсатни ишлаб чиқишда бир қатор концептуал ҳолатларни назарда тутиш зарур. Ишлаб чиқариш секторининг ўсишини рағбатлантириш йўли билан ҳудудларни қўллаб-қувватлаш лозим. Ушбу сектор энг кўп сонли янги иш ўринларини яратади. Давлат ўз навбатида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва кенгайтиришга, зарур ҳолатларда – уларни қайта йўналтириш ва такомиллаштиришга ёрдам беради.

Ҳозирда Ўзбекистонда минтақавий ривожла-


н учун муаммоларни танлаш минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривождаги “касал” участкалар рўйхати билан чекланади. Ҳолбуки, илмий асосланган ёндашувни қўллаган ҳолда барча муаммолар ичидан уларнинг ҳал этилиши минтақа учун сифат жиҳатдан янги истиқболларни очиб берувчисини танлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундан ташқари, аксарият ҳолатларда ялпи дастурларни ишлаб чиқишда мақсадлар, устувор йўналишлар, индикаторлар ва минтақавий ривожланишнинг тартибга солувчилари ўртасида ўзаро боғлиқлик таъминлаймайди.

Минтақавий ривожлантиришнинг давлат сиёсати учта даражадан таркиб топган:

1-даража. Ҳудуд жадал ўсиш салоҳиятига эга бўладиган ривожланиш вариантини шакллантириш.

2-даража. 2.1. Табиий-ресурс мажмуини сақлаб қолиш ва ривожлантириш.

2.2. АСМ ва саноатни такомиллаштириш.



1-чизма. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш “иерархик тизими”.

Манба: муаллифнинг ишланмаси

нишни умумий стратегияси ва аниқ рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилмаган. Механизм сифатида асосан давлат бюджети доирасида айрим минтақаларга субвенция ва дотациялар беришни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, минтақаларни ўрта муддатли ривожлантириш прогнозлари, айрим ҳудудлар (тармоқлар) бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат дастурлари ишлаб чиқилган.

Мақсадли ялпи дастурни ишлаб чиқиш асносида минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш жараёнининг ўта муҳимлигини таъкидлаш зарур. Дастурда белгиланадиган устувор йўналишларнинг тўғри танланиши барча сайё-ҳаракатлар ва ресурсларни иқтисодий ривожланиш салоҳиятини амалга оширишга қаратиш ва бу билан дастурий тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш имконини беради.

Бироқ амалиётда дастурий ишлаб чиқиш

2.3. Сайёҳлик-рекреацион мажмуани истиқболли ривожлантириш.

2.4. Минтақанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш.

2.5. Минтақа аҳолисининг турмуш даражасини ошириш.

3-даража. 3.1. Геология-разведка ишларининг сифати ва маъданли хомашё базасини яхшилаш.

3.2. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш.

3.3. Минтақанинг ўрмон хўжалигини ривожлантириш.


3.4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш.

3.5. Минтақа АСМда аграр ислохотларни амалга ошириш.

3.6. Саноат корхоналарида инновацион ва инвестиция жараёнларини жадаллаштириш.

3.7. Сайёҳликнинг турли хилларини янада

Рақамлаштиришнинг таркибий тузилиши қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:



Манба: муаллифнинг ишланмаси.

ривожлантириш.

3.8. Тармоққа малакали ишчи кучини жалб қилиш.

3.9. Инвестицияларни жалб қилиш механизмларини шакллантириш.

3.10. Минтақага инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашувчи минтақавий қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва кенг тарғиб-ташвиқ этиш.

3.11. Ташқи сармоядорлар сармоясини минтақага жалб этиш мақсадида улар билан тизимли ишлаш.

3.12. Кичик бизнес ва хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яра-

тиш.

3.13. Минтақа аҳолисининг турмуш даражасини ошириш.

3.14. Минтақа аҳолисининг турмуш сифатини яхшилаш.

Минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасини баҳолаш жараёнида интеграл индикаторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш борасидаги хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш

натижалари ва уларни умумлаштирган ҳолда Ўзбекистон шароитида қуйидагилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Минтақа саноатини рақамлаштиришда давлат томонидан фаол қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлаб ўтишимиз жоиз.

Бунда тўғридан-тўғри молиялаштириш, грантлар ажратиш ҳамда турли дотациялар бериш, буюртмалар ҳамда харидларни давлат томонидан амалга ошириш лозим бўлади.

Фойдаланилган адабитётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон Фармонининг 1-илова-си “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. Lex.uz.
3. Эгамбердиев Ф.Т. Совершенствование структуры производства на внутрорегиональном уровне // Молодой ученый. – 2016. – №. 21-1. – С. 61-63.
4. Mukhitdinov Kh. S., Nosirov B.N. Communication and information services to the population of the region. Jan.-March. 21 Vol. 11 No.01 SJIF 17.201 & GIF 0.626 ISSN-2249-9512 Journal of Management Value & Ethics
5. Mukhitdinov Kh. S., Rakhimov A.N. Empirical models which were built for each sector of the service sector to the population of the region. South Asian Journal of Marketing & Management Research (SAJMMR) <https://saarj.com>.
6. Муҳитдинов Х.С. ва бошқ. Аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришни эконометрик моделлаштириш. Монография. – Т.: LESSON PRESS, 2020.
7. Рузметов Б. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дис.докт. экон. наук. – Ташкент: 1998.

УЎТ: 338.486

Хоразм вилоятида туризмнинг истиқболли турларини ривожлантириш йўналишлари Направления развития перспективных видов туризма в Хорезмской области Directions of development of prosperous types of tourism in Khorezm region

Мохира ЗАРИПОВА,
Урганч давлат университети
Менежмент ва маркетинг кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Ушбу мақолада Хоразм вилоятида туризм соҳасининг истиқболли турларини ривожлантириш масалалари туризм салоҳияти имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинган ва уларни самарали амалга ошириш юзасидан таклифлар баён қилинган.

В данной статье проводится анализ развития перспективных видов туризма в Хорезмской области с учетом потенциала туризма и предлагаются предложения по их эффективной реализации.

This article analyzes the development of promising types of tourism in Khorezm region, taking into account the potential of tourism and offers suggestions for their effective implementation.

Иқтисодий модернизация қилиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳасини ривожлантириш, ишсизликни бартараф этиш, аҳоли даромадлари, яшаш шароитларини яхшилаш ва мамлакат экспортида хизматлар ролини оширишда муҳим йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. Шулардан энг муҳим туризм соҳаси ҳисобланади. Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотлари бўйича “сайёрамиздаги ишлаб чиқариш-хизматлар бозори айланмасининг 10 фоизи туризм соҳасининг ҳиссасига тўғри келади. 2022 йилга бориб халқаро туризм саёҳатларидан олинган даромадлар бир йилда 2,0 триллион АҚШ долларини ташкил қилиши прогноз қилинмоқда” [6].

Жумладан, 2017 йил 7 февралда қабул қилин-

ган “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да [3] таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини оширишдаги асосий устувор йўналишлардан бири сифатида туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодийда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш қаралмоқда.

Шунингдек, ҳукуватимиз томонидан соҳани янада ривожлантириш мақсадида турли қарорлар ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, 2019 йил 18 июлдаги ЎРҚ-549-сонли “Туризм тўғриси-

Калит сўзлар: туризм, хизмат кўрсатиш, сервис, туризм салоҳияти, дастур, агротуризм, тиббиёт, туризм дизайнери, кинотуризм, тарихий-маданий обидалар.

да”ги қонун [1], 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон [4], 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2953-сонли “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Қарори [5] шулар жумласидандир. Аввало, мазкур дастурнинг қабул қилиниши бежиз эмас. Чунки, Хоразм вилояти минтақаси ўзининг бой тарихий-маданий салоҳиятга эга бўлиб, унинг очиқ осмон остидаги тарихи қарийб 3000 йилга бориб тақалувчи 300 дан ортиқ тарихий-маданий обидалари мавжуд [7]. Бундан ташқари, ўзига хос табиий-иқлимий шароитлари йилнинг муайян бир даврда туристик мавсум бўлишини доимий равишда таъминлайди. Шу билан бирга, экотуристлик салоҳият, тиббий туризм, чўл туризми, от ва туяларда сайр қилиш, ов туризми, агротуризм салоҳиятидан оптимал фойдаланиш мумкин. Яъни, келажакда тиббиёт, зиёрат ва экотуризмни ривожлантириш иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг ривожланишига катта туртки беради. Натижада, 2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 млн. нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 млрд. долларга етказиш таъминланади [8].

Хоразм вилоятида туризмнинг истиқболли турларини ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари белгиланган. Бу борада келажакда меҳмонхоналар фаолиятини янада ривожлантириш белгиланган. Хоразм вилоятида туризм янги иш ўринларини яратишда асосий драйвер соҳаси бўлиши мақсадида алоҳида дастур қабул қилиш асосида келгуси беш йилда туризм хизматларини камида 5 баробарга ошириш орқали янги меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари ташкил этиб, ишчи ўринлар сонини 8 мингтага етказиш ҳамда Урганчдаги Паҳлавон Маҳмуд ва Хивадаги Аллея ҳудудларида “Туризм кўчаси” барпо этиш белгиланган [2].

Шу боисдан ҳам, вилоят ҳудудларида халқаро ва ички туризм шакллари, шунингдек, маданий-тарихий, зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, ишбилармонлик, ижтимоий, спорт, тиббий, ёшлар туризми, агротуризм ва бошқа саноат турлари мустақамланмоқда. Чунки, 2019-2021 йилларда вилоятда маданий-тарихий, археологик, экологик, зиёрат, гастрономик, ёшлар, маданий-кўнгилочар, спорт, бизнес, сафар, агротуризм,

оилавий, саргузашт, экстремал, болалар ва қишлоқ туризми каби туризм турларини ривожлантириш дастурга киритилган. Ҳамда 2022-2030 йилларда отчопарлик, овчилик, ҳунармандчилик, тиббиёт, стоматологик, маросим, МІСЕ, хонадон ва илмий туризм турларини кенг тараққий қилдириш имконияти мавжуд. Вилоятда отчопарлик, ҳунармандчилик, овчилик, тиббиёт, МІСЕ, хонадон, маросим, илмий туризм каби янги истиқболли туризм йўналишларни самарали амалга ошириш учун давлат томонидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ҳамда бу орқали давлат томонидан стратегия ва тактика ишлаб чиқилади.

Мазкур туризм турларидан фойдаланиш учун туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш ва истиқболларини ривожлантириш лозим. Бу борада таълим муассасаларида қуйидаги фанларни ўқитиш орқали келажакда туризм салоҳиятини янада оширишга ва туристлар оқимини кўпайтиришга эришиш лозим:

– **агротуризм.** Бу фан талабаларни келажакда вилоятнинг турли қишлоқларида туризм соҳасини самарали ривожлантиришга имкон беради. Яъни, “Агротуризм” фани нафақат туризм йўналишида ўқийдиган талабалар, балки агрономия ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ таълим йўналишларида ўқийдиган талабалар учун ҳам зарур. Чунки, ушбу йўналиш бўйича туризм имкониятларини янада ошириш, сайёҳларни кенг жалб этиш, соҳада инновацион ғояларни амалга ошириш ҳамда барча турдаги зарурий хизматларни кўрсатиш каби муҳим вазифалар соҳа фаолиятини кенг ривожлантиришни тақозо этади. Буларнинг натижасида агротуризмни мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни ривожлантиришга, пировардида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга кўмаклашади. Аниқроқ қилиб айтганда, агротуризмни ташкил қилиш орқали қишлоқ хўжалигида туристик фаолият ташкил қилинади. Бунинг учун Италия, Буюк Британия ва Франция моделлари тажрибаларини кенг қўллаш мақсадга мувофиқ.

– **тиббиёт туризми.** Бу фан талабаларни келажакда туристлар билан ишлаш жараёнида тиббий билим ва кўникмаларини ўстиришга имкон беради. Мазкур фан тиббиёт таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар, хусусан тиббиёт йўналиши талабалари учун ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, вилоятимиз туризмга ихтисослашган ва туризм потенциали юқори бўлган ҳудуд бўлганлиги сабаб-

ли туристлар кўп ташриф буюрадilar. Уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳар доим зарур бўлиб, бунга улар томонидан доимий эҳтиёж сезилади. Бундан мақсад туристларнинг тиббий хизматларга бўлган талабини қондириш ва тиббий хавф-хатарларни тўлиқ бартараф қилишдан иборат. Натижада, туризм ва тиббиёт соҳаларида ўтказилаётган ислоҳотлар самарадорлигини оширишга ҳамда бу борада чет эллик фуқароларнинг мамлакатимизга кириб келишини янада кўпайтиришга эришилади.

– **туризм дизайнери.** Бу фан келажакда талабаларни туристик объектларнинг кўринишини яхшилашга ва чиройли қурилишини таъминлашга имкон беради. Мазкур фан қурилиш соҳасида ўқийдиган талабалар учун жуда муҳим бўлиб, бу фанни чуқур ўрганиш келажакда туристик объектлар, хусусан, меҳмонхоналарни замон талаблари ва маълум бир даврни эслатувчи қилиб қурилиши ва таъминлашига ҳисса қўшади. Бу ҳолатда мутахассислар дизайнерлик фаолияти билан шуғулланишга катта имконият яратилади. Чунки, *дизайнерлик* бугунги кунда энг юқори даромадли касблардан бирidir. Охир-оқибатда мазкур касб эгалари бўлган дизайнерлар ҳаётимизни гўзалроқ бўлишида ўз ҳиссасини қўшадилар. Бу фанни ўқитиш, шунингдек, воҳамизга келадиган туристларнинг қизиқишларини янада кучайтиришга ва уларнинг келиш кўрсаткичларини янада оширишга хизмат қилади.

– **кинотуризм.** Ўзбекистонда санъатшунослик таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга бу фан ўқитишни йўлга қўйиш лозим. Бу борада республикаимиз Хитой билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, Хитойда Ўзбекистон кинотуризм ва кинолокацияси тарғиб қилинмоқда. Чунки, республикаимизда ташриф буюрадиган кинотуризм салоҳиятини намойиш қилиш имконияти мавжуд. Мамлакатимизда келажакда кинолойиҳаларни амалга ошириш учун салоҳиятли ҳамкорларни топиш ва туристларга қизиқтириш учун мазкур соҳада мутахассисларни тайёрлаш учун ҳам ушбу фанни ўқув дастурига киритиб, талабаларга ўқитиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, кинотуризмни ташкил этиш ва ривожлантириш орқали туристларга Ўзбекистон шаҳарлари, маданияти ва табиати кенг тарғиб қилинади ва уларнинг юртимизга қизиқишлари янада ошади. Бу орқали маҳаллий аҳоли бандлиги ва унинг даромадлари ошиши, балки кино орқали мамлакатни бутун дунёга танитиб, сайёҳлар оқими кўпайтириш йўлида хизмат қилади.

Улардан ташқари, вилоятда истиқболли туризм соҳасини ривожлантириш учун инвестиция киритиш лозим. Бу устувор йўналиш сифатида бир қатор босқичлар асосида амалга оширилади. Хусусан, Хоразм вилоятида 2024 йилгача туризм соҳасининг қуйидаги турларини ривожлантириш имкониятлари белгиланган:

Овчилик туризми	Ҳунармандчилик туризми	Отчопар туризми
<ul style="list-style-type: none"> • овчилик шуғулланиш ҳуқуқига эга тур фирмалар сони • овчилик буюмлари сотиладиган дўконлар • ов ҳудудларида туристлар учун овқат тайёрлайдиган масканлар сони ва ҳолати • ов қилишга мўлжалланган автотранспорт воситалари сони 	<ul style="list-style-type: none"> • ҳунармандлар сони ва уларнинг йўналишлари • ҳунармандларнинг чет тилларини билиш савияси • ҳунармандлар томонидан маҳорат дарсларининг ўтказилиш савияси 	<ul style="list-style-type: none"> • отчопар майдони • от фермалари ва отлар сони • ветеринарлар сони • мураббийлар сони • туманларда отчопарлик ўйинини ўтказиш учун кумли ҳудудларнинг мавжудлиги

1-чизма. Хоразм вилоятида 2024 йилгача замонавий ва истиқболли туризм турларини ривожланиши¹.

¹ Изланиш натижалари

Ушбу чизмага асосан Хоразм вилоятида 2024 йилгача овчилик, ҳунармандчилик ва отчопар каби замонавий туризм турларини ривожлантириш бел-

чиқиш ва амалиётга кенг жорий этиш лозим. Бу жараён куйидаги босқич ва йўналишлардан иборат бўлади:

1-босқич. Туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш

2-босқич. Миллий ва халқаро нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш

3-босқич. Туризм фаолияти амалиётга халқаро ва давлатлараро стандартлар нормаларини жорий этиш

2-чизма. Хоразм вилоятида туризмнинг истиқболли турларини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар дастури².

гиланган бўлиб, бу туризм турларини кенг ривожлантириш учун мазкур туризм билан боғлиқ барча фаолият ва ҳаракатларни ҳисобга олиш лозим.

Шунингдек, Хоразм вилоятида истиқболли туризм турларини ривожлантириш учун ўзаро бирлашган йўналишлардаги чора-тадбирларни ишлаб

Натижада, вилоятда истиқболли туризм турларини ривожлантириш асосида мамлакатда туризм индустрияси ва инфратузилмасини янада ривожлантириш, туристлар оқимини ошириш, туризмни аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишдаги ролини кенгайтиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги ЎРҚ-549-сонли “Туризм тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2953-сонли “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Қарори.
6. Яковлев Г.А. Экономика и статистика туризма: Учебное пособие. 3-е изд. перераб. и доп. – М.: Издательство РДА, 2015. – С. 3
7. Рузметов Б., Матяқубов У., Худайберганов Д. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш истиқболлари. В сб: “Актуальные проблемы туризма - 2009” Сборник научных трудов. Выпуск №1. – Т.: “ДП Патент –Пресс”, 2009. – 138 с.
8. www.uzbektourism.uz

² Изланиш натижалари

УЎТ: 314.06

Рақамли иқтисодий ривожлантиришда меҳнат ресурсларининг ўрни

Роль и место трудовых ресурсов в становлении цифровой экономики

The role and place of labor resources in the formation of the digital economy

Малохат САРИМСАКОВА,
Тошкент Давлат транспорт университети.

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий трансформацияси шароитида меҳнат ресурсларининг структурасини ўзгариши, меҳнат соҳасига таъсири нуқтаи назаридан бозорнинг ўзгариши ҳақида маълумот берилган.

В статье представлена информация об изменении структуры трудовых ресурсов в условиях экономической трансформации Республики Узбекистан, влияние экономической трансформации на рынок труда.

The article presents information about the change in the structure of labor resources in the conditions of economic transformation of the Republic of Uzbekistan, the impact of economic transformation on the labor market.

Рақамлаштириш бу – дунёнинг турли мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам меҳнат муносабатлари табиати ва бандликка бевосита таъсир кўрсатадиган замонавий йўналиш. Рақамлаштириш деганда кенг маънода телекоммуникация тармоқларида технология ва узатиш тизимлари орқали ахборотни узатиш ҳамда тарқатишни таъминлайдиган алоқа ва бошқарув воситалари тушунилса, тор маънода маълумотлар етказишнинг аналогдан рақамли шаклига ўтишидир.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида янги модел мавжуд бўлиб, у шахснинг интеллектуал ва ижодий имкониятларидан самарали фойдаланишни назарда тутади. Ташкилий тузимлар, кооператив иттифоқлар, меҳнат ва илмий-тадқиқот ишларида одамлар ва ташкилотларнинг иқтисодий

ҳамда ижтимоий самарадорлигига қараб, ахборот ва интеллектуал тармоқлар асосида рақамли иқтисодий ривожлантириш базаси ишлаб чиқилади.

Рақамли иқтисодийнинг асосий афзалликлари қуйидагилар:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва янги бозорларнинг пайдо бўлиши;
- аҳоли турмуш сифатининг ўсиши;
- аҳолининг иш билан бандлик структурасини трансформацияланиши;
- бандликни ноанъанавий шакллари ривожлантириш;
- электрон пуллар ва рақамли тўлов тизимларининг ривожланиб бориши.

Рақамли иқтисодий бошқарув самарадорлигини оширади. Одатда рақамли иш станциялари

Калит сўзлар: рақамлаштириш, рақамли технологиялар, инсон капитали, ахборот-коммуникация технологиялари, меҳнат бозори.

линияси тузилади ва уларнинг параметрлари баҳоланади. Оддий ишларнинг асосийсини таснифлаш ҳар қандай гуруҳ учун зарур бўлган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда иерархик тузилма шаклида тақдим этилади. Таркибига кўра, ушбу маълумотлар гуруҳлар учун одатий иш жойларининг рақамли фаолиятига зарур бўлган ахборот тизимларини (дастурий маҳсулотлар) аниқлайди.

Иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш мавжуд иш жойларини ўзгартиради. Бу эса ходимлардан касбий ривожланишни, янги билимларни эгаллашни, дастурий таъминот, автоматлаштирилган ва роботлаштирилган технологиядан фойдаланиш кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади. Бу ўзгаришлар ходимларни тезкор қайта тайёрлаш, билим ва кўникмаларга эга бўлганлари билан алмаштиришни талаб этади. Бу “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида¹ ўз аксини топган.

Фармонга мувофиқ, 2020-2022 йилларда минтақалар ва саноат тармоқларини рақамли ўзгартириш доирасида куйидагилар кўзда тутилган:

– аҳоли пунктларини интернет тармоғига улаш даражасини 78 фоиздан 95 фоизга ошириш, жумладан, 2,5 миллионтагача кенг полосали ураниш портларини кўпайтириш, 20 минг километр оптик-толлалари алоқа линияларини ётқизиш ва мобиль алоқа тармоқларини ривожлантириш;

500 минг кишини ўқитишни ташкил этиш;

– иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш учун 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш;

– ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг рақамли саводхонлиги ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш, шунингдек, уларнинг 12 минг ходимини ахборот технологиялари бўйича ўқитиш учун ҳудудлардаги тегишли олий таълим муассасаларини бирлаштириш.

Шубҳасиз, рақамлаштириш юқори технологияли иш ўринларини яратади. Бироқ бошқа иш жойлари қисқариб кетиш эҳтимоли юқори. Мазкур динамика янги эмас, ҳар қандай илмий ва саноат инқилоби даврида шу ҳолат такрор бўлади. Технологик тараққиёт дастлаб янги иш ўринларини яратишдан аввал ишчи кучига талабнинг пасайишига олиб келди.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини, маҳсулот сифати ва ҳажмини, мамлакатнинг умумий ЯИМни ошириш учун ахборот ва рақамли платформаларни ишлаб чиқариш саноат бозорларининг одатий моделларидаги туб ўзгариш ва рақамли иқтисодиётнинг потенциалини амалга оширадиган стратегик мақсадлар билан боғлиқ.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш замонавий ахборот жамиятининг фаолиятига – одамлар-

1-жадвал.

Сўнги 5 йил давомида ЯИМ динамикаси²

ЯИМ, млрд. сўм		Ўзгариш	
йиллар	кўрсаткич миқдори	абс (+;-)	нисбий (%)
2017 й.	302 500	-	-
2018 й.	407 514,50	105 014,50	134,72%
2019 й.	511 838,10	104 323,60	125,60%
2020 й.	580 203,20	68 365,10	113,36%
2021 й.	734 587,70	154 384,50	126,61%

– ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиш;

– “бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 587 минг нафар ёшларни жалб этиш орқали, шу жумладан, компьютер дастурлаш асослари бўйича

нинг турмуш тарзига, таълимига, ишига бевосита таъсир қилади. АКТнинг тез ўсиб бораётган эҳтиёжларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кучи бўлган инсон капиталининг ўрни майдонга чиқади.

Инсон капитали иқтисодий жиҳатдан мерос қолган кўникма, билим ва қобилиятлари фойда олиш

¹ <https://lex.uz/>

² <https://stat.uz/>



2-чизма. 2017-2021 йилларда ЯИМ ўзгариши диаграммаси.

учун товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтирилади (фойда, даромад ва бошқалар). “Инсон капитали”, “инсон ресурслари”, “инсон салоҳияти” каби тушунчалар фарқларга эга бўлиб, энг муҳими меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларида иқтисодий баҳо ва қийматдир. Инсон капитали ўз қийматига эга. “Сотувчи-харидор” занжирининг элементи. Инсон капитали бозорда сотилиши мумкин бўлган, давлат ва тадбиркорлик инвестициялари, шунингдек, шахснинг ўзини ўзи ривожлантириш орқали шаклландирган актив деб қаралади.

Инсон капитали кўриб чиқилиш даражасига кўра бошқачароқ маънога эга. Давлат учун демографик, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш хусусиятлари бор. Корхоналар учун инсон капитали касбий шаклда қимматли. Шахсиятни идрок этишда инсон капитали бу — даромад олиш учун тўпланган фойдалаи ҳаётини тажриба.

Инсон капитали таълим тизимининг сифати билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги вақтда жамият ривожланишининг стратегик устуворлиги – АКТдан фойдаланиш бўйича билимлар, замонавий технологик инқилобга мувофиқ таълимни такомиллаштириш ва кадрларда рақамли саводхонлик кўникмаларини шакллантириш учун рақамли таълим тўғрисида савол туғдиради. Асосий савол эса сал бошқачароқ: рақамли иқтисодиётни қуриш билан боғлиқ янги илмий ва технологик инқилоб шунга ўхшаш оқибатларга олиб келадими? Анъанавий корхона ва тармоқларни рақамлаштириш натижасида иш ўринларини яратиш ёки йўқ қилишни баҳолайдиган бир нечта тадқиқотлар мавжуд, холос.

Уларнинг натижалари эса жуда хилма-хил. Бу фойдаланилган методология ва ўрганилган мамлакатга боғлиқ. Кун сайин ўсиб бораётган автоматлашув иш жойи қисқариши ҳисобига инсон капиталининг жаҳон иқтисодиёти таркибидан ўрнини олиб қўйиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, жаҳон миқёсда ишсизликнинг ўсиб кетишига сабаб бўлади.

Ҳозирда меҳнат муносабатлари уч нуктаи назарга кўра тез ўзгаришларни бошдан кечирмоқда:

Биринчидан, анъанавий меҳнат тақсимооти ва касблар чегаралари ўчирилмоқда. Анъанавий касблар ўрнини янгилари эгаллайди.

Иккинчидан, бандлик шакллари ўзгариб боради. Масалан, краудсоурсинг, инсоурсинг, ишга профессионал жалб қилишнинг мослашувчан шакллари, масофадан ишлаш, лойиҳани ишга жойлаштириш ва бошқалар.

Учинчидан, ходим ҳаракат даражаси ортади, меҳнат миграцияси янада фаол бўлади. “Умрбод таълим” бу — ишчиларнинг профилларини тўрт мартадан кўпроқ ўзгартириш талаб қилинадиган касбий мансублик принципи. Иш ўринлари, ишчининг вазибалари, ваколатлари, истеъмолчи технологияларидан келиб чиқиб яратилади. Шунинг учун ходим нафақат профессионал танлов, балки бутун иш давомида ҳам мослашиши керак. Натижада технологик ўзгаришлар, меҳнат тақсимооти, касблар “океани”, меҳнат бозори, касбий ва шахсий ривожланишни ўз вақтида боғлайдиган, экспонент тенденциялар шароитида ёрдам берадиган механизмга эҳтиёж бор.

Юқоридаги фикрларга асосланиб қуйидаги ху-

лосаларга келиш мумкин:

1. Рақамли технологияларни жорий этиш расмийлаштирилган такрорланувчи операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ иш ўринларига бўлган талабни камайтиради.

2. Технологияларининг тез ўзгариши туфайли касбларнинг ҳаётий циклини қисқаришига олиб келади.

3. Баъзи тоифадаги ходимларнинг малакаси профиллари (хавф таҳлилчилари, кадрлар менежерлари, marketing таҳлилчилари, алоқа маркази операторлари ва бошқалар) иш воситаларининг ўзгариши туфайли ўзгартирилади.

4. Янги касблар пайдо бўлади.

5. Кадрларнинг мослашувчанлиги ва мослашувчанлигига қўйиладиган талаблар ошиб боради.

6. “Soft skills”га қўйиладиган талаблар ортади.

7. “Рақамли эпчиллик” (digital dexterity) – бизнес натижаларини яхшилаш учун янги технологиялардан фойдаланиш қобилияти ва истаги бўлган мутахассисларга талаб ортиб боради.

Ахборот тизимлари, робототехника ва автоматлаштиришнинг ривожланиши меҳнат тақсимооти ва касбларнинг ўзгаришини, меҳнатнинг мазмунини башорат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса меҳнат бозорининг ривожланиши ва аҳолининг иш билан бандлигини башорат қилишга хизмат қилади. Ходимлар орасида рақамли кўникмаларни ўргатишда кечикиш Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиёти орқада қолишига, миллий кадрларнинг рақобатбардошлиги пасайишига, глобал ва минтақавий турмушдаги тенгсизлик ошишига ва яшаш даражасини пасайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Урунов А.А., Родина И.Б. Влияние искусственного интеллекта и интернет-технологий на национальный рынок труда // *Фундаментальные исследования*. 2018.

2. Савина Т.Н. Цифровая экономика как новая парадигма развития: вызовы, возможности и перспективы // *Финансы и кредит*. 2018. № 3 (771).

3. Абдурашидов Ж.Ф. К проблеме формирования цифровой экономики в Узбекистане / Ж.Ф. Абдурашидов, И.Ш. Толибов.

4. Курпаяниди К.И., Толибов И.Ш. К вопросу оценки состояния и эффективности инфраструктуры предпринимательства в регионах Узбекистана // *Экономика и бизнес: теория и практика*. 2019.

5. Постановлении ПРУз “Об утверждении стратегии “Цифровой Узбекистан-2030” и мерах по ее эффективной реализации”.

УЎТ: 338.48

Товарлар ва хизматлар бозорини ривожлантиришнинг хориж тажрибалари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Зарубежный опыт развития рынка товаров и услуг и его особенности

Foreign experiences of goods and services market development and their specific features

Дилшод ХУДАЙБЕРГАНОВ,
Урганч давлат университети докторанти.

Аннотация

Мақолада товарлар ва хизматлар бозорини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси таҳлил қилинган бўлиб, жаҳоннинг АҚШ, Канада, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Япония, Хитой, Россия ва Филиппин каби давлатлардаги бозорларни ривожлантириш шарт-шароитлари, миллий бозорларнинг хусусиятлари ёритилган.

В данной статье анализируется зарубежный опыт развития рынка товаров и услуг, описываются условия развития рынка в США, Канаде, Германии, Франции, Италии, Великобритании, Японии, Китае, России и на Филиппинах, дается характеристика национальных рынков.

This article analyzes the foreign experience of market development of goods and services, describes the conditions of market development in the United States, Canada, Germany, France, Italy, Great Britain, Japan, China, Russia and the Philippines, the characteristics of national markets.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларига эришиш масаласи илгари сурилган. Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда экспорт ҳажмини 30 млрд. АҚШ долларига етказиш, ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузила тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш лозим [1]. Мазкур мажбурийат ва имкониятлар хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатишни, бу борада уларнинг тажрибасини ўрганишни тақозо этади.

Товарлар ва хизматлар бозорини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда халқаро турли мамлакатларнинг тажрибаси муҳим ўрин тутаяди.

Кўп миллатли бозорлар бир-биридан фарқ қилишини яхши билган боис компаниялар миллий ва ҳар бир ташқи аудиторияга мос мустақил маркетинг тизимларини ишлаб чиқади. Бунда маҳсулот ёки хизматларнинг ҳар бир бозорга сотиш ва шу орқали истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришни кўзда тутаяди.

Бозор ва унинг ривожланиши бўйича мунтазам тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айрим тадқиқотларда бозорлар ишлаши учун хусусий ва молия секторини ривожлантириш, савдо ва бошқа воситалардан кенг фойдаланишга эътибор қаратилган [4]. Бугун бозорни ривожлантиришга инновацион ёндашувлар ҳам самаралидир. Қайси турда бўлишидан қатъий назар самарадор ривожланиш ҳар бир бозор учун хос. Сўнгги ўн йилликда эса иқтисодиётни бошқаришда ривожланаётган бозорлар

Калит сўзлар: бозор, товарлар ва хизматлар бозори, глобал бозор, ривожланмаган бозор, ривожланаётган бозор, ривожланган бозор, жаҳон бозори, миллий бозор, товарлар ва хизматлар экспорти.

муаммолари муҳокамаси кескин ортмоқда. Мазкур масала бўйича илк илмий изланишлар 1960-1970 йилларда бошланган эди.

“Ривожланаётган бозорлар” атамаси биринчи мартаба у ёки бу мамлакатнинг молиявий даражасига нисбатан фойдаланилган. Бироз муддатдан сўнг, бу атама трансформация қилиниб, иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларга нисбатан фойдалана бошланди. Ривожланган мамлакатларда инновация ва компанияларнинг ички бозорларда тежамкор стратегиялари бўйича билимлардаги бўшлиқни тўлдириш учун баҳолаш модели яратилди [6].

Бозорлар мамлакатларнинг ривожланишига таъсир қилиб шаклланади. Ривожланаётган бозорга эга бўлган мамлакат бу – мустабид давлатдан эркин бозорга йўналтирилган иқтисодиётга ўтиш давридир [8].

USAIDнинг иқтисодий ўсиш ва савдо дастурларининг йўналишларидан бири бозорларни тартибга солувчи ислохотлар ва хусусий секторни тарғиб қилишни қўллаб-қувватлаш орқали хусусий инвестициялар учун қулай муҳитни яхшилашдан иборат [9].

Товарлар ва хизматларни баҳолаш бозор инфратузилмасини бошқаришни ривожлантиришнинг умумий моделига хосдир. Ушбу моделга мувофиқ, барча инфратузилмани бошқариш бозорлари изчил равишда ривожланишнинг қуйидаги босқичларидан ўтади:

- ривожланмаган бозор;
- ривожланаётган бозор;
- ривожланган бозор;
- илғор бозор [5].

Айрим давлатларда кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш ва ташкил этиш халқаро маркетингда товарлар ҳамда хизматларни жаҳон бозорида сотишни рағбатлантирадиган коммуникация сиёсатининг самарали воситаси ва рақобатда самарали усул ҳисобланади. Бу борада Канада тажрибаси товар ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги учун кенг қўламли тадбирларни ўтказишда қизиқарли бўлиб, унда маркетинг ҳамжамиятлари, давлат идоралари ва бошқа манфаатдор томонлар вакиллари иштирок этади [7]. Улар орасида хорижий мамлакатлар товар ва хизматлар бозорлари хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бундаги энг муҳим жиҳат истеъмол товарларни оммавий ишлаб чиқариш ва сотиш билан тавсифланади.

Бозор самарадорлиги жаҳон миқёсида тан олинган кўрсаткич сифатида қаралади. Бу борада глобал рақобатбардошлик индекси (GCI) 12 та компонентдан иборат бўлиб, иқтисодий ривожланишнинг турли даражаларида дунё мамлакатларини батафсил тавсифлайди. Миллий рақобатбардошликни белгилайдиган қуйидаги мезонларга бирлаштирилган:

- институтларнинг сифати;
- инфратузилама;
- макроиқтисодий барқарорлик;
- соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим;
- олий таълим ва касбий тайёргарлик;
- товарлар ва хизматлар бозорининг самарадорлиги;
- меҳнат бозорининг самарадорлиги;
- молия бозорининг ривожланиши;
- технологик ривожланиш даражаси;
- ички бозор ҳажми;
- компанияларнинг рақобатбардошлиги;
- инновацион салоҳият [11].

Товарлар бозорида асосан қишлоқ хўжалиги ва саноат хомашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, электр энергияси билан савдо қилинади. Мазкур товарларнинг нисбатан хилма-хиллиги дунёда биржа савдосини самарали ташкил этишга имкон беради. Тайёр маҳсулотлар бозори товар бозорига нисбатан тезроқ ўсиб бормоқда. Тайёр маҳсулотлар аксарият мамлакатларнинг ички савдоси билан бир қаторда жаҳон товар савдосида устунлик қилади.

Хизматлар бозори иқтисодиётнинг жадал ривожланиб бораётган учинчи даражали секторига асосланган. Ривожланган мамлакатлар хизматлар бозорида таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, алоқа ва ахборотлаштириш, уй-жой коммунал, молиявий хизматлари етакчилик қилади. Ривожланаётган мамлакатларда эса анъанавий хизматлар, яъни, транспорт, савдо ва умумий овқатланиш устунликка эга.

АҚШда товарлар ёки хизматларни жаҳон бозорида илгари суришнинг тез-тез қўлланиладиган усули бу – мамлакат ҳудудида халқаро кўп тармоқли ва ихтисослаштирилган ярмаркалар, кўргазмалар ва форумлар ташкил этиш, ишбилармонларни фойдали бизнес шартномаларини тузиш мақсадида уларда иштирок этишга ундашдир [7]. АҚШ иқтисодиётининг учинчи даражали сектори моддий бўлмаган барча турларни ишлаб чиқаради ва улгуржи

ҳамда чакана савдо, ахборот, бизнес, техник, илмий хизматлар, соғлиқни сақлаш, кўнгиладан очиш, бўш вақт, кўчмас мулк хизматлари каби 13 та соҳани ўз ичига олади. Кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ЯИМ таркибидаги улуши бўйича АҚШ дунёда етакчилик қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси қўшилган қиймат, иш билан таъминлаш ва савдо бўйича АҚШ иқтисодий етакчилигидаги муҳим ҳаракатлантурувчи куч сифатида пайдо бўлди. АҚШнинг жаҳон бозоридаги ўрни ва роли қуйидаги таърифга асосланади: “Ахборот технологиялари жаҳон бозоридаги энг янги маҳсулот бўлиб, уни намойиш этади [2].

Петерсон институти таҳлиллари, шунингдек, қолган глобал савдо тўсиқларини бартараф этиш АҚШнинг савдодан олган фойдасини яна 50 фоиз-

га ошириши мумкинлигини тахмин қилди. Савдо АҚШ учун ўсиш механизми бўлиб қолмоқда. Глобал тўсиқларни янада қисқартириш ва мавжуд шартномаларни самарали бажариш бўйича музокаралар қўшимча фойда олиш воситасидир. Савдонинг тез ўсиши бутун дунё бўйлаб иқтисодий рағбатлантурувчи ва доимий тикланиш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин [12].

Савдо-сотиқ муносабатларини такомиллаштириш борасида жаҳонда товарлар ва хизматлар бозорини ривожлантириш ҳамда самарадорлигини оширишнинг хориж тажрибаси бўйича АҚШ, Канада, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Япония, Хитой, Россия ва Филиппин каби 11 та давлатлардаги мавжуд ривожланиш омил ва шарт-шароитларини ўрганиб чиқдик.

1-жадвал.

Жаҳонда бозорлари ривожланган мамлакатлари тажрибалари таҳлили¹

Т/р	Давлатлар номи	Тўпланган тажрибаларнинг йўналишлари	Ўзбекистонга мос келиш жиҳати
	АҚШ [7]	Мамлакатда товарлар ва хизматларни жаҳон бозорида илгари суриш усули халқаро кўп тармоқли ва ихтисослашган ярмарка, кўргазма ва форумларни ташкил этиш, уларда маҳаллий ишбилармонларни фойдали бизнес шартномалари тузиш мақсадида иштирок этишга ундаш.	Ярмарка, кўргазма ва форумлар ўтказилмоқда
	Канада [7]	Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва халқаро мижозларни янги технология ҳамда инновациялар билан боғлайдиган кўргазма ўтказилади. Унда қишлоқ хўжалиги ва энергетика маҳсулотлари намойиш қилиниб, иштирокчилар томонидан баҳоланади. Бу орқали мамлакатни ташқи савдо айланмаси ривожланади, товар ва хизмат рақобатбардошлиги ошади.	Инновация соҳасида кўргазмалар ривожланмоқда ва рақобатбардошлик таъминланмоқда
	Германия [13]	АҚШнинг Европадаги йирик савдо шериги ва экспорт бўйича олтинчи бозоридир. Ижтимоий бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида давлат тартибга солади. Европа Иттифоқидаги йирик истеъмол бозори сифатида савдо ҳажми ва сайёҳлик кўргазмаси каби йирик савдо тадбирларида иштирок этади. Савдо, ярмарка ва тадбирларини рақамли ёки гибрид форматда ўтказиш белгиланган.	Бозор иқтисодиёти шароитида бозор тамойилларига амал қилинмоқда
	Франция [13]	Кадрлар тайёрлаш ва ишчи кучини ривожлантириш дастурлари орқали самарадорликни оширишга қаратилган. Дунёдаги бешинчи ва Европанинг учинчи йирик иқтисодиётга эга. Катта қишлоқ хўжалиги ресурслари ва кучли ишлаб чиқариш соҳасига бор. Динамик хизматлар соҳаси иқтисодий фаолиятининг катта қисмини ташкил этади.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори ва хизматлар соҳаси ривожланиб бормоқда

¹ Интернет манбаларига асосан муаллиф томонидан тузилди ва бирлаштирилди.

	Италия [13]	Италия дунёдаги саккизинчи йирик иқтисодий давлатидир. Италиянинг ЯИМ 8,9 фоизга қисқарди. 2020 йилда АҚШ экспорти бўйича 16-ўринни эгаллади, тахминан 23,8 млрд. долларни ташкил этди ва АҚШнинг бешинчи экспорт бозоридир. Тўғридан-тўғри инвестиция бўйича саноат тармоқларига ускуналар, дастурий таъминот хизматлари, озиқ-овқат ва ичимликлар, металллар, қайта тикланадиган энергия ва автомобил қисмлари киради.	Саноат товарларини ривожлантиришга хорижий инвестициялар жалб қилинмоқда
	Буюк Британия [14]	Электрон тижорат соҳаси ўсиш имкониятига эга. Курерлик ва тезкор етказиб бериш бозори 7 млрд. евро атрофида баҳоланган. Онлайн каналлар чакана савдода ва таъминот тез суръатлар билан ўсмоқда. Кишиларнинг чакана савдо дўконларида сарфлаган пуллари интернет тармоғига ўтмоқда.	Электрон тижорат соҳаси ва чакана савдони онлайн равишда амалга ошириш амалга оширилмоқда
	Япония [13]	Энг муҳим савдо ва сармоявий шериклардан биридир. Товарлар импорти 120 млрд. долларни, хизматлар импорти қарийб 31 млрд. долларни, жами 151 млрд. долларни ташкил этди. АҚШнинг тўртинчи йирик экспорт бозори ва савдо шериги бўлиб, унда Япония билан 56 млрд. долларлик товарлар ва хизматларнинг 7 млрд. долларлик савдо профицити мавжуд. Япониялик бизнес шериклар ўзининг катталиги ва бойлигидан ташқари, АҚШ компанияларини янги технологиялар, қатъий рақобат ва учинчи бозорларда япон фирмалари билан ҳамкорлик қилиш имкониятига дуч келади.	Ишлаб чиқаришга янги технологиялар тадбиқ қилинмоқда ва товар ва хизмат ўртасида рақобат ривожланмоқда
	Хитой [15]	Дунёдаги энг йирик мамлакатлардан бири бўлиб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ҳисобланади. Ўсишни бошқарадиган асосий ва саноат тармоқларига хизматлар соҳаси, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва технологиялар киради. Товарларни истеъмол қилиш ўсиш омили бўлиб, унга заргарлик буюмлари, маиший техника, кийим-кечак, офис материали ва мебеллар киради. Чакана савдо иқтисодиётдаги истеъмол харажатларини ифодалайди.	Хизматлар соҳаси, истеъмол товарлари ва чакана савдо соҳаси ривожланмоқда.
	Россия [16]	Ҳозирги шароитда компаниялар мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда: истиқболли маҳсулот тоифасини кенгайтириш ва турли савдо форматларини қўллаш, таъминот ва ишлаб чиқариш занжирида узилишларнинг олдини олиш, брендларга содиқликни шакллантиришга қаратилган маҳсулотни ишлаб чиқиш белгиланган. Электрон тижорат жадал ривожланмоқда ва тарқатиш маълум натижаларга олиб келади. Чакана савдо соҳасида вазият ўзгариб, етакчи мавқега эга компаниялар янги тенденцияларга мослашди.	Таъминот хизматлари ва савдони тарқатиш каналларини амалга ошириш таъминланмоқда
	Филиппин [7]	Савдонинг ўсиши иқтисодиёт барқарорлигига таъсир кўрсатади. Ташқи бозорда ялпи миллий маҳсулотнинг 1/4 қисмидан кўпроғи сотилади, импорт мамлакатнинг товар ва хизматга бўлган эҳтиёжнинг 1/3 қисмини қоплайди.	Конгресс, форум ва фестивал ўтказилмоқда

Кўпчилик ривожланган мамлакатларда бозорларнинг ривожланиши бевосита уларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий фаолияти ва мавжуд инфраструктура тармоқларига бевосита боғлиқ. Шу сабабли баъзи давлатларнинг ҳар бирига мос бозорларнинг ривожланиш жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Хитой. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда Хитой 100 дан ортиқ турдаги товарларни ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Жаҳон бозорида сотиладиган камераларнинг 50 фоиздан ортигини, кондиционер ва телевизорларни 30 фоизини, кир ювиш машиналарининг 25 фоиздан кўпини ва музлатгичларнинг 20 фоизини ишлаб чиқаради [10].

Глобал қиймат занжирларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган ривожланаётган дунёга, айниқса, Хитой ва бошқа Осиё мамлакатларига ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва ишланма жараёнларининг оффшоринги бу даврда мисли кўрилмаган миқёсда амалга оширилди. Ўзгаришлар тез ўсиб бораётган бозорлар ва арзон тадқиқот объектлар билан боғлиқ технологик тадқиқотларни тақсимлашда ҳам аниқ бўлди [3]. Хитой бозорида чет элликларнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат бўлади: 100 фоиз чет эл инвестициялари иштирокида корхонани ташкил этиш; улушли хитой-чет эл қўшма корхона (қўшма корхона) яратиш; шартномавий хориж қўшма корхонаси яратиш (қўшма кооперация корхоналари); хорижий корхонанинг доимий муассасасини ташкил этиш [17].

Германия. Бугунги кунда кўчмас мулк ва ижара хизматлари бозори яхши ривожланган [18]. Ушбу босқичда кўчмас мулк бозоридаги талаб мавжуд тақдирдан ошиб кетади. Ўтган йил билан таққослаганда, ҳозирда кооператив турар-жой бинолари сегментида тақдирларнинг сезиларли даражада етишмаслиги мавжуд. Германияда сўнгги йил ичида кўчмас мулк нархларининг йиллик ўсишига талаб 8,3 фоизга ошди. Сўнгги йилларда Prenlauer Berg, Fridrixshayn, Kreuzberg, Charlottenburg ва Vilmersdorf каби ҳудудларда уй-жойларга бўлган талабнинг То'у, Noykolln, Lixtenberg ва бошқалар каби қулай ҳудудларга ўзгаришини кўрсатади. Ушбу соҳаларда ижарага бериш ставкалари алақачон кўтарила бошланган. Кийим-кечак, пойабзал, соатлар ва аксессуарлар жаҳон бозори келгуси йилларда ўсишни режалаштирмоқда. 2019 йилда у 4-6 фоизга ўсиб, 271-276 млрд. еврога, 2025 йилга келиб, 320-365 млрд. еврога етади [19].

Италия. Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигининг саноат сектори бўлган юқори даражада ривожланган мамлакатдир. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризм мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутаяди. Иқтисодий салоҳияти жиҳатидан дунёдаги етакчи саноатлашган иқтисодиётлардан бири. Агар Италия иқтисодиётининг тармоқ тузилишини кўриб чиқадиган бўлсак, унда хизмат кўрсатиш соҳаси 67 фоиз, саноат ва қурилиш соҳаси 30 фоиз, қишлоқ хўжалиги соҳаси 3 фоиз улушни эгаллайди. Аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи хизмат кўрсатиш соҳасида, 28 фоизи саноатда, шу жумладан, қурилиш соҳасида ва қолган 4 фоизи қишлоқ хўжалигида ишлайди. Италия маҳсулотларининг асосий бозорлари Германия, Франция ва АҚШ давлатидир. Италия жаҳон бозорининг барқарор таъминотчиси сифатида фармацевтика, транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар, пойабзал, кийим-кечак ва бошқа чарм буюмларни ишлаб чиқаради.

Россия. У ердаги мижозларнинг катта қисми ҳанузгача чет элдан харид қилади. Россияда капитални қайта тақсимлаш қонуни инқироз даврида ишлади: хусусан, заифлар банкрот бўлиб, бойлар бойиб кетади. Иқтисодий турғунлик шароитида ҳашамат мода бозорининг стрессга чидамли сегменти бўлиб чиқди. Чунки, ҳашаматли харидорларнинг асосий тоифаси даромадлари сарф-харажатларни тежашга имкон бермайди. Россиянинг ҳашаматли бозори глобал тенденцияларга мос келади. Бу нархларни янада барқарорлаштириш, нормаллаштириш ва харидларни маҳаллийлаштириш туфайли содир бўлади. Россия ичида харидларнинг камайиши чет элда туризм ва божсиз онлайн харид учун тўсиқнинг пасайиши, сайёҳлик харидлари оқимининг кўпайиши сабабли юзага келди.

Жаҳондаги 11 та: АҚШ, Канада, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Япония, Хитой, Россия ва Филиппин каби мамлакатлар бозорларини ривожлантиришнинг баъзи шарт-шароитлари ва омиллари республикамиз учун хос ҳолат. Хусусан, республикамизда ярмарка, кўргазма ва форумлар ўтказилмоқда, бозор тамойилларига амал қилиниб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозори ва хизматлар соҳаси ривожланмоқда, саноат товарларини ривожлантиришга инвестициялар жалб қилинмоқда, электрон тижорат соҳаси ва чакана савдо онлайн амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқаришга янги технологиялар тадбиқ қилиниб, товар ва хизмат ўртасида рақобат ривожланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Абрамова А.В. Место США на мировом рынке информационных технологий и возможности использования опыта развития этой отрасли в России / А.В. Абрамова // Торгпредство. – 2006. – №10. – С. 59-63. <https://mgimo.ru/upload/iblock/0e9/0e98d9d4a2a581861533327909b1eb80.pdf>
3. Alicia Bárcena, Antonio Prado, Osvaldo Rosales, Ricardo Pérez. International trade and inclusive development. Building synergies. Economic Commission for Latin America and the Caribbean (ECLAC) Santiago, September 2014. - p.30
4. Sunil S., Johan H., Mark T.. What works for market development: A review of the evidence. 2013: 1. UTV Working Paper. Commissioned by Sida UTV. This publication can be downloaded from: <http://www.sida.se/publications>. – p. 7.
5. Тарасевич Е.И. Общая модель развития рынка управления инфраструктурой в России. // Ж.: Управление собственностью. – с.23-25.
6. Thomas W., Anita U., Wolfgang K., Hans L. Frugal innovation in developed markets – Adaption of a criteria-based evaluation model. // Journal of Innovation & Knowledge. <https://www.journals.elsevier.com/journal-of-innovation-and-knowledge>
7. Хаиров Б.Г., Бердов А.А., Куничкин А.М. Зарубежный опыт продвижения товаров и услуг на внешние рынки посредством организации и участия стран в выставочной деятельности. Вестник Сибирского института бизнеса и информационных технологий. № 4 (36) 2020. – с.94-100.
8. G'afurov U.V., Sharipov Q.B., Rejapov X.X., Salayev D.S. Empirik iqtisodiyot. O'quv qo'llanma. - T.: "Innovatsion rivojlanish nashriyot-matba uyi", 2021. - 148 b.
9. <https://www.usaid.gov/economic-growth-and-trade>
10. <http://russian.china.org.cn/russian/48211.htm>
11. <https://gtmarket.ru/ratings/global-competitiveness-index>
12. <https://ustr.gov/issue-areas/economy-trade>
13. <https://www.trade.gov/country-commercial-guides/france-market-overview>
14. <https://retail-loyalty.org/news/onlayn-torgovlya-v-velikobritanii-rynok-k-2020-godu-vyrastet-do-15-mlrd-evro/>
15. <https://www.investopedia.com/articles/investing/091515/3-industries-driving-chinas-economy.asp>
16. https://www.ey.com/ru_ru/consumer-products-retail/russian-consumer-products-sector-after-covid-19
17. <http://rus63.com/upload/china-market.pdf>
18. <https://www.rubinarealestate.com/ru/berlin/berlin-real-estate-market-overview/>
19. <https://www.vedomosti.ru/business/articles/2019/06/14/804163-rinok-lyuks>

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий фаолиятини баҳолаш самарадорлигини ошириш методологияси
 Methodology for improving the efficiency of assessing the economic prerequisites of small business and private entrepreneurship

Равшан МАВРУЛОВ,
 Наманган муҳандислик-технология институти
 “Иқтисодиёт” кафедраси таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий фаолиятини баҳолаш самарадорлигини ошириш методологиясини назарий асослари келтирилган бўлиб унинг асосида кичик бизнесга ихтисослашган тадбиркорлик субъектларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган. Шунингдек, мақолада кичик бизнес субъектлари фаолиятини иқтисодий баҳолашнинг босқичлари, гуруҳлари ва турларининг асосий хусусиятлари ёритилган.

В данной статье представлена теоретическая основа методологии оценки экономического фона малого бизнеса и частного предпринимательства, на основе которой она направлена на обеспечение экономической стабильности и улучшение организационно-экономических настроений субъектов предпринимательства, специализирующихся на малом бизнесе. В статье также рассматриваются основные особенности этапов, групп и видов экономической оценки деятельности субъектов малого предпринимательства.

This article presents the theoretical basis of the methodology for assessing the economic background of small business and private entrepreneurship, on the basis of which it is aimed at ensuring economic stability and improving the organizational and economic attitudes of business entities specializing in small business. The article also discusses the main features of the stages, groups and types of economic assessment of the activities of small businesses.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, кичик бизнес мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишда муҳим ўрнига эга бўлиб, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий дастурларда ҳам ўз аксини топмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бозор иқтисодиёти институти сифатида бир қатор функцияларни бажаради, улар орасида умумий иқтисодий, инновацион, ре-

сурс, ижтимоий, ташкилий ва бошқалар мавжуд.

Иқтисодий ривожланишнинг замонавий шароитларининг энг муҳим шакли кичик бизнес соҳасидир. Кичик бизнес соҳасида энг кўп янгиликлар амалга оширилади, бу илмий ва технологик тараққиётга ҳисса қўшади. Шу нуқтаи назардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини самарадорлигини аниқлаш ҳамда унинг механизмларини

Калит сўзлар: кичик бизнес, баҳолаш, самарадорлик, ресурслар, бозор муносабатлари.

такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз олимларидан И.И. Эргашев ўз тадқиқот ишида “Кичик бизнесни ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва баҳолаш, иқтисодиёт ва мулк секторлари ривожланишидаги ўзаро алоқалар ҳамда номутаносибликларни аниқлаш, кичик бизнесни ривожлантиришдаги институционал ўзгаришларни илмий таҳлил этган ҳолда устувор йўналишларини аниқлаш каби илмий-назарий муаммолар, монополияга қарши курашиш сиёсати, каби илмий-амалий муаммоларни ҳал қилиш ва амалий татбиқ этишга ҳақиқий зарурат” мавжудлиги қайд этмоқда [1].

Хорижлик олимлардан З.Н. Босчаева ва М.В. Коган “Кичик корхоналар самарадорлигини баҳолаш ўзига хос хусусиятларга эга: маҳсулотларига нисбатан бозор улуши; субъект эгаси ва ҳамкорлар томонидан бошқарилиши; молиявий ресурслар бозорига киришни чеклангани ва бошқалар” дея қайд этганлар [2].

Келтирилган таърифларга кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини баҳолаш орқали фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлаш имконини беради.

Бизнингча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- субъектнинг барча ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш;
- субъектнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш салоҳиятини аниқлаш;
- бошқаруви самарадорлигини баҳолаш.

Кичик бизнес субъектларини иқтисодий фаолияти самарадорлигини баҳолашдаги мавжуд ёндашувлар унинг ривожланиш даражасини ва ҳаётлигини юқори даражада тавсифлаш имконини берувчи кўрсаткичлар мажмуасига асосланиши керак.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти самарадорлигига таъсир этиш ва уни баҳолашда давлат томонидан бериладиган имтиёз ва преференцияларнинг аҳамияти катта деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юқини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6314-сон Фармони қабул

қилинган. Фармонга биноан 2022 йил 1 январдан 2023 йил 1 январга қадар Республика туманларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига белгиланган ижтимоий солиқ ставкаси икки бараварга пасайтирилган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида белгиланиши қайд этилган [3].

Берилаётган имтиёзлар натижасида соҳанинг самарали фаолият кўрсатишига, барқарорлигини таъминлашга, инновацион маҳсулотлар яратиш ва аҳолиги бандлигини таъминлаш қолаверса давлат таъминини мустаҳкамлашга эришилади.


Статистик маълумотларни кузатадиган бўлсак Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси Наманган вилоят бошқармасининг маълумотларига кўра 2021 йилда кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 73,5 фоизни ташкил қилди (2020 йилда – 73,7 фоиз). Кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улушининг ўтган йилга нисбатан пасайиши йирик корхоналар улушининг ошиши билан боғлиқдир дея келтирмоқда [4]. Кичик бизнес субъектларининг барқарор ривожланиши соҳада йилдан йилга ўсиш суратларини ошиб боришига боғлиқ (1-чизма).

Чизмадан кўриш мумкинки кичик бизнес субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2017 йилга нисбатан камайиш суратларини қайд этган. Саноат соҳасида эса 2017 йилга нисбатан 2021 йилда 23,4 фоизга пасайишни қайд этмоқда. Фақатгина қурилиш соҳасида 2017 йилга нисбатан 2021 йилда 1,1 фоизга ўсишни кўриш мумкин.

Бундан хулоса қилиш керакки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини самарадорлигини ошириш ва соҳада ишлаб чиқариш қувватларини оширишда вилоятдаги мавжуд йирик корхоналар билан ҳамкорлик қилиш ва интеграция муҳитини яратиш муҳим яҳамиятли ҳисобланади.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарадорлигини аниқлаш ва уни оширишда иқтисодий, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг иш фаолияти самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи қуйидаги таҳлил усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- маркетинг фаолиятини таҳлил қилиш;
- субъектнинг тўлов қобилияти, ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш;
- пул оқимлари ва капитални шакллантириш




1-чизма. Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)¹

манбаларини таҳлил қилиш;
 – мулкый ҳолатини таҳлил қилиш ва капиталдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;
 – асосий фондлари ва моддий ресурсларидан фойдаланишни таҳлил қилиш;
 – ишчи ресурслар таҳлили;
 – фаолиятининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш;
 – инвестицион ва инновацион фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш.

Юқоридаги усуллар кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик самарадорлигини атрофлича баҳолаш ва уларнинг барқарор ривожланиши ёки ўсиш суратлари пасайиб бораётганини аниқлаш имконини беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини баҳолашни таҳлил қилиш усуллари, мақсадлари ва вазифаларига асосланиб, уларнинг бизнес фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш имконини берадиган асосий молиявий кўрсаткичларни шакллантириш мумкин. Соҳа фаолиятини баҳолашнинг молиявий таҳли-



2-чизма. Кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлар гуруҳи²

¹ Статистика қўмитаси Наманган вилоят бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

² Манба муаллиф ишланмаси.

лида кўплаб турли кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Уларнинг барчаси қуйидаги хусусиятга кўра гуруҳланган (2-чизма).

Чизмадан кўриш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни баҳоловчи кўрсаткичлар асосан уч гуруҳга бўлинишини талаб қилади. Ушбу гуруҳлар кичик бизнес субъектларини ликвидлик, рентабеллик ва бозор муносабатларни аниқлаш имконини беради. Бу ерда бозор муносабатларни таҳлил қилиш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ички бозорга кириб бориш имкониятини кенгайтиради.

Кичик бизнес субъектларини молиявий фаолиятини диққат билан таҳлил қилишда ташкилотнинг молиявий фаолиятига бевосита эмас, балки билвосита таъсир кўрсатадиган омилларни баҳолашга эътибор бериш керак [5].

Худуднинг ижтимоий-иқтисодий тизимини ўрганиш учун уни параметрларини тўғри танлаш керак, шунинг учун тизимларга хос бўлган умумий хусусиятларни кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади. Иқтисодий тизимларнинг хусусиятлари бўйича кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, хусусиятлар тизимнинг параметр кўрсаткичлари сифатида тушунилади, яна бир гуруҳ олимларнинг фикрига кўра, тизимларнинг ўзига хос хусусиятларини эмас, балки уларнинг иш фаолиятига таъсирини ҳисобга олиш керак, бу охир-оқибатда тизимни самарали бошқариш учун

зарурдир деб келтирганлар.

Умумий маънода иқтисодий самарадорлик тизимнинг ташқи муҳитда ўз функцияларини бажаришининг тўлиқлиги билан эришиш мумкин бўлган ҳақиқий натижанинг мувофиқлик даражаси сифатида баҳоланади. Шу билан бирга, ушбу таърифларда натижага эришиш учун операциялар харажатлар ва унга эришиш учун зарур бўлган вақт, салоҳиятнинг талаб қилинадиган сифат ва уни амалга ошириш механизми етарли даражада ҳисобга олинмайди. Шунинг учун кўп ҳолларда потенциалдан тўлиқ фойдаланиш корхона фаолиятида барқарорликни йўқотишига олиб келиши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини баҳолаш ва унинг самарадорлигини оширишга ҳизмат қилади, чуқур иқтисодий таҳлиллار натижаси бизнес юритувчи субъектларни келажакни белгилашга, харажатларни тўғри тақсимлаш ва уни пасайтириш имкониятини беради. Ҳар бир бизнес юритувчи субъектлар олдида қўйилган мақсадларга эришишда узоқ муддатли стратегик ривожлантириш чора-тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этади, шу нуқтаи назардан иқтисодий барқарорликни баҳоловчи таҳлиллارни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини баҳолашни таҳлил қилиш усуллари, мақсадлари ҳамда вазифаларига асосланган бўлиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эргашев И.И. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ўсишга таъсири”. Мақола. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2021. Б-264
2. Босчаева З.Н., Коган М.В. Оценка эффективности деятельности малых предпринимательских структур. Вестник АГТУ. Сер.: Экономика. 2011 № 2. С-101.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6314-сон Фармони (<https://lex.uz/docs/5635417>)
4. namstat.uz/images/Pres-Reliz/2021/Svodniy2021_yanvar_dekabr.pdf
5. Analysis of the financial results of the organization. URL: <https://www.kom-dir.ru/article/2385-analiz-finansovyhrezultatov> (accessed: 04/30/2020).

УЎТ: 338.433

Қорақалпоғистон Республикасини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланишини баҳолаш Оценка обеспеченности Республики Каракалпакстан сельскохозяйственной продукцией Assessment of the provision of the Republic of Karakalpakstan with agricultural products

Султанияз БАЛТАШОВ,
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
“Агробизнес ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси ассистенти.

Аннотация

Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси таҳлил қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси туманлар кесимида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражаси ўрганилган.

В данной научной статье проанализирован уровень обеспеченности населения Республики Каракалпакстан основными видами сельскохозяйственной продукции. Также изучен уровень развития сельского хозяйства в районах Республики Каракалпакстан.

This scientific article analyzes the level of provision of the population of the Republic of Karakalpakstan with the main types of agricultural products. The level of development of agriculture in the regions of the Republic of Karakalpakstan was also studied.

Бугун мамлакат миллий хавфсизлиги асоси аҳолининг озик-овқат хавфсизлигидир. Аҳолининг озик-овқат хавфсизлиги эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш даражасига боғлиқ. Аҳолини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш давлатнинг энг муҳим стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси мисолида аҳолини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш масаласини кўриб чиқамиз. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан минтақани қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлаш коэффициентини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз.

$$T_k = \frac{I_x}{A_c \times T_n} (1)$$

Бу ерда: T_k – ўз-ўзини таъминлаш коэффициенти;
 I_x – ишлаб чиқариш ҳажми;
 A_c – аҳоли сони;
 T_n – тиббий норма.

Мазкур формула ёрдамида ҳар бир қишлоқ хўжалиги маҳсулот тури бўйича таъминланиш коэффициентини аниқлаш мумкин. Биз эса 1 ва 2-иловалардаги маълумотлардан фойдаланиб, Қорақалпоғистон Республикасининг сўнги ўн йилда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлаш коэффициентини аниқлаймиз [1]. Минтақада охириги ўн йилдаги маҳал-

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, аҳоли, туманлар, ишлаб чиқариш.


Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш коэффициенти

Қ/х маҳсулотлари	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2020-2011
Картошка	0,36	0,39	0,42	0,46	0,49	0,53	0,61	0,69	0,81	0,82	+0,46
Сабзавот	0,74	0,84	1,00	1,11	1,16	1,22	1,14	1,17	1,24	1,29	+0,55
Полиз	2,30	2,57	2,90	3,07	3,24	3,58	3,74	3,67	3,94	4,19	+1,89
Мева ва резаворлар	0,24	0,26	0,28	0,31	0,34	0,35	0,38	0,39	0,43	0,44	+0,2
Узум	0,16	0,17	0,18	0,22	0,23	0,24	0,27	0,29	0,39	0,38	+0,22
Гўшт	0,64	0,67	0,74	0,78	0,82	0,87	0,92	0,94	0,94	0,96	+0,32
Сут	0,85	0,94	1,12	1,20	1,28	1,36	1,41	1,44	1,45	1,50	+0,65
Тухум	0,12	0,19	0,32	0,36	0,39	0,44	0,48	0,56	0,58	0,60	+0,48
Асал	0,03	0,04	0,07	0,08	0,08	0,11	0,11	0,13	0,16	0,16	+0,13
Балиқ	0,05	0,08	0,11	0,11	0,14	0,19	0,25	0,39	0,51	0,56	+0,51


лий ишлаб чиқарувчилар томонидан асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш даражасини куйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

Жадвалдаги маълумотларга кўра, Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш коэффициенти охириги ўн йилда сезиларли ўсган. Фақат 2011 йилда барча турдаги маҳсулотлар билан таъминланиш коэффициенти паст даражада бўлган. 2020 йилга келиб яна сабзавот, полиз, сут ва гўшт маҳсулотлари коэффициенти мос ра-

вишда 1,29, 4,19, 1,5 ва 0,96 га тенг. Бу рақамлар маҳсулотлар билан аҳолини таъминланиш қониқарли даражадалиги, минтақа ўз-ўзини тўлиқ таъминлай олиши, ҳатто экспорт потенциалли ҳам мавжуд эканини кўрсатади. Картошка ва тухум етиштириш коэффициенти 2011 йилга нисбатан 2020 йилда 0,36 дан 0,82 га, 0,12 дан 0,60 га ўсган. Лекин узум, мева резаворлар, асал ва балиқ билан таъминланиш коэффициенти паст даражада қолмоқда. Масалан, асал билан таъминланиш коэффициенти 2011 йилда 0,03 бўлса, 2020



2.1-чизма. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини 2011-2020 йилларда асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш динамикаси.



2.2-чизма. Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарилишининг туманлар кесимидаги улуши (фоизда)

йилда 0.16ни ташкил этган. Бу ушбу маҳсулот тури билан таъминланиш даражаси 2011 йилга нисбатан 13 фоизга ўсиб, 2020 йилда атиги 16 фоизга ўсган. Асал маҳсулоти аҳоли саломатлиги учун жуда муҳим маҳсулотларнинг бири бўлгани сабабли уни етиштириш бўйича алоҳида дастур қабул қилишни тақозо этади.

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш динамикасини куйидаги диаграммада кўриш мумкин.

Мазкур диаграммада бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини сут, сабзавот, полиз ва гўшт билан таъминланиш даражаси қониқарли, яъни, ушбу турдаги маҳсулотлар аҳолига тўлиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказилиб берилаётганини кўриш мумкин. Лекин мева резаворлар, тухум, узум, асал ва балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш қониқарсиз даражада қолмоқда [2].

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ҳудудлар бўйича таҳлил қилинса, энг кўп улуш Амударё (18,5 фоиз), Тўртқўл (11,0 фоиз), Беруний (13,3 фоиз) ва Элликқалъа (11,4 фоиз) туманларига тўғри келади. Ушбу туманлар Қорақалпоғистон Республикасининг жану-

би-шарқий ҳудудида жойлашгани боис қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги юқори, сув ресурслари билан таъминланиш даражаси барқарор. Ҳозир номи келтириб ўтилган туманларнинг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 54,2 фоизни ташкил қилади. Бу борада энг паст кўрсаткичлар Мўйноқ (1,1 фоиз), Бўзатов (1,7 фоиз), Тахياتош (2,3 фоиз), Тахтакўприк (3,4 фоиз) туманларига тўғри келмоқда. Мазкур туманлар Қорақалпоғистон Республикасида энг паст ривожланган ҳудудлар қаторига киради (2.1-чизма). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2020 йил 2 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида ушбу туманларни иқтисодий ривожлантириш учун алоҳида дастур ишлаб чиқилиши кераклигини таъкидлади ва саноат корхоналарини, кичик бизнес субъектларини бир қатор солиқлардан 3 йил муддатга озод қилди.

Қуйидаги жадвал маълумотларида Қорақалпоғистон Республикаси жанубида жойлашган Амударё, Беруний, Тўртқўл ва Элликқалъа туманларида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиш коэффициенти бошқаларга нисбатан юқори эканини

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар билан таъминланиш коэффициенти (туманлар кесимида)

Туманлар	Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари						
	Картошка	Сабзавот	Мева	Узум	Гўшт	Сут	Тухум
Амударё	1,90	3,14	1,38	0,79	1,26	2,11	1,06
Беруний	0,95	1,50	0,83	0,72	1,42	1,76	0,88
Бузатов	0,87	0,90	0,62	0,27	2,32	3,35	0,87
Қораўзак	0,93	0,97	0,24	0,20	1,69	1,71	0,67
Кегейли	0,35	0,85	0,36	0,19	1,15	1,27	0,41
Қўнғирот	0,82	0,84	0,09	0,23	0,77	1,35	0,81
Қонликўл	0,39	1,77	0,15	0,22	1,42	1,97	0,70
Мўйноқ	0,96	0,85	0,05	0,03	0,96	1,24	0,44
Нукус	1,41	3,61	0,37	0,60	0,92	1,50	0,65
Тахиаташ	0,49	0,54	0,13	0,23	0,54	1,26	0,28
Тахтакўпир	1,23	1,01	0,28	0,46	2,17	2,02	0,51
Тўрткўл	0,94	1,15	0,45	0,31	0,84	1,76	0,68
Хўжайли	0,59	0,74	0,14	0,21	0,82	1,63	0,43
Чимбой	1,05	1,76	0,40	0,24	1,21	1,68	0,72
Шўманой	0,57	2,04	0,22	0,13	1,16	1,70	0,76
Элликқалъа	0,95	1,44	0,75	0,91	1,29	2,49	0,67
Нукус ш	0,03	0,11	0,01	0,05	0,04	0,04	0,04
ҚР бўйича:	0,82	1,29	0,44	0,38	0,96	1,50	0,60

кўриш мумкин. Амударё туманида узумдан ташқари барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлай олади [3]. Сабзавот ва сут маҳсулотлари билан таъминланиш даражаси мос равишда 3 ва 2 баробарга тенг.

Элликқалъа ва Беруний туманларида сабзавот ва гўшт билан таъминланиш даражаси 1,5 баробарга тенг. Сут билан таъминланиш даражаси Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 1,5 баробарга тенг. Бинобарин сут билан таъминланиш коэффициенти барча туманларда қониқарли даражада.

Республика бўйича энг паст таъминланган хўдудларга Қўнғирот, Мўйноқ, Тахиаташ, Хўжайли ва Шўманой туманларини киритиш мумкин. Тахиаташ туманида деярли барча турдаги маҳсулотлар билан таъминланиш даражаси қониқарсиз. Мазкур туманлар аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланишини яхшилаш учун алоҳида дастурлар қабул қилиниши, шунингдек, экин майдонларнинг ҳосилдорлигига ва бонитет балига қараб жойлаштириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Нурымбетов Т. У. (2018). Особенности диверсификации сельскохозяйственного производства. *Кластерные инициативы в формировании прогрессивной структуры национальной экономики* (pp. 209-212).
2. Nurymbetov T. U. (2017). Organization of agricultural manufacture based on the system approach. *Актуальная наука*, (3), 48-50.
3. Nurimbetov T. (2021). Food security as a factor of sustainable development of the country. *Karakalpak Scientific Journal*, 4(1), 58-66.

УЎТ: 958.14:10.1

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг илмий-назарий жиҳатлари Научно-теоретические аспекты привлечения прямых иностранных инвестиций Scientific and theoretical aspects of attracting foreign direct investment

Гулчехра НАСРИТДИНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси мустақил изланувчиси.

Аннотация

Мақолада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ижобий ва салбий жиҳатлари ўрганилган. Ўзбекистон республикаси иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурияти асосланган. Хорижий инвестицияларнинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий ва салбий таъсири ўрганилган. Хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этишнинг замонавий усул ва механизмлари таснифланган.

В статье изучены положительные и отрицательные аспекты привлечения прямых иностранных инвестиций. Обоснована необходимость привлечения иностранных инвестиций в экономику Республики Узбекистан. Изучается положительное и отрицательное влияние иностранных инвестиций на социально-экономическое развитие страны. Классифицированы современные методы и механизмы привлечения иностранных инвестиций в экономику страны.

The article examines the positive and negative aspects of attracting foreign direct investment. The necessity of attracting foreign investments to the economy of the Republic of Uzbekistan has been substantiated. The positive and negative impact of foreign investment on the socio-economic development of the country is being studied. The modern methods and mechanisms of attracting foreign investments into the country's economy are classified.

Инвестиция сиёсати мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки, шу сиёсат орқали мамлакат ишлаб чиқариш қувватини юқори даражада ўсиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ва сифатининг ортиши, моддий ва маънавий эҳтиёж қондирилиши, бутун давлат инфрагузимасининг ривожланишини таъминлайди.

Хорижий инвестицияларини жалб этиш – мамлакатни ҳалқаро бозорларда рақобатбардошлигини ошириш борасидаги давлат иқтисодий сиёсатининг

асосий йўналиши ҳисобланади. Иқтисодиётига йўналтириладиган хорижий инвестицияларнинг марказлаштирилган ҳолда назорат қилиш ва уларни киритилишини рағбатлантириш мақсадида барча мамлакатларда инвестициявий дастурлар қабул қилинади. Мазкур дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида иқтисодиёт ривожланади. Хорижий инвестициялар жамият миллий даромади ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатади ва миллий иқтисодиётдаги кўплаб мутаносибликлар унга боғлиқ бўлади. Мамлакатда инвесторлар учун

Калит сўзлар: инвестиция, хорижий инвестициялар, портфель инвестициялар инвестициялар самарадорлиги, инвестициянинг тўпланиш самараси, интернализация назарияси, “учаётган ғозлар” парадигма.

қулай инвестицион муҳит яратмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмайди.

Ўзбекистон республикаси иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг заруриятини куйидагилар билан изоҳланади:

– республиканинг хом-ашё ва табиий ресурс захираларнинг юқорилиги, илғор замонавий хориж технологияларини жалб этиш орқали кўплаб қайта ишловчи корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш имкониятларининг мавжудлиги;

– иқтисодиёт реал секторида ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан янгилаб боришга доимо эҳтиёжлар мавжудлиги, уларни энергия сизими юқори ва унумдор технологияларга доимий янгилиб бориш зарурияти;

– саноатнинг моддий-техника базасининг ҳалқаро рақобатбардошлик даражадан юқори эмаслиги ва натижада, кўплаб саноат корхоналарининг ҳалқаро бозорларга чиқиш имкониятларини пастлиги;

– республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг номутаносиблиги натижасида жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида киритиш камайиб бораётганлиги;

– қишлоқда замонавий саноат корхоналарни барпо этиш орқали ўсиб бораётган аҳолини бандлик даражасини таъминлаш ва меҳнат ресурсларидан оқилоно фойдаланиш зарурилиги кабилар билан асосланади.

Жаҳон иқтисодиёти тажрибасидан хориж капиталини, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда энг самарали восита эканлиги маълум. Айнан чет эл инвестициялари мамлакатда иқтисодий ва технологик янгилаш жараёнини ҳаракатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Хорижий инвестиция – чет эл инвесторлари томонидан фойда олиш мақсадида бошқа бир давлат иқтисодиётининг қонун билан таъқиқланмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолиятига таваккалчилик асосида сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликларидир [1].

Хорижий инвестициялар – бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, иқтисодий самарага эришиш мақсадида бошқа давлат иқтисодиёти реал секторига, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига

сафарбар этадиган барча мулкӣ, молиявий, интеллектуал бойликларидир. Иқтисодий мазмунига кўра хорижий инвестициялар ссуда капитали (яъни, қарз ва кредит) ҳамда тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар ҳисобланиши турли манбаларида қайд этилган.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар орқали трансмиллий компаниялар уларни қабул қилувчи мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришга маълум бир туртки беради. Айниқса, янги иш ўринларини яратиш, экспортни ошириш, инновацияларни мамлакатда тарқалиши ва бошқалар бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ, одатда молиявий ва сиёсий мустақилликдаги зарарларини ҳам инобатга олиш тўғрисида ҳам бир қатор фикрлар мавжуд. Жумладан, Р.Пребиша томонидан илгари сурилган “ташқи қарамлик назарияси” эътиборга молик назариядан бири ҳисобланади ва рус олимларидан В.К. Захаров, И.Голикова тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар асосан инвесторларнинг бошқа мамлакатларга эскирган капиталини ташқарига мусодара қилиш” мазмунида ифодалайди.

Шунингдек, иқтисодиётни қарам ривожлантириш муаммоларига олимлар томонидан жиддий қараш ҳолатлари мавжуд. Бироқ, глобаллашув жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг табиий жараёни сифатида қарашлар ҳам илгари сурилмоқда. Муаллифлар қарашларига кўра, глобаллашув жаҳон миқёсидаги ривожланишининг ажралмас қисми сифатида қарашини тақлиф қилади ва сўнги пайтларда жаҳон иқтисодиётида пайдо бўлган глобаллашув тўлқини ҳам иқтисодий тизимларнинг янада кенгроқ интеграциялашуви учун умумий жараённинг бир қисми сифатида намоён бўлаётганлигини асослайди. Хорижий инвестициялари ҳисобидан давлатларнинг иқтисодиётини ривожлантириш имконияти оширишга қаратилган асосий сиёсат уларни ижобий ва салбий таъсирини баҳолашга қаратилган мезонни танлашга боғлиқдир.

Хорижий инвестициялар мамлакатда илм ва фан ривожланишига ҳам туртки бериб, маҳаллий кадрларни хорижий кампанияларда малака ошириши ва ўзаро кадрлар алмашинуви натижасида юз беради. Хусусан, юқори технологияли ишлаб чиқаришга инвестиция қиладиган йирик кампаниялар инвестицияларни қабул қиладигана мамлакатда илмий тараққиётнинг катализатори эканлиги J.F.Campos тадқиқотларида асосланган. Бундан ташқари, сўнги йилларда тадқиқотчилар хорижий филиалларда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун трансмиллий

корпорацияларнинг харажатлари ва миллий инновацион фаолиятнинг ўсишига ижобий таъсир даражаси кузигилаётганлигини статистик маълумотларда қайд этилмоқда.

Юқоридаги тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ҳорижий инвестициялар ижобий ташқи таъсирни келтириб чиқариб, мамлакатдаги истеъмол товарлари нархининг пасайтиришга, маҳаллий корхоналарни ривожлантиришга, кичик бизнесни ривожланишига, умуман олганда якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга фойда келтиради. Ушбу таъсирнинг асоси инвестиция кирувчи мамлакат юқори нархларда импорт қилинувчи маҳсулотларни ўзида ишлаб чиқаришга ўтишидадир. Натижада товарлар нархи божхона божлари ҳисобига қисқаради. Арзон ишчи кучидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилиши халқаро рақобатбардошлигини оширишга имконият яратилади. Инвестиция қабул қилувчи мамлакатнинг ташқи бозорлари учун рақобат устунликларига эришиш имкониятлари кенгаяди ва натижада ички бозорда импорт қилинувчи маҳсулотлар нархининг пасайиши кузатилади.


Умуман олганда, хорижий тадқиқотчилар фикрича, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иқтисодий ривожланишни таъминловчи молиялаштириш манбаси бўлиш билан бирга, билвосита таъсирлар (spillover effect) шаклида мамлакатга замонавий техника ва технология, инновациялар, ноу-хау ҳамда бошқарув

услулари жалб қилишга ёрдам беради. Улар инсон капиталининг ўсиши, иқтисодий модернизиациялаш ва рақобатбардошликни ошириш, ахборот-коммуникация тизимининг ривожланишини таъминлаш орқали мамлакатда барқарор иқтисодий ривожланишга замин яратади.

Инвестициянинг тўпланиш самараси (crowding-in effect) – ТТХИ жалб қилишнинг кўпайиши, мамлакатда бошқа тармоқларга киритиладиган инвестицияларнинг кўпайишига доимий ижобий кореляцияси мавжудлигини асосланган.

Инвестицияларни янада кенгайтириш қарори “инвестиция жамғармаси таъсири” деб аташ мумкин бўлган ҳодисадан ҳам таъсир қилади, аммо бу термин аниқ эмас. Кўпинча “капитал жамғармаси” атамаси ишлатилади, лекин одатда технологик алмашинувдан узилишларсиз ҳисобланади. Умуман олганда, ТТХИларнинг иқтисодий ривожлантиришга бўлган таъсирини илмий тадқиқот натижаларини умумлаштирилган ҳолда қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ 1-чизма.

1-чизмада хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ривожланишга таъсирининг асосий оқибатларини – иқтисодий муҳитга ва хўжалик юритувчи субъектларнинг қарорларига таъсир қилувчи самарадорликни акс эттиради. Хорижий инвестициялар иқтисодий ривожланишга умумий иқтисодий ва институционал таъсирлари мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, ҳам ижобий,



1-чизма. Хорижий инвестицияларнинг ижтимоий-иқтисодий самараси таснифи ¹.

¹ Муаллиф ишланмаси

ҳам салбий бўлиши мумкин. Асосий салбий таъсир сифати фақат мустақил ривожлана олиш қобилиятини йўқолиб бориши сифатида белгиланди.

Хорижий инвестицияларини мамлакатга жалб этишда асосий эътиборни, инвестиция қилувчи халқаро компаниянинг мамлакатга инвестиция киритиш қарорини тушуниш керак. Мамлакатда шакллантирилган “инвестицион иқлим” ёки инвесторларга “рағбат”лардан кўра, инвесторнинг қарор қабул қилишида “мотив” асосий роль ўйнайди. Айнан “мотив” мамлакатга инвестиция олиб кирувчилар ўртасида энг кўп муҳокама бўладиган жараён ҳисобланади².

Халқаро меҳнат тақсмоти хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим омилидир. Кўплаб тадқиқотчилар фикрича³ вертикал ва гаризангал интеграцияларнинг ривожланиши халқаро меҳнат тақсмотини белгилаб берувчи асосий параметрлардан

биридир. Бундан ташқари, халқаро интеграциялашув жараёни вертикал интеграцияланган корпорацияларга нисбатан характерли бўлганлиги сабабли, бир мамлакат ичида вертикал интеграциялашган ва айниқса, йирик тармоқ корпорациялари ҳақида гапириш деярли мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишни таъминлаш мақсадида Президентнинг бир қатор фармонлари ҳам қабул қилинган. Жумладан, 2005 йил 11 апрелда қабул қилинган “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари асосида хорижий инвесторларга бир қатор имтиёзлар тақдим этилган.

1-жадвал.

Хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш бўйича шаклланган назариялар

Назариялар	Муаллифлар	Муаммолар
Халқаро товар ҳаракати даврийлиги назарияси	Вернон Р. (1966 г.)	ТТХИ ва халқаро савдо, товарнинг ҳаётийлик даври ўртасидаги муносабатлар ўрганилади
Трансмилий компаниялар ва номукамал рақобат	Хаймер С. (1960 г.)	Трансмилий компаниялар рақобатбардошлиги ва уларнинг халқаро фаолияти натижалари ўрганилади
	Киндльбергер Ч. П. (1969 г.)	
Олигополия ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	Никкербеккер Ф. Т. (1973 й.)	Саноатнинг оддий тармоқларни ривожлантиришга йўналтириш мақсадга мувофиқлигини асосланади
	Грэм Х. (1978 й.)	
Интернализация назарияси	П.Баккли ва М.Кассон (1976 й.)	Инсон ресурсларини ривожлантириш каби муҳим афзалликлар эътибордан четда қолганлиги асосланади
“Учаётган ғозлар” парадигма	К.Акамацу (1938 й.)	Иқтисодий ривожланиш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзаро таъсири баҳоланган
	Коджима К. (1978 г.) Оззава Т. (1985 г.)	
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва миллатларнинг рақобат устунликлари назарияси	М.Портер (1990 й.)	ТТХИ ва мамлакатнинг рақобатда устунлиги ўртасидаги боғланишни ўрганилади
OLI (мулкчиликка, жойлашувга ва интернациаллашувга хос афзалликлар) модели	Даннинг Д. (1981 г.)	ТТХИларнинг мулкчиликка, жойлашувга ва интернациаллашувга хос афзалликлари ўрганилади
Мамлакатларнинг инвестицион ривожланиши (IDP)	Даннинг Д. (1981 г.) Нарула Р. (1994 г.)	Мамлакатларни инвестицион ривожланишини ташқи савдонинг ривожланишига таъсири ўрганилади.

² Мехлис К. Анализ мотивов прямых иностранных инвестиций в мировой экономике // Международная экономика. 2013. № 12. С. 63—69.

³ Feenstra R. Integration of Trade and Disintegration of Production in the Global Economy // Journal of Economic Perspectives. 1998. Т. 12(4). С. 31—50.

Ўзбекистонда 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинди. Ушбу йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни Ўзбекистондаги имкониятлар ва ресурс салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш бўйича бир қатор қонуний ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300-сон қарори билан хорижий инвесторларга давлат акция (улуш)-лар пакетларини сотиш тизимини шакллантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун тайёр инвестиция таклифларини ишлаб чиқиш, бизнес форумлар ўтказиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш каби янги йўналишлар

белгилаб берилган.

Умуман олганда тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб этиш бўйича аниқ методологик асослар ишлаб чиқиш учун инвесторларни жалб этишнинг бир қатор замонавий усул ва моделлари жаҳон олимлари томонидан яратилган. Шуларни инобатга олинган ҳолда хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этишнинг замонавий усул ва механизмлари 1-жадвалда тизимлаштирилган.

Илмий назарий қарашлардан хулоса қилганда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар назарияси ғарб ва ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий трансформациянинг тарихий босқичларини ҳамда миллий иқтисодиёт ва жаҳон савдосига тўғридан-тўғри ривожланганлиги билан аҳамиятли. Халқаро капитал оқими бўйича шакланган назариялар ва моделлар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимларини таҳлил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади, миллий иқтисодиёт ва тармоқларнинг рақобатбардошлиги сабабларини тушунишга, асосий муваффақият омилларини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. О.Т. Аҳмедов. М.Ш. Қозақова. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицияларнинг тутган ўрни http://www.iqtisodiyot.uz/sites/default/files/maqolalar/16_O_Ahmedov_M_Kozakova_0.pdf.
2. Пребиш Р. Периферийный капитализм: есть ли ему альтернатива? сокр. пер. с исп. Москва: ИЛА РАН, 1992. 337 с.
3. Захаров В. К., Голикова Е. И. Иностранные инвестиции в экономике России // Экономический журнал. 2012. № 3. С. 21—27.
4. Vernengo M. Technology, Finance, and Dependency: Latin American Radical Political Economy in Retrospect // Review of Radical Political Economics. 2006. Т. 38, № 4. С. 551-565.
5. Акопова Е., Ефременко И. Неопарадигмальный подход к исследованию цикличности финансовой глобализации // Экономические науки. 2011. № 12. С. 400—405;.
6. Campos J. F. Multinationals, Technology Transfer and Domestic R& D Incentives: дис. ... канд./ Campos J. F. University of Nottingham, 2007. С. 26.
7. Валиев Б. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Т.: Ўз.Рес. Банк-молия академияси. 2017 йил. 16 бет.
8. Xu Y., Yuan X. Research on China’s Regional Differences of Crowding-In or Crowding-Out Effect of FDI on Domestic Investment // Modern Economy. 2012. Т. 3, № 7. С. 884-885.
9. Мехлис К. Анализ мотивов прямых иностранных инвестиций в мировой экономике // Международная экономика. 2013. № 12. С. 63—69.
10. Feenstra R. Integration of Trade and Disintegration of Production in the Global Economy // Journal of Economic Perspectives. 1998. Т. 12(4). С. 31—50.

Олий таълим муассасаларининг инновацион ривожланиш
 механизмини такомиллаштириш
 Совершенствование механизма инновационного развития
 высших учебных заведений
 Improving the mechanism of innovative development of higher
 education institutions

Шерзод КУЛДАШЕВ,
 Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти тадқиқотчиси.

Аннотация

Мақолада таълим хизматларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари, олий таълим тизимидаги институционал ўзгаришлар ва олий инновацион ривожланиш механизмини такомиллаштириш тадқиқ қилинган.

В данной статье рассматриваются специфика и особенности образовательных услуг, институциональные изменения в системе высшего образования и совершенствование механизма развития высших учебных заведений.

This article examines the specifics and characteristics of educational services, institutional changes in the higher education system, and the improvement of the development mechanism of higher education institutions.

Республикаимиз таълим тизимдаги институционал ўзгаришлар кластернинг кўринишларидан бири сифатида олий таълим муассасасининг ўз-ўзини намоён этиш ва рақобатдош устунликларини аниқлаш ва баҳолаш имконини беради. Бугун инновациялар барқарор ривожланишнинг устувор омили сифатида инсон капитални ривожлантиради. Шу маънода таълим хизматининг юқори динамик бозоридаги вазият мусасаларни илмий-таълим кластерини шакллантиришни ўз ичига олган ўзгаришларни амалга оширишга мажбур этмоқда. Мазкур жараёнлар республикаимиз ОТМлари учун жуда долзарб. Университетлар ва институтларда рўй бераётган жараёнлар келгусида инновацион ОТМ мақомига давогарлик қилиш имкониятини беради (3.1-чизма).

Иқтисодиётда билимлар трансфери самарадорлиги илмий-тадқиқотларнинг юқори сифати билан аниқланади. Ушбу контекст билимлар трансферини

ҳам университетнинг иккинчи даражали функцияси, ҳам унинг асосий функциялари устидан ўзига хос юқори тузилма сифатида ўринга эга бўлади: таълим ва тадқиқот фаолияти. Бироқ билимлар трансфери меҳнат бозоридаги талаб асосида янги таълим дастурларини жорий қилиш, тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда илмий тадқиқотлар кўламига сезиларли таъсир кўрсатади.²

Инновацион тизимни яратиш ва шакллантиришнинг бош омили сифатида университетлар бир вақтда инновацион маҳсулотларни истеъмоли ва трансфер каналлари генератори ҳисобланади. Бир томондан, улар ўқув ва илмий-тадқиқот фаолияти векторларини иқтисодиёт эҳтиёжларига мос равишда ишлаб чиқади, иккинчи томондан, уларнинг фаолияти натижалари иқтисодиётнинг интенсив ривожланишга таъсир кўрсатади.

Фикримизча, таълим тизимини инновацион

Калит сўзлар: олий таълим тизими, таълим хизматлари бозори, таълим кластери, фан ва инновация.



1-чизма. Худудий илмий-таълим кластери¹.

модернизациялаш дастурлари самарадорлигини баҳолаш мезонлари иерархик таҳлил қилишнинг модификацияланган усулидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин.

1. Таълим жараёни ва якуний билим сифати, кенг ихтисосликка эга таълим муассасалари битирувчиларининг компетенцияси ва малакаси ўсиши учун инновацион дастурлар салоҳияти. Ушбу мезон олий таълим муассасалари томонидан кўрсатилган таълим хизматларининг келгусидаги сифати ва бутун таълим тизимига дастурлар таъсири дара-

жасини аниқлайди. Миллий таълим тизимида иқтисодий инновацияларнинг самарадорлигини сифат мезонлари тизимида юқори устунликка эга бўлади.

2. Аниқ инновацион сиёсатнинг комплекслилиги. Инновацион жараёнлар таълим тизимининг локал элементларига таъсир кўрсатиши мумкин ва бу ҳолат битирувчининг малака даражасини баҳолашнинг бошқа муҳим тизимига таъсир кўрсатмасдан таълим компетенциясининг шаклланиши ва билимлар сифатини баҳолаш тизимида янги воситаларни жорий қилишда ифодаланади.

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

² ОЭСР: инновационная система и инновационная политика РФ (общие оценки и рекомендации). Режим доступа: http://www.nisse.ru/business/article/article_1952.html?effort=

3. Таълим муассасаси персоналини мотивация даражаси ва маълум бир инновацион дастурга нисбатан малакасини ошириш имкониятлари. Замонавий таълим тизими самарадорлигининг пайиши кўпинча мотивациянинг етишмаслиги ва муассасалар ходимларининг малакаси етарли бўлмаслиги сабаб бўлади. Авваламбор, олий таълим муассасалари ходимларини рағбатлантиришнинг асосий воситаси молиявий мотив ҳисобланиб, иш ҳақининг нисбатан пастроқ ўсиши сабабли кўпинча демотиватор бўлиб хизмат қилади. Кадрлар малака даражасига қўйиладиган талабларнинг ўсиши билан бир қаторда тизимни молиялаштириш ҳажми ҳам ходимларнинг мотивацияси ва ишончи паралел равишда оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Аниқ инновацион дастурларнинг низолилик ва қарама-қаршилик даражаси. Ҳар қандай лойиҳанинг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг мақсади ва талабларининг қўйилмаган ҳолатига боғлиқ. Ҳатто, кичик ноаниқликларнинг бўлиши жиддий низоларни келтириб чиқаради. Муайян инновацион лойиҳанинг зиддиятли даражасини ошириш билан уни реализация қилиш секинлашади ва тасдиқланган лойиҳани бажариш мақсадларидан четга чиқишлар ортиб боради.

5. Давлатнинг молиявий харажатлари, жамиятнинг ижтимоий сарфлари ва олий таълим тизими битирувчиларига қўйиладиган талабларнинг даражаларини ҳисобга олувчи аниқ инновацион сиёсат реализация қилишнинг иқтисодий рентабеллиги. Ҳар қандай давлат инновацион дастурларини реализация қилишнинг давлат маблағлари сарфини оқилона ишлаши бўйича назоратни амалга оширишда унинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги экспертизаси ўтказилиши керак. Бутун таълим тизими ривожланишига давлат ва жамият харажатлари инновацион жараёнлар натижалари билан оқланиши керак.

6. Ички назорат даражаси ва аниқ инновацион дастурни реализация қилиш самарадорлиги кўрсаткичлари тизимининг мавжудлиги. Инновацион дастурни амалга ошириш мониторинги назорат усули мавжудлиги ва бошланган жараёнларнинг лойиҳа мақсадларига мувофиқлигини таъминлаши зарур. Агар якуний кўрсаткичлар ва белгиланган чегаралар мувофиқ келмаса, дастур автоматик тарзда тузатиш механизмини ишга тушириши керак, акс ҳолда олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади.

7. Инновацион сиёсатнинг синергетик имкониятлари ва аниқ инновацион дастурни реализация қилишнинг тизимли самараси. Таълим тизимида ўрнатилган янги муносабатларнинг мустаҳкамлиги ва аниқ инновацион сиёсат билан бошланган, генезиси бўйича ҳар хил бўлган жараёнларнинг корреляцион боғлиқлик даражаси умуман таълим тизимида комплекс инновацион таъсирни ва келгусида дастурни амалга оширишни белгилайди.

8. Доимий ўзгаришларнинг динамиклиги ва атроф-муҳитнинг олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолатида инновацион сиёсат барқарорлиги даражаси. Барча ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг, шу жумладан, таълим тизими ривожланишининг инерцияси ҳар қандай давлат инновацион дастурини амалга ошириш учун узоқ вақт оралиғини зарурат этади.

9. Таълим тизимида инновацион сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлиги. Ушбу кўрсаткич таълим муҳитида инновацион жараёнлар самарадорлиги ва сифатига бевосита таъсир қилмайди, яъни, таълимнинг очиқлик даражаси ва унинг оммавийлигини аниқлаш орқали инновацион сиёсатнинг ижтимоий йўналишига бивосита таъсир кўрсатади. Ҳозирги вақтда таълимнинг барча даражаларида тубдан бошқача сифат даражасида таълим хизматларини кўрсатишга қодир бўлган тижорат ёпиқ тизимини яратиш имкониятлари мавжуд. Ушбу тизим иш берувчилар томонидан битирувчилар дипломларини тан олиш учун зарур бўлган давлат аккредитациясига эга бўлиши лозим. Аммо, кейин таълим элитага айланади, чунки, бундай тизимнинг ишлаши катта молиявий инвестициялар талаб қилади ва бу янги инновацион ҳамда юқори технологияли иқтисодий реалликда ишлашга қодир бўлган юқори малакали мутахассисларнинг катта контингентига зарурат сезган жамият билан зиддиятга олиб келади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, мамлакат иқтисодиётини зарур малакага эга кадрлар билан таъминлаш нуқтаи назаридан таълимга элита ёндашувининг муваффақиятсизлигини англайди. Бундан ташқари, бундай ҳолат миллий иқтисодиётларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардорлик кўламини сезиларли даражада қисқартириши мумкин.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва стратегик мақсадларга эришиш қуйидаги вазифаларни ҳал этиш орқали амалга

оширилади:

- иқтисодиётга инновацион жараёнларни самарали татбиқ этиш учун платформа яратиш;
- олий таълим муассасаларини инновацион фаолиятга, хусусан, инновацион илмий-техникавий ишланмаларни тижоратлаштириш жараёнига фаол жалб қилиш;
- кадрлар, моддий-техника базаси ва ахборот таъминоти ҳолатини ҳисобга олган ҳолда олий таълим тизимини инновацион ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, универ-

ситет (институт)ларнинг ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш.

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш барча манфаатдор томонлар: давлат, бизнес ва таълим тизимининг конструктив мулоқоти орқали амалга оширилиши мумкин. Ўзаро ҳамкорликда иштирокчиларнинг ҳар бири ўз манфаатларини кўзлайди, уни ягона умумий мақсад – миллий ва ҳудудий даражада иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари учун юқори сифатли профессионал мутахассис-кадрлар тайёрлаш асосида бирлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шевченко Ю.А. Маркетинговые стратегии ценообразования в вузе // Практический маркетинг. 2002. № 10 (68). С. 25-32.
2. Баженова В.С. Непрерывное образование в условиях трансформации экономической системы. – М.: Изд. Рос. экон. акад, 2000-216 с.
3. Лукашенко М.А. Высшее учебное заведение на рынке образовательных услуг: актуальные проблемы управления. – М.: Изд. Маркет ДС, 2003. -358 с.
4. Захарова Л.В. Формирование и развитие образовательных услуг: автореф. дисс. канд. экон. наук / Белград. 2002-235 с.
5. Ахунова Г. Ўзбекистонда таълим хизматлари маркетинги муаммолари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети. – Т.: Иқтисод-Молия, 2005 й. – 244 б.;
6. Сонь Т.А. Формирование рынка образовательных услуг / www.marketing/spb.ru
7. Повышение конкурентоспособности регионального вуза в условиях экономики знаний: монография /Под ред. Веселовского М.Я., Измайловой М.А./ – М.: Издательство «Научный консультант». 2015 – 200 с.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 29.08.1997 г. №464-І.

УЎТ: 338.4

Хоразм вилоятида туризмни ривожлантиришда транспорт хизматларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари Основные направления совершенствования транспортного обслуживания в развитии туризма Хорезмской области The main directions of improving transport services in the development of tourism in Khorezm region

Элбек ХОДЖАНИЯЗОВ,
Урганч давлат университети
мустақил тадқиқотчиси.

Аннотация

Мақолада Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришда транспорт хизматларини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ёритилган.

В данной статье изучены основные направления совершенствования транспортного обслуживания в развитии туризма Хорезмской области на основе инновационных подходов.

This article highlights the main directions for improving transport services in the development of tourism in the Khorezm region based on innovative approaches.

Минтақанинг транспорт инфратузилмаси ҳудуд иқтисодий маконининг бирлиги ва унинг ташкилий-ҳудудий яхлитлигини ҳамда минтақалараро иқтисодий алоқаларни белгиловчи асосий омил бўлганлиги учун ҳам транспорт инфратузилмаси ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳим унсур ҳисобланади. Ўзбекистоннинг баъзи минтақаларида транспорт инфратузилмаси асосий фондларининг эскириши кузатилаётган ва янгилашни эса етарли бўлмаган суръатларда бормоқда. Ривожланмаган транспорт инфратузилмаси муаммолари минтақа ишлаб чиқариш салоҳиятининг сусайиши билан биргаликда туризм салоҳиятини пасайишига ҳам олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, транспорт хизматларига бўлган талабнинг қисқаришини кел-

тириб чиқаради ва транспорт корхоналари даромадларининг пасайишига сабаб бўлади. Транспорт турларининг ўзаро боғлиқлиги ва интеграцияси даражаси босқичма-босқич тараққий этиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатда мавжуд транспорт инфратузилмасини такомиллаштириб, жамоат транспорти ҳаракатининг тезлиги ва аҳоли учун қулайлигини таъминлаш, шунингдек, жамоат транспорти тизимида янги бошқарув услубини жорий этиш, метрополитен, автосаройлар ва йўналишли такси корхоналарини бир-бирига боғлаш, ахборот технологиялари асосида уларнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш каби вазифаларни белгилаб берди¹.

Хоразм вилоятининг туризм соҳасида транс-

Калит сўзлар: туризм, транспорт, МaaS (Mobility as a service) модели, инновация, барқарор транспорт.

¹ <https://mintrans.uz/uz/news/toshkent-transport-infratuzilmasini-rivozhlantirish-masalalari-muhokama-qilindi>

порт хизматларини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш долзарб масала ҳисобланади. Жаҳон тажрибасига назар солсак, етакчи туристик дестинацияга айланишга улгурган мамлакатлар бу ютуққа, энг аввало, авиация ва туризм соҳасини чамбарчас ҳолда ривожлантириш эвазига эришганлигини кўриш мумкин. Машҳур туристик дестинацияларда халқаро туризмнинг жадал суръатларда шаклланганлигини мазкур мамлакатларнинг ҳаво транспорти тизими замонавий стратегиялар асосида ривожланганлиги ҳамда авиаташувлар соҳасидаги нархларнинг арзонлиги билан изоҳлаш мумкин. Бироқ, авиация соҳасидан ташқари, туризм ва транспорт ўртасидаги боғлиқлик бу икки соҳани уйғун тарзда комплекс ривожлантиришни тақозо этади. Масалан, аксарият ҳолларда маҳаллий жамоат транспорти ташриф буюраётган сайёҳлар учун қулай усул бўлиб, харажат, самарадорлик ва хизмат сифати нуқтаи назардан уларнинг танлаш қарорига муҳим таъсир кўрсатади. Шунга қарамай, ушбу тармоқ одатда фақат маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантирилмоқда, бунда сайёҳларнинг эҳтиёжларига кам эътибор берилмоқда.

Транспорт ва туризм сиёсатини режалаштириш ҳамда рўёбга чиқаришдаги номувофиқликларни бартараф қилиш сайёҳларнинг йўналишлар бўйлаб ҳаракатланишини яхшилаши, ташриф буюрувчиларнинг қониқишини ошириши, шунингдек, аҳоли ва туристларга хизмат кўрсатиш орқали маҳаллий транспорт тизимларининг иқтисодий самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради.

Транспорт хизматларига оид аксарият тадқиқотларда ушбу соҳанинг ривожини учун амалга оширилиши талаб қилинадиган чора-тадбирлар қаторида транспорт инфратузилмасига инновацияларни жорий этиш, транспорт тизимларини ривожланишида давлатнинг ролини қайта кўриб чиқиш ва манфаатдор нодавлат, нотижорат ташкилот ва жамоа уюшмалари иштирокини таъминлаш каби муаммоларни чуқур таҳлил қилиш тавсия этилади. Қуйидаги таклифларда ушбу йўналишларга эътибор қаратиш зарурияти яна бир бор ўз аксини топган:

- транспорт тизимларини барқарор ва комплексли тарзда ривожлантириш;
- транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда инновацияларни “ақлли” транспорт тизимларидан ҳамда навигация ва ахборот хизматларидан фойдаланиш орқали жорий этиш;

– транспорт инфратузилмасини бошқариш жараёнида давлатнинг ролини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан, давлат-хусусий шерикчиликнинг турли механизмларини ишлаб чиқиш шаклида намоён бўлиши;

– туризм ва транспорт соҳалари вакиллари нотижорат ташкилот шаклида бирлаштириш транспорт ва туризм корхоналари интеграцияланган ҳолда фаолият олиб боришлари учун янги имконият беради, сабаби улар ҳозирда алоҳида тарзда ривожланишда давом этмоқдалар.

Шаҳарларни режалаштиришда транспорт тизимларини комплекс ёндашув асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу масаланинг долзарблиги сўнгги йиллардаги жиддий иқлим ўзгаришлари сабабли янада ошганлигини таъкидлаш зарур. Бундан ташқари, шаҳарлаштириш (урбанизация) жараёнларининг шиддат билан кечиши ҳар томонлама оқилона ташкиллаштирилган транспорт тизимлари мавжуд бўлмаган ҳудудларнинг ҳаракатланиш соҳасида бир қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шаҳарлар глобал энергиянинг учдан икки қисмини истеъмол қилади ва карбонат ангидрид эмиссиясининг 70 фоиздан ортиги учун жавобгар ҳисобланади. Шу сабабли, шаҳарларни барқарорлик тамойиллари асосида ривожлантириш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган 17 та барқарор ривожланиш мақсадларидан (Sustainable Development Goals) бирида кўрсатилгани тасодиф эмас [1].

Барқарор транспортни режалаштириш инсон фаолиятининг мураккаб табиатини инобатга олган ҳолда, иқтисодий, ижтимоий ва экологик мақсадларни мувозанатга келтириш заруратини тақозо қилади (1-чизма). Бундай режалаштиришда қисқа муддатли қарорлар узоқ муддатли стратегик мақсадларни қўллаб-қувватлашини таъминлашга қаратилган ва шу сабабли туристик транспортни режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Туристтик транспортни барқарор деб ҳисобланиши учун тежамкор, маданий ва экологик жиҳатдан такомиллашган ҳамда турли ижтимоий тоифалар, айниқса имкониятлари чекланган инсонлар учун қулай ва хавфсиз бўлиши керак. Юқоридаги фикрларни инобатга олиб, барқарор транспортни режалаштиришга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- барча муҳим иқтисодий, ижтимоий ва экологик таъсирларни, шу жумладан, узоқ муддатли, билвосита ва бозордан ташқари таъсирларни ҳи-

— ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ —

собга олган ҳолда кенг қамровли баҳолашни акс эттириш;

– кўплаб муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бердиган, масалан, автотураргоҳ етишмаслиги муаммоларини камайтиришга қаратилган, тирбандликни олдини олиш стратегиялари ва пиёдалар учун ҳаракатланиш имкониятларини яхшилайдиган ёндашув ва ечимларини қўллаб-қувватлаш;

– самарали ва оқилона транспорт тизимида муҳим аҳамиятга эга омиллар, жумладан, пиёда юриш, велосипедда ҳаракатланиш ва жамоат транспортини, шунингдек, ер ресурсларидан фойдаланишда аҳоли яшаш зичлиги, унинг мураккаб тузилмаси каби мезонларни эътиборга оладиган, қулайлик ва ҳаммабоплик тамойилларига асосланган таҳлил усулини қўллаш;

– транспорт тизими самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи ресурсларни тежайдиган усуллари (пиёда, велосипедда ва жамоат транспортда), транспорт талабини бошқариш ва ердан оқилона фойдаланиш сиёсатини қўллаб-қувватлаш;

– барча таъсирларни ҳисобга олган ҳолда,

транспорт муаммоларининг энг самарали ва ресурс тежамкор режалаштириш ечимларни қўллаш. Интермодал марказлар ва транспорт хабарни ривожлантиришни рағбатлантириш орқали ташриф буюрувчилар оқимини муайян йўналишларга жалб қилиш, бошқариш ёки йўналтириш ва экологик тоза транспорт турларига ўтишни осонлаштириш мумкин. Бу эса туристик манзилнинг барқарор имиджини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу билан бир қаторда, агар транспорт ва туризмни ривожлантириш стратегиялари етарли даражада ўзаро мувофиқлаштирилмаса, оммабоп туристик йўналишлар ва маршрутлар ҳақиқий ёки потенциал ташриф буюрувчилар сони ва оқимига мослаша олмасликлари эҳтимоли бор. Бу эса, ўз навбатида сайёҳлар қониқиш даражасини пасайтиради. Сайёҳлар учун жамоат транспортдан фойдаланишини осонлаштириш ва ҳаракатланишнинг муқобил имкониятларини (масалан, велосипедлар, пиёдалар) кўпроқ рағбатлантириш салбий экологик таъсирларни юмшатиш ва ҳаракатланишдаги тирбандликларни бошқаришга ёрдам беради.



1-чизма. Барқарор транспортнинг таркибий қисмлари [2].

Транспорт тизимларининг мақсади кишиларни бир-бирига боғлаш, ишлаш ва дам олиш учун имкониятлар яратишдир. Улар бир нечта режимларни ўз ичига олади ва шунинг учун миллий ҳамда субмиллий даражадаги турли географик ҳудудлар, фойдаланувчилар ва ҳукуматларга таъсир қилади. Ҳаракатланиш иштирокчилари ўртасида мувофиқлаштиришнинг йўлга қўйилмаганлиги ресурслардан самарасиз фойдаланишга олиб келиши мумкин. Мисол учун, турли даромад оқимлари, туризм саноати ва давлат органлари ўртасида молиялаштиришнинг энг самарали ечимлари бўйича консенсуснинг йўқлиги салбий оқибатларга олиб келади. Институционал ва манфаатдор томонларнинг ер ресурсларидан фойдаланиш, функционал вазибалар тақсимоли ва молиялаштириш тартиби бўйича мувофиқлаштириш зарурати интеграциялашган ва кенг қамровли транспорт тизимини ривожлантириш учун жуда муҳимдир.

Бутун дунё бўйлаб шаҳарлаштириш даражаси юқори бўлганлиги туфайли жаҳоннинг кўп қисми шаҳарлари ҳозирги вақтда транспорт тизимини бошқаришда қийинчиликларга дуч келмоқда. Шаҳарларда яшовчилар унинг меъёрлардан ортиқ ифлос ҳавоси, тирбанд йўллар ва шу сабабли саёҳат вақтининг чўзилиши каби салбий таъсирларидан азият чекмоқдалар [3]. Сўнгги пайтларда хусусий автомашиналардан воз кечиш, “биргаликда истеъмол қилиш” (“shared economy”) иқтисодиёти улушининг ўсиши ва транспорт секторига рақамлаштиришнинг жорий этилиши шаҳар транспорт тизимини такомиллаштириш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш имкониятини бермоқда [4]. Хоразм вилоятининг туристик транспорт инфратузилмасини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштиришда **Mobility-as-a-Service (MaaS)** концепциясидан фойдаланиш дестинациянинг туристик жозибадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

“Mobility-as-a-Service” (тарж. мобиллик – хизмат сифатида) атамаси транспорт хизматлари истеъмолчилари томонидан саёҳат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда муайян бир транспорт воситасидаги сафарни сотиб олиш ўрнига турли хил транспорт хизматлари тўпламини (яъни, мобиллик пакетларини) сотиб олишларини англатади [5]. MaaS транспорт хизматларидан фойдаланувчилар учун жуда қулай ва мослашувчан транспорт ечимларни таклиф қилиш мақсадида ўз ичига турли

транспорт усулларини бирлаштиради.

MaaSнинг дастлабки таърифларидан бири Сонжа Ҳеиккила томонидан “мобиль алоқа операторлари томонидан мижозларга кенг қамровли мобиллик хизматларини тақдим этадиган тизим” деб берилган. Махсус адабиётларда кўп учрайдиган яна бир таъриф MaaS Alliance томонидан транспорт хизматларининг турли шаклларини мижоз талабига мувофиқ фойдаланиш мумкин бўлган ягона мобиллик хизматига интеграциялаш тизими сифатида тақдим этилган [6]. Бизнингча, турли тадқиқотлардаги MaaS концепциясининг таҳлилларига асосланиб, қуйидагича умумий таърифни бериш мумкин: MaaS (Mobility-as-a-Service) ноёб ягона платформа (илова ёки веб-сайт), реал вақт режимида шаҳардаги барча мавжуд транспорт тизимлари ҳақида маълумотлар базаси (давлат ва хусусий транспорт ташкилотлари), мултимодал транспорт тизими (интермодал саёҳатни режалаштирувчи тизим), мобиллик эҳтиёжларини режалаштириш, брон қилиш ва тўлаш учун технологик интеграция ва фойдаланувчининг махсус талабларига мувофиқ шахсийлаштирилган тўпламли мобиллик пакетлари.

Барқарорлик концепцияси туризм соҳасида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Экологик, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни ўз ичига олган туризм барқарорлиги соҳанинг асосий замонавий мақсадларидан бири ҳисобланади ва мазкур тамойил туристик дестинацияларнинг барқарор ривожланишига транспорт тизимлари таъсири кучли эканлигини ҳам англатади [7]. Ягона рақамли платформадан фойдаланиб, турли операторлар томонидан тақдим этилган мобиллик пакетлари узлуксиз мултимодал саёҳатларни амалга оширишга хизмат қилади. Ушбу истиқболли концепция “ақлли шаҳарлар”га иқтисодий, ижтимоий ва транспорт билан боғлиқ имтиёзлар беришга қаратилган. MaaS тизими саёҳат тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар (шу жумладан, чет тилларида), брон қилиш, тўловни амалга ошириш ва қўшимча хизматлар таклифларини ўзида мужассамлаштирган ягона рақамли платформанинг интеграциялашган функциясига асосланади [8].

Фикримизча, Хоразм вилоятида барқарор транспорт хизматларини таъминлашда ички ва халқаро сайёҳлар, шунингдек, вилоят аҳолисига MaaS моделини қуйидаги иккита усулда таклиф қилиш мумкин:

(1) доимий транспорт хизматлари истеъмолчи-

ларига мўлжалланган ойлик ва йиллик обуна асосида мавжуд транспорт воситаларидан чекловларсиз ва имтиёзли равишда фойдаланиш;

(2) истеъмолчилар ягона платформадан фойда-

ланган ҳолда ҳар бир транспорт воситасида босиб ўтган масофаларига мутаносиб равишда тўловларни амалга ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш бўйича 17 та мақсади. <https://www.un.org/development/desa/disabilities/envision2030.html>
2. Litman, T. and Burwell, D. (2006) 'Issues in sustainable transportation', *Int. J. Global Environmental Issues*, Vol. 6, No. 4, pp.331–347.
3. Zavitsas, K., Kaparias, I., Bell, M., & Tomassini, M. (2010). Transport problems in cities. *ISIS*
4. Holmberg, P.-E., Collado, M., Sarasini, S., & Williander, M. (2015). Mobility as a Service: Describing the Framework, 1–54.
5. M. Kamargianni, W. Li, M. Matyas, A. Schäfer, A critical review of new mobility services for urban transport, *Transp. Res. Procedia* 14 (0) (2016) 3294–3303, <https://doi.org/10.1016/j.trpro.2016.05.277>.
6. MaaS Alliance. (2017). Mobility as a Service Alliance. <https://maas-alliance.eu/>
7. Stephen Pratt, The economic impact of tourism in SIDS, *Annals of Tourism Research*, Volume 52, 2015, 148-160, <https://doi.org/10.1016/j.annals.2015.03.005>.
8. Amalia Polydoropoulou, Ioanna Pagoni, Athena Tsirimpa, Athena Roumboutsos, Maria Kamargianni, Ioannis Tsouros, Prototype business models for Mobility-as-a-Service, *Transportation Research Part A: Policy and Practice*, Volume 131, 2020, Pages 149-162, <https://doi.org/10.1016/j.tra.2019.09.035>.

УЎТ: 658.14

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш йўллари Пути развития рынка ценных бумаг Ways of development of the securities market

Жаҳонгир ЙЎЛДОШЕВ,
ТМИ мустақил изланувчиси.

Аннотация

Мақолада мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш тенденциялари, бугунги кундаги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилган.

В данной статье рассматриваются особенности развития рынка ценных бумаг в нашей стране, его текущее состояние и перспективы.

This article discusses the features of the development of the securities market in our country, its current state and prospects.

Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши мамлакат молия соҳаси тараққиётини белгилаб берувчи муҳим бўғин ҳисобланади. Мазкур тизим ривожланишида капиталлашув даражаси, айланма ҳажмининг юқорилиги, қимматли қоғозларнинг даромадлиги ҳамда муомаладаги инструментларнинг ликвидлиги муҳим ўрин тутди. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишга ёрдам беради. Қимматли қоғозларнинг бир маромда ва хатарсиз муомалада бўлиши учун соҳага оид қонуний меъёрларни давр талаби даражасида ишлаб чиқиш, замон нафасига мос тарзда такомиллаштириш, қонунчиликка риоя этишни назорат қиладиган тизим зарур.

Иқтисодиёти ривожланган давлатларда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур бозорнинг ривожланишига қараб, унинг иштирокчилари фаолиятини давлат ва бозор муносабатлари усуллари орқали тартибга солинади. Бозор усуллари орқали тартибга солиш иқтисодиётнинг қиймат ва талаб-таклиф қонунига асосланади. Қимматли қоғозлар бозоридан ушбу қонунларнинг амал қилиши рақобат муҳитида жаҳон иқтисодиёти эҳтиёжларига мос равишда

ҳалқаро молиявий оқимларни таъминлаш имконини беради.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, инфратузилмасини шакллантириш, молиявий институтлар, жумладан, тижорат банклари ва суғурта компаниялари фаолигини ошириш давлат инвестиция дастурини молиялаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Қимматли қоғозлар бозори ҳар қандай мамлакат фондининг энг муҳим элементи ҳисобланади. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда давлат қимматли қоғозлар бозори тижорат банклари, инвестицион ва молиявий компаниялар, турли корхоналар ва аҳолининг вақтинча бўш турган маблағларини марказлаштирилган тарзда қарзга олиш орқали амалга оширилади.

Жаҳон тажрибаси бўйича давлат қимматли қоғозларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

Ҳазначилик вексели — қисқа муддатли давлатнинг қарз мажбуриятлари, одатда бир йил ичида тўланади ва чегирмада сотилади.

Ўрта муддатли ҳазначилик вексели — бир йилдан беш йилгача бўлган ҳазначилик мажбуриятлари, бунда фиксирланган фоиз тўловларини тўлаш шарти билан муомалага чиқарилади.

Калит сўзлар: қимматли қоғоз, акция, дивиденд, облигация, евробонд, корпоратив бошқарув, акциядорлик жамияти, инфратузилма, инвестиция, биржа.

Узоқ муддатли газна мажбуриятлари — беш йилдан ортиқ муддатга купон фоизларини қайтариш шарти билан чиқариладиган давлат қимматли қоғозлари. Ушбу қимматли қоғозларни эгалари муддат тугагандан сўнг, уларни пул кўринишида ёки бошқа қимматли қоғозларга алмаштириш ҳуқуқига эга. Баъзи ҳолларда узоқ муддатли қарз мажбуриятлари белгиланган муддатдан бир неча йил аввал қайтарилиши ҳам мумкин.

Ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозори ёки фонд биржаси капитализациясининг мамлакат ялпи ички маҳсулотигади улуши жуда юқори. Бу кўрсаткич Нью-Йорк ва Токио фонд биржаларида 70-90 фоизни, Корея ва Лондон фонд биржасида 100-120 фоизни, Гонконг фонд биржасида 1000-1200 фоизни ташкил этади [3].

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2-4 фоизни ташкил этмоқда [2]. Ушбу рақамлар қимматли қоғозлар бозори мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда етарлича ўринга эга эмаслигини кўрсатади.

Мамлакатимиз ҳудудларида амалга оширилган умумий акциялар савдосининг таҳлили бирламчи акциялар бозорининг улуши 93 фоизни ташкил этмоқда [3]. Ҳудудлардаги акциялар бирламчи савдосида Тошкент шаҳрининг улуши 99,4 фоизни ташкил этган бўлса, қолган 0,6 фоизи бошқа вилоятлар ҳиссасига тўғри келган. Ҳудудлар кесимида акциялар иккиламчи савдосининг таҳлили Тошкент вилоятининг улуши 74 фоизни ташкил этди. Бу акциялар бирламчи ва иккиламчи савдоларнинг асосан Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида амалга оширилаётганини ва ҳудудлар билан таққослаганда жуда катта номувофиқлик (дисбаланс) мавжудлигини кўрсатади. Ҳудудлардаги қимматли қоғозларнинг асосий савдо айланмаси ҳам акциялар ҳиссасига тўғри келиб, облигация ва бошқа турдаги қимматли қоғозлар савдоси деярли мавжуд эмас.

Ўзбекистонда эмиссиявий қимматли қоғозлар, айниқса, акциялар ва корпоратив облигацияларнинг иккиламчи бозорини ривожлантириш, ҳосилавий, молиявий воситалар бозорини яратиш учун зарур шарт-шароитларни барпо этишга имкон берадиган стратегияни ва бу борада давлат органлари, фонд бозори барча иштирокчиларининг фаолият йўналишларини белгилашдан иборат.

Яқин истиқболда иккиламчи фонд бозорини ри-

вожлантиришнинг асосий концептуал қоидалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

– акциядорлик жамиятлари ва хўжалик бирлашмалари устав капиталидаги давлат улушларини қисқартириш, қимматли қоғозлар бозори ривожланишини рағбатлантирадиган имтиёз ва преференцияларни яратиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, акциядорлик жамияти шаклидаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, миллий иккиламчи бозорнинг хорижий ва халқаро бозор билан интеграциясини таъминлаш каби мақсадларни кўзлашга қаратилган давлат сиёсатини олиб бориш;

– акциядорлик жамиятлари ва хўжалик бирлашмалари устав капиталидаги давлат улушларини хусусий секторга сотиш ёки уларни мақбул даражага қисқартириш орқали қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг ресурс базаси яратиш;

– давлат органлари билан бир қаторда биржа ва биржадан ташқари савдо ташкилотчилари, эмитентлар, инвесторлар, фонд бозорининг профессионал иштирокчилари, илмий-тадқиқот марказлари ва таълим муассасаларини жалб этган ҳолда қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини ривожлантириш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

– қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси ташкилотлари, профессионал иштирокчилари, тартибга солувчи давлат органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

– битимларни доимий тарзда тузиш, қимматли қоғозларни котировкалаш даврини ўрнатиш, уларнинг ликвидлигини ошириш, маркет-мейкерларни ташкил этиш, акциядорлик жамиятларининг камида 10 фоиз акцияларининг фонд биржасида доимий муомаласини таъминлаш орқали иккиламчи фонд бозорида қимматли қоғозларнинг ҳақиқий бозор нархини шакллантириш, шунингдек, зарурий шароитлар яратиш мақсадида тегишли қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш;

– қимматли қоғозлар иккиламчи бозори соҳасидаги солиқ сиёсатини такомиллаштириш, жумладан, ягона солиқ тўловини қўллаётган брокерлик ташкилотлари учун солиққа тортишнинг ягона нормасини ўрнатиш, диалект операцияларини ўтказиш чоғида юзага келадиган зарарларнинг ҳисобга олинishi юзасидан Солиқ кодексига ўзгарти-

ришлар киритиш;

– эмитентлар фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш тизимини такомиллаштириш мақсадида акциядорлик жамиятлари томонидан корпоратив веб-сайтларга қўйилган талабларнинг бажарилишини таъминлаш, “Тошкент” РФБ веб-сайтини Корпоратив ахборот ягона портали билан интеграциялаш, акциялар котировкаси бўйича ахборотни инвесторларга халқаро амалиётда қўлланиладиган шаклда тақдим этиш, ахборотни тарқатиш бўйича агентликларни ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш;

– аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида аҳолининг мамлакат молиявий тизими, молиявий воситалар ва институтлар, қимматли қоғозлар бозори борасидаги билим даражасини оширишга қаратилган махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш.

Мазкур гоёлар ва стратегик мақсадларга амал қилиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат бошқарув органлари ва мамлакат фонд бозорининг энг муҳим институтлари саъй-ҳаракатларини бирлаштиради. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига нисбатан изчил ва мувофиқлашган иқтисодий сиёсатни олиб боришга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини ривожлантириш жараёнини сезиларли даражада тезлаштиради, янги ташкилий ва иқтисодий даражага олиб чиқади ҳамда фонд бозори ҳолатига, умуман олганда бозор муносабатларининг ривожланишига самарали таъсир этади.

Муомалада фақатгина акциялар ва облигацияларнинг мавжудлиги мамлакатимиз қимматли

қоғозлар бозори молиявий инструмент турлари ва хилма-хиллиги бой эмаслигини кўрсатади. Бу эса инвесторга инструментлар жиҳатидан диверсификация қилиш имконини беради. Юқоридаги муаммоларни ҳал қилишнинг энг асосий йўли бу — мамлакатимиз иқтисодиётида юқори улушга эга бўлган йирик корхоналарнинг давлат улуши сифатида турган қимматли қоғозларини муомалага ва инвесторларга эркин сотиш ҳисобланади.

Муаммоларнинг ҳал этилиши муомалада ликвидли инструментларни таклиф этилишига, қимматли қоғозларнинг даромадлилик даражаси ўсишига, аҳолининг фонд бозорига ишончини ортишига, бозорнинг жозибдорлик даражасини юқори бўлишига ва натижада қимматли қоғозлар бозорини ривожланишига олиб келади.

Мамлакатимизда давлат қимматли қоғозларини нафақат тижорат банклари ва юридик шахслар, балки жисмоний шахслар ўртасида ҳам жойлаштирилиши тартиби белгилаб берилса, аҳолининг бўш турган пул маблағларини давлатимиз ижтимоий иқтисодий ривожлантириш учун сафарбар этишга имкон яратади. Ўзбекистон республикаси Марказий банки маълумотга кўра, 2018 йилда инфляция даражаси 15-16 фоизни ташкил этган бўлиб, 2019 йил ҳам 17,9 фоиз, 2020 йилда 11,6 фоиз ва 2021 йилда 13,6 фоиз эканини инобатга олсак, мазкур давлат қимматли қоғозларининг йиллик 12,9 фоиздаги купон ставкаси нафақат юридик, балки жисмоний шахслар учун ҳам жозибдорлик касб этмайди. Шу ўринда тижорат банклари томонидан 19-21 фоизларда таклиф этилаётган кредит маҳсулотларини инобатга олиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.cbu.uz – Ўз.Р. Марказий банкнинг расмий сайти.
2. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази маълумотлари, 2022 й.
3. www.world-exchanges.org – жаҳон фонд биржалари федерациясининг йиллик ҳисоботлари ва сайти маълумотлари, 2022 й.

Олий таълим муассасасининг бошқарув тизимида хос бўлган диагностик моделлар классификацияси Классификация диагностических моделей, присущих системе управления высшим учебным заведением Classification of diagnostic models inherent in the management system of a higher educational institution

Даврон БОЙДАДАЕВ,
Наманган муҳандислик-технология
институтини мустақил изланувчиси.

Аннотация

Мақолада олий таълим муассасасининг бошқарув тизимида хос бўлган диагностик моделлар гуруҳланган. Олий таълим муассасасида бошқарув диагностикани амалга ошириши учун “Олти қути” моделдан фойдаланишнинг жаҳон тажрибаси таҳлил этилган. Иқтисодий диагностиканинг “Қора қути” модели ва унинг имкониятлари очиб берилган. Диагностик моделлар билан боғлиқ илмий хулоса ва амалий тавсиялар берилган.

В статье сгруппированы диагностические модели, характерные для системы управления высшим учебным заведением. Проанализирован мировой опыт использования модели “Шесть ящиков” для проведения управленческой диагностики в высшем учебном заведении. Раскрыта модель “Черного ящика” экономической диагностики и ее возможности. Были сделаны выводы и практические рекомендации относительно диагностических моделей.

The article groups diagnostic models typical for the management system of a higher educational institution. The world experience of using the “Six Boxes” model for management diagnostics in higher education is analyzed. The “Black Box” model of economic diagnostics and its possibilities are revealed. Conclusions and practical recommendations regarding diagnostic models were made.

Одатда бошқарувга қаратилган қарорлар муаммоларга асосланиб қабул қилинади. Муаммо эса вужудга келган вазият ва натижа ўртасидаги номутаносиблик. Мазкур номутаносибликни аниқлаш учун диагноз қўйиш керак. Бунинг учун аввало вазиятнинг турли жиҳатларини миқдорий баҳолаб олиш зарур. Иқтисодий кўрсаткичларни миқдорий қайд этиш орқали белгиланган мезонларга (мақсад, меъёр, прогнозлар ва ҳ.к.) қанчалик мос келиши аниқланади. Демак, диагностика миқдорларда ифодаланган модел асосида амалга оширилади. Айни пайтда олинган миқдорий маълумотларни мазмунан ўрганиб чиқиш талаб этилади. Шу боис диагностик модел таҳли-

лий характерга эга. Иқтисодий диагностика ўзида моделни акс эттириб, миқдорий баҳолаш ва мазмун таҳлилинга таяниб олиб борилади. Диагностика орқали олий таълим муассасасининг (ОТМ) бошқарув тизимини таҳлил қилиш, бир томондан қарор қабул қилиш ва келажақни режалаштириш учун зарур бўлган хулосаларни олишга ёрдам беради, иккинчи томондан мақсадлар учун чора-тадбирлар ишлаб чиқишга қўл келади.

Жаҳонда олий таълим муассасасида бошқарув диагностикани амалга оширишда “Олти қути” моделидан кенг фойдаланиш таклиф этилиб, унда “мақсадлар”, “таркиб”, “муносабатлар”, “мукофотлар”, “етақчилик” ва

Калит сўзлар: олий таълим муассасаси (ОТМ), бошқарув тизими, диагностика, “Олти қути”, “Қора қути”, модел.


“фойдали механизмлар” каби маълумотларга асосланиб таҳдиллар олиб борилади. Жумладан:¹

- бошқарув тизимида аниқланган бўшлиқ ёки оғишларни тузатадиган ҳаракат режалари ишлаб чиқилади;
- раҳбар-ҳодимларнинг ваколат даражаси ва функционал гуруҳлар ўртасидаги расмий муносабатлар таҳдил этилади;

тизими қуйидаги тамойилларга асосланади (1-чизма).

“Мақсадлар” тизимида ташкилий ва индивидуал мақсадларнинг мувофиқлиги, сифат ва миқдорий мақсадлар ўртасидаги мутаносиблик биринчи ўринга қўйилади;

“Таркиб” тизимининг устувор йўналиши жамоавий қарорлар қабул қилиш услубларини яратиш, вазифалар ва мажбуриятларни тегишли равишда ҳал қилиш, етарли



1-чизма. Бошқарув диагностикасининг “Олти қути” модели².

– ОТМ мақсадларига эришиш учун ходимларнинг вазифа ва топшириқларининг соддалаштирилган расмий усули ҳисобга олинади;

– ўзаро муносабатларга асосланган ва биргаликда самарали ишлайдиган шахслар, гуруҳлар ва бошқа функционал бўлимлар рағбатлантирилади;

– ходимларга етарли мотивация яратиш учун иш ҳақи тизимлари ҳақидаги маълумотлар доимий таҳдил қилинади;

– функционал бўлимлар ўртасида тегишли алоқаларни ўрнатиш учун семинарлар, эслатмалар, ҳисоботлар ва бошқа ташкилий ёндашувлар жорий этилади.

“Олти қути” моделида таҳдил этиладиган бошқарув

ҳақ тўлаш ва мавжуд тартиб-қоидаларга қатъий эътибор беришдан иборат;

“Муносабатлар” доирасида дўстона учрашувлар ва семинарлар ташкил этиш, малака ошириш ва таълим имкониятларини таъминлаш, ижодий ёндашувни яратиш учун ходимларни қўллаб-қувватлаш, психологик ва маслаҳат тизимларини яратиш, кучли равишда ҳалолликни рағбатлантириш ва тарғиб қилиш, тажриба алмашиш, ҳокимият учун ноқонуний курашларни бартараф этиш каби чора-тадбирлар амалга оширилади;

“Мукофотлар” мотивация соҳасидаги устуворликлар ва ходимнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, иш ҳақи ва мажбури-

¹ Hamid R. The Analysis of Organizational Diagnosis on Based “Six Box” Model in Universities // J. Higher Education Studies. - № 1, 2011. - pp. 85-86. <https://ccsenet.org/journal/index.php/hes/issue/view/349>

ятлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, белгиланган стандартлар асосида адолатли баҳолаш, инновацион ёндашувларни рағбатлантиришдан иборат;


“Фойдали механизмлар” соҳасидаги устуворликлар назоратни ижобий томонга ўзгартириш, тартиб-қоидалар ва бошқарув тамойилларининг мослашувчанлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини оқилона мезонлар асосида баҳолаш, самарали ташкилий-бошқарув ва молиявий-иқтисодий ахборот маконини яратиш ва бошқалар;

“Етакчилик” тизимида интеллектуал салоҳиятни ошириш, белгиланган мақсадларни ходимлар учун тушунарли бўлишини таъминлаш, ўзаро ишончни бошқариш, ходимнинг кучли ва ожиз томонларини ўз вақтида тан олиш қобилиятини шакллантириш каби вазифалар белгиланади.

Ҳозир келтирилган чора-тадбирлар масъулият ва муносабатларга эътибор қаратадиган, мақсадлар ҳамда бошқарув масалаларини белгиладиган кучли бошқарув тизими ташкил этишга қаратилган.

чи оқимлар ёки натижалар мавжуд. “Қора қути” ичида содир бўлаётган жараёнларни эса таҳлил қилиш имконияти мавжуд эмас. Иқтисодий диагностика орқали кирувчи оқимлар қанчалик даражада чиқувчи оқимларга айланаётгани ёки жалб этилаётган ресурсларни қанчалик даражада натижа бераётгани баҳоланади. ОТМда кирувчи оқимлар ёки ресурслар сифатида таълим олувчилар сони ва сифати (олий таълимгача билим даражаси), профессор-ўқитувчилар сони, сифати ва ўқув юкламалари, мавжуд моддий техник-база (ўқув ва ёрдамчи бинолар, лабораториялар, техник воситалар, материаллар), ахборот-коммуникацион таъминот, молиявий-иқтисодий ресурслар майдонга чиқади (2-чизма).

“Қора қути” модели ташқи кўринишдан жуда оддий бўлса-да, қўлланишида мураккаб жиҳатлари мавжуд. Чунки, кирувчи ресурслар бирор-бир кўрсаткич орқали ифодалаб олинishi лозим. Масалан, ОТМнинг моддий-техник базаси кўрсаткичларидан бири квадрат метрларда ўлчанган ўқув майдонлари ҳажмидир. Лекин



2-чизма. ОТМда иқтисодий диагностиканинг “Қора қути” модели⁴.

Иқтисодий диагностиканинг умумэъгироф этилган қоидаларидан яна бири – “Қора қути”³ моделидир. “Қора қути” моделида кирувчи оқимлар (ресурслар) ва чиқув-

бу кўрсаткич майдонлар ўқув мақсадларига мос эканини кўрсатмайди. Кўплаб олий ўқув юртлари мослаштирилган биноларда фаолият олиб боради. Албатта, ихтисос-

² Hamid R. The Analysis of Organizational Diagnosis on Based “Six Box” Model in Universities// J. Higher Education Studies. - № 1, 2011. – p. 92. <https://ccsenet.org/journal/index.php/hes/issue/view/349>

³ Дрогобыцкий И.Н. Системный анализ в экономике: математические методы в экономике, прикладная информатика. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2011. – С. 85-86. <https://economics.studio/metodyi-ekonomike-matematicheskije/model-chernogo-yaschika-86127.html>

⁴ Сотволдиев Н.Ж. Олий таълим сифати иқтисодий диагностикаси ва унинг моделлаштириш асослари// Ж. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. – Тошкент: 2018, № 6. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/9_Sotvoldiyev.pdf

лаштирилган ҳолда барпо этилган биноларда фаолият олиб борувчилар бу борада устунликка эга.

“Қора қути” моделида молиявий ресурслар алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳозир ОТМни молиялаш бир талабага нисбатан белгиланган норматив асосида амалга оширилади ва расмий кўрсаткич кескин фарқланмайди. Мазкур норматив ОТМнинг ўқув жараёни олиб боришдаги минимал харажатларни ифодалайди. Нормативга асосан ОТМдаги иш ҳақи харажатларини эътиборга олиб ўрнатилган. Айни пайтда моддий-техник таъминот ва илмий-тадқиқот ишларига молиявий ресурсларни кескин кўпайтириш зарурати яққол сезилмоқда.

Бошқарув диагностикаси орқали ОТМ фаолиятини ўрганишнинг бошланғич бўғини – мавжуд муаммоларни аниқлашдан иборат. Муаммонинг сабабларини аниқлаш учун диагноз амалга ошириш зарур. Диагноз амалга ошириш учун зарур ахборот сифатида мантиқий тушунчалар билан бир қаторда миқдоран ифодаланадиган кўрсаткичлар ҳам хизмат қилади.

Иқтисодий диагностикасини амалга оширишда қуйидаги тамойиллар назарда тутилиши лозим:

- ОТМ фаолиятини баҳолашда мўлжалдаги ўзгаришларни тахмин қилишда назарий ва амалий фундаментал қоидалар талабига оғишмай риоя қилиш, шу жумладан, жараёнлар моҳияти ва бир-бирига боғлиқлигини эътибордан четга қолдирмаслик;

- диагностиканинг мажмуали характерга эга эканини ҳамда бир-бирига боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тизими қўлланиши;

- иқтисодий маълумотларни диагностика мақсадида фойдаланиш ва қайта ишлашда ҳодисаларни гуруҳлаштириш ва таъсир кўрсатувчи омилларни миқдор ва сифатига қараб туркумлаш;

- диагностикада бошқарув фаолиятини таҳлил қилишда таққослаш усулидан субъект фаолияти натижаларини яхшилаш учун ишга солиниши мумкин бўлган ички захираларни асослаб бериш учун фойдаланиш;

- диагностика натижаларида ОТМ фаолиятига оид

илгор тажрибадан кенг фойдаланишни назарда тутиш;

- иқтисодий диагностикани амалга оширишда ва ОТМни бошқаришда ҳисоботларнинг ҳал қилувчи роли ҳамда уларнинг асосий ва ишончли ахборот манбаи эканига асосланиш.

Фикримизча, ОТМни бошқаришда амалга ошириладиган иқтисодий диагностикасининг тадрижий ривожланиши ва такомиллашида юқорида қайд этилган тамойиллар асос бўлиб хизмат қилади.

Бошқарувдаги иқтисодий диагностикаси, айниқса, қуйидаги йўналишларда жуда муҳим аҳамиятга эга: олий малакали мутахассислар тайёрлашдаги мавжуд муаммолар ва тенденцияларни аниқлаб олиш; олий таълимни модернизациялаш чора-тадбирларини асослаш; олий таълимни янада ривожлантириш масалаларига илмий ва амалий асосланган ҳолда ёндашиш.

Мақсадга эришишда четланишларни қайд этишнинг ўзи етарли эмас. Йиғилган ва қайта ишланган ахборотни талқин этиш ва аҳамиятли хулосаларни ишлаб чиқиш зарур. Шунинг учун диагностика таълим жараёни ва ОТМдаги илмий изланишларнинг натижалари яхшиланиши ёки ёмонлашуви сабаблари ва омилларини очиб беришга хизмат қилиши лозим.

Диагностика модели ОТМнинг фаолиятини яхшилашга хизмат қиладиган чора-тадбирларнинг муқобил вариантини танлашдаги мезонларни ҳам олиши лозим. Таълим жараёни натижаларини баҳолаш, ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш билан диагностика бошқа таркибий элементларини боғловчи бўлиб майдонга чиқади. Шундай пайтда диагностика муайян фойдали натижаларни олиш учун зарур характерларни танлаш ва амалга оширишга кўмаклашади. Диагностикада қўлланилаётган методлар ва баҳолаш ҳақиқий аҳволни пасив равишда акс эттириш билан чекланмаслиги, балки ОТМ фаолияти стратегияси ва тактикасига тузатишлар киритиши, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва қарорлар қабул қилишда имкон бериши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Hamid R. The Analysis of Organizational Diagnosis on Based “Six Box” Model in Universities// J. Higher Education Studies. - № 1, 2011. – pp. 85-86.
2. <https://ccsenet.org/journal/index.php/hes/issue/view/349>
3. Дрогобыцкий И.Н. Системный анализ в экономике: математические методы в экономике, прикладная информатика. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2011. – С. 85-86.
4. <https://economics.studio/metodyi-ekonomike-matematicheskije/model-chernogo-yaschika-86127.html>
5. Сотволдиев Н.Ж. Олий таълим сифати иқтисодий диагностикаси ва унинг моделлаштириш асослари// Ж. “Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. – Тошкент: 2018, № 6.
6. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/9_Sotvoldiyev.pdf

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг моделлаштиришни тизимли имитация қилиш

Систематическая имитация моделирования сферы обслуживания населения

Systematic imitation of the modeling of the sphere of service to the population

Фаррух ҚОДИРОВ,
ТАТУ Қарши филиали ассистенти.

Аннотация

Мақолада аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг эконометрик моделлаштиришни тизимли имитация қилиш, инсонлар ҳаётини соғломлаштиришни оптимал ечимларини аниқлаш мақсадида, тиббий хизмат кўрсатишни эконометрик моделларини ишлаб чиқиш ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида тиббий суғуртани ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган.

Систематическая имитация эконометрического моделирования государственных услуг в нашей стране, разработка эконометрических моделей медицинских услуг и развитие медицинского страхования с целью определения оптимальных решений для улучшения жизни людей.

Systematic imitation of econometric modeling of public services in our country, development of econometric models of medical services and development of health insurance in order to determine the optimal solutions for improving people's lives.

Кириш

Халқаро амалиётда тиббий суғуртани такомиллаштириш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Натижада, “ривожланган 33 та давлатдан 32 тасида умумий мажбурий тиббий суғурта тизими жорий қилинган бўлиб, уларда мажбурий тиббий суғуртадан бирини қўллаш” [18] белгиланган.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади тиббий суғурта амалиётда замонавий талабларга мос равишда тиббий суғурта хизматлари бозорида рақамли технологиялардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш ва мажбурий тиббий суғурта (МТС) – тизимидаги тиббий хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришни иқтисодий–математик моделини қуриш орқали молиявий натижаларга эришишдир.

Тиббий суғурта хизматларининг иқтисодий характерини ўрганиш, тиббий суғурта хизматларини шаклланиши, тарихи ва иқтисодий мазмуни бўйича фикрлар ва мулоҳазалар, назарий, амалий ва услубий жиҳатлари юзасидан бир қатор хорижий олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Егорова Н.Э. [12-13] соғлиқни сақлаш соҳасида эксперт баҳолашлари, симуляция моделлаштириш ва оптималлаштириш усулларида фойдаланган ҳолда кўп босқичли бошқарув вазибаларига алоҳида эътибор беради.

Мажбурий тиббий суғурта тизимининг йиллик табақалаштирилган меъёри ва тиббий ташкилотга бириктирилган фуқаролар сони бўйича тиббий ташкилотга кирадиган молиявий ресурслари тиббиёт муассасасининг барча харажатларини қоплаши ва аҳолига

Калит сўзлар: рақамли технология, эмпирик модел, эконометрик модел, прогноз натижалари, ахборот тизими, эндоген ўзгарувчилар, экзоген ўзгарувчилар, тиббий суғурта.

сифатли хизмат кўрсатиши шарт [5].

Шишкин С.В., Шейман И.М., Потапчик Е.Г., Понкратова О.Ф. Россияда суғурта тиббиётининг ҳолати ва унинг ривожланиш истиқболлари таҳлилини амалга оширди [6].

Тадқиқот методлари

Мамлакатимиз ҳудудларида бинобарин Қашқадарё вилоятида тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Инновацион йўналишда ривожланаётган тиббий хизматларни ва уларни такомиллаштириш масалалари етарли даражада ёритилмаган. Бу эса, ушбу мавзунини янада тадқиқ этиш зарурлигини аниқлатади. Ҳозирги кунда тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларидан бири тиббий суғурталаш аҳоли ўртасида оммалашиб бормоқда.

3. Базаровнинг ишларида тиббий суғуртанинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш нуқтаи назаридан тиббий суғуртанинг бир нечта гуруҳлари тавсифланади. Тиббий суғурта амалиётини такомиллаштиришда оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий ва ихтиёрий тиббий суғурта бўйича билимларни кенгайтириш, иқтисодчи олимлар томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган ва тегишли илмий-назарий ёндашувларни очиб берадиган муайян жиҳатларга қаратилаган.

Аммо, Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозорида мажбурий тиббий суғуртанинг аҳамиятини ва мажбурий тиббий суғуртани ташкил этишнинг моделлаштириш тамойиллари тадқиқ этилмаган.

Амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, тиббий суғурта турли хусусиятларининг гуруҳларга жамланиши унинг кўп қиррали эканлигини таъкидлайди, бунда у қуйидагиларни акс эттиради:

- 1) тиббий суғурта муносабатларининг ижтимоий аҳамияти;
- 2) аҳоли томонидан тиббий ёрдам олинишидаги роли;
- 3) соғлиқни сақлаш жараёнини молиялаштиришдаги аҳамияти.

Тиббий суғурта тизими суғурта ташкилотлари ва суғурталанувчи ўртасида қонун ҳужжатларида тартибга солинадиган иқтисодий муносабатларнинг бир тури бўлиб, у муайян ҳодисалар (суғурта ҳодисалари) бўлган ҳолларда суғурталанувчиларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий механизмдир. Тиббий суғуртани кенгроқ талқин қиладиган бўлсак, ижтимоий, шу жумладан, пенсия суғуртаси, узоқ муддатли жамғариш функциясига эга

суғурта турлари, шунингдек, ўзаро суғурта қилишни назарда тутаяди.

Натижа ва муҳокама

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизими тўлиқлигини таъминлашда унинг таркибий тузилмаси ҳар бир элементи учун тизимли ёндашув мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси мураккаб тизим деб қаралиб, унинг ифодаловчи қонуниятлари миқдорий ва сифат томонлари ўрганилади. Мураккаб иқтисодий жараён сифатида қараладиган хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятини таҳлилида имитация қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасининг келгуси ҳолатини башорат қилишда ҳар бир тармоғи учун имитацион модель қурилади. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим (1-чизма):

Тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари ва унга таъсир этувчи омилларнинг маълумотлар базасини шакллантириш;

– ҳар бир тиббий хизмат кўрсатиш тармоғи ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликни, таъсир этувчи омилларини аниқлаш;

– ҳар бир тиббий хизмат кўрсатиш тармоғи учун алоҳида модель ишлаб чиқиш;


– ишлаб чиқилган моделларни баҳолаш мезонлари бўйича текшириш;

– аҳамиятли ҳисобланган моделлар орқали башоратлашда таъсир этувчи омилларнинг маълум қонуниятлар асосида маълумотлар базаси прогнозини шакллантириш;

– маълумотлар базаси ва моделлар асосида натижавий омилларга эришиш.

Бунда алоҳида функциялар кўриб чиқилади, тизим фаолиятининг алгоритмларига эътибор қаратилади. Функция деганда, мақсадга етакловчи хоссалар назарга тутилади. Бунда функционал ёндашув асосида тизимнинг бажариладиган функциялари баҳоланади. Тизим фаолиятини аниқлаш, унинг ҳолатини, тизимларни бошқариш қонуниятларини белгилаб олиш учун имконият яратади. Бунинг муҳим жиҳати ушбу қисмлар орасида поғанали бўйсунушнинг юзага келиши ҳамда бу қисмларнинг нисбий мустақиллигида акс этишидир. Бу эса аҳолига бир тизим асосида унинг хизмат кўрсатиш соҳаси барча элементларининг интеграциялашган тизимли имитацион моделини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ижтимоий ҳодисаларда таъсир этувчи омилларга бир хил эмас, балки ҳар хил қийматлар мос келишини,



1-чизма. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг эконометрик моделлаштиришни тизимли имитация қилиш схемаси.

уларнинг ўзаро боғлиқлиги корреляцион боғланишини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Чунки, тиббий хизмат соҳаларнинг характерли хусусияти шундан иборатки, бу соҳага таъсир қилувчи барча омилларнинг тўлиқ рўйхатини (кучини) аниқлаш мумкин эмас.

Бундан ташқари, формула ёрдамида боғланишларнинг фақат тахминий ифодаларини ёзиш мумкин, холос. Чунки, тиббий хизмат кўрсатиш соҳасига таъсир этувчи омиллар сони жуда кўп бўлиб, уларнинг тўлиқ рўйхатини аниқлаш ва таъсир этувчи натижавий белги билан боғланишини тўла ифодалайдиган тенгламани ёзиш мумкин эмас.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш шундай тўлиқсиз боғланишки, унда омилларнинг ҳар бир қийматига турли замон ва маконда таъсир этувчи омил натижаларининг ҳар хил қийматлари мос келади. Демак, таъсир этувчи омилларнинг тўлиқ сони номаълум бўлади. Бундай боғлиқликни корреляцион боғланишлар орқали ўрганиш мақсадга мувофиқ келади.

Бизнинг вазифамиз аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланишига таъсир қилувчи кучли ва кучсиз боғланишлар мавжудлигини баҳолашдан иборат. Бу вазифани бажариш учун корреляцион таҳлил усулидан фойдаланамиз. Чунки, мақсадимиз аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи ҳар бир тармоқ

ривожланишига таъсир қилувчи боғлиқликларнинг муҳимлигини, ишончлилигини баҳолашдир. Корреляцион таҳлил орқали аҳоли тиббий хизмат кўрсатиш соҳасига таъсир этувчи ҳар бир боғлиқлик меъёрини ўлчаймиз, лекин муносабатларнинг сабабини аниқлай олмаймиз.

Биз 2007 – 2021 ҳисобот йилларига тегишли ахборотлар танлаб олдик, бу ахборотлар хизмат кўрсатиш соҳалари ва уларга таъсир этувчи омилларни маълум белгилар асосида белгилаб олдик.

Бунда ҳар бир тиббий хизмат кўрсатиш тармоғининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар моделлаштиришда алоҳида ажратиб олинади. Шундан келиб чиқиб, айрим тиббий хизмат кўрсатиш тармоғининг ривожланишига бошқа хизмат кўрсатиш тармоғини таъсир этувчи омил сифатида олдик. Таъсир этувчи омиллар таъсири тиббий хизмат кўрсатиш тармоқларига турли даражада таъсир қилади. Танлаб олинган омиллар моделлаштиришда бир марта ёки бир неча марта иштирок этиши мумкин. Чунки, бир омилга ҳар бир тиббий хизмат кўрсатиш тармоғига асосий таъсир этувчи омил сифатида қараймиз, бошқа бир омилни эса, фақат бир хизмат кўрсатиш тармоғига таъсир этувчи омил деб олишимиз мумкин.

Хулоса

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасининг мо-

деллаштиришда тизимли иммитациялаш мақсадага мувофиқдир. Чунки, хизмат кўрсатиш соҳасининг бир тармоғи ривожланиши бошқа бир тармоғи ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришда ўзаро боғланган тенгламалар тизими кўринишдаги эконометрик моделлардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда, хизмат кўрсатиш

тармоқлари фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми бир-бири билан ўзаро боғланган элементлар ва гуруҳларининг (субъектлар, объектлар, тамойиллар, шакллар, усуллар ва воситалар) турли даражадаги иерархик тизимини ифода этади, бундан ташқари, уларнинг ўзаро муносабатлари, инновацион инфратузилма, бозор субъектлари билан алоқаларни шакллантириб беради.

Файдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018.
2. Erlangga, D., Suhrcke, M., Ali, S., & Bloor, K. (2019). Correction: The impact of public health insurance on health care utilisation, financial protection and health status in low- and middle-income countries: A systematic review. PLOS ONE, 14(11), e0225237.
3. Woolhandler, S., & Himmelstein, D. U. (2020). Intersecting U.S. Epidemics: COVID-19 and Lack of Health Insurance. *Annals of Internal Medicine*. doi:10.7326/m20-1491.
4. Maurya, D., & Mintrom, M. (2019). Policy entrepreneurs as catalysts of broad system change: the case of social health insurance adoption in India. *Journal of Asian Public Policy*, 1–17.
5. Костырин Е.В., Соколов Е.В. Экономико-математические модели управления бюджетными поликлиниками города Москвы // Экономика и управление: проблемы, решения. 2017. № 12, Том 1. С. 58-71.
6. Шишкин С.В., Шейман И.М., Потапчик Е.Г., Понкратова О.Ф. Анализ состояния страховой медицины в России и перспектив ее развития / Москва.-2019. – 10 с.
7. Роик В.Д. Медицинское страхование. Страхование от несчастных случаев на производстве и временной утраты трудоспособности: учебник для бакалавриата и магистратуры / В.Д.Роик. –3-е изд. и доп. –М.:Издательство Юрайт, 2018. – 317 с.
8. Федорова Т.А. Страхование. Учебник. / под ред. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Экономистъ, 2005. С. 340.
9. Махтина Ю.Б. Некоторые подходы к определению сущности ОМС. // Страхование дело. 2003. № 2. С. 19.
10. Габуева Л.А. Механизмы эффективного финансирования в здравоохранении / Под общ. ред. д-ра мед. наук, акад. РАМН В.И. Стародубова. М.: МЦФЭР, 2007. 288 с.
11. Егорова Н.Е., Ерзнкян Б.А. Методы согласования экономических интересов субъектов государственно-частного партнёрства / В сборнике: Теория и практика институциональных преобразований в России. Сборник научных трудов. М., 2016. С. 7-15
12. Егорова Н.Е., Трамova А.М. Государственно-частное партнёрство как эффективный механизм реализации стратегических проектов // Экономика и предпринимательство. 2015. № 8-1 (61). С. 389-392.
13. Эрмасов СВ, Эрмасова Н.Б. Страхование. Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. С. 356.
14. Баймуратов Т.М.Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Автореф. дисс. ...и.ф.н. – Т., 2004 й. – 25 б.
15. Кенжаев Ғ.И. Суғурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштириш самарадорлигини молиявий барқарорлигини таъминлашда қайта суғуртанинг ролини ошириш. Автореф. дисс. ... PhD. – Т., 2019 й. – 23 б.
16. Маврулова Н.А. Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда қайта суғуртанинг ролини ошириш. Автореф. дисс. ... PhD. – Т., 2019 й. – 23 б.
17. Шеннаев Х.М. Суғурта агентлари учун қўлланма. – Т.: infoCOM.UZMЧЖ, 2010. – 206 б.
18. <https://truecostblog.com/2009/08/09/countries-with-universal-healthcare-by-date/>

УЎТ: 338/24+658

Қурилиш материаллари саноати акциядорлик корхоналарини бошқаришнинг илмий-назарий жиҳатлари

Научно-теоретические аспекты управления акционерными обществами в промышленности строительных материалов

Scientific and theoretical of management of joint-stock enterprises of the building materials industry

Бекзод ИСКАНДАРОВ,
СамИСИ тадқиқотчиси.

Аннотация

Мақолада қурилиш материаллари саноати акциядорлик корхоналар фаолиятини ривожланишининг асосий устувор йўналишлари каби масалалар назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

В статье проводится теоретический и практический анализ таких вопросов, как основные приоритеты развития акционерных обществ в промышленности строительных материалов.

The article provides a theoretical and practical analysis of issues such as the main priorities of the development of joint-stock companies in the construction materials industry.

Кириш

Жаҳонда қурилиш саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини ошириш, инновацияларни қўллаш ва бошқарувда замонавий усуллардан фойдаланиш иқтисодий тараққиётнинг асосий воситаларидан бирига айланмоқда. “COVID-19”нинг глобал қурилиш саноатига таъсири бўйича сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, 2019 йилга нисбатан 6 фоизга яқин пасайиш ва 2020 йилга нисбатан 1,2 фоизга йиллик ўсиш кутилмоқда. Қурилиш саноати учун 2019 йилда бинолар соҳасидаги энергия самарадорлиги глобал сармоя 2 фоизга ошиб, тахминан 152 млрд. долларни ташкил этган¹. Бу эса жаҳонда ўз навбатида қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув механизми самарадорлиги ошиб бораётганидан далолат.

Корпорация замонавий иқтисодийнинг муҳим

институту бўлиб, ривожланган мамлакатларда ҳоқимият тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. **Ван Хорн талқини бўйича корпорация бу – қонун билан яратилган корхонанинг таърифланиши; у мол-мулкка эга бўлиши ва ўзига мажбуриятни олиши мумкин.**

С.Росс эса қуйидагича таъриф беради: “Корпорация бизнеснинг алоҳида юридик шахс сифатида хусусий ва юридик шахслардан битта ёки кўпрогидан ташкил топишга асосланган туридир”.

Корпоратив бошқарув тушунчаси хусусида хорижий ва маҳаллий адабиётларда турли ёндашувлар мавжуд. Масалан, америкалик тадқиқотчилар Ш.Паффер ва Д.Маккарти корпоратив бошқарувга қуйидагича таъриф берган:

“Корпоратив бошқарув ҳамма ўзича тушунадиган атамалардан бири, лекин, яхши корпоратив бошқарув менежерлар, директорлар кенгаши аъзо-

Калит сўзлар: бошқарув, инвестиция, инновация, самарадорлик, акциядорлик корхоналар, иқтисодий самарадорлик.

лари ва акциядорлардан хуш ахлоқли бўлишни талаб қилади деган фикрга ҳамма қўшилади”.

Корпоратив бошқарув борасида тадқиқот олиб борган бир қатор Ўзбекистон олимлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Бу борада иқтисод фанлари доктори, профессор Ш.Ф. Юлдашев шундай фикрда: “Корпоратив бошқарув компания фаолияти самарадорлигини таъминлаш ва мулкдорлар ҳамда бошқа манфаатдор шахслар (компания ходимлари, кредиторлар, ҳамкор корхоналар манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича компания менежерлари ва эгалари (акциядорлари) ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими”.

М.Б. Хамидулиннинг фикрича, корпорация мураккаб организм бўлиб, корпоратив муносабатларнинг кўплаб иштирокчиларини бирлаштиради, уларнинг манфаатлари корпорация ичида ҳам, ташқарисида ҳам узвий боғланган.

Иқтисодчи олимлар Ш.Н. Зайнутдинов ва Д.Н. Рахимоваларга кўра, корпоратив бошқарув – манфаатдор шахсларнинг даромад олиш мақсадида биргаликдаги ҳаракатларидир.

Мазкур таърифда корпоратив бошқарувнинг барча элементлари, мақсадлари тўлиқ қамраб олинмаган. Жумладан, корхонанинг манфаати, фойда олишга қаратилган тадбирлар назарда тутилмаган.

Замонавий корпоратив бошқарув олдига қўйилган асосий талаблардан бири ишлаб чиқариш самарадорлиги ошириш ва кенгайтириш учун инвестицияларни жалб қилишдан иборат. Илмий ва методологик жиҳатдан асосланган ҳолда ташкил этилган корпоратив бошқарув маҳаллий хомашёлар ҳисоби рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши лозим.

Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий муносабатлари эса чуқурроқ маънога эга. Корпорация (компаниялар)нинг асосан иқтисодий фаолияти акс этади. Корпоратив бошқарувнинг самарали бўлиши иқтисодийнинг ҳозирги ҳолати, институционал бошқарувни ташкил этиш даражаси, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришга давлатнинг бу йўналишда тутган сиёсати ва менежерларнинг ишни ташкил этиш

салоҳиятига боғлиқ.

Қурилиш материаллари саноати акциядорлик жамиятларини бошқариш тизими самарадорлиги маҳаллий хомашёни қайта ишлашни рағбатлантириш, янги замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, маҳсулот диверсификацияси, экспорт ҳажми ҳамда соҳага инвестицияларни жалб этишдан иборат. Жумладан, рақобатдош товарларни яратиш ҳамда маҳсулотни экспорт салмоғини ошириш, қурилиш корхоналарини модернизациялаш, диверсификациялаш ва корпоратив бошқарувнинг таркибий ўзгаришлари бўйича вазифаларни амалга ошириш учун қатор қарор ва фармонлар қабул қилинган². 2019 йил 20 февралдаги “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4198-сонли, 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4335-сонли ҳамда 2018 йил 9 июлдаги “Ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3841-сонли қарорлар³нинг қабул қилиниши асосида соҳанинг ҳуқуқий базаси шакллантирилди.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижаси ўлароқ статистик маълумотларга эътибор қаратамиз: 2020 йилда Ўзбекистон Респуб-

1-жадвал.

2020 йилда Фарғона водийси қурилиш ишлари мулкчилик шакли бўйича улуши⁴


Вилоят	Жами мард. сўм	Мулкчилик шакллари бўйича жами ҳажмга нисбатан фоизда	
		Давлат	Нодавлат
Андижон	4474,4	4,8	95,2
Наманган	4491,8	4,7	95,3
Фарғона	5089,6	2,7	97,3
Фарғона водийси	14055,8	4,1	95,9
Ўзбекистон Республикаси	87823,8	4,2	95,8

¹ https://globalabc.org/sites/default/files/inline-files/2020%20Buildings%20GSR_FULL%20REPORT.pdf, -p.26.

² Дехканов Ш.А. Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари саноати корхоналари ривожланишининг асосий тенденциялари. // Хо-разм маъмул академияси ахборотномаси. ISSN 2091-573X. №8. 2021. Б. 68-75.

³ www.Lex.uz интернет маълумотлари асосида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 20 февралда “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4198-сонли қарори, 2019 йил 23 майда “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4335-сонли қарори, 2018 йил 9 июлда “Ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3841-сонли қарори.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.



1-чизма. ЯИМ ва қурилиш соҳасидаги ўсишнинг 2000-2020 йиллардаги ҳолати⁶

ликасида жами 87823,8 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2019 йилга нисбатан 109,1 фоизни ташкил этди. Қурилиш ишларининг энг юқори улуши Фарғона (5089,6 млрд. сўм), Наманган (4491,8 млрд. сўм) ва Андижон (4474,4 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Мулкчилик шакли бўйича бажарилган қурилиш ишларининг 4,2 фоизи давлат корхоналари ҳамда 95,8 фоизи нодавлат корхоналари улушига тенг.

2020 йилда йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 24208,9 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 133,1 фоизга кўп бажарилган. Жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 2019 йил кўрсаткич даражасидан 3,4 фоиз пунктга кўпайиб, 27,6 фоизни ташкил этди⁵.

Сўнгги йилларда қурилиш ишларининг ЯИМдаги улуши 2010-2020 йиллар оралиғида ортгани таҳлилларда кўриш мумкин. Кўрсаткичлар йиллар оралиғида бир маромда эмас. Баъзи йилларда улушлар ҳажми камайган. Жумладан, 2010 йилда қурилиш соҳасининг ЯИМдаги улуши 11,1 фоиз бўлса, 2011


йилда 9,8 фоизга тушган. Ушбу кўрсаткич 2020 йилда 15,1 фоизни ёки қурилиш соҳаси ўсиши эса 9,1 фоизга тенг бўлган. Кўриниб турибдики, ўтган йигирма бир йил ичида қурилиш соҳасининг ЯИМдаги салмоғи ортган. Қурилиш соҳасидаги ўсишда ҳам nobарқарорлик мавжуд бўлиб, 2000-2020 йиллар давомида олдинги йилларга нисбатан энг кам ўсиш 2000 йилда 3,0 фоизни ташкил қилган бўлса, 2009 йилда энг кўп 34,2 фоиз ўсиш кузатилган⁸.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Республикада қурилиш соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар умумий сони 40,9 мингтага ташкил этган. Яъни, ўтган йилга (2020 йил) нисбатан 4,7 мингтага кўпайган. Мазкур кўрсаткич 2017 йилнинг 1 январь ҳолати билан таққосланса, 19 160 тага ортганини кўриш мумкин. Қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 185,4 фоизга ошиб, республика миқёсда фаолият юритаётган корхоналар таркибида улуши 8,6 фоизни ташкил этмоқда.

Хулоса ўрнида қурилиш материаллари са-

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

⁶ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2-чизма. 2021 йилда фаолият юритаётган қурилиш ташкилотларининг Ўзбекистон Республикасидаги улуши, фоизда⁷.

ноати акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш келгусида барқарор ўсишни, тармоқ корхоналари орасида кооперацион ва интеграцион фаолиятнинг чуқур-

лашишини, маҳсулот ассортиментини кўпайтириш, рақобатбардошлик ҳамда инвестицион жозибadorликни ошириш орқали фойдаланиш мумкин, деб таъкидлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хашимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпорацияларни бошқариш: Монография. – Т.: Фан, 2007. – 300б.
2. Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. –Т.: adib, 2010. –190 б.
3. Ханкелдиева Г.Ш. Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №11 (24). С. 357-363. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva> (дата обращения 15.11.2017).
4. Ханкелдиева Г.Ш. Перспективы развития электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан в условиях модернизации экономических отношений // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №12 (25). С.293-299. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva-g> (дата обращения 15.12.2017).
5. Ханкелдиева. Г.Ш. Ўзбекистонда хизматлар бозорини ривожлантириш истикболлари “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, 2020 й., 5-сон., б.242-249. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/30_Xonkeldiyeva.pdf

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

⁸ Дехканов Ш.А. Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари саноати корхоналари ривожланишининг асосий тенденциялари. // Хоразм маъмур академияси ахборотномаси. ISSN 2091-573X. №8. 2021. Б. 68-75.

УЎТ:338.45

Саноат корхоналарида аутсорсинг тўғрисида қарор қабул қилиш кўрсаткичлари

Показатели принятия решения об аутсорсинге на промышленном предприятии

Indicators of decision-making on outsourcing at an industrial enterprise

Нилуфар КАХАРОВА,
Тошкент давлат транспорт университети
таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада саноат корхоналарини аутсорсинг қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизми функциялари ҳамда аутсорсингдан олдин ва кейин саноат корхоналарининг ишлаш кўрсаткичларини ҳисоблаш формуллари келтирилган. Ушбу ҳисоб-китоб аутсорсингнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида, шунингдек, аутсорсинг асосида республика саноат корхоналарини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг самарадорлиги тўғрисида хулоса қилишига имкон беради.

В работе представлены функции организационно-экономического механизма аутсорсинга предприятий промышленности и формулы расчета показателей эффективности деятельности предприятия промышленности до и после применения аутсорсинга. Данный расчет позволяет сделать вывод о целесообразности аутсорсинга, а также о результативности данного организационно-экономического механизма развития промышленных предприятий республики на основе аутсорсинга. Расчет подобных показателей на этапе проектирования и реализации аутсорсинга позволяет использовать их при принятии управленческих решений по аутсорсингу.

The paper presents the functions of the organizational and economic mechanism of outsourcing of industrial enterprises and formulas for calculating the performance indicators of industrial enterprises before and after outsourcing. This calculation allows us to conclude about the feasibility of outsourcing, as well as about the effectiveness of this organizational and economic mechanism for the development of industrial enterprises of the republic on the basis of outsourcing.

Корхонани аутсорсинг қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини яратишда қуйидаги саволга жавоб бериш лозим: аутсорсинг жараёнида ҳар бир бўлинмалар учун даромадни максимал даражада ошириш ва харажатларни минималлаштириш керакми?

Саноат корхоналарини аутсорсинг қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг функциялари хилма-хил бўлиб, фақатгина даромадни максимал дара-

жада ошириш билан чекланмайди (1-жадвал).

Ушбу турдаги муаммоларни бутун корхонанинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш даркор. Алоҳида бўлинма бутун корхона таркибига киради. Шу билан бирга, корхона тузилмаси нафақат унинг таркибий элементларининг механик йиғиндиси, балки даромад келтирадиган ва ҳеч қандай даромад келтирмайдиган, балки ресурсларни истеъмол қилувчи

Калит сўзлар: аутсорсинг, саноат, корхона, самарадорлик, барқарорлик, рентабеллик.

бўлимларни ўз ичига олган интеграциялашган шаклланишдир. Шунинг учун ҳар бир алоҳида бирлик даромадини максимал даражада ошириш бутун корхона даромадини максимал даражада оширади, деб тахмин қилиш нотўғри.

Худди шундай, ҳар бир алоҳида бирлик харажатларини минималлаштириш билан боғлиқ вазият кўриб чиқилади [7, 8].

Аутсорсингнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб

Аутсорсингнинг ташкилий-иқтисодий механизми корхонанинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар миқдорининг етарлилигини таъминлаши керак. Таҳлил қилинаётган давр учун маблағларнинг етарлилиги кўрсаткичи (ДС) корхона даромади ва унинг харажатлари (тўловлари) ўртасидаги умумий фарқдир.

$$MX = \sum KXDP_i$$

бу ерда $KXDP_i$ - корхонанинг i -даврдagi тушумлари

1-жадвал.

Саноат корхоналарини аутсорсинг қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг функциялари.

Вазифа номи	Вазифанинг асосий мазмуни
Сиёсий	Маҳаллий саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш. Ўз-ўзини ривожлантириш ва синергия асосида ишлайдиган замонавий саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқ тузилмасини шакллантириш
Иқтисодий	Бўлиниш ва ҳамкорликни чуқурлаштириш, саноатда индивидуал бизнес-жараёнлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг замонавий шакллари ривожлантириш ва уларни юқори самарадорлик ва рақобатбардошлик даражасига ўтказиш
Инфратузилма	Ихтисослашган саноат инфратузилмасини ривожлантириш учун корхоналарнинг индивидуал бизнес-жараёнларини кўчириш
Молиявий	Корхоналарнинг молиявий мустақиллигини ошириш. Молиявий оқимларнинг ривожланиши, молиявий маблағлардан алоҳида корхоналарнинг ҳолатини тубдан ўзгартириш учун фойдаланиш
Маркетинг	Корхоналар фаолиятида маркетинг ролини ошириш, улар фаолиятининг янги эҳтиёжлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш, замонавий маҳсулотларнинг янги бозорларига чиқишга кўмаклашиш
Ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқариш салоҳиятини оптималлаштириш, қувватлардан оқилона фойдаланиш бўйича ҳамкорликни ташкил этиш
Инновацион	Илмий-тадқиқот ва илғор технологияларни тарқатиш асосида инновацион саноат тармоғини яратиш
Ходимлар	Юқори касбий тайёргарлик ва тажрибага эга бўлган ихтисослаштирилган ходимлар жамоаларини шакллантириш

чиқишда ишлаб чиқариш харажатларини оқилона чеклашдан келиб чиқилади, шу билан бирга молиявий ресурсларнинг етишмаслигига олиб келган корхона бюджетининг барқарорлиги ва реаллигини таъминлайдиган ва инқироз сабабларининг пайдо бўлишини олдини оладиган минимал даромадни таъминлаш керак. Ахир, масалан, ишлаб чиқаришни ташқи фирмаларга асоссиз ўтказишда, фойдаланишдан олдин (MX_1), аутсорсинг давридаги маҳсулот ҳажмининг (MX_2) даврга нисбати сифатида даромаднинг хавфли пасайиши ($K_{пас}$) ҳолати юзага келиши мумкин.

$$K_{пас} = \frac{MX_2}{MX_1} < 1$$

Ишлаб чиқаришнинг пасайиши қанчалик чуқур бўлса, бу коэффициентнинг қиймати шунчалик паст бўлади.

ва харажатлари (тўловлари) ўртасидаги фарқ,

$$KXDP_i = PTP_i - MажXар_i,$$

бу ерда PTP_i – i -даврдagi нақд пул тушумлари миқдори; $MажXар_i$ – i -даврдagi мажбурий харажатлар (тўловлар) миқдори [3, 5].

Кичик даврда аутсорсингдан сўнг корхонада маблағларнинг етарлилигининг белгиси қуйидагилардан иборат:

$$KXDP_i \geq 0.$$

Мажбурий даромад минимумини бир вақтнинг ўзида таъминлаш билан бирга ишлаб чиқариш харажатларини оқилона чеклаш шартини ҳисобга олган ҳолда, таъминлаш керак.

$$PTP_i > MажXар_i; MажXар_i \rightarrow optim,$$

бу ерда PTP_i – i -даврдagi нақд пул тушумлари миқ-

дори; МажХарі – і-даврдгаи мажбурий харажатлар (тўловлар) миқдори.

Корхонанинг нақд пул тушумлари манбалари қуйидагилардир:

1) жорий фаолиятдан тушган тушумлар (маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар; харидорлар ва бошқа шериклардан олинган аванслар; етказиб берувчилардан тўловларни қайтариш ва бошқалар. Бунга саноат корхонасига аутсорсингда иштирок этишдан тушган даромадлар киради;

2) инвестиция фаолиятдан тушган тушумлар (асосий воситаларни, номоддий активларни, узоқ муддатли молиявий инвестициялар, шу жумладан, аутсорсинг орқали сотишдан тушган тушумлар);

3) молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар олиш, шу жумладан, аутсорсингда иштирок этишни ўз ичига олади [4, 6].

Аутсорсинг жараёнида корхона маблағлар харажатлари (чиқиши)нинг кўплаб йўналишларига эга бўлиб, улар одатда корхонанинг жорий мажбуриятлари билан белгиланади. Улардан асосийларига қуйидагилар киради: аутсорсерлар ва бошқа пудратчиларнинг счёт-фактураларини тўлаш; ходимларга иш ҳақини тўлаш; ижтимоий сугурта ва сугурта жамғармаларига бадаллар; тўланиши лозим бўлган солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар; турли қарзларни тўлаш ва бошқалар.

Корхонани аутсорсингининг ташкилий-иқтисодий механизми ҳолатини баҳолаш учун барқарорлик ва рентабеллик каби хусусиятларни ўрганиш таклиф этилади.

Ишлаб чиқариш (сотиш) барқарорлиги – бу унинг ҳажмий кўрсаткичларининг динамикаси ва ўзгарувчанлиги, интенсивлиги – аутсорсингни жорий этишдан олдин ва кейин маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми билан тавсифланади.

Ушбу параметрга кўра, корхона – аутсорсинг иштирокчиси қуйидаги ҳолатларга эга бўлиши мумкин: барқарор (доимий фаолият интенсивлигига эга); динамик – ўзгарувчан интенсивлик, бу аутсорсинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг кўпайиши (камайиши)ни аниқлатади.

Агар ҳажм кўрсаткичларининг янги даражаси аввалгисидан юқори бўлса, бу ўсиб бораётган ишлаб чиқариш ва аутсорсингнинг ижобий натижасидир. Агар янги даража аввалгисидан паст бўлса, бу ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва аутсорсингнинг салбий натижасидир. Иккита индексни ҳисоблаш мумкин:

а) чиқарилган баҳода сотилган маҳсулот ҳажми бў-

йича (сотишдан тушган даромад):

$$Идар = \frac{МСТТ2}{МСТТ1}$$

бу ерда МСТТ2 ва МСТТ1 аутсорсингдан кейин ва олдин маҳсулотни сотишдан тушган даромад [2];

б) сотилган маҳсулот таннархи ҳажми бўйича:

$$Итаннарх = \frac{СУҚ2}{СУҚ1}$$

бу ерда СУҚ2 ва СУҚ1 – аутсорсингдан кейин ва олдин сотилган товарларнинг умумий қиймати.

Қуйидаги шарт бажарилган тақдирда корхонани аутсорсинг қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизми барқарор бўлади: $Идар \approx 1$. Бу шунга аниқланиши, аутсорсинг саноат корхонасига сезиларли устунлик бермаган, балки иқтисодий кўрсаткичларни бир хил даражада сақлаш имконини берган [9]. Агар $Идар < 1$ бўлса, бу аутсорсингдан фойдалангандан кейин маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг пасайиши бўлиб, унинг ташкилий-иқтисодий механизмининг салбий тавсифланди.

Корхонанинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигининг кўрсаткичи сифатида рентабеллик (корхоналар, маҳсулотлар) ишлатилиши мумкин. Ҳозирги вақтда 5-20 фоиз оралиғидаги рентабеллик даражасини нормал деб ҳисоблаш мумкин. Аутсорсинг натижасида рентабеллик кўрсаткичининг пасайиши ташкилий-иқтисодий механизм самарадорлигининг пасайиши ва корхонанинг оғир молиявий ҳолатининг билвосита белгисидир. Рентабеллик кўрсаткичининг ўсиши корхонани аутсорсинг қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлиги ошишидан далолат беради.

Корхонани аутсорсинг қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигининг муҳим характеристикаси рентабеллик динамикаси бўлиб, у қуйидаги индекс билан тавсифланади:

$$Ирент = \frac{Ирент2}{Ирент1}$$

Индекслар Ирент2 ва Ирент1 аутсорсингдан фойдаланишдан олдинги ва кейинги даврлар учун корхонанинг тегишли кўрсаткичлари нисбати сифатида ҳисобланади. Бунда

$$Ирент1 = \frac{Ифойда1}{Итулик таннарх1}$$

$$Ирент2 = \frac{Ифойда2}{Итулик таннарх2}$$

бу ерда Ифойда1, Ифойда2 аутсорсингдан фойдаланишдан олдинги ва кейинги даврлар учун маҳсулотларни сотишдан олинган фойда индекси; Итулик

таннарх1, Итулик таннарх2 аутсорсингдан фойдаланишдан олдинги ва кейинги даврлар учун сотилган товарларнинг умумий қиймати индексидир.

Ирент > 1 қиймати рентабелликнинг ўсишини кўрсатади, бу корхонани аутсорсинг қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини ошириши ва молиявий ҳолати яхшиланишини кўрсатади.

Муайян аутсорсинг соҳасининг корхона фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш учун қуйидаги формула таклиф этилади:

$$AC_i = \frac{КСФ_i}{КХ_i}$$

бу ерда AC_i – i -йўналишда аутсорсинг самарадорлиги; $КСФ_i$ – аутсорсингнинг i -йўналиши бўйича корхонанинг соф фойдаси; $КХ_i$ – корхона аутсорсингининг i -йўналишини амалга ошириш харажатлари (чиқимлари) [1].

$$AC_i = \sum_{n=i}^n \frac{КСФ_i}{КХ_i}$$

Корхона томонидан аутсорсинг орқали олинган ҳақиқий натижа ($\Delta A\phi$) унинг кутилган (режа, лойиҳа) қиймати (ΔA_o) билан таққосланиши керак, бу сизга оғиш индексини олиш имконини беради:

$$Ир\phi = \frac{\Delta C\phi}{\Delta C_{кутнат}}$$

Саноат корхонасининг аутсорсингдан фойдаланишгача ва ундан кейинги фаолият кўрсаткичларини ҳисоблаш мақсадга мувофиқлиги, шунингдек, республика саноат корхоналарини аутсорсинг асосида ривожлантиришнинг ушбу ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради. Бундай кўрсаткичларни аутсорсингнинг лойиҳалаш ва амалга ошириш босқичида ҳисоблаш, улардан аутсорсинг бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланиш имконини беради [9, 10].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дзанагова И.Т., Галаванова З.Е. Высшая математика. Часть I. – Владикавказ: ГУП Изд-во «Олимп», 2012.
2. Дзанагова И.Т., Хугаева А.Т. Высшая математика. Часть II. – Владикавказ: ГУП Изд-во «Олимп», 2012.
3. Курс экономической теории: Общие основы экономической теории. Микроэкономика. Макроэкономика. Основы национальной экономики: учебное пособие / под ред. д.э.н. проф. А.В. Сидоровича; МГУ им. М.В. Ломоносова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2001. – 1040 с.
4. Марьянина О.В. Организационно-экономический механизм реструктуризации предприятий машиностроения: автореф. дис.кан. экон. наук. – М., 2008, – 26 с.
5. Погосов И. Особенности текущего социально-экономического развития // Экономист. – 2009. – № 9. – С. 21–33.
6. Филина Ф.Н. Аутсорсинг бизнес-процессов [Электронный ресурс]. Режим доступа: Информационный бизнес портал: <http://www.obiznese.com/load/18-1-0-749>, http://www.ex-sys.ru/term_outsour.htm.
7. Хугаева А.Т. Метод оценки состояния аутсорсинга на предприятиях промышленности // Вестник Северо-Осетинского государственного университета имени К.Л. Хетагурова. – 2010. – № 4. – С. 163–169.
8. Хугаева А.Т. Механизм функционирования предприятий промышленности на основе аутсорсинга // Сборник научных трудов. – Владикавказ: ИПО СОИГСИ, 2011. – С. 224–235.
9. Хугаева А.Т., Дзанагова И.Т. Содержание организационно-экономического механизма аутсорсинга промышленных предприятий Республики РСО-Алания // Фундаментальные исследования. – 2015. – № 11 (часть 6). – С. 1262–1266.
10. Цахоева А.Ф. Решение задачи математического моделирования конфликтной ситуации с применением информационных технологий // Современные проблемы науки и образования. – 2014. – № 1. – URL: www.science-education.ru/115-11926.

УЎТ: 339.143: (575.1)

Аграр соҳага инвестиция киритиш – мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш омили

Вложение инвестиций в сельскохозяйственный сектор – фактор обеспечения продовольственной безопасности страны

Investing in the agricultural sector – a factor of ensuring the food security of the country

Сирожддин ЯНГИБОЕВ,
Тошкент Давлат иқтисодий университети мустақил тадқиқотчиси.

Аннотация

Мазкур мақола аграр соҳага инвестиция киритиш натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали республикада истеъмол товарлари хавфсизлигини таъминлашга бағишланган. Шунингдек, мақолада COVID-19 пандемияси натижасида жаҳон озиқ-овқат таъминотидаги мураккаб жараёнлар билан бирга Ўзбекистон аграр соҳасини ривожлантиришни минтақалардаги ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз боради.

Данная статья посвящена обеспечению продовольственной безопасности страны за счет инвестирования в аграрный сектор. В статье также рассматриваются особенности аграрного сектора Узбекистана, а также процессы глобального продовольственного обеспечения в период пандемии.

This article is dedicated to ensuring food security in the country by investing in the agricultural sector. The article also discusses the peculiarities of the agricultural sector of Uzbekistan, as well as the processes of global food supply during the pandemic.

Республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланган. Ушбу стратегияда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича 9 та асосий йўналиш белгиланган.

Бутун дунё ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига салбий таъсир кўрсатган, кўпинча “инқироз” сўзи билан тавсифланган 2020 йилдаги эпидемиологик тўқинлар мамлакатлараро ва мамлакатдаги

озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолатига таъсир қилди. Хусусан, Global Ratings агентлиги маълумотларига кўра, “2020 йилда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш Хитойда 17,2 фоизга, Италияда 24,1 фоизга, Испанияда 21,3 фоизга, Россияда 13,3 фоизга ва республикада 10,8 фоизга камайган”лигини кўришимиз мумкин.

Глобал пандемия пайдо бўлишидан аввал, халқаро ташкилотлар оч ва тўйиб овқатланмайдиганлар сони 2015 йилдаги 784 миллион кишидан 2018 йилда 821 миллион кишига, 2021 йилда 904 миллион кишига етганлиги ва ушбу категориядаги умумий аҳоли улушининг ортиши асосий кўрсаткичларнинг 10,6 фоиздан 11,2 фоизгача ёмонлашганини

Калит сўзлар: аграр соҳа, инвестиция, озиқ-овқат хавфсизлиги, эпидемиология, пандемия, стратегия, тенденция.


ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

қайд этган эди [2].

Бундай динамиканинг асосий сабаблари орасида иқтисодий ўсиш суръатларининг секинлашиши ва иқтисодий таназзуллар, бир қатор мамлакатларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига тўлиқ қарамлиги, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини пасайиб кетганлиги, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини таъминотидаги узилишлар, қишлоқ аҳолиси ўтрисида тенгсизлик ва табақалашув ўтрисидаги боғлиқликнинг чуқурлашиши, қишлоқ хўжалиги сиёсатининг номуқаммаллиги каби омиллар ҳисобланади. Ушбу сабабларнинг аксарияти озиқ-овқат

ва унга бўлган талаб туфайли аҳолининг заифлигини оширади.

Чунки, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантириш ва уларга киритилган инвестициялар самарадорлигини иқтисодиётдаги бошқа тармоқлар билан ҳисобланганда ўртача рентабеллик индексидан паст бўлмаган даражасини таъминлаш учун тармоқдаги такрор ишлаб чиқариш жараёни самарали ташкил қилишнинг табиий омилларини ҳисобга олишни тақозо қилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг агроресурс ҳолати ва ихтисослашуви минтақалар бўйича сезиларли даражада фарқланади (1-чизма).



1-чизма Қишлоқ хўжалиги тармоғи такрор ишлаб чиқариш жараёни хусусиятларининг чизмаси¹.

ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги ҳолати билан боғлиқ бўлиб, бу эса, ўз навбатида, озиқ-овқат хавфсизлигининг кўплаб тенденцияларини бозор муҳитининг шароитлари ва омиллари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш зарурлигини келтириб чиқарди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги деганда бутун инсоният ҳамжамияти ва алоҳида давлатлар аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини зарур ҳажмда, ассортиментда ҳамда сифатли таъминлаш ва тегишли иқтисодий шароитларни яратиш орқали қондириш қобилияти тушунилади. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти экспертларининг фикрича, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда пандемия асосий кўрсаткичлар бўйича умумий тенденцияни сезиларли даражада ўзгартирмайди, балки озиқ-овқат етказиб бериш

Ушбу чизмадан кўришимиз мумкинки, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий жараёнлар аввало, биологик қонуниятлар, табиий жараёнлар ва жонли организмнинг ривожланиши билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Ушбу хусусият тармоққа жалб қилинган инвестицияларни самарадорлигига ёки асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишига таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёж асосида талабнинг ошишига ва инвесторлар учун катта имкониятлар яратилишига ёрдам берувчи бир қатор омиллар мавжуд (2-чизма).

Тадқиқотимиз натижасида шуни кузатишимиз мумкинки, аҳолининг ўсиши ва умр кўриш давомийлигининг ошиши озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг ошишига ёрдам беради.

Қуйидаги 2-чизмада глобал масштабда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабга таъсир

¹ Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2-расм. Глобал масштабда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабга таъсир этувчи омилар².

этувчи омилар келтирилган. Жумладан, бу омиларга аҳолининг ўсиши натижасида тармоқ маҳсулотларига эҳтиёжларнинг ортиши, ривожланаётган мамлакатларда харид қобилиятининг ўсиши ва янги энергия манбаларига, биоёқилғига талабнинг ортиши каби омиларни кўрсатишимиз мумкин.

Демак, жаҳон қишлоқ хўжалиги тармоғига умумий инвестицияларни ўсиш суръатида нисбатан ўрта ва паст даромадли мамлакатларнинг фаолиги юқори трендга таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигига глобал инвестицияларни киритишда паст ва ўрта даромадли мамлакат-

ларнинг устунлиги ушбу тармоқнинг бошқа тармоқларга нисбатан иқтисодий нафлилик бўйича нисбий устунлигини кўрсатмайди. Қишлоқ хўжалигига қўйилган инвестицияларнинг умумий инвестициялардаги улушини ва қишлоқ хўжалигида қўшилган қийматининг ЯИМдаги улушини солиштириш мамлакатлар гуруҳлари ўртасидаги муҳим таркибий фарқларни кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги тармоқларида капитал сизим даражаси ҳам ўзгариб туради, бу юқори даромадли мамлакатларда қишлоқ хўжалиги паст ва ўрта даромадли мамлакатларга қараганда сезиларли даражада кўпроқ капитал талаб қилишини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони.
2. <http://www.fao.org/3/ca5162ru/ca5162ru.pdf>
3. Зеркалов Д.В. Продовольственная безопасность: Монография / Д. В. Зеркалов. – Электрон. данные. – К. : Основа, 2009.
4. Лилия Ревенко. Продовольственная безопасность: решение возможно. https://mgimo.ru/files/226753/2012-09_interaffairs_Revenko.pdf.

² Чизма муаллиф томонидан интернетдаги манбалар (World Population Prospects, 2019. Department of Economic and Social Affairs Population Division. United Nations New York, 2019) асосида ишлаб чиқилган.

Кичик корхоналар инвестицион жозибадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш Повышение инвестиционной привлекательности и конкурентоспособности малого бизнеса в сфере услуг Increasing the investment attractiveness and competitiveness of small businesses in the service sector

Нафосат ИБРОҲИМОВА,
Самарқанд давлат университети
таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасида кичик корхоналарнинг инвестицион жозибадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишда асосий йўналишлар, инвестицион жараёнларда рақобат таъсирининг шакллари ва таққосланиши тадқиқ қилинган.

В данной статье рассматриваются основные направления повышения инвестиционной привлекательности и конкурентоспособности малого бизнеса в сфере услуг, формы и сравнение влияния конкуренции на инвестиционные процессы.

This article examines the main directions of increasing the investment attractiveness and competitiveness of small businesses in the service sector, the forms and comparison of the impact of competition on investment processes.

Кичик корхоналар инвестицион жозибадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу сабаб корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигидаги камчилик ва устунликлар таҳлиллар асосида аниқланиб, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун зарур чора-тадбирлар кўриш керак. Корхонада рақобат устунлиги ва бошқарув доим муҳим. Амалда инвесторлар муқобил вариантлар ичидан энг яхшисини танлайди.

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобат устунлиги қуйидагилардан иборат: юқори малакали ва асосланган персоналнинг мавжудлиги; бозордаги иш тажрибаси; кўрсатилаётган хизматлар ва комплекташга кафолат бериш; сифат назорати тизимини ташкил

этиш; маркетингни эгилувчан тизимини ташкил этиш (хизмат турининг тавсифидан келиб чиқиб, дисконт карталар бериш йўли билан доимий мижозларга бонуслар, чегирмалар бериш, ижтимоий тадбирларни ўтказиш, мижозлар сўровномаси йўли билан бозорни ўрганиш, рақобатчилар хизмат ва таклифининг шарт-шароитларини таҳлил этиш, янги хизмат турларини излаш, хизматлар ҳақида мавжуд ва потенциал объектив ахборотларни мижозларга тақдим этиш, реклама компаниясини амалга ошириш); мазкур бозор доирасида комплекс хизматларни кенг миқёсда тақдим этиш.

Инвестицион жозибадорлик ва рақобатбардошликка алоҳида-алоҳида қараш мақсадга мувофиқ. Кичик корхона фаолиятининг турли даврларида бу ка-

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик корхона, инвестицион жозибадорлик, инвестицион воситалар, рақобатбардошлик, рақобат.

тегориялар ўзаро бир-бирини тўлдиреди. Масалан, инвестицияларни илмий-техник, технологик ёки ташкилий-бошқарув ҳисобига жалб этиш инқирозни олдини олиш ёки муаммоларни ечишда қўл келади ҳамда корхона рақобатбардошлиги таъминлайди. Шу боис соҳада кичик корхоналарнинг ривожланиши нафақат янги ғояларнинг туғилиши, балки уларни реализация қилиш учун зарур инвестицион ресурсларни жалб қилиш имкониятига ҳам боғлиқ. Ўз навбатида инвестицион жозибадорлик рақобатбардошликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Инвестицион жозибадорлик ва рақобатбардошлик сервис соҳасидаги кичик корхоналарда тадқиқот объ-

екти ҳолатини тавсифлайди. Бу тавсифлар хўжалик субъектларининг ривожланиш даражаси (муайян санага ёки муайян даврга) ҳозирги вақтда юзага келишини ифодалайди. Молиявий-иқтисодий бирлик сифатида сервис корхоналари ташқи омиллар таъсири ва ички шарт-шароитлар ўзгаришини англагувчи доимий динамик хусусиятга эга. Ташқи ва ички омиллар таъсири корхона мол-мулки ва ресурслари, даромадлар ҳаракати, қийматнинг яратилиш жараёнида трансформациялашади. Натижада рақобатбардошлик ва инвестицион жозибадорлик кўрсаткичлари қиймати ўзгаради (1-жадвал).

Рақобат хизматлар бозорида инвестицион жараён-

1-жадвал.

Хизмат кўрсатиш корхонасида инвестицион жозибадорлик ва рақобатбардошликнинг таққосланиши¹

Белги	Инвестицион жозибадорлик	Рақобатбардошлик
Калит сўзлар, аниқланиши	жалб қилиш имконияти, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги, корхоналар ривожланиш босқичини ҳисоби, ҳудуд ва тармоқда ўрни	барқарорлик даражаси, хизматлар бозоридаги ўрни, корхонанинг барча функцияларини реализация қилиш устунлиги асосидаги имкониятлари
Тобийлиги	рақобатбардошлик қисми	тўлиқ рақобатбардошлиги
Мерос белгилари	инвестициялар, инвестициялаш	рақобат, рақобат кураши
Рақобат мазмуни	инвесторга капитал учун кураш	мижозга мувофиқ хизматлар бозори учун кураш
Инвестицияларнинг устунлик тавсифи	такрор ишлаб чиқариш	инновацион тавсиф
Бозор турлари	капитал бозорлари	хизматлар бозори
Унда категория, баҳолаш ва акцент	баҳоловчи, кўп режали, таққослама, комплекс; ички муҳитга акцент	баҳоловчи, кўп режали, таққослама, комплекс; ташқи муҳитга акцент
Баҳолаш объектлари	хизмат, корхоналар, тармоқ, ҳудуд, мамлакат	
Баҳолаш субъектлари	инвесторлар, давлат органлари, корпорациялар, хусусий шахслар	
Муҳим участка	инвестор, капитал сотувчи	рақобатчи, хизматлар истеъмолчиси
“Кузатиш жойи”	ташқи муҳит нуқтаи назаридан баҳолаш	ички муҳит нуқтаи назаридан баҳолаш
Баҳолашда томонлар сони	камида иккита сифатда: инвестор ва инвестицияни олувчи	камида иккита сифатда: баҳоладиган ва унинг рақобатчиси
Баҳолаш мезонлари	салоҳият ўсиши ва ривожланиши ҳамда унинг самарадорлиги	бозорда ҳиссасининг сақданиши ва юксалиши
Экологик талабларга мослиги	экологик шарт-шароитлар ва омиллар ҳисоби, мезонларни баҳолаш	
Баҳолаш тамойиллари	тизимлилик, динамиклик, интеграллик, ўлчаниши, табақаланиши, эталонлик, даврийлик, узлуксизлик	
Баҳолаш усуллари	омилли, динамик, эталонли	
Муҳим элементлари	тизим салоҳияти, ишлаб чиқариш салоҳияти, нотижорат рисклар	тизим салоҳияти, рақобат статуси, камчилиги ва хавф-хатар
Бошқариш мақсади	инвестициялар ва инновацияларни рағбатлантириш	корхонанинг барқарор ривожланишини таъминлаш

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

лар ривожланишини аниқлашда таъсир кўратади. Бозорда рақобатбардош корхоналарнинг мавжудлиги ҳам миллий, ҳам хорижий инвестициялар оқимини кучайтишига олиб келади. Хизматлар бозорида инвестицион фаоллик бизнеснинг шаффофлигини таъминлайди.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасига инвестициялар киримининг бир текислиги бозорни капиталлаштиришда давлатнинг оқилона сиёсати ҳисобланади. Бу жараён алоҳида омилар билан белгиланади: ипотека кредитларини кенгайтириш; республикамиз корхоналарида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш; банк тизими барқарорлигини ошириш ва бошқалар.

Бозорда инвестицион жараёнларга рақобат таъсирининг бошқа шакллари ўртасида самарали бошқариш тизимини куриш ва вазият ўзгаришига қараб бизнесни ривожлантиришнинг фундаментал мақсадлари мавжуд. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, корхонанинг барқарор ва узоқ муддат яшашини таъминлашнинг ягона йўли баҳони максималлаштиришдир. Бизнесда баҳони бошқариш сўнгги вақтларда мулкдорлар манфаатларини бошқариш воситаси ҳисобланади.

Ҳар қандай корхона у ёки бу кўрсаткичлар бўйича бозорда бошқа иштирокчиларга нисбатан энг яхши бўлишга ва узоқ вақт устунликни сақлашга ҳаракат қилади. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик корхоналар рақобатбардошлиги ошиши, бизнес баҳосининг ўсиши муҳим тамойиллар қаторида қониқтирилиши керак бўлган кўп омиларга боғлиқ жараён: компания бизнес баҳоси ва рақобатбардошлигини бошқариш, режалаштиришнинг ягоналиги. Бу тизим бизнес баҳоси ва рақобатбардошликни бошқариш, режалаштириш жараёнларини бирлаштиради; бизнес баҳоси ва рақобатбардошликни бошқариш функцияларини режалашти-

риш ва амалга оширишнинг узлуксизлиги. Ҳар қандай вақтда компанияга бозорда агрессив рақобатчини пайдо бўлишига тайёр туриши, тезлик билан рақибнинг рақобат устунлигини пасайтириш чораларини кўриши керак. Бу бозор конъюнктурасини узлуксиз тадқиқ этиш заруратини англатади; бизнес баҳоси ва рақобат устунлигини бошқаришда эгилувчанлик. Компания менежменти ҳар доим ички бизнес муҳити ва ташқи муҳим параметрларни аниқловчи турли хил сценарийларнинг муқобил режасига эга бўлиши зарур.

Қисқаси, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик корхоналар инвестицион жозибadorлиги ва рақобатбардошликни ошириш юзасидан қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш мақсадида бозордаги рақобат муҳити таъсирини ҳисобга олган ҳолда инновацион ривожлантириш ва самарadorлигини ошириш алгоритмининг таклиф этиш.

2. Корхонанинг рақобатбардошлиги ошишида бизнес баҳосининг ўсиши кўп омиларга боғлиқ жараён. Шуни эътиборга олган ҳолда, хизматлар соҳасида рақобат, рақобатбардошлик ва инвестицион жозибadorлик ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг мантиқий модели ишлаб чиқиш ва иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда инвестицион жозибadorликни оширишнинг усуллари таснифлаш.

3. Ҳудудий жозибadorликни ошириш ҳам микродаражада инвестицион жозибadorликни оширишнинг усулларидан бири. Муайян турдаги хизматларни кўрсатувчи корхонанинг истеъмолчилардан узоқда жойлашгани сабабли истеъмол потенциал имкониятлари пасаяди (камаяди). Шу боис хизмат кўрсатиш корхоналарини муайян ҳудудда жойлаштирилишига катта эътибор бериш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Arabov N.U., Ismailov B.A. Improving the Management Mechanism of Service Enterprises // European multidisciplinary journal of modern science. 2022. <https://emjms.academicjournal.io/index.php/Volume:5>
2. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод-молия», 2008. - Б. 133.
3. Резанов В.К., Резанов К.В. Инвестиционная привлекательность лесного комплекса: оценка и управление. Уч. пособие. Хабаровск. Изд-во Хабар, гос. техн. ун-та, 2003. - 191с.
4. Управление и организация в сфере услуг: теория и практика»: Service management and Operation – 2-е международ. изд. (пер.с англ нар.наук ряд. В.В. Кулибановой) / К.Хаксвер, Б.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик – СПб и.др: Питер бух. 2002. – С. 496.
5. Solow R. We'd Better Out // New York Revier of Books. 1987. July 12, -P. 36.

УЎТ: 331.5

Тадбиркорликда аёлларни иш билан бандлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари

Особенности повышения занятости женщин в предпринимательстве

Features of increasing the employment of women in entrepreneurship

Мухлиса ЖУМАЕВА,
Тошкент давлат иқтисодий университети таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада аёллар бандлиги ва тадбиркорлигининг замонавий муаммолари, унга таъсир этувчи омиллар, ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд тўсиқлар таҳлил қилинган.

В статье анализируются современные проблемы женской занятости и женского предпринимательства, факторы, влияющие на него, его особенности и существующие барьеры.

The article analyzes the current problems of women's employment and women's entrepreneurship, its motives, features and existing barriers.

Аёлларни иш билан таъминлаш имкониятини кенгайтириш, иқтисодий статусини ошириш ва тадбиркорликка жалб этиш ҳам меҳнат бозорининг, ҳам гендер сиёсатининг, ҳам иқтисодий тақаққийётнинг муҳим омили ҳисобланади. Бугун Халқаро меҳнат ташкилоти аъзоларининг гендер тенглигига эришиш истагидан келиб чиқиб, меҳнаткаш аёлларнинг аҳволи ва ҳолатини таҳлил қилиш, уларга туртки бериши мумкин бўлган инновацион ечимларни аниқлаш ташаббуси илгари сурилмоқда.


1970 йиллардаги гендер революциясидан сўнг, фанга аёллар бандлиги бўйича кўп кўрсаткичлар маълум бўлди. МДХ тадқиқотчилари А.В. Алимпиева (аёлларнинг бизнесдаги хулқ-атвор стратегиялари; тадбиркорликнинг оилавий ҳаётга таъсири), А.В. Орлова (аёллар тадбиркорлигини эмпирик таҳлил қилиш усуллари), Ю.С. Пинковецкая (бизнес бошқаруви масалалари), З.И. Райманова (аёллар тадбиркорлигини

ривожланишини секинлаштирувчи тўсиқлар), Р.И. Семенова, И.Н. Ткаченко (аёллар тадбиркорлигининг гендер жиҳатлари)лар аёллар тадбиркорлигига таъсир этувчи омиллар ва тўсиқларни ўрганишган.

Тадқиқотчилар тадбиркорликни икки таркибий қисмдан ташкил топган конструкция деб ҳисоблайди: инструментал — эътиқодлар, фикрлар, рационал далиллар [1] ва аффектив — ҳиссиётлар, қониқиш, хулқ-атвор [2]. Бундан ташқари, олимлар аёллар ўз бизнесини бошлаш учун қарор қабул қилишда ҳал қилувчи ва таъсир кўрсатувчи бир қатор омилларни ҳам аниқлаган: институционал, индивидуал-шахсий ва ижтимоий-маданий.

Институционал омиллар. Институционал назарияси издошлари жамиятдаги расмий (қонунлар, қоидалар, нормалар) ва норасмий (маданият, эркак ва аёл, гендер анъаналари, индивидуализм, инфратузилма) ижтимоий институтларнинг мавжудлиги аёллар

Калит сўзлар: бандлик, аёллар, тадбиркорлик, бизнес, мотивация, тўсиқлар, ХМТ, Глобал тадбиркорлик индекс.



1-чизма. Аёллар тадбиркорлигига таъсир этувчи омиллар гуруҳи.

тадбиркорлигини ривожлантиришга ёки тўсқинлик қилишга таъсир кўрсатишини таъкидлайди.

Оила ижтимоий институт сифатида ёш авлоднинг касбий стратегиясини шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Қизларнинг касб танлашида ота-оналар дастлабки намуна сифатида намоён бўлади. Оила, ота-она қизларга билим, тажриба, маълумот ва қўллаб-қувватлов манбаи ҳисобланади. Ишбилармон ота-оналар фарзандларининг оилавий бизнесни давом эттириши ёки ўзи мустақил бир тижоратга эга бўлиш эҳтимолини оширади. Бу балоғат ёши (12-17 ёш) ва болалик (8-11 ёш) давридаги нисбатан ўсмирлик (18-21 ёш) даврида кўпроқ таъсирга эга [3].

Индивидуал-шахсий омиллар. Олимлар касб танлашда индивиднинг шахсий хусусиятларининг муҳим ролига кўп тўхтамоқда. Тадбиркорликка кўп мамлакатларда эркаклар иши сифатида қаралади. Чунки, эркак мустақил, қатъият, талабчанлик, мухторият, хавф каби фазилатларга эга. Аёллар эса заифлик, ҳиссиётчанлик, таъсирчанлик каби фазилатлар билан гавдаланади. Бу, ўз навбатида, аёлларга меҳнат бозори конъюнктурасини ўрганиш ва касб-хунар танлашига бевосита таъсир ўтказиши.

Ижтимоий-маданий омиллар. Бизнес бошлашга шахснинг индивидуал хусусиятларидан ташқари, атроф-муҳит — маданият, менталитет, урф-одатлар, жамиятдаги гендер роли ҳақидаги ғоялар, эркак ва аёллар ҳуқуқларининг тенглиги таъсири сезилади.

С.С. Боун, Б.Л. Чуа, К.Э. Нойперт тадбиркорликнинг гендер жиҳатига эътибор қаратиб, маданий хусусиятлар эркак ва аёлларга турлича таъсир қилишини таъкидлайди. Яъни, ишбилармонлик маданияти юқори бўлган мамлакатларда тадбиркор аёллар кўпроқ [4].

Д. Дозе ва С.Г. Уолтернинг таъкидлашича, муваффақиятли ишбилармондан бизнес юритишнинг ижобий тажрибасини олиш янги тадбиркорга билим, кўникма, ахборот ва ресурслардан фойдаланиш имконини бера-

ди. Шу орқали тадбиркорлик хатти-ҳаракати рағбатлантирилади. Муваффақиятли фаолият кўрсатувчи бизнес эгаси билан яқинлик нафақат ўз тижоратини бошлашга туртки, балки маҳаллий жамиятда тадбиркорлик маданиятини шакллантиришга ва тадбиркорлик тармоғини яратишга ёрдам беради [5].

Жамият ижтимоий тузилишининг яна бир ўзига хос хусусияти “индивидуал-жамоавий” дихотомиясидир [6]. Индивидуалистик жамиятларда (АҚШ, Австралия, Буюк Британия) иқтисодиёт, бизнес, шахсий ютуқлар ва муваффақиятларга, индивидуал онгнинг жамоавий онгдан устунлигига кўпроқ аҳамият берилади. Бу эса шахсга жинсидан қатъи назар ўз имкониятларини амалга оширишга кенг йўл очади. Шу жумладан, тадбиркорликда ҳам. Жамоавий жамиятларда эса (Чили, Греция, Мексика) бирдамлик, анъанавий патриархал ҳаёт тарзи, оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш зарурлиги назарда тутилади. Бу ўз бизнесини бошлаш учун қўшимча сабаб бўлади.

Ишлайдиган аёлнинг касбий ва репродуктив функциялари уйғунлиги – давлат ижтимоий сиёсати ва маълум бир мамлакатнинг ижтимоий-маданий соҳа доирасида турли йўллар билан ҳал қилинадиган мунозарали масала ҳисобланади. Оилани қўллаб-қувватловчи ижтимоий сиёсатга эга мамлакатларда (Дания, Швеция, Норвегия) бола парвариши учун нафақа миқдори кам ёки йўқ бўлган давлатларга (Канада, АҚШ, Австралия) нисбатан аёлларнинг тадбиркорлиги паст даражаси мавжуд [7].

Бола парваришlash таътилининг давомийлиги аёлларнинг тадбиркорлик фаолигига таъсир кўрсатиши мумкин: ижтимоий сиёсати сушт мамлакатларда болани парвариш қилиш ва тарбиялаш харажатларини қоплаш учун аёллар қисқа вақт ичида ишга қайтишга мажбур. Кўп ҳолларда аёллар нотўлиқ иш кунини танлайди ёки ишдан кетиб оналик вазифаларини мустақил бажаради. Шу ўринда ўз бизнесини бошлаш бу — бандлик ва бола парваришини бирлаштиришга имкон берадиган мувоза-

натли ечим сифатида юзага келади.

Таътил давомийлиги ўртача (6 ойгача) бўлган мамлакатларда нафақат оналар, балки оталар ҳам ўз ишини йўқотишдан қўрқмасдан тўлақонли бола парвариши билан шуғулланиши мумкин. Бола парваришида узок муддатли таътил назарда тутилган аксарият ривожланган мамлакатларда аёлларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги пасайиши, касбий компетентлиги йўқолиши кузатилади. Табиийки, бу уларнинг профессионал бандлиги ва карерасига салбий таъсир қилади.

Глобал тадбиркорлик индексига кўра, 2018 йилда 137 мамлакат рўйхатида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича биринчи бешликдан мос равишда АҚШ, Швейцария, Канада, Буюк Британия ва Австралия жой олди[8]. Индекс ўн тўртта параметрни ўз ичига олади: бизнесни бошлаш учун имкониятларнинг мавжудлиги/етишмаслиги; таълим, тажриба, компетенциялар даражаси; ўз ишини бошлашда хавф даражаси; тадбиркорлар профессионал ҳамжамиятининг мавжудлиги/йўқлиги, уларнинг географик жойлашуви; тадбиркорликни рағбатлантирадиган/тўсиқ бўладиган ижтимоий-маданий омиллар; янги технологиялар ривожланиши ва уларни бизнесда қўллаш имконияти; хусусий бизнеснинг меҳнат бозоридаги мавқеи; рақобатбардошлик; инновацияларни яратиш ва амалга ошириш; хусусий тадбиркорлик соҳасида инновацион технологиялардан фойдаланиш; ўсиш ва ривожланиш тенденциялари; халқаро майдон ва жаҳон бозорларига чиқиш қобилияти; давлат/хусусий

инвестициялар.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини рағбатлантириш аёллар бизнес фаоллиги индекси WBI (Women Business Index)га бевосита таъсир кўрсатади. Мазкур индекс ўзида аёлларнинг ишбилармонлик фаоллигини тавсифловчи қуйидаги йўналишлар кўрсаткичини намоён этади:

– “Тадбиркорлик маданияти” – жамиятнинг тадбиркор аёлларга бўлган муносабати;

– “Тадбиркорлик экотизими” – бизнес юритиш ша-роитларини баҳолаш;

– “Аёлнинг шахсий фазилатлари” – касбий маҳорат ва ишбилармонлик фазилатлари.

Афсуски, Глобал тадбиркорлик индексининг аёллар тадбиркорлиги бўйича 2020-2021 йиллардаги ҳисоботида Марказий Осиё давлатлари орасида фақат Қозоғистон ўрин олди. Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашнинг хиёма-хил механизмлари жорий этилаётган бўлса-да, барча соҳа ривожининг асоси бўлган рақобат ҳали шакланмаган, бори ҳам шарқона одобаҳдоқ доирасида кечмоқда.

Зеро, иқтисодчи олим Л.С. Ржаницинанинг айтганидек: “Аёл-она, ишчи, ходим ва уй бекаси, бу икки тарафлама оғирликни бирга қўшиб олиб бориш учун аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим. Бу жараёни гендер тенглиги даражасида ўрганиб, нафақат ижтимоий ишлаб чиқаришда иш билан бандлик балки, уларнинг оилавий муаммолар, болалар тарбияси билан машғуллигини енгилаштиш керак”[9].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Liñán F, Fayolle A. A systematic literature review on entrepreneurial intentions: Citation, thematic analyses, and research agenda // *The International Entrepreneurship and Management Journal*. – 2015. – № 114. – p. 907-933. – doi: 10.1007/s11365-015-0356-5.
2. Fernandes T, & Proença J. Reassessing relationships in consumer markets: Emotion, cognition, and consumer relationshipintention//*JournalofRelationshipMarketing*. – 2013. – №1. – p.41-58. – doi:10.1080/15332667.2013.763719.
3. Criaco G., Sieger P., Wennberg K., Chirico F., Minola T. Parents’ performance in entrepreneurship as a “double-edged sword” for the intergenerational transmission of entrepreneurship // *Small Business Economics*. – 2017. – № 4. – p. 841-864. – doi: 10.1007/S11187-017-9854-X.
4. Baughn C.C., Chua B.L., Neupert K.E. The normative context for women’s participation in entrepreneurship: a multicountry study // *Entrepreneurship Theory and Practice*. – 2006. – № 5. – p. 687-708
5. Dohse D., Walter S.G. Knowledge context and entrepreneurial intentions among students // *Small Business Economics*. – 2012. – p. 87
6. Hofstede G. Dimensionalizing cultures: the Hofstede model in context. Online Readings in Psychology and Culture. URL: <https://scholarworks.gvsu.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1014&context=orpc>
7. Thébaud S. Passing up the job: the role of gendered organizations and families in the entrepreneurial career process // *Entrepreneurship Theory and Practice*. – 2016. – № 2. – p. 269-287.
8. Ács Z.J., Szerb L., Lloyd A. The Global Entrepreneurship Index 2018. Springer.com. URL: <https://www.springer.com/gp/book/9783030032784>
9. Ржаницына Л.С. Женщины и рынок труда. М.: Политиздат, 2000. -75-76 с.

Газни қайта ишлаш саноатини дастурий таъминотлар асосида такомиллаштириш йўллари Пути совершенствования газоперерабатывающей промышленности Республики Узбекистан на основе программного обеспечения Ways to improve the gas processing industry of the Republic of Uzbekistan on the basis of software

Маъсуда РАХМАТОВА,
И.Каримов номидаги ТДТУ таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада мамлакатимизда газни қайта ишлаш корхоналари фаолиятини дастурий таъминотлар асосида такомиллаштириш ва тармоқ корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ қилинган.

В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования деятельности газоперерабатывающих предприятий страны на основе программного обеспечения и, соответственно, повышения экономической эффективности предприятий отрасли.

This article discusses the issues of improving the activities of the country's gas processing enterprises on the basis of software and, accordingly, increasing the economic efficiency of the industry's enterprises.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш орқали дастурий таъминот ва блокчейн тизимидан кенг фойдаланиш ҳар қандай соҳада шаффофлик ошиб, коррупция камайишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда монопол тармоқларда давлат улушини камайтиришга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилиши газни қайта ишлаш корхоналари инфратузилмасини сифат жиҳатдан яхши томонга ўзгараётганини кўрсатади. Сабаби жалб этилаётган инвестициялар тармоқ корхоналарининг инфратузилмасини янгилаш ва молиявий ҳолатини барқарорлашига имкон беради. Ҳозирги даврда газни қайта ишлаш корхоналари инфратузилмасини инновацион дастурий таъминотлар асосида такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш жуда долзарб ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли иқтисодиётга трансформация қилиш бўйича 2000 йилларда иқтисодчи олим Э. Бринолфссон, Б.Кабин[4], Б.Йоханссон, Ч. Карлсон, Р.Стоулар [5] томонидан концепция ишлаб чиқилган. Э. Бринолфссон ва Б.Кахин рақамли иқтисодиёт таркибига дастурий таъминотлар, шунингдек, ахборотларни қайта ишлайдиган дастурий таъминотлар, рақамли технологиялар ёрдамида таклиф этиладиган электрон тижорат ва хизматларни киритади.

Б.Карлссон ва Р.Стоу концепциясида рақамли технологияларнинг иқтисодиётни трансформация қилиш жараёнига интернет ва технологияларни ўзаро бир-бирига мужассамлаштириш нафақат ишлаб чиқариш соҳасини, балки қайта ишлаш тизимининг ривожига ҳам муҳим ўрин тутишини асос-

Калит сўзлар: газни қайта ишлаш, дастурий таъминот, SCADA, инфратузилма, самарадорлик, газ ҳайдаш станциялари, газ ҳайдаш агрегатлари, газ тарқатиш станциялари, газ тарқатиш пунктлари, магистрал газ қувурлари.

лаб берди.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилнинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” [1] деб эълон қилиниши ҳамда шу бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилгани республика миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида рақамлаштириш, дастурий таъминотлар яратиш ва АКТни кенг қўллаш бўйича устувор йўналишлар асосида ривожланишини назарда тутди. Келгуси беш йилда рақамли иқтисодиётга ўтиш вазифаси катъий мақсад сифатида белгилаб қўйилди.


“Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибидаги тармоқ корхоналарини маълумотларга кўра, газни қайта ишлаш корхоналари инфратузилмасини бугунги кунда 26 та газ ҳайдаш станциялари, 254 та газ ҳайдаш агрегатлари, газ 395 та тарқатиш станциялари, 101317 та газ тарқатиш пунктлари, 13332 км магистрал газ қувурлари, 13736 км юқори босимли газ қувурлари, 31651 км ўрта босимли газ қувурлари, 85203 км паст босимли газ қувурлари, 210 та мавжуд эркин газ конларини ташкил этади[2].

Корхона фаолиятини янада самарали ташкил

этиш учун ижтимоий- иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиб бориш, дастурий таъминотлардан фойдаланган ҳолда молиявий, меҳнат ва моддий ресурсларни тежаш, ички-ташқи жараёнларни кузатиб бориш ва қайта ишлашда корпоратив ахборот тизимларини рақамлаштиришни талаб этади.

Корхонада технологик жараёнларни автоматлаштирилган тизимида назорат қилиш ахборотлар ҳажми энг юқори тезлиги дақиқа, соат, сония ва ҳаттоки миллисекундда бўлиши мумкин. Бунда назорат қилишнинг юқори қатлами SCADA тизимларида технологик параметрлар йиғилиб қайта ишланади ва ишлаб чиқаришни бошқариш тизими (MES) даражаси учун дастлабки маълумотлар базаси яратилди (1-чизма).

“Муборак” ГҚИЗ АЖ корхонасининг ўртача йиллик ишлаб чиқариш қувватини маҳсулот турлари бўйича таҳлил қилиб кўрсак. Унга кўра, табиий газ конденсати 574,4 минг тоннани, суюлтирилган пропан ва бутан 306,6 минг тоннани, техник олтингургурт 467985,7 тоннани ҳамда бошқа буг ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси) 3000 Gcalни ташкил этади. Ишлаб чиқаришда фойдаланилган машина



1-чизма. “Муборак” ГҚИЗ АЖда маҳсулотни қайта ишлашда интеграллашган ахборот тизимлари ва уларни қўллаш усуллари.

ва асбоб-ускуналарни ёши бўйича таркиби (асбоб-ускунанинг ишлаб чиқарилган йилидан келиб чиққан ҳолда) 3 йилгача 93,5 фоизни, 4-5 йилгача 3,3 фоизни, 6-10 йилгача 1,9 фоизни, 10 йилдан ортиғи эса 1,3 фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, асосий ишлаб чиқаришда фойдаланилган машина ва асбоб-ускуналарни эскириш даражаси 31,9 фоизни ташкил этмоқда[3].

Корхонада мавжуд ERP автоматлашган тизими билан SCADA дастурий таъминоти орқали эришилган натижа орасида сезиларли фарқ мавжуд. Масалан, ERP ёрдамида газни қайта ишлаш қуввати 135 м³/соат бўлса, SCADA дастурий таъминотида кутилаётган натижа 255 м³/соат ни ташкил этади.

SCADA тизимини корхона тадбиқ этиш икки-

ламчи ускуналарни ишлатишнинг сезиларли даражада арзонлашувига олиб келади ва иқтисодий самара беради. MES ахборот тизими ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини диспечерлаш ва назоратни таъминлайди.

Замонавий қайта ишлаш корхоналари доимо ўзгарувчан мураккаб тизим. Улар бир-бири билан ўзаро муносабатга эга. Бугунги кунда замонавий корхоналарнинг самарали фаолият юритиши учун барча ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни, шунингдек, ресурсларни замонавий дастурий таъминот тизимлари асосида комплекс автоматлаштиришга асосланган мукамал ишлаб чиқариш шароитини яратиш талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2020 йил 24 январдаги “2020 йил — Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” номи Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
2. М.Г. Рахматова. Саноат корхоналари фаолиятини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш йўллари. Автореферати, 2022.
3. Ш.Д. Тулаганов. Интеллектуализация систем управления технологическими процессами переработки природного газа, Автореферат 2017 г.
4. Brynjolfsson E., Kabin B. Understanding Digital Economy: Data, Tools and Research. Massachusetts, and London, England: The MIT Press, 2000.408 p.
5. Johnasson B., Karlson Ch., Stough R. The Emerging Digital Economy: Entrepreneurship, Clusters and Policy. Berlin: Springer Science & Business Media, 2006.352 p.

**Йўл хўжалиги тизимини ривожлантириш истиқболлари:
транспорт тизимидаги мавжуд муаммолар
Перспективы развития системы дорожного хозяйства:
существующие проблемы в транспортной системе
Prospects for the development of the road economy system:
existing problems in the transport system**

Абдинаби ХИММАТОВ,
Тошкент архитектура-қурилиш институти,
“Қурилишда менежмент” кафедраси мустақил изланувчиси.

Аннотация

Мақолада транспорт соҳасини ривожлантиришнинг объектив ва субъектив муаммолари, Ўзбекистонда мазкур соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ва таклифлари берилган.

В данной статье раскрыты имеющиеся субъективные и объективные проблемы в развитии транспортной отрасли. Даны фундаментальные пути реализации и предложения по развитию отрасли.

This article reveals the existing subjective and objective problems in the development of the transport industry. Fundamental ways of implementation and proposals for the development of the industry are given.

Ҳозирда шаҳарлар транспорт тизимларининг муаммолари орасида асосий масалалардан бири норматив-ҳуқуқий базасининг мавжудлигидир. Чунки, ваколатли ва тўлақонли ҳуқуқий база транспорт сиёсатининг муваффақияти учун энг муҳим асос (бошқарув менежменти) ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш омиллари замонавий бошқарув тизимларини яратиш, тартибга солиш ва иқтисодий функцияларни аниқ чегаралаш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, хусусий секторни жалб этиш сингари элементларни ўзида акс эттиради. Транспорт соҳасида эса транзит салоҳияти ва юк ташиш ҳажминини ошириш орқали республика географиясини ҳисобга олган ҳолда замонавий автомобиль йўллари тармоғини

ривожлантириш, йўл қурилиши ва бошқарувига инновацияларни кенг жорий этиш талаб этилади.

Шаҳарларнинг транспорт тизимлари фаолиятининг асосий муаммолари ҳамма учун бир хил. Уларни тизимлаштирган ҳолда объектив ва субъектив муаммоларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Объектив муаммолар: аҳолининг автомобиль билан таъминланиш даражасининг ошиши; шахсий транспорт воситаларидан фойдаланиш, транспорт интенсивлигининг ўсиши; шаҳар йўловчи транспорти самарадорлигининг пасайиши; аҳолининг кўчиб ўтишга бўлган эҳтиёжининг ортиши; автомобиллаштириш даражаси ва йўл қурилиши суръати ўртасидаги тафовутнинг мавжудлиги; шаҳар-созлик ва шаҳар ҳудудини ривожлантиришнинг

Калит сўзлар: жаҳон иқтисодиёти, транспорт тизимлари, ривожланиш омиллари, соғлом рақобат, транзит, инвестицион жозибадорлик, йўл хўжалиги иқтисодиёти, менежмент, йўл қурилиши, халқаро стандартлар, транспорт кўрсаткичлари, аҳолининг ҳаракатчанлиги, иқтисодий эркинлик индекси, логистика самарадорлиги индекси.

режалаштириш муаммолари.

Субъектив муаммолар: автотранспорт мажмуасини ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқариш тизимининг мукамал эмаслиги; ҳудудлар, шаҳарлар транспорт тизимини бошқариш соҳасида қонунчилик базаси ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишда маълумотларнинг (рақамлаштириш) етарли эмаслиги; транспорт инфратузилмасини ва йўл тармоқларни ривожлантиришда молиялаштиришнинг пастлиги; транспорт инфратузилмаси объектларини бошқариш, мулк ҳуқуқларини фарқлаш ва ҳал қилинмаган мулк масалалар; инсон омилнинг салбий таъсири.

Транспорт муаммоларини ҳал қилишда тизимли ёндашув бу — тегишли соҳавий ва ҳуқуқий асослар орқали амалга ошириладиган бошқариш тизимлари, шаҳарсозлик, ердан фойдаланиш ва бошқариш синтезига асосланган мураккаб комплекс сиёсатни давлат даражасида амалга ошириш. Йирик шаҳарларда транспорт коллапсини олдини олишда фақат бошқарув (менежмент) синтезидан фойдаланишга зарурат туғилади.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда халқаро стандартларга мувофиқ йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, замонавий автомобиль йўллари қуриш, йўл ҳаракати қулайлиги ва хавфсизлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш бўйича ишларни молиялаштириш сезиларли даражада кўпайди. Бу эса охириги йилларда бажариладиган йўл-қурилиш, таъмирлаш ишлари ҳажмини деярли уч баравар оширди.

Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси каби халқаро молия институтлари билан биргаликда йўл қурилиши соҳасида лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банки маблағларини жалб қилган ҳолда илғор халқаро стандартларга мувофиқ тезюар пулли автомобиль йўллари қуриш бўйича лойиҳаларни тайёрлашга киришилди.

Шу билан бирга республика йўл хўжалигини давлат томонидан бошқариш тизимида рақобат муҳитини шакллантириш ва тармоққа инвестициялар жалб этилишига тўққинлик қилаётган қатор муаммолар ва камчиликлар мавжуд. Жумладан, йўл тармоғига инвестицияларни, хусусан, дав-

лат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб қилиш бўйича узоқ муддатли стратегиянинг йўқлиги харажатларнинг асосий молиявий юқини давлат бюджетига юклаган ҳолда молиялаштиришнинг муқобил манбаларидан фойдаланиш имконини бермаяпти.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари қўмитаси томонидан назорат ва хўжалик функцияларининг, шу жумладан, буюртмачи ва пудратчи ваколатларининг бирга олиб борилиши бошқарувнинг самарали тизимини яратиш ва йўл-қурилиш ишлари бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш имконини бермаяпти [1].

Бугун транспорт соҳасидаги замонавий муаммоларни ҳал қилишда тўсиқ бу — йирик шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда транспорт сиёсатини амалга оширишни таъминлайдиган меъёрий-ҳуқуқий базанинг мукамал эмаслигидир. Соҳага оид бир қатор тизимли камчилик ва муаммолар мавжуд. Айниқса, автомобиль йўллари соҳасида миллий қонунчилик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат стандартлари ва қоидалар эскирган ҳамда замон талабларига жавоб бермайди.

Кадрлар тайёрлаш тизимининг қониқарли даражада ташкил этилмагани, ўқув жараёнининг амалиётдан узоқлиги ҳамда ўқитувчиларнинг етарли малакага эга эмаслиги, замонавий лабораторияларнинг камлиги соҳада профессионал кадрлар етишиб чиқишига тўққинлик қилмоқда.

Шаҳар транспорт тизимлари муаммоларини самарали ҳал қилиш йўллари: йўл транспортини давлат томонидан бошқаришнинг тармоқ ҳуқуқий асослари ва усулларини такомиллаштириш ҳамда йўл ҳаракатини ташкил этиш тизими; транспорт ва шаҳарсозликни рационал ва тўлақонли режалаштириш; йўл қурилишини тезкор ташкил этиш ва мавжуд йўл тармоғини максимал даражада сақлаш; магистрал йўл тармоқларининг мавжуд ресурсларига йўл фойдаланувчиларининг тенг киришини таъминловчи замонавий шаҳарлараро транспорт ҳаракатини бошқариш тизимларини жорий этиш орқали амалга ошириш мумкин бўлади.

Давлат сиёсатининг мақсадларидан бири транспорт тизимларининг кафолатланганлиги, ишончлиги, хавфсизлиги, барқарорлиги, мослашувчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш орқали аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳисобланади.

Йўл хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти — сарф-харажатларни ҳисоблаш ва уларни камайти-

риш шарти билан энг яхши натижаларга эришиш мақсадида қурилиш соҳасидаги ишлаб чиқаришни, ички лойиҳалаш масалаларига янги ёндашиш, қурилиш ишлаб чиқаришининг асосий элементларидан самаралироқ фойдаланишни ташкил қилиш усуллари ва йўлларини, объект қурилиши лойиҳа қарорининг энг самаралисини асослаб беради.

Транспорт тизимига комплекс ёндашувда эса иқтисодий тизим фаолияти, оралиқ эмас, балки пировард натижага эришишга йўналтирилган бўлиши, бозор талабларига қаратилиши лозим бўлади.

Инвестицион муҳитни ошириш транспорт соҳасида давлат монополиясини қисқартириш, замонавий корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилиш, давлат-хусусий шерикчилик, рақамлаштириш, ташқи савдони кенгайтиришда янги ташаббусларни қўллаш, халқаро логистика тизимларига аъзоликни кенгайтириб бориш каби мақсадли йўналишлар бўйича ислохотларни амалга оширишда ёрдам беради.

Бирок Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банки томонидан юритилаётган логистика самарадорлиги индекси (Logistics Performance Index - LPI) бўйича халқаро рейтингда 99-ўринни эгаллади. Жаҳон банкининг ҳисоботида 168 мамлакат ўрин олган бўлиб, мазкур индекс маҳаллий компанияларнинг миллий ва халқаро бозорларга чиқишни таъминловчи таъминот занжирларининг самарадорлигини ўлчайди.

Индексининг 6 та таркибий қисмлари бўйича Ўзбекистон божхона тартиблари бўйича 140-ўрин, инфратузилма бўйича 77-ўрин, халқаро юклар бўйича эса 120-ўринни эгаллаган. Логистика сифати бўйича 88-ўрин, товарларни кузатиб бориш имкониятлари бўйича 90-ўрин, етказиб бериш муддатлари бўйича эса 91-ўринни эгаллаган [2].

Мамлакатимизда соҳалар тизимидаги очиқликнинг етарлича эмаслиги натижасида Heritage Foundation томонидан эълон қилинган “Иқтисодий эркинлик индекси – 2022” рейтингда Ўзбекистон 55,7 балл тўплаган ҳолда 177 давлат орасида

117-ўринни эгаллади. Индекс методологиясига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти асосан “эркин бўлмаган мамлакатлар” гуруҳида қолди. Бундан ташқари 119 давлатда (67,2 фоизда) пасайиш кузатилди. Барқарор ижобий тенденцияга қарамай (5 йилда +35 позицияга юқорилаган), Ўзбекистон 2022 йилги рейтингда 9 поғонага пастлаган ва Осиё-тинч океани регионининг 39 та мамлакати ичида 25-ўринни эгаллаган [3].

Ўзбекистонда савдо эркинлиги (+20,2), инвестиция (+30,0) ва молиявий эркинлик (+20,0) ва монетар эркинлик бўйича баҳоларида (+1,3) сезиларли ўсиш қайд этилган. Қолган йўналишларда эса пасайиш кузатилган, хусусан, энг ёмон кўрсаткич “суд самарадорлиги” (-37,7) йўналиши бўлди. “мулкчилик ҳуқуқи” кўрсаткичи ҳам кескин пасайган. Бу йўналишда Ўзбекистон 26,2 балл йўқотган.

Хориж тажрибасига кўра, йўл тармоғи ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш иқтисодий алоқаларнинг интенсивлигини белгилайди ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда автомобиль йўллари тармоғи транспорт соҳасига оид вазирликлар бошчилигида йўл тармоғини ривожлантириш кўрсаткичларини ва унга мос келадиган молиялаштириш ҳажмларини белгилаб берадиган узоқ муддатли давлат дастурлари ишлаб чиқилади ва назоратга олиб борилади.

Хуллас, транспорт соҳасининг ривожланиши, транспорт ўтказувчанлигини таъминланиши ва шаффофлигига эришиш жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашга хизмат қилади. Халқаро майдонда мамлакат имиджини яхшилаш савдо, иқтисодиёт, инвестиция ва ижтимоий ривожланиш моделларини ишлаб чиқиш, етакчи халқаро таҳлилий ва илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, жаҳондаги бизнес уюшмалар билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалар туркумидан бири сифатида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5890-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.12.2019 й., 06/19/5890/4126-сон)
2. (Global Rankings 2018 | Logistics Performance Index (worldbank.org))
3. (Ўзбекистан в трендах мировой экономики / Экономическое обозрение, №3(267) 2022 год, 23-24-стр)

Германия банк тизимини ривожланиш омиллари Факторы развития банковской системы Германии Factors in the development of the German banking system

Маъсуда МЎМИНОВА,
ТДИУ Ш-босқич докторанти.

Аннотация

Мақолада Германия универсал банк тизимининг яратилиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш омиллари ва Deutsche банкнинг бўлимлари фаолияти ёритиб берилган.

В данной статье рассказывается о создании универсальной банковской системы Германии, ее особенностях, факторах развития и деятельности подразделений Deutsche банка.

This article describes the creation of the German universal banking system, its specific features, development factors and the activities of the departments of Deutsche Bank.

Европа банклари бизнес моделининг умумий хусусиятларини таҳлили орқали тизимда ахборотни ошқор қилиш ва ошқоралик тамойилига биноан: молиявий ҳолати, фаолияти, таваккалчилигини адолатли акс эттирадиган маълумот таъсирлари, рискларни бошқариш стратегиялари, корпоратив бошқарув сиёсати ва жараёнларини наشر қилади.

Европа банклари томонидан мувофиқлик хавфини бошқариш учун масъул бўлган функция ташкил этилган. У муайян мувофиқлик хавфини бошқариш сиёсати жараёнлари ва хавф-хатарларни таъминлашга қаратилган назоратни амалга оширади[1].

Бироқ жаҳон стандартлари ва жаҳон интеграцияси гарчи турли банк тизимларининг ўзаро таъсирини осонлаштира-да, улар орасидаги чуқур фарқларни йўқ қилмайди, салбий экзоген таъсир ва инкироз ҳодисалари таъсиридан ҳимоя қилмайди. Банк хизматлари бозори маҳаллий бошқарувнинг таъсиридан, маҳаллий урф-одатлардан ва иқтисодий ривожланишнинг маҳаллий даражасидан ҳоли эмас. Шунингдек, барча мамлакатларнинг банк ти-

зимлари, уларнинг турларидаги фарқига қарамай, ўзаро алоқа қилишга мажбур. Аммо, банклар фаолияти натижалари маҳаллий иқтисодий ривожланиш даражаларига ва қонунчилик базасига боғлиқ. Мисол ўрнида Германия банк тизими хусусиятларини таҳлил қиламиз.

Германияда штат банклари барча банк активларининг 40 фоизига эгаллик қилади. У ердаги банкларнинг умумий сони Европадаги банкларнинг 24 фоизини ташкил этади. Германияликлар Европа банклари активларининг 18 фоизига эгаллик қилади[2]. Шу билан бирга, Германия хусусий омонатчилар даромадларини Европадаги депозит ҳисоб варақларига жойлаштириш бўйича энг юқори 25 фоизга эга. Бошқа Европа мамлакатларида бу кўрсаткич 18 фоиздан ошмайди. Аммо, давлатга тегишли жамғарма кассалари мамлакат банк тизимидаги энг заиф бўгин ҳисобланади. Moody's рейтинг агентлиги маълумотларига кўра, Германия банк бизнеси билан ортиқча юкланган бўлса, у ердаги давлат банклари, масалан, Deutsche Bank кредитлар билан ортиқча юкланганини кўришимиз мумкин.

Калит сўзлар: маркетинг, инновацион маркетинг, рақамли маркетинг, интерактив технологиялар, коммуникация, алоқа ва ахборотлаштириш, корхона маркетинг фаолияти.

Германия банк тизими дунёдаги энг барқарор ва уюшган тизимлардан биридир. Мазкур тизимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, омонат кассалари институтлари, кооператив секторини юқори даражада ривожланганлиги ва уларнинг банк сектори ҳамда мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятининг юқорилигидадир. Банкларнинг энг муҳим вазифалари — узлуксиз пул оқими ва капитал айланмасини таъминлаш, саноат корхоналарини, шунингдек, давлат бюджети ва шахсий фермер хўжаликларини зарурий молиялаштириш ҳисобланади.

Германия универсал банк тизимининг яратилиши, авваламбор, саноат ривожлана бошлаганидан буён капитални етарли даражада шакллантирмагани, шунингдек, қимматли қоғозлар савдосини зарур даражада ташкил қилмагани ва қилолмаслиги билан оқланади.

Бугунги кунда Германиянинг энг йирик универсал банклари қаторига қуйидагилар киради: Deutsche Bank, Dresdner Bank ва Commerzbank. Ушбу банклар банкноталарни чиқариш ва ипотека кредити беришдан ташқари деярли барча турдаги операцияларни амалга оширади [3].

Гарчи хусусий банклар, кооператив кредит ташкилотлари ва давлат омонат кассалари ўз сиёсатлари билан фарқ қилса ҳам, ихтисослашуви ва у билан боғлиқ бўлган “меҳнат тақсмоти” мавжуд эмас.

Германиядаги универсал фаолият кўрсатадиган тижорат банклари билан бир қаторда, фақат маълум соҳаларда фаолият юритадиган бир қатор ихтисослашган молия муассасалари ҳам мавжуд. Бунга ипотека банклари ва якка тартибдаги қурилиш учун ва реал қийматлар гарови билан қарз берадиган бошқа кредит ташкилотлари, почта банклари ва бошқалар киради.

Ушбу универсал банк тизимининг асосий устунликларидан бири, бу диверсификация таъсирига асосланган юқори барқарорлик ва шу билан нақд депозитларнинг юқори ишончилигида. Универсал тарзда фаолият юритиб банк мижозга кенг қўламли операциялар ва хизматларни тақдим этиши орқали олинадиган даромад ва зарарларни қайта тақсимлаши мумкин.

Дунёдаги энг ривожланган банк тизимларидан бири бўлишига қуйидаги омиллар ёрдам беради:

Германия банк тизимини ривожланиш омилларига эътибор қаратсак, биргина анъанавий равишда тезаврацияга йўналтирилган аҳоли менталитети омили жамғариш функциясини такомиллашишга

олиб келади. Бу эса ўз-ўзидан банкларга ривожланиш ва даромад ошириш имконини беради. Германияда юқори рейтингга эга бўлаган Deutsche банкни фаолиятига назар солсак мижозлар билан ишлашда тўртта бўлимни ўз ичига олади.

Корпоратив банк бўлими мижозларга ликвидликни бошқариш, валюта, тўлов, савдони молиялаштириш ва кредит бериш ечимларини тақдим этади. Ушбу хизматларни бўлимлараро мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида инвестиция банки билан яқин ҳамкорлик қиувчи хазинани қоплаш гуруҳи томонидан ташкил этилган.

Мижозларнинг институционал хизматлари молия институтлари, инвесторлар ва эмитентларга кассаларни бошқариш, ишончли ҳамда агентлик ечимлари ва қимматли қоғозлар бўйича хизматларни тақдим этади.

Инвестиция банки бўлими анъанавий кучли томонларини молиялаштириш, маслаҳат бериш, доимий даромад ва валюталар йўналтиришга қаратади. Корпоратив мижозларга стратегик маслаҳат беради ва йўналтирилган капитал бозори бизнеси ҳамда макро тадқиқот имкониятларини, мақсадли капитални сотиш кучини ўз ичига олади.

Ушбу бўлим даромадлар ва валюталарни энг юқори даражадаги институционал савдо кучларини, савдо-сотик ва хорижий валюта, ставкалар, кредит ва ривожланаётган бозор тузилмалари бўйича тажрибага эга жаҳон даражасидаги тадқиқотларни бирлаштиради.

Deutsche банк таркибидаги қидирув гуруҳи макро ва микро таҳлил учун жавобгардир ҳамда мижозлар, манфаатдор томонлар учун маслаҳатчи вазифасини бажаради. Ушбу гуруҳ банк учун молиявий бозорлар, иқтисодиёт ва жамиятга тегишли тенденцияларни таҳлил қилган ҳолда хатар ва имкониятларни даражасини аниқлайди. Албатта, юқори сифатли, мустақил таҳлилларни амалга оширган ҳолда иқтисодий, фискал, меҳнат бозори ва ижтимоий сиёсат масалалари бўйича жамоатчилик муҳокамасини фаол равишда олиб боради.

Хусусий банк бўлимининг барча сегментларда мижозларга эътибор қаратади. Германиядаги бозор етакчиси бўлиб, Европада йўналтирилган банк ва юқори рақобатбардош бойлик менежери сифатида ўз мавқеига асосланади.

Deutsche банкнинг хусусий банки корпоратив бўлими Deutsche ва Postbank брендларининг тажрибасини, шунингдек, ўз бизнесини бой ҳамда ху-



1-чизма. Германия банк тизимини ривожланиш омиллари [4]

сусий мижозлар, кичик ва ўрта бизнесни ўз ичига олган халқаро хусусий глобал тармоғини бирлаштиради.

Немис банклари Германиянинг ички бозорида ҳам, халқаро миқёсда ҳам ўз мижозларига юқори сифатли молиявий хизматларни таклиф этаётга-

нини кўриш мумкин. Мамлакатимиздаги мавжуд тижорат банкларида ҳам мижозлар ва талабчан тадбиркорлар учун кенг қамровли хизматларни таклиф этиш асносида корхоналарни қўллаб-қувватлаш молия бозорларидаги муаммоларни ечишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.econstor.eu/bitstream/>
2. <https://www.fundamental-research.ru/ru/article/view>
3. <https://be5.biz/ekonomika1/r2015/1011.htm>
4. Иқтисодий адабиётлар асосида муаллиф ишланмаси.

УДК: 341(575.1)

Особенности цифрового маркетинга в малом бизнесе и предпринимательстве

Кичик бизнес ва тадбиркорликда рақамли маркетингнинг хусусиятлари

Digital marketing features in the small business and entrepreneurship

Фатима КАСИМОВА,
доцент кафедры «Экономика и менеджмент промышленности» ТХТИ.

Аннотация

В статье рассмотрены инструменты цифрового маркетинга, активно используемые в настоящее время малыми предприятиями.

Мақолада ҳозирда кичик бизнес томонидан фаол фойдаланилаётган рақамли маркетинг воситалари муҳокама қилинган.

The article discusses digital marketing tools that are currently actively used by small businesses.

На сегодняшний день процесс цифровизации рассматривается как основной, наиболее эффективный механизм, направленный на повышение работоспособности, конкурентоспособности и оптимизации деятельности любого предприятия вне зависимости от его масштаба. В последние годы у малых предприятий Республики Узбекистан появилось множество новых возможностей для реализации эффективной маркетинговой политики вследствие бурного развития цифрового маркетинга. Этот вид маркетинга предоставляет широкий спектр инструментов для донесения коммерческой информации до целевой аудитории с использованием современных информационных технологий.

Рассмотрим основные методики и инструменты цифрового маркетинга, активно используемые в настоящее время малыми предприятиями.

1. Поисковое продвижение или SEO (search engine optimization).

Поисковым продвижением называется совокупность мероприятий цифрового маркетинга,

которые ориентированы на повышение позиций интернет-ресурсов компании в результатах выдачи поисковых систем. Эффективная деятельность в области SEO позволяет предприятию получить максимально высокие позиции в поисковой выдаче по ключевым фразам, наиболее соответствующим деятельности данного предприятия.

2. Контекстная реклама – это технология продвижения, позволяющая демонстрировать рекламные сообщения о продукции или услугах малого предприятия при нахождении на веб-страницах с похожим контентом.

3. Медийно-контекстная реклама – это усложненный вариант контекстной рекламы. В данном случае используются медийно-контекстные баннеры, которые демонстрируются на крупных сайтах по специальным алгоритмам, в зависимости от поведения пользователей. Технология отбора пользователей осуществляется аналогично технологиям обычной контекстной рекламы.

4. Email маркетинг. Данное направление отно-

Ключевые слова: цифровой маркетинг, реклама, электронная коммерция, стратегия.

сится и к традиционному маркетингу, и к цифровому. Суть этой техники заключается в рассылке электронных почтовых сообщений существующим и потенциальным клиентам.

5. Продвижение в социальных сетях (social media marketing, SMM).

Данное направление продвижения основано на привлечении внимания пользователей социальных сетей к товарам или услугам компании. Требует минимум финансовых затрат, может осуществляться силами самого предпринимателя, без привлечения

В таблице 1 рассмотрим инструменты маркетинга, применяемые малыми предприятиями в Узбекистане и других странах. Таблица составлена автором на основании использования международного сборника маркетинговой статистики за 2021 г.¹

Следует отметить, что в настоящее время рынок цифрового маркетинга получил значительный импульс развития. Увеличивается количество агентств, повышается качество предлагаемых сервисов, на рынок выводятся новые аналитические




Рис. 1. Классификация баннерной рекламы.

дополнительных специалистов.

6. Баннерная реклама в интернете.

Для получения максимального результата от размещения баннеров в интернете предпринимателю необходимо грамотно выбрать площадку и место для рекламы.

Классификация баннерной рекламы приведена на рисунке 1.

решения, а также решения для управления взаимоотношениями с клиентами цифровой среде. Однако применение цифрового маркетинга в разных странах несколько отличается (рис. 1, 2).

По сравнению с США и Россией для малого предпринимательства Узбекистана характерно применение более дешевых инструментов цифрового маркетинга: email маркетинга, продвижения

Таблица 1. Инструменты маркетинга, применяемые малыми предприятиями в Узбекистане, России, США.

Инструмент цифрового маркетинга	Процент малых предприятий, использующих маркетинговые инструменты, % от общего количества		
	США	Россия	Узбекистан
Поисковое продвижение SEO	34	32	19
Баннерная реклама	17	13	9
Контекстная реклама	15	8	7
Медийно-контекстная реклама	12	7	8
Email маркетинг	11	15	24
Продвижение в социальных сетях	8	16	20
Другие виды рекламы	3	9	13

¹ The Ultimate List of Marketing Statistics for 2021 (Source: <https://www.hubspot.com/marketing-statistics>)




Рис. 2. Инструменты маркетинга, применяемые малыми предприятиями в Узбекистане, России, США.

в социальных сетях (24% малых предприятий). 13% малых предприятий Узбекистана используют другие маркетинговые инструменты (в том числе не цифровые). Несмотря на данную тенденцию, наблюдается рост интереса предпринимателей Узбекистана к таким инструментам продвижения, как поисковое продвижение SEO и баннерная реклама.

Цифровой маркетинг имеет свое продолжение в виде электронной коммерции. Электронные тор-

говые рынки способствуют трансляции на обширную аудиторию предложения предпринимателя о товарах и услугах. На электронном рынке покупатели находят интересующую их информацию о товарах или услугах, уточняют ее, изучают отзывы других покупателей, в случае принятия решения о покупке размещают заказы и производят их оплату при помощи различных средств электронных платежей.

Список использованной литературы:

1. Ковалевский О.И. Совершенствование маркетинговой деятельности на предприятиях среднего и малого бизнеса / О.И. Ковалевский. – Текст: непосредственный // «Молодой ученый». – 2017. – №43 (177). – С. 154-156.
2. Коданева К.С. Проблема малого и среднего бизнеса при переходе к цифровизации // «Экономика и бизнес. Теория и практика». 2021. №4-1 (74) С. 187-189.
3. Костюкевич Е.А. Зарубежный опыт организации маркетинговой деятельности фирмы / Е.А. Костюкевич, И. В. Швед, Надежда Костюшко. – Текст: непосредственный // «Вопросы экономики и управления». – 2016. – №5.1 (7.1). – С. 40-42.
4. Месропян В. Цифровые платформы – новая рыночная власть. Москва. 2018. – URL: <https://www.econ.msu.ru/sys/raw.php?o=46781&p=attachment> (дата обращения: 10.10.2021).
5. Николаева Е.С. Реализация подхода, ориентированного на клиента, с помощью внедрения CRM-системы // «Наука и образование сегодня». – 2017. – №6 (17). – С. 73-75.
6. Паршин Ю.А. Сегментирование клиентов для построения розничной стратегии кондитерского предприятия // «Пищевая промышленность». – 2019. – №1. – С. 36-38.
7. Полянин А.В., Соболева Ю.П., Тарновский В.В. Цифровизация процессов малого и среднего предпринимательства // «Управленческое консультирование». – 2020. – №4. – С. 80-96.
8. Попова А.В., Линдер Н.В. Влияние эффектов социальных сетей на трансформацию бизнес-моделей компаний в сфере туристических услуг. // Электронный научно-экономический журнал. №7 (39). 2017. С. 23-26.

Проблемы развития рынка труда и возможности их решения на основе перехода к “зеленой” экономике
 “Яшил” иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнат бозорини ривожланиш муаммолари ва уларни ўрни
 Problems of the development of the labor market and the opportunities for solving them on the basis of the transition to a “green” economy

Нодирахон ХОДЖАЕВА,
 Ташкентский государственный транспортный университет,
 Ph.D, доцент.

Аннотация

В статье рассматривается механизм проведения обязательного экологического мониторинга промышленных предприятий Республики Узбекистан. Анализируются основные составляющие экологического мониторинга. В статье рассмотрены показатели выбросов, требующих постоянного мониторинга, и место социально-трудовых отношений в них.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарида мажбурий экологик мониторингни ўтказиш механизми ҳақида сўз боради. Атроф-муҳит мониторингининг асосий таркибий қисмлари таҳлил қилинади. Мақолада доимий мониторингни талаб қиладиган кўрсаткичлари ва улардаги ижтимоий ва меҳнат муносабатларининг ўрни кўриб чиқилади.

The article discusses the mechanism for conducting mandatory environmental monitoring of industrial enterprises of the Republic of Uzbekistan. The main components of environmental monitoring are analyzed. The article considers the indicators of emissions requiring constant monitoring and the place of social and labor relations in them.

Для совершенствования экономических, социальных и экологических характеристик жизни населения многие страны мира реализуют программы по созданию и модернизации рабочих мест с учетом экологического фактора.

Международной организацией труда доказано, что формирование экологически ориентированного рынка труда содействует снижению уровня безработицы и способствует улучшению экологической ситуации в регионах.

Для Республики Узбекистан путь развития эко-

логически ориентированного рынка труда при одновременном снижении негативного влияния на окружающую среду является актуальным, так как позволит решить в долгосрочной перспективе комплекс социально-экономических и экологических проблем.

Обозначим социально-экономические проблемы рынка труда, которые возможно решить путем перехода к рынку труда, основанному на принципах «зеленой» экономики.

Окружающая природная среда – это совокуп-

Ключевые слова: экологический мониторинг, социально-трудовые отношения, выбросы, аналитический контроль, окружающая среда.

ность её естественных компонентов (атмосферного воздуха, поверхностных и подземных вод, почв, недр), ландшафтов и объектов, определяющих условия жизнедеятельности человека, обитания животных, растений и других живых организмов.

Загрязнение окружающей природной среды – это повышенное содержание в ней физических, химических или биологических реагентов, не характерных для данной среды, занесенных извне, наличие которых приводит к негативным последствиям.

Выбросы и сбросы являются основными источниками загрязнения атмосферного воздуха, воды и почв в региональном и глобальном масштабе.

Оценка состояния окружающей природной среды выполняется путем обобщения и анализа последовательных наблюдений (периодических и текущих),

по всей территории Республики Узбекистан, которые в обязательном порядке должны проходить экологический мониторинг ежемесячно. Список по регионам представлен в таблице 1.

Анализируя данные, представленные в таблице 1, можно сказать, что количество объектов, входящих в список мониторинга источников загрязнения, составляло 558, к 2022 году данный показатель составил 775 предприятий.

По итогам обработки полученных данных и оценки степени загрязненности земель ядохимикатами и промышленными токсикантами осуществляется подготовка отчетов и представление информации заинтересованным министерствам и ведомствам для принятия и реализации соответствующих мер по предотвращению загрязнения

Таблица 1.

Количество предприятий, прошедших экологический мониторинг в 2019-2022 гг.

№	Регионы	Всего объектов, подлежащих обязательному мониторингу			
		2019 г.	2020 г.	2021 г.	2022 г.
1	Республика Каракалпакстан	26	28	35	41
2	Андижанская область	54	62	73	78
3	Бухарская область	58	60	62	66
4	Джизакская область	25	35	35	37
5	Кашкадарьинская область	40	59	57	65
6	Навоийская область	37	43	46	44
7	Наманганская область	50	54	56	59
8	Самаркандская область	39	44	45	55
9	Сырдарьинская область	36	43	44	48
1	Сурхандарьинская область	23	28	33	42
1	Ташкентская область	71	71	75	101
1	Город Ташкент	35	42	43	44
1	Ферганская область	44	56	56	57
1	Хорезмская область	20	20	25	38
	жами	558	645	685	775

направленности и интенсивности изменений, сравнения полученных показателей с нормативами качественного состояния окружающей природной среды и с учетом возможного экологического ущерба.

Необходимо отметить, что в целях исполнения постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 05.09.2019 года №737 «О совершенствовании системы мониторинга окружающей природной среды в Республике Узбекистан» Государственным комитетом по экологии и охране окружающей среды был сформирован список предприятий, подлежащих электронной регистрации

почв токсичными веществами. Аналитический анализ показателей воздуха, воды и почвы за 2019-2021 представлен в таблице 2.

Таблица 2.

Аналитический контроль источников загрязнения окружающей среды (2018-2021гг.)

годы	2018	2019	2020	2021
Воздух	167	264	309	263
Вода	119	171	308	216
Почва	104	123	128	147
Всего	390	558	645	626

Анализ основных природных и техногенных

источников загрязнения окружающей природной среды в 2018 году проводился на 390 объектах, в 2019 году данный показатель увеличился на 168 объектов, к концу 2021 он составил 626 приоритетных экологических объектов (список объектов источников загрязнения ежегодно утверждается председателем Государственного комитета экологии и окружающей среды). Данный мониторинг должен проводиться ежемесячно, специалистами данной области.

Таблица 3.
Аналитический контроль воздуха хозяйствующих субъектов за 2018-2021 гг.

Годы	Кол-во хозяйствующих субъектов	Источники загрязнения	Среднее кол-во источников загрязнения
2018	157	1566	9
2019	241	3339	13
2020	293	3468	11
2021	263	2320	9
Итого	954	10693	42

Анализируя данные, представленные в таблице 3, аналитического контроля воздуха хозяйствующих объектов за 2018-2021 годы, можно сказать, что если в 2018 году количество хозяйствующих субъектов, у которых был взят на анализ воздух, составляло 157 объектов, к 2021 году количество субъектов увеличилось на 106 субъектов, тем самым увеличились и источники загрязнения. Если в 2018 году они составили 1566, к 2021 году 2320 источников загрязнения на каждый объект в среднем приходилось от 9 до 13 точек.

Таблица 3.3.
Аналитический контроль воды хозяйствующих субъектов за 2018-2021 гг.

Годы	Кол-во хозяйствующих субъектов	Источники загрязнения	Среднее кол-во источников загрязнения
2018	110	761	7
2019	165	1788	11
2020	204	1781	9
2021	216	1281	18
Итого	695	5611	45

Анализируя данные представленные в таблице 3.3 аналитический контроль воды хозяйствующих объектов за 2018-2021 года можно сказать, если в 2018 году количество хозяйствующих субъектов, у

которых был взят анализ воды составляло 110 объектов к 2021 количество субъектов увеличилось на 216 субъектов, тем самым увеличились и источники загрязнения. Если в 2018 году они составили 761 к 2021 году 1281 источников загрязнения на каждый объект в среднем приходилось от 7 до 18 точек.

Таблица 4.
Аналитический контроль почвы хозяйствующих субъектов за 2018-2021 гг.

Годы	Кол-во хозяйствующих субъектов	Источники загрязнения	Среднее кол-во источников загрязнения
2018	110	761	7
2019	165	1788	11
2020	204	1781	9
2021	216	1281	18
Итого	695	5611	45

Анализируя данные, представленные в таблице 4, аналитического контроля воды хозяйствующих объектов за 2018-2021 годы, можно сказать, если в 2018 году количество хозяйствующих субъектов, у которых была взята на анализ вода, составляло 110 объектов, к 2021 количество субъектов увеличилось на 216 субъектов, тем самым увеличились и источники загрязнения. Если в 2018 году они составили 761, к 2021 году 1281 источник загрязнения на каждый объект в среднем приходилось от 7 до 18 точек.

В таблице 5 был проведен аналитический контроль источников загрязнения окружающей среды по источникам выбросов за 2018-2021 годы.

Таблица 5.
Аналитический контроль источников загрязнения окружающей среды по источникам выбросов за 2018-2021 годы.

	2018 год	2019 год	2020 год	2021 год
Отработано (проб)	13186	28332	22789	22167
Проведено анализ	79777	100281	79205	64480

Анализируя данные, представленные в таблице 5, в 2018 году отобрано 13186 проб для анализа, по различным параметрам из этих проб проведено 79777. Из года в год данный показатель колеблется, на это повлияли различные факторы. Данные анализы и процедуры проводятся такими специалистами, как экологи, химики. Алгоритм их действий

следующий:

- 1) прибытие к месту отбора;
- 2) отбор (из поверхностного слоя или глубины), упаковка;
- 3) составление акта отбора;
- 4) доставка в лабораторию.

Для совершенствования экономических, социальных и экологических характеристик жизни на-

селения многие страны мира реализуют программы по созданию и модернизации рабочих мест с учетом экологического фактора. Международной организацией труда доказано, что формирование экологически ориентированного рынка труда способствует снижению уровня безработицы и способствует улучшению экологической ситуации.

Список использованной литературы:

1. Бухалков М.И. Управление персоналом: развитие трудового потенциала. Учебное пособие / М.И. Бухалков. - М.: НИЦ ИНФРА-М, 2013. - 192 с.
2. Веснин В.Р. Управление персоналом в схемах. Учебное пособие / В.Р. Веснин. - М.: Проспект, 2013. - 96 с.
3. Куприянчук Е.В., Щербакова Ю.В. Управление персоналом: ассесмент, комплектование, адаптация, развитие. Учебное пособие / Е.В. Куприянчук, Ю.В. Щербакова. - М.: РИОР, 2013. - 255 с.
4. Потемкин В.К. Управление персоналом. Учеб. для студ. вузов, специализирующихся на менеджменте организации, экономики труда и упр. персоналом / В.К. Потемкин. - М.: Питер, 2010. - 426 с.

Модель стимулирования развития цифрового маркетинга
в малом бизнесе и предпринимательстве
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда рақамли маркетингни
рағбатлантириш модели
A stimulating model of digital marketing development in small
business and entrepreneurship

Фатима КАСИМОВА,
доцент кафедры «Экономика и менеджмент
промышленности» ТХТИ.

Аннотация

В статье разработана методика определения эффективности применения электронных коммуникаций в деятельности малых кондитерских предприятий.

Мақолада кичик қандолатчилик корхоналари фаолиятида электрон алоқалардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш методологияси ишлаб чиқилган.

A methodology for determining the effectiveness of the use of electronic communications in the activities of small confectionery enterprises is explained in the article.

На сегодняшний день процесс цифровизации рассматривается как основной, наиболее эффективный механизм, направленный на повышение работоспособности, конкурентоспособности и оптимизации деятельности любого предприятия вне зависимости от его масштаба. На сегодняшний день коммуникационная политика предусматривает многочисленные формы коммуникационного взаимодействия с окружением вне зависимости от коммуникативного уровня. Коммуникационная политика зависит как от экономических факторов деятельности организации, так и неэкономических факторов (социально-культурных традиций, портрета потребителей и др.).

При продвижении кондитерского бизнеса необходимо учесть все особенности спроса и продаж в течение года.

Можно выделить 4 основных тренда в продви-

жении этого сегмента рынка в Узбекистане:

1. Обновление ассортимента. Обновлять ассортимент необходимо каждой кондитерской компании для того, чтобы не отставать от трендов. Необходимо следить за новинками: новые вкусы, формы, начинки.

2. Обновление упаковки. Обновляются не только масса, но и оформление упаковки. Всё большую популярность приобретают дорогие подарочные упаковки, сделанные на заказ.

3. Кондитерские изделия являются эмоционально воспринимаемой продукцией, поэтому, чтобы привлечь потребителя, имя и дизайн упаковки «сладкой» продукции должен быть ярким и креативным.

4. Необычное позиционирование. Большинство кондитерских относят свою продукцию к «элитной», эксклюзивной продукции. Они «вкусно»

Ключевые слова: цифровая трансформация, кондитерская продукция, модель, развитие бизнеса, стратегия.

преподносят свой товар.

Предложение продукции и кондитерских услуг премиум-класса. Шоколад, эксклюзивные конфеты, шоколад ручной работы всегда будут востребованы в том месте, где есть спрос на дорогие эксклюзивные товары.

Следовательно, использование социальных сетей, видео-платформ, медийной и таргетированной рекламы повышает уровень кондитерского предприятия на рынке. Рассмотренные методы продвижения способствуют привлечению потенциально го клиента с помощью своего запоминающегося

Таблица 1. Наиболее эффективные инструменты продвижения кондитерской продукции¹.

Инструменты продвижения	Приемы продвижения	Цель продвижения
Страницы в социальных сетях	Размещение фото, видео, проведение прямых эфиров, розыгрышей с клиентами-подписчиками, продажа онлайн продукции, имеющейся в настоящий момент	Показ всех тонкостей работы кондитерского предприятия повышает доверие покупателей
Видеоканал в YouTube	Ролики о новых рецептах, обзоры ингредиентов, упаковки	Поддерживается интерес к бизнесу
Медийная и таргетированная реклама	Продающие, информационные, развлекательные посты о продукции предприятия	Повышает объем продаж

Чтобы привлечь внимание новых клиентов и подтвердить свою значимость для постоянных клиентов, можно устраивать дегустации, сэмплинг-акции. Они способствуют привлечению новых клиентов, закреплению доверительных отношений с уже существующими потребителями. Этот метод маркетинга основан на психологии потребителя. При дегустации потенциальному клиенту будет психологически сложнее отказаться от покупки данного продукта, ведь он его попробовал, почувствовал его преимущества и возможную полезность для себя. Если ваша продукция действительно хорошего качества, есть своя изюминка, то компания повысит спрос клиентов на данный товар. Потребитель будет приобретать ваши изделия как во время дегустации, так и после неё.

Участие в выставках, ярмарках. Немало продукции успешно демонстрируется именно там. На выставке можно продемонстрировать клиентам новый продукт, новый дизайн упаковки и после выставки проанализировать, какие товары заинтересовали покупателя, значит, они в дальнейшем принесут прибыль. На выставках легко можно найти новых постоянных покупателей. С учетом приведенных особенностей рынка кондитерских услуг можно выделить наиболее эффективные инструменты продвижения кондитерских услуг (таблица 1).

контента.

Рассматривая процесс построения стратегии цифрового маркетинга в социальных сетях, автор выделяет пять ключевых этапов данного процесса. Первый этап продвижения включает определение объекта продвижения в рамках конкретной рекламной кампании. Второй этап включает определение цели продвижения продукта в социальных сетях. Цели могут быть следующие: продажи или повышение продаж; репутационная; исследование предпочтений аудитории; повышение узнаваемости бренда.

Второй этап включает определение цели продвижения продукта в социальных сетях. Цели могут быть следующие: продажи или повышение продаж; репутационная; исследование предпочтений аудитории; повышение узнаваемости бренда.

Необходимо выделить один из следующих типов продвижения в рамках второго этапа: внешний, внутренний, смешанный.

Третий этап включает работу с целевой аудиторией путем выделения ее сегментов. Сегментирование аудитории имеет особо важное значение в процессе настройки показа рекламных записей, отбора необходимых рекламных каналов, выбора наиболее подходящей социальной сети, создании новой рекламной идеи.

Четвертый этап формирования маркетинговой

¹ Источник: разработано автором.




Рис. 1. Этапы построения стратегии продвижения кондитерской продукции при помощи инструментов цифрового маркетинга в социальных сетях².

стратегии включает в себя реализацию выбранной рекламной идеи и особенностей ее продвижения.

Пятый этап формирования стратегии заключается в проведении анализа активности конкурентов в социальных сетях, который помогает оценить популярность рубрик конкурентов и выделить наиболее популярные. По результатам пятого этапа в стратегию вносятся актуальные коррективы.

В настоящее время одним из наиболее популярных методов продвижения кондитерской продукции малых предприятий является использование для этой цели кондитерского сайта предприятия.

В настоящее время одним из наиболее популярных методов продвижения кондитерской продукции малых предприятий является использование для этой цели кондитерского сайта предприятия.

Нами разработана методика определения эффективности применения электронных коммуникаций в деятельности малых кондитерских предприятий (таблица 2). Оценка выставлялась по десятибалльной шкале при помощи метода экс-

пертных оценок. Каждый блок имеет свое максимальное количество баллов, по степени его значимости.

Таким образом, нами получен итоговый показатель, равный 7,73. Соответственно, можно сделать вывод, что кондитерские предприятия малого бизнеса используют возможности своего сайта предприятия на 77,3%. Показатель высок, но возможны и улучшения в этой сфере.

После создания веб-сайта необходимо предпринять действия, которые сделают его заметным интернет-пользователям и потенциальным клиентам. Для этого необходимо, чтобы сайт выводился в поисковом запросе на первой странице, поскольку обычно большинство пользователей в сети Интернет при поиске информации, товаров или услуг просматривают первую и вторую страницы поискового запроса, не заходя на последующие.

Для быстрого продвижения сайта в поисковых системах следует не только грамотно наполнить его содержимым в виде достоверного текста и ориги-

² Источник: разработано автором.

Таблица 2. Оценка эффективности применения собственного сайта кондитерской организации³.

Критерии оценки	Удельный вес критерия	Эффективность использования, баллы	Итоговые показатели
Информационное наполнение сайта			
Сведения об организации	0,07	7	0,49
Сведения о партнерах	0,05	4	0,20
Реклама товаров	0,13	8	1,04
Дополнительные сведения	0,05	3	0,15
Итого	0,30	22	1,88
Возможность обратной связи			
Контактные сведения	0,10	9	0,9
Гостевая страница с отзывами и предложениями	0,05	1	0,05
Подписка на рассылки	0,05	8	0,4
Итого	0,2	18	1,35
Каталог			
Обновляемость	0,125	10	1,25
Содержание информации	0,125	10	1,25
Итого	0,25	20	2,5
Дополнительные параметры			
Дизайн сайта	0,125	8	1,00
Удобство использования	0,125	8	1,00
Итого	0,25	16	2,00
ИТОГО	1,00	76	7,73

нальных картинок, но и привлечь как можно больше посетителей. Этому способствует контекстная

реклама, которая чаще всего располагается в первых ссылках при запросе в сети Интернет.

Список использованной литературы:

1. Комолов С.А. Инновационное развитие кондитерских предприятий: сладости на пути к здоровому питанию // «Креативная экономика». – 2012. – №6. – С. 70-73.
2. Костюкевич Е.А. Зарубежный опыт организации маркетинговой деятельности фирмы // Е.А. Костюкевич, И.В. Швед, Надежда Костюшко. – Текст: непосредственный // «Вопросы экономики и управления». – 2016. – №5.1 (7.1). – С. 40-42
3. Месропян В. Цифровые платформы – новая рыночная власть. Москва. 2018. – URL: <https://www.econ.msu.ru/sys/raw.php?o=46781&p=attachment> (дата обращения: 10.10.2021).
4. Николаева Е.С. Реализация подхода, ориентированного на клиента, с помощью внедрения CRM-системы // «Наука и образование сегодня». – 2017. – №6(17). – С. 73-75.
5. Паршин Ю.А. Сегментирование клиентов для построения розничной стратегии кондитерского предприятия // «Пищевая промышленность». – 2019. – №1. – С. 36-38.
6. Полянин А.В., Соболева Ю.П., Тарновский В.В. Цифровизация процессов малого и среднего предпринимательства // «Управленческое консультирование». – 2020. – №4. – С. 80-96.
7. Попова А.В., Линдер Н.В. Влияние эффектов социальных сетей на трансформацию бизнес-моделей компаний в сфере туристических услуг. // Электронный научно-экономический журнал. – №7 (39). – 2017. – С. 23-26.

³ Источник: разработано автором.

Влияние «зеленой» экономики на объем занятости в Узбекистане

Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётнинг бандликка таъсири

Impact of “green” economy on employment in Uzbekistan

Фарид САГИДУЛЛИН,
научный соискатель Ташкентского филиала
РЭУ им. Г.В. Плеханова.

Аннотация

В статье исследован переход Узбекистана к «зеленой» экономике, который будет оказывать важное влияние на развитие рынка труда. В определенных секторах экономики будут сокращены рабочие места, но появятся новые возможности трудоустройства. Многим специалистам потребуются переподготовка и наличие навыков, предполагающих широкое использование новых технологий, внедрение которых повысит эффективность использования ограниченных ресурсов.

Перспективы развития «зеленой» экономики в Узбекистане предполагает системно-программный подход к сфере занятости населения, который будет сосредоточен на привлечении ресурсов и разработке политики в трех областях: «Адаптивное предпринимательство и рынок труда», «Социальная устойчивость» и «Зеленый» переход». Особую роль в процессе перехода Узбекистана к «зеленой» экономике играют образование и наука.

Мақолада Ўзбекистоннинг меҳнат бозори ривожига муҳим таъсир кўрсатадиган яшил иқтисодиётга ўтиши ёритилган. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида иш ўринлари қисқартирилади, аммо янги иш ўринлари пайдо бўлади. Кўпгина мутахассислар қайта тайёрлаш ва янги технологияларни кенг қўллашни ўз ичига олган малакаларга муҳтож бўлади, уларнинг жорий этилиши чекланган ресурслардан фойдаланиши самарадорлигини оширади Ўзбекистонда яшил иқтисодиётни ривожлантириши истиқболлари бандлик соҳасига тизимли-дастурий ёндашуви назарда тутади, бунда асосий эътибор ресурсларни жалб қилиши ва унга йўналиши бўйича сиёсатни шилаб чиқиши: “Мослашувчан тадбиркорлик ва меҳнат бозори”, “Ижтимоий барқарорлик” ва “Яшил ўтиш”. Ўзбекистоннинг яшил иқтисодиётга ўтишида таълим ва фан алоҳида ўрин тутади.

The article explores the transition of Uzbekistan to a green economy, which will have an important impact on the development of the labor market. Jobs will be cut in certain sectors of the economy, but new job opportunities will emerge. Many professionals will need retraining and skills that involve the widespread use of new technologies, the introduction of which will increase the efficiency of the use of limited resources.

Prospects for the development of a green economy in Uzbekistan assumes a system-program approach to the field of employment, which will focus on attracting resources and developing policies in three areas: “Adaptive entrepreneurship and the labor market”, “Social sustainability” and “Green transition”. Education and science play a special role in the transition of Uzbekistan to a green economy.

Ключевые слова: «зеленая» экономика, занятость, «зеленые» рабочие места, «зеленые» технологии, безработица, рынок труда, экология.

Новой тенденцией современного рынка труда в Узбекистане является развитие политики содействия занятости населения на основе принципов «зеленой» экономики. Основной аспект данной политики – формирование экологически ориентированного рынка труда путем создания «зеленых» рабочих мест, способствующих снижению негативного воздействия на окружающую среду и оздоровлению экологической ситуации [3].

Проведение продуманной политики перехода к более экологичной экономике позволит создать в мире к 2030 году двадцать четыре миллиона новых рабочих мест. Экосистемные услуги, включая очистку воздуха и воды, регенерацию и удобрение почв, борьбу с вредителями, опыление растений и защиту от экстремальных погодных условий, способствуют развитию сельскохозяйственного производства, рыболовства, лесного хозяйства и туризма, которые в совокупности обеспечивают работой 1,2 миллиарда человек [4].

По данным Министерства занятости и трудовых отношений РУз, в Узбекистане наблюдается высокий уровень безработицы и существует большой неформальный сектор, на долю которого, по оценкам, в 2018-2021 г. в среднем приходилось 60,0% от общей занятости.

Создание «зеленых» рабочих мест предусмотрено в числе основных принципов Стратегии по переходу на «зеленую» экономику на период 2019-2030 гг. За короткий период сформировано и создано 1787 «зеленых» рабочих мест. Расширение «зеленой» экономики и формирование необходимых навыков для «зеленых» рабочих мест должны способствовать повышению уровня занятости и обеспечению достойной работой в соответствии с Целями устойчивого развития [5].

«Зеленые» рабочие места – это достойные рабочие места, которые способствуют сохранению или восстановлению окружающей среды, будь то в традиционных секторах, таких как производство и строительство, или в новых, возникающих «зеленых» секторах, таких как возобновляемые источники энергии и энергоэффективность [1].

В сфере развития «зеленой» экономики планируется принять меры по повышению до 2026 года на 20,0% энергоэффективности экономики и сокращению на 10,0% объема выброса вредных газов в атмосферу путем активного внедрения технологий «зеленой» экономики во все сферы.

В целях достижения данных показателей проводится следующее:

- расширение и поддержка использования возобновляемых источников энергии, повышение энергоэффективности социально-трудовых, коммерческих и административно-бытовых зданий и сооружений;

- создание технологии получения, хранения и передачи водородной энергии путем новых «зеленых» рабочих мест на рынке труда;

- обеспечение энергосбережения по снижению потерь в отраслях промышленности и повышению эффективности использования ресурсов, с учетом применения «зеленых» рабочих мест.

Большая часть «зеленых» рабочих мест объединяет в себе существующий набор специализированных знаний с дополнительными навыками, имеющими отношение к «зеленым» технологиям, приложениям или процессам. Появляется необходимость в формировании некоторых радикально новых направлений профессионального опыта и знаний. При этом основной задачей является реформирование и модернизация системы профессионального образования и обучения (ПОО), а также предоставление возможностей для начального обучения, повышения квалификации и переобучения по всему диапазону рабочих мест и профессий в рамках обучения на протяжении всей жизни [Cedefop, 2010].

Количество рабочих мест, созданных на всех этапах процесса экологизации, зависит от размера спроса, инвестиций, торговли (где сами продукты или ресурсы импортируются, вычитаясь из внутреннего спроса или экспорта, тем самым увеличивая внутренний спрос и связанную с ним занятость) и эластичности занятости (количество рабочих мест, создаваемых или сохраняемых на единицу спроса). Спрос на экологически чистые товары и услуги имеет более высокую эластичность по занятости, чем средний спрос, и существенно превышает спрос на ресурсо- и энергоемкие товары (за исключением обслуживания автомобилей).

Экономическое развитие Узбекистана на период до 2030 года предусматривает обеспечение устойчивого экономического роста в соответствии с принятыми в международной практике определениями и характеристиками этого понятия. Целевые ориентиры экономического развития Узбекистана на период до 2030 года предусматривают увеличе-

ние к 2030 году объема валового внутреннего продукта не менее чем в 2 раза на основе повышения конкурентоспособности национальной экономики, которая будет достигаться прежде всего за счет увеличения продуктивной занятости.

Успешный переход состоит из разных компонентов, в том числе «зеленой» экономики, «зеленых» рабочих мест и «зеленых» навыков. В «зеленой» экономике благосостояние людей растет с сохранением поддерживающей нас естественной среды. «Зеленые» рабочие места вносят существенный вклад в сохранение или восстановление качества окружающей среды. Они включают профессии, которые помогают защитить экосистемы и биоразнообразие, сократить энергопотребление, расход материалов и водопотребление благодаря реализации высокоэффективных стратегий, исключить выбросы углерода и свести к минимуму или полностью исключить образование любых форм отходов и загрязнения [10]. «Зеленые» навыки – это «знания, способности, ценности и отношения, необходимые для того, чтобы жить в устойчивом ресурсосберегающем обществе, развивать и поддерживать его» [8].

Социологический опрос, проведенный среди молодежи Республиканским центром изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр» [9], показал их отношение к развитию «зеленой» экономи-

ки – они считают, что им важно жить в условиях «зеленой» экономики»:

87,4% респондентов сказали, что жить в условиях «зеленой» экономики им «очень важно»;

50,1% – «достаточно важно»;

32,4% – «важно».

На вопрос, совершают ли они / хотят ли совершать экологические действия, наиболее частым ответом была утилизация отходов (например, разделение бумаги, стекла, пластика и металла) – 52,7%;

на втором месте шли ходьба, езда на велосипеде или использование общественного транспорта (вместо автомобиля) – 46,0%;


сокращение использования одноразовой посуды – 42,0%.

По нашему мнению, особенность «зеленой» занятости состоит в том, что в её рамках реализуются традиционные направления политики занятости, такие как сокращение уровня безработицы, содействие самозанятости населения и др., а также развиваются новые направления:

уменьшение негативного воздействия на окружающую среду путем создания «зеленых» рабочих мест;

обучение «зеленым» профессиям и т.д.

Другими словами, при определении направлений «зеленой» занятости используется расширенный системный подход, который затрагивает



■ Очень важно ■ Достаточно важно ■ Не очень важно ■ Совсем не важно

Рис. 1. Важность «зеленой» экономики для молодежи Узбекистана.

вопросы развития рынка труда в экологически ориентированной экономике.

Особую роль в процессе перехода Узбекистана к «зеленой» экономике играют образование и наука. В мае 2019 года в Узбекистане утверждена Концепция по развитию экологического образования, предусматривающая поэтапное внедрение системы непрерывного экологического образования и воспитания на всех этапах обучения. Это требует дальнейшего совершенствования государственных стандартов, развития научного потенциала республики, пересмотра учебного процесса и системы

повышения квалификации для подготовки кадров по соответствующим специальностям, а также подготовки и издания учебных пособий, учебно-методических пособий, учебников, наглядных и дидактических материалов для образовательных учреждений на всех уровнях.

Движение к «зеленой» экономике приведет к значительным изменениям в занятости и доходах, с выигрышами и потерями как внутри секторов экономики, так и между ними. Все возможные последствия этого перехода – как положительные, так и отрицательные – должны быть приняты во вни-




Рис. 2. Общие эффекты «зеленой» экономики.

мание (рис. 2). Положительным моментом является то, что увеличение спроса и инвестиций в более экологичные продукты и услуги, а также в оборудование и инфраструктуру для их производства приведет к расширению определенных отраслей и предприятий. Это приведет к повышению спроса на рабочую силу и созданию рабочих мест (прямых рабочих мест), прежде всего в «зеленых» секторах. Кроме того, благодаря межотраслевым связям расширяющихся отраслей другие части экономики, которые поставляют ресурсы для расширяющихся «зеленых» секторов, также получают выгоду, создавая дополнительные рабочие места (косвенные

рабочие места), в том числе в не «зеленых» секторах, таких как отрасли с высокой теплоизоляцией, стекло и цемент для «зеленых» зданий или сталь и углеродное волокно для лопастей и башен ветряных турбин.

Таким образом, переход к устойчивой, более экологически чистой «зеленой» экономике окажет влияние также на рынок труда, создавая дополнительные рабочие места и повышая качество имеющихся рабочих мест во всех отраслях экономики Республики Узбекистан, обеспечивающих интересы человеческого развития и общества.

Список литературы

1. Abdurakhmanov K.Kh., Zokirova N.K. New challenges and priorities of the labor market development in Uzbekistan. Journal Revista Espacios. Vol. 40 (Number 10). Page 14. «ESPACIOS» №10/ Caracas, Venezuela. ISSN: 0798 1015/ Number 10, 2019.
2. Cedefop, Skills for green jobs [Навыки для «зеленых» рабочих мест]. Обобщенный европейский отчет, Люксембург.
3. Sustainable Development, Decent Work and Green Jobs (2013). Report of the International Labour Conference, 102nd session. Geneva, ILO.
4. World Employment and Social Outlook: Greening with jobs International Labour Office – Geneva: ILO, 2018.
5. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике (2021). <http://nsdg.stat.uz/>
6. Мирзиёев Ш.М. Новый Узбекистан – страна демократических преобразований, больших возможностей и практических дел. 17.08.2021. <https://president.uz/ru/lists/view/4547>
7. ОЭСР и CEDEFOP (СЕДЕФОП), 2014. «Исследования «зеленого» роста ОЭСР: более экологичные навыки и профессии. Основные факты», доступно по ссылке: <https://www>.
8. Республиканский центр изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр» (2020). <https://ijtimoiyfikr.uz/ru/>
9. Республиканский центр изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр». (2020) <https://ijtimoiyfikr.uz/ru/>

Biznes-Эксперт

ИҚТИСОДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОЙЛИК НАШР

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

2022 йил, 5 (173)-сон.
2008 йил январдан чоп этилмоқда.
Муассис: “Бизнес-Daily Медиа” Ноширлик уйи МЧЖ.

№ 5 (173), 2022 года.
Издается с января 2008 года.
Учредитель: ООО Издательский дом “Бизнес-Daily Медиа”.

Таҳририят:
Бош муҳаррир — А. Ибрагимов.
Мусахҳих — М. Мусулмонкулова.
Дизайнер-саҳифаловчи — А. Хатамов.

Редакция:
Главный редактор — А. Ибрагимов.
Корректор — М.Г. Супонова.
Дизайнер-верстальщик — А.Хатамов.

Таҳририят манзили:
100000, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 6.
Тел.: (+998 71) 259-21-96.
Факс: (+998 71) 259-21-97, 259-22-06.
E-mail: info@biznes-daily.uz

Адрес редакции:
100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 6.
Тел.: (+998 71) 259-21-96.
Факс: (+998 71) 259-21-97, 259-22-06.
E-mail: info@biznes-daily.uz

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда қайта рўйхатга олинган. 0507-сонли гувоҳнома.

Журнал перерегистрирован в Агентстве по печати и информации Республики Узбекистан 12 апреля 2013 года. Регистрационное свидетельство № 0507.

Журналнинг “Matbuot tarqatuvchi” АК обуна каталогидаги юридик ва жисмоний шахслар учун индекси — 1169.

Подписной индекс журнала в каталоге АК “Matbuot tarqatuvchi” для юридических и физических лиц — 1169.

Бичими 60X84 1/8 (4 б.т.). Адади 500.
Чоп этишга 30.05.2022 йилда рухсат этилди.
“VneshinvestProm» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
23-сонли буюртма. Манзил: Тошкент ш.,
Навоий кўчаси, 30-уй.

Формат 60X84 1/8 (усл. печ. лист 4). Тираж 500.
Подписано в печать 30.05.2022 г.
Отпечатано в типографии
ООО «VneshinvestProm».
Заказ 23. Адрес: г. Ташкент, ул. Навои, 30.

Бир ойда бир марта чиқади. Баҳоси келишилган нархда.
“Biznes-Эксперт” журналидан кўчириб босиш факат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Выходит один раз в месяц. Цена договорная.

Таҳририят фикри муаллифлар фикрига мос келмаслиги мумкин.

Перепечатка материалов “Biznes-Эксперт” допускается только с письменного разрешения редакции.

Юборилган қўлёзмалар рецензия қилинмайди ва қайтариб берилмайди.
Мақолалардаги факт ва рақамларнинг ҳаққонийлиги га муаллиф шахсан масъул.

Присланные рукописи не рецензируются и не возвращаются.
Авторы несут персональную ответственность за достоверность фактов, содержащихся в публикациях.

Реклама мазмунига реклама берувчи жавобгар.

Ответственность за содержание рекламы несет рекламодатель.